

Ушбу китобни ўқинг!

Жожи  
Мойеснинг  
мазкур китоби

**1 000 000**

нусхадан  
ортиқ ададда  
сотилган!

**ТО  
СЕНИ  
ТОШГУНИМЧА**

**ЖОЖО  
МОЙЕС**

ТО  
СЕНИ  
ТОШГУНИМЧА

жозо  
мойес

«SHARQ-ZIYO ZAKOVAT»  
нашриёт-матбаа уйи  
ТОШКЕНТ - 2020

УЎК 821.111-31  
КБК 84(4Ббр)  
М 68

М 68 **Мойес, Жожо.**

То сени топгунимча [Матн] : роман / Жожо Мойес. – Тошкент : Sharq-ziyo zakovat, 2020. – 304 б.

*Инглизчадан она тилимизга ўгирилган ёзувчи Жожо Мойеснинг «То сени топгунимча» романи инсон характерининг рангли бўёқлари акс эттирилган асар бўлса-да, унда ҳар бир образнинг ички кечинмалари ва яшаш маданияти ўзгача талқинда очиб берилади. 26 ёшли Луиза Кларкнинг бадавлат оилага оддий энага бўлиб ишга кириши, у ерда бахтсиз тасодиф туфайли иш қобилиятини йўқотган, ҳатто ҳаётдан бутунлай умидини узган ва ногиронлик аравачасига михланиб қолган Уилл Трейнорда қайта яшашга муҳаббат уйғоти олган беғараз меҳнатчи, энг муҳими, етти йилдан бери гаплашиб юрган беқарор Патрикдан кўнгил узиб, мажруҳ йигитни севиб қолиши рангли бўёқларда чизиб берилади. Роман китобхон аҳлининг ақлу шуурини бойиштади ва қизғин мушоҳадаларга чорлайди.*

*Жожо Мойес Лондонда туғилган. Лондон университетини тугаллаган. Ҳн йил мобайнида «Индепендент» газетасида ишлади. 2002 йилда унинг илк романи нашр қилинганидан сўнггина ўзини тўлиқ ёзувчиликка бағишлади. Адиба Романтик-ёзувчилар Ассоциациясининг «Йилнинг романтик романи» мукофоти билан икки бора тақдирланган камдан-кам ёзувчилар сирасига киради. Ушбу роман ҳақида мамлакатнинг етакчи газеталари ижобий фикрларни эълон қилган. «То сени топгунимча» романи дунёнинг 39 тилига таржима қилинган. Ўзбек тилидаги ушбу таржима эса биринчиси ва охиригиси эмас...*

*Инглиз тилидан  
Винерова Муштари Шухрат қизи таржимаси.*

УЎК 821.111-31  
КБК 84(4Ббр)

ISBN 978-9943-5566-9-0

© «Sharq-ziyo zakovat»  
нашриёт-матбаа уйи, 2020

## ДЕБОЧА

2007

**У**ювиниш хонасидан чиққан пайти жувон уйғониб бўлган экан. Ёстикқа суянган ҳолатда каравот ёнидаги столчада ётган сайёҳлик журналларидан бирини варақлаб кўраётганди. Йигитнинг футболкаларидан бирини кийиб олган жувоннинг тартибга келтирилмаган сочлари тун қандай ўтганлигидан далолат берарди. Йигит бир лаҳзалик ширин хотираларга берилганча, сочларини сочиққа артди.

Жувон буклетдан нигоҳини узди ва лабларини нозиккина қимтиб кўйди. У лабини қимтиб қўядиган ёшдан ўтганига карамай, бундай карашма улар танишганидан бери ҳали ғашга тегадиган даражада кўп вақт ўтмаганди.

– Шу тоғларга тирмашишу, даралар лабида жон ҳовучлаб юришимиз шунчалар зарилми? Ахир бу биринчи бор бирга-ликда дам олишга чиқишимиз бўлса, у ерда эса қайлардандир сакрашлардан холи бирорта маршрут йўқ экан, – деди жувон ва атайлаб жунжиккансимон қўшиб кўйди: – Худо кўрсатмасину, бир балога учраш ҳеч гап эмас.

Жувон буклетларни тўшакка улоқтирди-да, қуёшда қорайган қўлларини боши узра кўтарганча, маза қилиб керишди. Унинг хириллок овози туннинг кўп қисми уйқусиз ўтганидан дарак берарди.

– Балидаги пляжларга нима дейсан? Майин қумлоқда соатлаб чўзилиб ётиш... узун тунларда ҳордиқ чиқариш...

– Менга бунақа дам олишлар ёқмайди. Нима биландир машғул бўлишим керак.

– Масалан, самолётдан сакраш бўлса, топдимми?

– Аввал ўзинг унаб кўр, кейин танқид қил.

– Агар қарши бўлмасанг, яхшиси мен танқид қила қоламан, – таманно айлади жувон.

Намиққан кўйлак йигитнинг баданига ёпишиб турарди. У сочларини тароқда тараганча, уяли телефонини ёқди. Кичик экранда бирин-кетин пайдо бўлаётган хабарлар рўйхатини кўздан кечирган кўйи юзи бурушиб кетди.

– Бўпти, мен борай, – деди у. – Нонушта қилиш эсингдан чиқмасин.

У жувондан бўса олиш учун каравотга эгилди. Ундан иссиқ тафт, хушбўй атир ифори ва табиий эҳтирос тараларди. Йигит жувоннинг ёқимли ифоридан симираркан, шошиб тургани ҳам ёдидан кўтарилди. Жувон унинг бўйнидан тутганча, пастга тертди.

– Дам олиш кунлари бирор ёққа борамизми ўзи?

– Ишнинг боришига қараймиз, – йигит жувоннинг қўлларидан ўзини истар-истамас халос этди. – Ҳозирча ҳаммасининг думи хўржинда. Балки, Нью-Йоркка кетишимга тўғри келар. Нима бўлгандаям, пайшанба куни кечки овқатни бирор жойда бирга қилишга нима дейсан? Ресторанни ўзинг танла. – У эшиқда осийлиқ турган мотоциклчилар қўлқопига қўл узатди.

– Кечки овқат дейсанми? – жувон йигитнинг қўлидаги смартфонга ишора қилганча, яна лабини қимтиб кўйди. – Мендан кўра анови матоҳингга кўп эътибор берасан.

– Мен унинг овозини ўчириб қўяман.

– Уилл Трейнор! – хитоб қилади жувон. – Ҳеч бўлмаганда унинг ўзиниям ҳар-ҳар замонда ўчириб қўйишинг керак.

– Тунда уни ўчириб қўйганлигимни унутдингми?

– Мен талаб қилгандан кейингина.

Йигит аразлаган кўйи қўлқопларини кийди. Ниҳоят, Лисса унинг хаёлларига ҳукмрон бўлишдан маҳрум эди. Йигит мотоциклчилар куртқасини биллагига ташлади ва остонага етгач, жувонга ҳавойи бўса жўнатди.

Йигитнинг «блекберри» русумли қўл телефонига йигирма иккита хабар келган бўлиб, биринчиси Нью-Йоркдан эди. Қандайдир ҳуқуқий муаммо хусусида. У туни билан келган хабарларни кўздан кечира туриб, ер остидаги автомобиль қўйиш майдончасига лифтда тушиб борди.

– Хайрли тонг, мистер Трейнор.

Қоровул иссиққина каталагидан чиқиб келди. Уилл ҳар замонда бу қоровулнинг тонг арафасида, видеокузатув экранларидан ҳар бири 60 минг фунтли қимматбаҳо ва бам-

перлари доимо ярақлаб турадиган машиналарни мониторда кузатишдан бошқа яна нима қилиши мумкинлигини ўйлаб қолди.

– Кўчада ҳаво қандай, Мик? – деди у чарм курткасини кия туриб.

– Даҳшат. Челаклаб қуйгандай.

– Ростданми? – Уилл тўхтаб қолди. – Мотоциклимни минмайми?

– Шунақага ўхшайди, сэр, – Мик бош ирғади. – Унда сузишингиз ёки бирор жойга урилишингизни истамасангиз, мишишни маслаҳат бермасдим.

Уилл мотоциклига бир қараб қўйди-да, чарм қўлқопларини ечди. Лисса у ҳақда нима деб ўйламасин, йигитнинг кераксиз таваккалчиликка хуши йўқ. У мотоцикл юкхонасини очиб, унга қўлқопларини тикди, қайта ёпгач, калитларни Микка ирғитди. Мик эпчиллик билан уларни бир қўллаб илиб олди.

– Эшигимни тагидан тикворгин, майлими?

– Бажонидил. Такси чақирайми?

– Керакмас. Ёмғирда ивишингни нима кераги бор?

Мик автомат панжара тугмасини босди ва Уилл миннатдорчилик сифатида қўлини силкитганча, ташқарига чиқиб кетди. Ҳали қоронғу, момақалди роқ гумбурлаб ётганига қарамай, Марказий Лондон кўчаларида машиналар тикилиб кетганди. Соат эса эндигина еттидан ўтди. Уилл ёқаларини кўтариб олди-да, машина тутиш осонроқ бўладиган чорраҳа сари юриб кетди. Кўчалар намлиги туфайли анча сирпанчиқ, йўл сатҳи турли чироқларни намойиш этарди.

Йигит йўлак четидаги пана жойларга тикилиб олган костюмли кишиларга кўзи тушгач, энсаси қотди. Бундай саҳар мардонлаб бутун Лондон қачон уйғона қолдийкин? Деярли ҳаммининг калласида шу савол мавжуд эди.

У қаерда машина тутиш яхшироқ, дея ўйлаётган пайти телефони жиринглаб қолди. Руперт экан.

– Мана бораяпман. Такси кутиб турибман.

Йигит йўлнинг нариги тарафига яқинлашаётган зарғалдоқ чироқчали таксини пайқаб қолди ва уни мендан бошқа ҳеч ким кўрмаган бўлсин-да, деган илинж билан кўчани кесиб ўта бошлади. Унинг ёнидан ўтиб кетаётган юк машинаси

ва автобуснинг шовқинидан Рупертнинг гапларини эшитиб бўлмасди.

– Ҳеч нарсани эшитолмадим, Рупи, – у машиналар шовқинидан устун келиш учун деярли бақирарди. – Гапларингни қайтар.

У йўл ўртасидаги сақланиш доираси ичида бир лаҳза қотиб турди, ёнларидан эса машиналар оқиб ўтарди. Зарғалдоқ чирокча милтиллар, такси ҳайдовчиси шиддатли ёмғир тўрлари ора уни кўриб қолади, деган умидда қўлини кўтарганча, ишоралар қилди.

– Нью-Йоркка, Жеффга қўнғироқ қил. У ҳали ухлагани йўқ, сени кутяпти. Кечаси билан сенга қўнғироқ қилиб чиқдик.

– Нима бўлди?

– Ҳуқуқий бошоғриқ. Шартноманинг икки банди... вақтни чўзишяпти... имзо... қоғозлар... – гўшакдаги овоз ёнгинадан ўтган машина шовқинига едирилиб кетар, гилдираклар ҳўл асфальтга ишқаланиб чийилларди.

– Ҳеч нарсага тушунмадим.

Киракаш уни пайқаб қолди. Машинасини секинлатганча, йўл четига сув фавворасини сочган кўйи тўхтатди. Йигит машина томон келаётган бошқа бир йўловчини улгурмаслигига кўзи етди ва тўхтаб қолганини кўриб, ичида хурсанд бўлиб кетди.

– Эшитяпсанми, Келли столимга қоғозларни қолдириб кетсин, – бақиради у. – Мен ўн дақиқаларда етиб бораман.

Йигит у ёқ-бу ёққа қараганча, бошини эгкан ҳолда таксигача қолган охириги масофанинг бир неча қадамини чошиб ўтди. Унинг тилида борадиган манзили тинмай айланар эди. Ёмғир бўйнидан ичларига оқиб кира бошлади. Йигит унчалар олисда бўлмаган офисига етиб бормасидан ивиб бўлди. Энди қотибасини қуруқ кўйлак топиб келиш учун жўнатишига тўғри келади.

– Мартин сезиб қолмасидан бурун бу ишларни яна бир бор текшириб кўриш керак...

У чийиллаган шовқин ва қулоқни тешгулик гудокни эшитганча, бошини кўтарди. Шунда олдидаги қора таксининг ярқироқ ёнларини кўрди, ҳайдовчи ойнани тушираётган пайти кўз қири билан ўзига қараб катта тезликда яқинлашаётган алланимани илғади.

У ўша томонга ўгирилган заҳоти энди ҳеч қаёққа қочиб

кутила олмаслигига кўзи етди. Унинг бармоқлари қўл телефони ерга тушириб юборди ҳамда кимнингдир, ўз-ўзиники бўлса керак, бақириб юборганини эшитди. Сўнгги сонияда кўриб қолгани – чарм кўлқоп, юзга тақилган шлёмдаги эркакнинг худди ўзиники сингари ҳайрондан-ҳайрон кўзлари эди. Портлаш ва – ҳаммаси ҳар ёққа учиб кетди.

Кейин эса – зулмат.



2009

Луиза

**А**втобус бекатидан уйгача бўлган масофа бир юз элик саккиз қадам. Агар сиз шошмаётган ва оёғингизда платформали туфли ёки хайрия дўконидан бор-йўғи 1,99 фунтга олинган, тумшуғида капалак расми тасвирланган пойабзалингиз бўлган тақдирда, улар юз саксонтагача кўпайиши мумкин. Мен кўчамизга қайрилдим – олтмиш олти қадамдан сўнг тўрт ва беш хонали кўшқават уйлар қаторида жойлашган уйимиз – беш хонали кўшқаватнинг четини кўрдим. Дадамнинг машинаси кўчада турарди, демак у ҳали ишга кетмаган.

Менинг ортимда қуёш Стортфолд қалъаси ортига ботаётган, худди эриётган шамдек оқшом шарпаси устимга бостириб келарди. Болалигимизда кеч тушаётган пайти узунлашиб кетадиган сояларимиз билан уруш-уруш ўйинларни ўйнар, кўчамиз отишмалар майдонига айланарди. Бирор бошқа куни мен бу кўчада дадам икки гилдиракли велосипедда қандай учишга ўргатгани, миссис Догерти ясама сочлари бир ёнга сурилганча, бизларга виллия қуймоқларини пишириб бергани, ўн бир ёшли Катрина қўлини четан деворга тикқани ва қовоғарилар уясини безовта қилгани, кейин биз чувиллай-чувиллай қалъагача қочиб борганимизни гапириб беришим мумкин.

Томаснинг уч гилдиракли велосипеди йўлакда ағдарилиб ётарди. Ортимдан дарвозачани ёпганча, велосипедни айвончамизга киритиб қўйдим ва уйимиз эшигини очдим. Ойим совуқни кўтара олмагани учун, йил бўйи печни ўчирмаслигимиз туфайли юзимга димиққан ҳаво урилди. Дадам ҳар доим деразаларни очиб ташлайди ва ойимнинг бу қилиғи бизларни қашшоқликка грифтор қилишидан нолийди. У ай-

тадики, бизнинг иссиқликка тўлайдиган пулимиз кичкина Африка давлатининг ялпи даромадидан катта эмиш.

– Азизам, бу сенмисан?

– Ҳа. – Мен курткамни бошқа курткалар орасига илдим.

– Ким бу? Лумисан ё Катринами?

– Луман.

Мен меҳмонхонамиз томонга мўраладим. Дадам юзтубан ётганча, қўлларини диван ёстиқлари остига тикиб ниманидир ахтарарди. Менинг беш ёшли жияним Томас эса чўнқайганча, уни кузатарди.

– «Лего». – Дадам димикиб кетган юзларини мен томонга ўгирди. – Бу лаънати деталлар бунчалар майда бўлмаса. Сен мабодо, Оби-Ван Кенобининг ўнг қўлини кўрмадингми?

– У DVD-плеер устида ётганиди. Менимча, Томас Оби-Ван Кеноби билан Индиана Жонснинг қўлларини алмаштириб қўйган бўлса керак.

– Обининг қўллари оч яшил бўлмаслиги керак. Унинг қора қўлларини топиш шарт.

– Нима фарқи бор? – дедим ва Томас ўпиб қўйиши учун бармоғим билан ёноғимга нуқиб қўйдим. – Ойим қани?

– Тепада. Ў-ҳў! Икки фунтлик танга топволдим!

Дазмол тахтасининг қисирлаши қулоғимга чалинган кўйи тепага қарадим. Ойижоним Жози Кларк бир дақиқаям тинч ўтиролмади. Бир куни бизларга қовурдоқни сузиб берди ва ўзи харакка чиқволиб, ҳар-ҳар замонда бизларга қўл силки-тиб, деразаларни бўяб чиққанди. Онам ана шунақа фидойи аёл эдилар.

– Сен ўша қўлни излаб кўргин. Томас топиб бер, деб қўймайинти, мен эса ишга боришим керак.

– Тунги сменагами?

– Ҳа, соат ҳам беш ярим бўлиб қолди.

– Соат энди тўрт ярим бўлди, – дедим соатга қараганча.

Дадам ёстиқ тагидан қўлларини чиқариб, соатга ишон-қирамай қараб қўйди.

– Унақада нимага бунча барвақт қайтдинг?

Мен унинг саволини тушунмагандай, бошимни чайқай-чайқай ошхонага ўтиб кетдим.

Бобом креслода ўтирганча, судоку ечишни машқ қиларди. Унга қарайдиган патронаж ҳамширанинг айтишича, бу машғулот инсултга чалинганларнинг фикрини жамлаш учун

фойдали эмиш. Мендан бошқа ҳеч ким бобомнинг катакларга тўғри келган рақамларни қўйиб чиқишини сезмасди.

– Салом, бобожон!

У бошини кўтарди ва жилмайиб қўйди.

– Чой ичасизми?

У бош чайқади ва оғзини очди.

– Бирор совуқроқ нарса берайми?

Бобом бош ирғади.

Мен музлаткич эшигини очдим.

– Олма шарбати йўқ экан, – дедим олма шарбати анчагина қимматлигини эслаганча. – «Райбина» қалай?

Бобом бош тебратиб, буни ҳам рад қилди.

– Сув-чи?

– Майли, – дея бош ирғади бобом ва мен стаканни узатганимда «рахмат»га ўхшаш сўзни минғирлаб қўйди.

Ойим саватга яхшилаб тахланган кийимларни кўтариб ичкари кирди.

– Булар сеникими? – деди бир жуфт пайпоқни қўлига олиб.

– Катринаники, шекилли.

– Мен ҳам шундай деб ўйловдим. Ранги ғалати. Менимча, дадангнинг гунафша пижамасини ранги урган бўлса керак. Эрта қайтибсан? Бирор жойга бормоқчимисан?

– Йўқ. – Крандан бир стакан сув қўйиб ичдим.

– Патрик кечқурун келадими? У боягина қўнғироқ қилганди. Сен соткангни ўчириб қўйганмисан?

– Йўғ-а.

– У айтдики, меҳмонхонага жой буюртма қилиб қўярмиш. Даданг телевизордан ниманидир кўрибди. Грециянинг қайси оролига борасизлар, ўзи? Ипсосами? Калипсосами?

– Скиатосга.

– Ҳа, ўша жойга. Яна интернетдан меҳмонхонани яхшилаб текшириб кўр. Даданг иккиси туидаги янгиликларда ниманидир кўришибди. Айтишларича, арзон нархли меҳмонхоналарнинг ярими ҳали битмаган қурилишлар экан. Бориб кўрганингдан кейин биларкансан. Дадаси, чой ичасизми? Нахотки Лу чой қўймаган бўлса?

Ойим чойнакни тоққа улаганча, менга қаради. Чамаси, шу пайтгача индамай ўтирганимни энди пайқади.

– Ишларинг жойидами, қизим? Рангингда қон йўқ.

У қўлларини узатди ва худди мен йигирма олти ёшдамас, ундан ҳам кичикинадек, кафтларини пешонамга қўйди.

– Биз ҳеч қаёққа бормасак керак.

Ойимнинг қўллари қотиб қолди. Бироқ кўзлари синовчан боқиб турарди.

– Пат билан аразлашиб қолдингми?

– Ойи, унақа эмас...

– Мен ҳаётларингга аралашмайман. Умуман, сизлар қачондан бери биргасизлар. Орадан гап қочиши – бўлиб турадиган нарса. Бизлар ҳам отанг билан...

– Мен ишимдан айрилдим, – овозим бўшлиқда осилиб қолди. Кичкина хонада улар айтиб бўлинганидан кейин ҳам, узоқ пайтгача ловуллаб турарди.

– Нима?

– Фрэнк қаҳвахонасини ёпаяпти. Эртадан бошлаб. – Мен йўл бўйлаб, бекатдан юз саксон қадамғимлаб келганим сабабли ҳўл бўлиб кетган конвертни узатдим. – У менга уч ойлик маошимни олдиндан тўлади.

Ўша куни ҳам қолган барча кунлардек бошланди. Барча танишларим душанбани ёмон кўришади, аммо мен мустасноман. Менга «Сарёғли кулчалар» қаҳвахонасига сахармардондан келиб олиш, кўмир чўғида ишлайдиган катта сув қайнатгични ёқиш, орқа ҳовлидан сутли ва нонли қутиларни ташиб келиш, хуллас, очилишгача Фрэнк билан лақиллашиш ёқарди.

Дудланган гўшт ҳидига тўйинган иссиқ ва дим тафт, эшик очилиб-ёпилганида кириб келадиган сарин ҳаво, сокин гурунглар, ҳаммаёқ тинчиганда эса Фрэнкнинг бурчакда турадиган радиосининг гўнғиллаши жуда ёқарди. Қаҳвахонамиз у қадар башанг эмасди – деворларини қалъали тепалик манзараси беаб турар, столлар кўҳна урфдаги пластик билан қопланган. Кейинчалик пайдо бўлган шоколадли батончиклару, ширинкулчаларни айтмаса, таомлар тури мен ишга келганимдан бери деярли ўзгармаган эди.

Менга ҳаммасидан ҳам мижозлар ёқарди. Ҳар тонг кирадиган ва Фрэнкдан гўштнинг қанақалигини инжиқланиб сўраганча, жонидан тўйдирадиган водопроводчилар Кев ҳамда Анжелога гап йўқ эди. Сочлари оқариб кетганлигидан Момоқаймоқ Хоним лақабини олган кекса кампир, душанбадан пайшанбагача тухум қўшиб қовурилган картошка буюртма қилгач, бепул газеталарни эринмай ўқиб, икки финжон чойни майдалаб ўтирарди. Мен уни гапга солишга ҳаракат

қилардим. Назаримда, кун бўйи у билан мендан бошқа ҳеч ким гаплашмасди.

Қалъага бориш ва қайтишда қаҳвахонамизга бош суқиб ўтадиган сайёҳлар, мактабдан қайтаётган ўқувчилар галаси, кўчанинг у бетигаги офиснинг кунда-шундалари, «Сарёғли кулчалар»даги таомларнинг калорияси ҳақидаги маълумотларни сув қилиб ичиб юборган сартарош қизлар – Нина ва Шерилар ҳам ёқарди. Ҳаттоки ҳафтада камида бир маротаба қайтим масаласида жанжаллашиб турадиган, ўйинчоқлар дўконининг малласоч соҳибаси сингари ёқимсиз мижозлар ҳам ғашимни келтирмасди.

Мен столлар атрофида муносабатларнинг қандай боғланиши ва узилишини, ажрашган эр-хотинлар болаларини қандай айирбошлашларини; уйда қозон бошида туришдан нафратланадиган ота-оналарнинг бу ерда енгил тортишларини, қовурдоқ еганча, таъқиқланган лаззатга берилган нафақахўрларни кузатардим. Инсониятнинг бутун ҳаёти кўз олдидан ўтар, мижозларнинг аксарияти менга бир-икки оғиз гап отар, буғ чиқариб турган чойдан хўплаганча, ҳазил қилишарди. Дадам мени ҳар қандай дамда бирор аҳмоқона гап айтиб қўйишимни кўп таъкидласа-да, қаҳвахонада бунга ҳожат йўқ эди.

Мен Фрэнкка ёқардим. У табиатан жуда ювош киши бўлиб, қаҳвахонага жон киритиб турганимни кўп айтарди.

Аммо ўша куни тушлиқдаги югур-югурлар тинганидан кейин, бир неча дақиқага сокинлик ҳукмрон бўлган пайт, Фрэнк кўлларини пешбандига артганча, плиталар ортидан чиқиб келди ва эшикдаги «Ёпиқ» деган ёзувни чаппа қилиб, кўчага қаратиб қўйди.

– Йўқ-йўқ, Фрэнк, тегажоқлик қилишни хаёлинггайм келтирма! – мен Фрэнкка шу маънода қараганимда, у жилмайиб турарди. – Наҳотки мен қанддонларга адашиб, яна туз солиб қўйган бўлсам?

У кўлларида идиш артадиган сочиқни ғижимлар, нимадандир хижолат тортаётганга ўхшарди. Кейин қўли билан менга ўтиришни таклиф қилди.

– Кечирасан, Луиза, мен Австралияга қайтмоқчиман. Отам бетоб эмийш, – деди ва масаланинг моҳиятини очиш учун қўшиб қўйди, – ундан кейин қалъадагилар хусусий қаҳвахоналарини очишмоқчи. Девордаги эълонни кўрмадингми?

Чамаси, бу гапдан менинг оғзим очилиб қолган бўлса ке-

рак. Кейин Фрэнк менга пулли конвертни узатди ва мен бунинг нималигини сўрашга улгурмай, ўзи жавоб қайтарди.

– Тўғри, сен билан ҳеч қандай расмий битим ёки шунга ўхшаш шартнома тузмаган бўлсак-да, сен учун ғамхўрлик қилишни лозим топдим. Бу ерда сен учун уч ойлик маошни олдиндан бераяпман. Биз эртадан ёпиламиз.

\* \* \*

– Уч ой! – дадам тутақиб кетди, ойим эса қўлимга шакарли чой тутқазди. – Агар қизимизни олти йилдан бери унинг қаҳвахонасида тер тўкканлиги ҳисобга олинса, бу ҳақоратдан бошқа нарсамас.

– Бернард! – ойим Томас тарафга ишора қилганча, дадамга танбеҳона назар ташлади.

Ота-онам мактабдан қайтган Томасга Катрина ишдан келгунича қараб туришарди.

– Энди бу нима қилади? Шу бугунга келиб айтиши нима-си? Нега олдинроқ айтмади!

– Энди... бирорта иш тона қолади.

– Ҳеч қандай иш тополмайди, Жози, буни мендан ҳам кўра яхши биласан. Ҳозир ҳамма жойга танглик ин қурган бўлса.

Ойим бирор гап айтишдан олдин диққатни жамлаб олмоқчидек, кўзларини юмиб олди.

– У ақли қиз. Бирор йўлини топади. Хизмат варақаси ҳам бинойидай. Фрэнк унга яхшилаб тавсиянома ёзиб беради.

– Ҳа, энг яхшисини... «Луиза Кларк нонга ёғни яхшилаб суртади ва эски чойнакларни эплаб ишлатади».

– Дада, қўллаганингиз учун катта раҳмат, сизга!

– Мен нима дедим?

Мен дадам нимадан хавотир олаётганининг боисини англаб турардим. Улар менинг маошимга қараб қолишганди. Катрина гул дўконида ҳеч қанча пул ололмасди. Ойим хаста бобомга қараб ўтиргани учун, бирор ишга жойлашолмас, бобомнинг нафақаси эса тобора камайиб бораётганди. Дадам эса мебел фабрикасидаги ишидан доим хавотирланиб яшарди. Унинг бошлиғи кўп ойлардан бери корхонада қисқартириш кутилаётганлигини таъкидлаб келарди. Уйда қарзлар ва кредит карточкалари билан нимадир қилиш ҳақида пичирлашишгани-пичирлашишган эди. Икки йил бурун дадамнинг машинасини суғурта қилинмаган ҳайдовчи уриб юборди ва ота-онамнинг молиявий аҳволи касодга учрашига шунинг

ўзи етарли бўлди. Менинг мана шу топаётган озгина маошим хўжалигимизнинг асосий даромади бўлиб, бир ойга учма-уч етиб турарди.

– Кел, подадан олдин чанг чиқармайлик. Эртага меҳнат биржасига борсин, қанақа иш таклиф қилишларини билсин. Пуллар эса ҳозирча бор. – Ота-онам худди мен бу ерда йўқдек маслаҳатлашишар эди. – У ақлли қиз. Сен ақлли қизсан-ку, тўғрими, азизам? Машинисткалик курсига қатнашиши ҳам мумкин. Офисда иш топса бўлар?

Мен жимгина ўтирар, ота-онам эса менинг бунчалар камтарин малакам билан яна қандай иш топишим мумкинлигини муҳокама қилишарди. Фабрика ходимаси, тикувчи-мотористка, югурдак қиз. Бутун кун бўйи мобайнида эндигина йиғлагим келганди. Томас катта-катта кўзларини мендан узмас, кейин эса ивиб қолган печенъесининг ярмини менга узатди.

– Раҳмат, Томми, – дедим ва печенъени оғзимга солдим.

\* \* \*

У худди ўйлаганимдек, спорт клубида эди. Душанбадан пайшанбагача, худди жадвалдагидек. Патрик ё тренажёр залида машқ қилар, ёки прожектор нурлари билан чароғон стадионда айланганча, чолиб юрарди. Мен совуқдан кўнишган кўйи пастга тушиб бордим ва у яқинлашиб қолганида, мени пайқашни учун кўлларимни силкидим.

– Кел, бирга югурамиз, – у нафаси тиқилганча, таклиф қилди. Унинг нафаси оғзидан буғга айланиб чиқарди. – Яна тўртга айланиш қолди.

Бир сония иккиланиб турдим-да, у билан ёнма-ён югура бошладим. Фақат мана шу ҳолатдагина Патрик билан гаплаша олардим. Мен бисотимдаги югуришга ярайдиган ягона ферузаранг боғичли пушти кроссовкада эдим.

Бугунги кунимни уйдагиларга фойда келтириш ҳаракатида ўтказдим. Бир соатлар олдин онамнинг атрофида ўралаша бошладим. Ойим ва бобом ўз ишлари билан банд бўлиб, менинг борлигим уларга халал бераётганди. Дадам бу ойда тунлари ишлагани учун ухлаб ётар, уни безовта қилиш мумкин эмасди. Мен хонамни тартибга келтирдим ва телевизор овозини чиқармай томоша қиларканман, хар-хар замонда куппа-кундузи уйда нима қилиб ўтирибман, дея ўзимни қойиб, кўксимда чидаб бўлмас оғриқни ҳис қилдим.

– Тўғриси, келишингни кутмагандим.

– Уйда ўтириш жонимга тегди. Кўнгил ёзиш учун бирор жойга борармиз, деб ўйладим.

Патрик менга кўз қирини ташлади. Унинг юзида юқагина тер пардаси ялтираб турарди.

– Қанча тез янги иш топсанг, шунча яхши бўларди.

– Ишсиз қолганимга энди йигирма тўрт соат бўлди. Пичагина бахтсиз ва шалвираган бўлиб турсам нима қипти? Ҳеч бўлмаса, шу бугун?

– Ҳамма нарсага яхши томондан қара. У ерда бир умр ишламаслигингни ўзинг ҳам яхши билардинг. Сен олға ҳаракат қилишинг керак.

Патрикни икки йил бурун стортфолдлик энг яхши тадбиркор, деб топишганди ва ҳалигача у бундай шарафдан ўзига келолмайди. Бу вақт оралиғида қирқ мил атрофдаги мижозларга хусусий машғулотлар таклиф қилувчи, ишдаги ҳамкори Малла Пит пайдо бўлди ва пули аста-секин узиладиган иккита фирма фургонларига эга бўлишди. Бундан ташқари, унинг офисида оқ доска бўлиб, Патрик унга қора маркерда қўлга киритилиши тахмин этилаётган даромадларни то кўзланганига етмагунича, бир неча бор тўғрилаб, ўчириб ҳам ёзиб чиқарди. Мен бу ҳисобларнинг воқеликка қанчалар тўғри келишига шубҳа қилардим.

– Лу, ишдаги қисқартиришлар инсон ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин, – у айланиш кўрсаткичини билиш учун соатига қаради. – Нима билан шуғулланмоқчисан? Қайта тайёргарликдан ўтиш ҳам мумкин. Айнан сенга ўхшайдиганларга субсидиялар берилади.

– Менга ўхшайдиганларга?

– Янги йўлларни излайдиганларга. Ким бўлмоқчисан? Косметолог бўлсанг-чи? Сен жуда хушбичимсан, – у ўхшатиб мақтагандек, йўл-йўлакай биқинимга туртиб қўйди.

– Ўзинг яхши биласан-ку, сув, совун ва шампундан бошқасини билмайман.

Патрикнинг жаҳли чиқа бошлади.

Мен орқада қола бошладим. Югуришни ўлардай ёмон кўраман. Айниқса, орқада қола бошлаганимда. Патрикнинг тезлигини сусайтирмаётгани янада аламимни келтираётган эди.

– Кулоқ сол... Сотувчи. Котиба. Кўзгалмас мулқ, сотиш бўйича агент. Яна билмадим. Балки сен бирор касбнинг бошини тутишни хоҳламоқчидирсан?



Аммо мен хоҳламаётгандим. Менга қаҳвахонада ишлаш ёқарди. «Сарёғли кулча» ҳақида дунёда нималар дейишларини билиш ва унга келадиган кишиларнинг ҳаётини кузатиш менга ёқимли. У ерда ўзимни яхши ҳис қилардим.

– Нолишни бас қил, қизалоқ. Сен бу ишни амалга ошира оласан. Барча энг яхши тадбиркорлар ишни қуйидан бошлаган. Масалан, Жеффри Арчер. Яна Ричард Брэнсон. – У тезликни ошириш кераклигини таъкидлаган каби кифтимга уриб қўйди.

– Ўша Жеффри Арчер бирор марта чой учун кулчаларни қовуришдек ишдан айрилмаган бўлса керак. – Менинг нафасим тиқилиб қолди. Қўлларимни тиззамга таяганча, тўхтаб қолдим.

Патрик ўгирилди ва орқамачасига югураркан, унинг овози ҳаракатсиз муздек ҳавода суза бошлади.

– Айрилганида нима... Мен фақат ёрдам бермоқчиман, холос. Эртага яхшилаб кийиниб, меҳнат биржасига борасан. Ёки хоҳласанг, мен билан бирга ишлашни ўргатаман. Анча даромадли ишлигини биласан-ку. Ҳордиқ чиқаришга келсак, хижолат бўлма. Пулини ўзим тўлайман.

Мен унга жилмайиб қўйдим. Патрик менга ҳаводан бўса жўнатди ва унинг овози бўм-бўш стадионда акс-садо берди.

– Оёққа туриб олганингдан сўнг қайтарарсан.

\* \* \*

Мен ишсизлик учун нафақага илк бора ариза топширдим. Қирқ беш дақиқалик суҳбатга кирдим, кейин гуруҳли мулоқотда иштирок этдим. У ердаги йигирматача эркагу аёлларнинг ярми менга ўхшаб ўзини йўқотиб қўйгандек ўтирса, қолган ярми бу ерга тез-тез келиб турганларидан бўлса керак, беғам ва бепарво эдилар.

Қилган ҳаракатларим зое кетмай, касал бўлиб қолган ҳодимнинг ўрнига бир муддат товукхонада тунги товукбоқар бўлиб ишладим ва бир неча ҳафта ичида кўрқинчли тушлар кўрадиган бўлиб қолдим. Икки кун вақтим электр билан ишлашни ўргатувчи, уй консултантлиги семинарига кетди. Аммо бу иш билан улар соддадил кексаларнинг электр таъминловчисини, бошқасига алмаштиришга мажбур қилишларини сезиб қолдим. Менинг «консультантим» бўлмиш Саидга бу ишни зинҳор қилмаслигимни айтиб қўйдим.

Икки ҳафта тез таомланиш ресторанида ишладим. Фирма

кийимларидан сочларим электрланиб қолса-да, иш соатлари мени қониқтирарди. Аммо «Сизга ёрдам бера оламанми?» ва «Буюртмангизга каттароқ картошка қўшсак майлими?» каби «ясама хушмуомилалик» билан чиқишишнинг иложи йўқ эди. Пончиклар бўйича мутахассис қиз мени тўрт ёшли қизча билан бепул ўйинчоқларнинг фойда-зарари ҳақида гаплашиб турганимиз устида кўриб қолиб, раҳбариятга чақиб берди ва мени ишдан бўшатишди. Ўзимни оқлашнинг иложи йўқ эди.

Натижада мен тўртинчи суҳбатга кирдим. Саид мониторинг-торда янги «бандлик» имконларини излаш билан овора эди. Қанчадан-қанча умидсиз номзодларни ишга жойлаган Саиддек ҳаётсевар кимса ҳам аллақачон чарчаб қолгандек кўринарди.

– Химмм... Сиз шоу-бизнес билан шуғулланишга қандай қарайсиз?

– Нима, циркка қизиқчилар керак бўлиб қолдимиз?

– Унчалик ҳам эмас. Шу-у, таёқни айланиб ўйнайдиган раққосаларга талаб бор экан.

– Менимча, ҳазиллашяпсиз-ов, – дея қошларимни чиркирдим.

– Меҳнат шартномаси тузмасдан ҳафтасига ўттиз соатдан иш. Чойчақаси ёмонмас.

– Тушунишимча, менга бегоналар олдида нимяланғоч юришни маслаҳат бермоқдасиз, шундайми?

– Сизнинг ўзингиз айтдингиз-ку, ҳар қандай одам билан чиқишиб кета оламан деб. Ундан кейин сизга театрбоп... кийинишлар ёқади. – У ялтироқ колготкаларимга кўз қирини ташлади.

Уни кийганимда менга бардамлик бахш этишини умид қилгандим. Томас ҳам нонушта пайти «Сувнарисси»даги куйларни мингирлаб ўтирувди.

Саид клавиатурда бир нарсаларни тергилади:

– «Катталар учун» махсус телефон линиясида иш бор экан? – (Мен унга еб қўйгудек қарадим) – Ўзингиз одамлар билан гаплашишни ёқтираман дегандингиз-ку, – у кифтларини қисди.

– Йўқ. Нимяланғоч официантка ҳам керакмас. Уқаловчи ҳам. Веб-камера ходималиги ҳам керакмас. Саид, изланг, изланг. Сизда дадамнинг юрагини ёрмайдиган бирорта иш топилиши керак.

Назаримда, унинг бошини берк кўчага киритиб қўйгандим.

– Биз суринма иш жадвалли савдо имкониятларини кўриб бўлдик.

– Тунда пештахталарга товарни ёйиб чиқадиганлар-чи?  
– бу ерга келавериб, уларнинг тилида гапиришни ўрганиб қолгандим.

– Унақада сиз кутувчилар рўйхатига тушиб қоласиз. Бу ишни кўпроқ ўқувчиларнинг ота-оналари танлашади, – деди у гуноҳқорона оҳангда ва яна экранга термилди. – Бизда фақат энагалар қолди, холос.

– Қарияларнинг орқасини тозалашми?

– Луиза, афсуски, қолганларига сизнинг малакангиз етишмай турибди. Қайта тайёргарликдан ўтмоқчи бўлсангиз, мен сизни бажонидил ишончли йўлга солиб юбораман. Катталар учун ўқув марказида кўплаб курслар мавжуд.

– Аммо Саид, биз буни аллақачон муҳокама қилиб бўлгандик. Бу ҳолда мен ишсизлик бўйича нафақадан қуруқ қоламан, шундайми?

– Шундай.

Биз бир муддат жимгина ўтирдик. Мен икки алиф қомат қоровул турган эшик тарафга қараб қўйдим. Қизиқ, улар бу ишини меҳнат биржаси орқали топишганмикин?

– Саид мен кексаларга қарашга нўноқман. Инсултга чалинган бобом ҳозир бизникига кўчиб ўтган, у билан ҳеч келиша олмаяпман.

– Демак, сизда кексаларга қарашга тажриба бор экан-да!

– Унчаликмас. Тўғриси, унга ойим қарайди.

– Бўлмаса, бу ишни ойингизга тавсия қилсак-чи?

– Унақада бобомга ким қарайди? Менми? Буни бобомнинг ўзи ҳам хоҳламаган бўларди. Бирорта қаҳвахонада иш йўқмикан?

– Ҳозирча, Луиза, сизга иш таклиф қиладиган бирорта қаҳвахона қолмади. Излаш доирасини кенгайтирсак-чи?

– Ўзингиз шаҳарга бор-йўғи тўртта автобус келиб-кетишини яхши биласиз. Сиз сайёҳлик автобусининг қатнаш жадвалини аниқлашимни топширгандингиз, эсингиздами? Мен станцияга қўнғироқ қилдим ва у фақат кечки бешгача қатнашини айтишди. Ундан ташқари у оддий автобуслардан икки баробар қиммат тураркан.

Саид ўзини стулнинг сўянчигига ташлади:

– Луиза, бу босқичда сиз жисмонан соғлом киши сифатида ишсизлик нафақасини олишингиз учун...

– ...иш топишга ҳаракат қилаётганимни намойиш қила олишим керак. Мен буни биламан.

Саидга мен ишлашни қанчалар кучли хохлашимни қандай тушунтирсам бўлади? У менга аввалги ишим қанчалар етишмаётганлигини тасаввур қила олармикин? Мен учун ишсизлик шу пайтгача верфлар ва автомобиль фабрикаларига боғлиқ равишда, янгиликларда такрорланаётган оддийгина тушунча эди. Мен ишни худди кесиб ташланган мучани соғингандек, доимий равишда соғинардим. Ишни йўқотиш бу нафақат пул ва келажакка доир хавотирларгина эмас, ўзингни ҳеч нарсага ярамайдиган яримта, бефойда инсон сифатида ҳис қилиш ҳам эди. Эргалаблари туриш кундан-кунга оғирлашади. Сенга қанчалар яқин-йироқлигидан қатъий назар, собиқ ҳамкасбларингни соғина бошлайсан. Катта кўчада кетаётиб, бирор таниш чеҳрани учратиб қолишингни ўзи бахтдек туюлади. Мен ўзим каби кўчада бемақсад витриналарга анграйиб юрган Момоқаймоқ Хонимни кўриб қолганимда, уни кучоқлаб олишдан ўзимни аранг тийганман.

Саиднинг овози мени хаёлларимдан суғуриб олди:

– Мана! Бу иш сизга тўғри келиши керак. – (Мен компьютер мониторида қараш учун чўзилдим). – Ҳозиргина келиб тушди. Энагалик иши экан.

– Мен сизга айтдим-ку, кексалар билан...

– Бу кексалармас. Бу хусусий уйда... Уйга қаровчи керак экан ва сизнинг уйингиздан тўрт чақирим масофада. «Мажруҳ киши учун энага ва қаровчи керак». Сиз машина бошқара оласизми?

– Ха, фақат яна артиб-суртиш бўладиган бўлса...

– Буниси керак эмас, шекилли. – Саид экрандаги ёзувларни ўргана бошлади. – Унда квадриплегия, яъни тўрт мучаси ҳам фалаж экан. Кундузи қаровчининг вазифасига овқатлантириш ва ёрдам бериш кираркан. Сиздан уни шаҳарда айланттириш ва оддийгина ишларда ёрдам беришингиз талаб қилинади, ҳолос. Ў! Яхшигина пул таклиф қилишяпти! Энг паст маошдан сая кўпроқ. Сухбатга борасизми?

Бунинг жавобини иккимиз ҳам билиб турардик. Мен сумкамни олдим ва уйга қайтдим.

– Ё худо, – деди отам. – Қандай даҳшат! Йигит ёшидаги одам мажруҳлар аравачасига михланиб қолган-у, бизнинг Лу эса унга қаровчиликка ёлланса.

– Бернард! – ойимнинг жаҳли чиқди.

Ортимдаги бобом эса чой ича-ича хи-хиларди.

**М**ен унчалар ҳам аҳмоқ эмасман. Буни аниқлаб оладиган пайт келди. Ўзингдан кичик синглинг ўқишда илгари интилиб, сен билан бир синфда ўқиса ва тезда бир синф юқорилаб кетса, ўзингнинг ақлий қобилиятинг ҳақида ўйлаб қоларкансан.

Катрина мендан ўн саккиз ойга кичик, аммо калласи яхши ишларди. Мен ўқиган китобларни у аввалроқ ўқиб чиққан ва мен тушлик пайти билимимни намойиш қилиш учун тилга олган нарсаларни аллақачон билиб бўларди. У мен биладиганлар орасида имтиҳонларни чин дилдан севадиган ягона одам эди. Менинг яхши кийинишимнинг бош сабабчиси ҳам синглим, – деб биладиман. Катрина доимо свитер ва жинсида юрарди. Унинг наздида чиройли кийиниш бу – дазмолланган жинсида юриш эди.

Дадам хаёлимга келганини айтаверганим учун, менга «Фигура», дея лақаб қўйганди. Унинг айтишича, мен ҳеч қачон кўрмаган Лили холанинг ўзи эмишман. Сени ўзинг сира кўрмаган одамнингга ўхшатишлари жуда ғалати. Мен зинадан бинафша тусли этикчаларда тушиб келаётганимни кўрган дадам ойимга имо қилганча: «Лили хола ва унинг бинафшаранг этиклари эсингдами?» – дер, ойим эса бурнини жийирганча, қиқирларди. Ойим кийиниш услубимни тушунмаганини сездирмаслик учун мени «шахс», деб атарди. Ўсмирликдаги ўтган қисқагина вақтни истисно қилганда, мен ҳеч қачон Катрина ёки бошқа қизларга ўхшашни хоҳлаган эмасман. Ўн тўрт ёшимга қадар менга кўпроқ ўғил болалар кийими маъқул келарди. Ҳаммага ўхшашга ҳаракат қилишнинг нима кераги бор? Менинг бўйим пастгина, тим қора сочли ва дадамнинг айтишича, фаришта юзлиман. Бари бир мени ҳеч ким «хурлиқо», демасди. Менда жозиба етишмасди. Патрик менга тегажаклик қилмоқчи бўлганида: «жуда кетворгансанда», – дерди, холос. Биз етти йилдан бери учрашиб юрардик.

Йигирма олти ёшга кирган бўлсам-да, ҳали ўзимни тўлиқ билмасдим. То ишимни йўқотмагунча, ҳеч нарса ҳақида тузукроқ ўйламабман ҳам. Патрикка турмушга чиқиш, унга

болалар туғиб бериш, ота-онамникидан икки-уч кўча нарида яшашни истардим. Ғалати услубдаги кийим-кечакларим ва наставкина бўйимдан бўлак, бошқалардан ажралиб турадиган жойим йўқ эди. Мени учратиш қолсангиз эътиборингизни тортмаслигим табиий бўларди. Оддий ҳаёт кечирадиган оддийгина қиз эдим. Бу мени тамомила қониқтирарди.

– Сухбатга сипороқ кийиниб боргин, – талаб қилди ойим. – Ҳозир ҳар балони кийиб олишяпти.

– Қизиқ, ногирон бир одамни қандай кийимда овқатлантиришинг нима фарқи бор.

– Қаршилиқ қилма.

– Нима, энди янги кийим сотиб олайми? Ҳали ишга олишадими-йўқми...

– Меникени кийиб боришинг мумкин, уни яхшилаб дазмоллаб бераман. Ундан кейин сочларингни кўнғироқ қилмасдан, текислаб тараб олсанг – янаям яхши.

Ойим билан тортишиш бефойда эди. Дадамгаям қаттиқ тайинлашган шекилли, торгина юбкада бир амаллаб уйдан чиққанганимни кўриб, бурро тилини ишга солмади.

– Яхши бор, азизам, – дадамнинг лабларини чети майсадек титрарди. – Омадингни берсин! Кўринишинг жуда... сино. Кўз тегмасин.

Мени ойимнинг юбкасини кийиб олганим ва унинг йигирма йиллар бурунги урфга тегишли экани ҳамда шунчаки жуда торлиги хижил қиларди. Юбканинг камари қорнимни сиқиб турарди. Шунинг учун эгнимга кўшбортли пиджакни кийиб олдим. Дадам ойимни бекорга қамишга ўхшатмаган экан.

Автобуста босиб ўтилган озгина масофа ҳам кўнглимни айнитди. Мен ҳеч қачон ишга кириш учун сухбатдан ўтмагандим. «Сарёғли кулчалар» қаҳвахонасига ҳам Катрина билан бир кунда иш топаман, дея гаров боғлашганим учун ишга киргандим. Мен қаҳвахонага кириб, Фрэнкдан шунчаки сизларда иш борми, деб сўрадим. Қаҳвахона янги очилгани сабаб мени бажонидил ишга қабул қилди.

Энди ўша кунларни ёд оларканман, иш ҳақи масаласида гаплашганмизми-йўқми, эслолмайман. Фрэнк ҳафтабай иш ҳақимни айтди ва мен рози бўлдим. У иш ҳақимни йилда бир маротаба мен сўрамоқчи бўлиб юрганимдан ҳам кўпроққа оширганини айтарди.

Айтгандай, сухбатда нималарни сўрашаркин? Бу ногирон кимсани овқатлантириш, ювинтириш деганларидай... Саид-

нинг айтишича, унинг бошқа бир эркак энагаси ҳам бўлиб, бунақа ишлар унинг зиммасида эмиш. Унда менга нима иш қолади? Булар ҳали номаълум. Тасаввуримдаги ногироннинг оғзидан оққан сўлагини артганча, хушмуомалалик билан: «Бир финжон чойга нима дейсиз?» – дея сўрардим.

Бобом инсультдан тузала бошлаган кезлари ҳеч нарсани мустақил тарзда қилолмасди. Доим ойим қарашиб турарди.

– Сени онанг одаммас – фариштанинг ўзи! – дерди дадам.

Онам чурқ этмасдан ўз ишини қиларди. Мени эса бирор киши фаришта демаслиги тайин. Бобомга овқат сузиб, чой дамлаб беришим мумкин эди, аммо қолган ишларнинг барини ойим бажарарди. Мендан иккинчи онам чиқиши қийин-ов...

Гранта-хаус Стортфолд қалъасининг бошқа тарафида, ўрта асрлардан қолган деворлар ёнида, тўрттагина уй ва Миллий трест дўкони жойлашган худудда эди. Мен бу уйнинг ёнидан саноксиз марта ўтган бўлсам ҳам, унга дурустроқ эътибор бермаган эканман. Энди у тасаввуримдагидан анча каттароқ, қизил ғиштдан кўтарилган уй эди.

Ховлидаги узундан-узун йўлақдан борарканман, ўзимни жудаям кичкинадек ва ғоятда ночор ҳис қилганимдан, эшик очилганида сесканиб ҳам кетдим.

Дарвозахонада мендан сал каттароқ қиз пайдо бўлди. У оқ шим ва худди тиббиёт ходимининг халатига ўхшаш блузка кийган, қўлтиғига эса пальто ва папкасини қистириб олганди. Ёнимдан ўтаркан, хушмуомалалик билан нафис жилмайиб кўйди.

– Келганингиз учун ташаккур, – ичкаридан овоз келди. – Албатта, сизга қўнғироқ қиламиз.

Эшикдан унчалар ёш бўлмаса-да, ғоятда дилбар, сочлари чиройли турмакланган бир аёл мўралади. Унинг кийган шими дадамнинг бир ойлик маошидан ҳам қимматроқ турарди.

– Мисс Кларк бўлсангиз керак?

– Луиза, – дедим ва худди ойим тайинлаганидек кўришиш учун қўл узатдим.

Ота-онамнинг айтишича, ҳозирги ёшлар кўришганда сираям қўл узатишмайди. Уларнинг замонида қўл силкишлар, ҳаводан бўса жўнатишлар хаёлига ҳам келмаган. Бу жувонга ҳам улар ёқмаслиги шундоққина кўриниб турарди.

– Ҳа. Яхши. Кириг. – Аёл тезда қўлимни бўшатди-да, юзимга синовчан назар солди. – Марҳамат, юраверинг. Меҳмонхонада гаплашамиз. Мен – Камилла Трейнорман.

Жувон бугуннинг ўзида бугапларни жуда кўп қайтаргандай, жуда хорғин кўринарди.

Мен аёлнинг кетидан полдан шифтгача етган, қўштабақали деразаларга эга каттакон хонага кирдим. Салмоқли ва қалин пардалар қизил ёғочдан ишланган маҳобатли карнизлардан ергача осилиб тушган, ерга эса ғаройиб нақшли қимматбаҳо Эрон гиламлари тўшалганди. Хонада асалари муми ва жиҳозлар бўйи ҳукмрон эди. Ҳамма ёқда устига ўймакор қутичалар терилган, хушбичим столчалар қўйиб чиқилган. Трейнорлар чойли финжонини қаерга қўйишаркин?

– Демак, сиз меҳнат биржасидан келгансиз, топдимми? Ўтиринг!

Аёл қоғозлар солинган жилд билан овора бўларкан, мен хонани зимдан қарай бошладим. Уни мутлоқ бошқача, худди шифохонадаги каби тасаввур қилгандим. Бу ер эса бағоят қимматбаҳо меҳмонхонага ўхшар, эски пуллар, кўхна ва севимли буюмлар ҳидига қоришиб кетганди. Буфетдаги кумуш чорчўиларга солинган суратлар анча олисда бўлганидан кимники эканлигини илғаб ололмас эдим. Аёл ҳужжатлар билан бандлигидан фойдаланиб, суратга яхшироқ назар ташлаш учун, жойимдан сурилганимни биламан... Торгина юбкамининг ёни чокидан кета бошлади. Уятдан лавлагим чиқиб кетди.

– Демак... мисс Кларк... сизда квадриплеглар билан ишлаш тажрибаси борми?

Мен чоки сўкилган жойни пиджагим билан тўсишга ҳаракат қилганимча, миссис Трейнорга ўгирилдим.

– Йўқ.

– Сиз энагалик билан анчадан бери шуғулланасизми?

– Иммм... Умуман олганда, мен ҳеч қачон энагалик қилмаганман, – дедим ва шу захоти кулоғим остида Саиднинг огоҳлантириши янграгандай, қўшиб қўйдим: – аммо бу иш қўлимдан келишига ишончим комил.

– Квадриплегия нималигини тасаввур қиласизми?

– Мажруҳлар аравачасига михланган кишини айтмоқчисиз-да?

– Шундай деса ҳам бўлади. Умуман олганда, квадриплегия даражаси ҳар хил бўлади. Бизнинг мисолимизда эса оёқларнинг тамоман фалажлиги, қўл ва бармоқларнинг қисман ҳаракатланиши назарда тутилади. Бу сизга қийинчилик туғдирмайдими?



– Менга-ку тугдирмас, аммо унга... – Мен табассум қилдим, бироқ миссис Трейнорнинг юзи аввалгидек қолаверди. – Кечирасиз... буни хоҳламагандим...

– Мисс Кларк, сиз машина бошқара оласизми?

– Ҳа.

– Қоидаларни бузмаганмисиз?

Мен бош тебратдим.

Камилла Трейнор қоғозига қандайдир қайдлар қўйди.

Юбкадаги чок сўкилиши тобора юқорилаб борарди. Бу кетишда юбкасининг бир ёни кесилган Лас-Вегас раққосаларига ўхшаб қолишим тайин кўринади.

– Ўзингизни яхши ҳис қиляпсизми? – миссис Трейнор менга синчковлик билан тикилди.

– Салгина терладим. Пиджагимни ечсам майлими?

У розилик билдирган каби бош ирғади.

– Рости гап, совукдан кирганимгами, – дедим пиджагимни ечиб, белимга боғлаб оларкан. – Бу ер иссиқдай туюляпти. Миссис Трейнор ҳужжатларни ўрганишда давом этди.

– Ёшингиз нечада?

– Йигирма олтида.

– Шундан олти йилини аввалги иш жойингизда ўтказгансиз.

– Ҳа. Сизда тавсияномаининг нусхаси бўлиши керак.

– Ҳимм...– Миссис Трейнор тавсияномани кўздан кечириб, менга тикилди. – Аввалги иш берувчингиз ёзишча сиз: «оқкўнгил, яхши суҳбатдош ва ҳаётга кўрк бағишловчи» экансиз.

– Ҳа, мен унга булар учун яхшигина тўлаганман.

Жувоннинг бир туки ҳам қилт этмади.

«Иш пачава!» – дея ўйладим.

Мени худди микроскопда ўрганишаётгандек эди. Бу яхшилиқдан дарак бермасди, албатта. Ойимнинг булузқасини нимагаям кийдим. Оддийгина кўйлақда келавермайманми.

– Сизни бунчалар кадрлашган ишингиздан нега кетдингиз?

– Хўжайин қаҳвахонасини сотиб юборди. Теналик пойидаги «Сарёғли кулчалар» қаҳвахонасини. Бўлмаса, у ердан сира кетмоқчи эмасдим.

Миссис Трейнор бош ирғади.

– Ҳаётдан нимани кутмоқдасиз?

– Қайси маънода?

– Мансаб пиллапоясидан юқориламоқчимисиз? Бу иш кейинги катта ишларингизнинг бир қисмими? Сизда рўёбга чиқармоқчи бўлган катта орзу, яъни мақсад борми?

Мен тамомила ўзимни йўқотиб қўйгандим.

– Мен... Жуда узоққа назар ташламоқчимасман. Ишимни йўқотганимдан бери. Шунчаки...– томоғим қуруқшаб кета бошлади. – Шунчаки яна ишласам дейман.

Қанчалар ачинарли минғирлаш. Нимани исташингни билмай туриб ҳам суҳбатга келасанми? Миссис Трейнорнинг юз ифодасидан унинг шу ҳақда ўйлаётгани кўриниб турарди.

– Шундай қилиб, мисс Кларк. – У ручкани бир четга қўйди. – Нима учун мен сизни ишга бир неча йил квадриплегик билан ишлаган аввалги номзод қизнинг ўрнига олишим керак?

Мен унга бақрайганча қараб қолдим:

– Тўғриси, билмайман.

У жавобимни сукут билан қарши олди.

– Қарор чиқариш сиздан.

– Сизни олишимга лойиқ бирорта сабабни айтоласизми?

Кўз олдимда онамнинг юзи намоён бўлди. Уйга муваффақиятсиз ўтган навбатдаги суҳбат ва чокидан кетган юбка билан қайтиш фикри чидаб бўлмас даражада эди. Бу ерда соатига тўққиз фунтдан кўпроқ тўлашлари ваъда қилинганди.

– Энди... Мен тезликда ўрганаман, ҳеч қачон қасал бўлмайман, уйим ҳам олисмас, тепаликнинг нариги тарафида, – мен елкаларимни ростладим. – Ундан кейин, мен анчагина кучлиман. Эрингизни ҳаракат қилишига бемалол ёрдам бераман...

– Эримга?.. Сиз эримгамас, ўғлимга қарашингиз керак.

– Ўғлингизга? – Киприкларимни пирпиратдим. – Э-э-э.. Мен оғир ишдан кўрқмайман. Ҳар қандай одам билан тил топиша оламан... чойни яхши дамлайман... – Мен орадаги сукутни тўлдириш учун, тилимга келган ҳар қандай гапни тўкиб-сочардим. Мижозим бу аёлнинг ўгли эканлиги мени тамоман издан чиқариб юборганди. – Дадамнинг чойга унчалар хуши бўлмаса-да, сизни ишонтириб айтаман-ки, яхшигина дамланган чой ҳар қанақа кўнгилсизликни бир четга сура олади... – (Миссис Трейнорнинг нигоҳида ғалати учқунлар пайдо бўлди) – Кечирасиз, – нималар деб қўйганимни тасаввур қилганча, минғирладим. – Мен ўғлингизнинг параллегияси... квадриплегиясини бир финжон чой билан даволаса бўлади, демоқчимасман.

– Мисс Кларк, бу шартнома доимий эмас, олти ойгалиги ҳақида огоҳлантириб қўйишим керак. Иш ҳақи ҳам... шунга мос равишда.

– Товуқхонадаги ишдан кейин, бу ер жаннатнинг ўзи-ку.

«Луиза, тилингни тийсанг-чи!» Лабларимни қимтиганча қолдим.

Аммо миссис Трейнор ҳардамхаёллигича қолди. У жилдни ёнди.

– Менинг ўғлим Уилл икки йил муқаддам йўл-транспорт ҳодисасига учраган. Унга кеча-кундуз қаров керак. Бунинг катта қисмини малакали тиббиёт биродари бажаради. Мен яқинда ишимга қайтдим, шунинг учун энага бу ерда кун бўйи қолиши, Уиллга қараши, чалғитиши, едириб-ичириши, азият чекмаслиги учун кўмак кўрсатиши лозим. – Камилла Трейнор кўзларини тиззаларига тикди. – Уиллнинг ёнида зиммасидаги ушбу маъсулиятни тўлиқ ҳис қиладиган одам бўлиши лозим.

Унинг ҳар бир сўзи ва айтилиш оҳанги менинг ахлоқлигимни таъкидлаб тургандек туюлар эди.

– Тушунарли. – Мен кетишга чоғланганча, сумкамни йиғиштира бошладим.

– Шундай қилиб сиз ишга киришишга тайёрмисиз?

Бу шунчалар кутилмаган ҳол эди-ки, аввалига нотўғри эшитдим, шекилли, дея ўйладим.

– Нима?

– Тезроқ иш бошлашингизни хоҳлардик. Иш ҳақи ҳафтабай.

Бамисоли тилдан қолгандай эдим.

– Мени ишга олмоқчимисиз?

– Иш соатларингиз анча узун – эрталабки саккиздан кечки бешгача, баъзида эса ундан ҳам кечроққача. Тушлик та-наффус кўзда тутилмаган, қандайдир ярим соатлар, кундузги қаровчимиз Натан уни овқатлантиргани келган пайтларда.

– Сизларга... тиббиётга доир ҳеч нарса керакмасми?

– Уиллга тиббий қаровчилар етарли. Бизга ҳаётсевар... руҳи тегик энага керак. Ўғлимнинг ҳаёти оғир... унинг руҳини кўтарадиган... – Камилла Трейнор жим қолганча, фаранги деразалар оша узоқларга тикилиб қолди. Бир оздан кейин менга ўтирибди. – Унинг руҳий ҳолати жисмоний ҳолати каби муҳим. Мени тушундингизми?

– Менимча, тушундим. Бирор форма кийишим керакми?

– Йўқ, ҳеч қандай формага ҳожат йўқ. – У менинг оёқларимга қаради. – Менимча, сал ёпикроқ кийим кийишингизга тўғри келади.

Мен кўзларим билан ёнимга қарадим ва белимга боғланган пиджагим сурилиб, чоки кетган юбкам очилиб қолганини кўрдим.

– Мени кечирасиз. Юбкамнинг чоки сўкилиб кетди. Ростини айтсам, бу менинг юбкам эмас.

Миссис Трейнор гапларимни эшитмаётганга ўхшарди.

– Айнан нималар қилишингиз кераклигини ипни бошлаганингизда тушунтираман. Ҳозир Уиллнинг аҳволи оғир, мисс Кларк. Унга тажрибангизу вазиятни тўғри баҳолай олиншингиз ёрдам беради. Эртадан иш бошлашга тайёрмисиз?

– Эртага? Сиз ўғлингиз билан ҳозир таништира олмайсизми?

– Уиллнинг бугун аҳволи яхшимас. Эртага танишсангизлар яхши бўларди.

– Майли. – Мен белимдаги ойимнинг пиджагини сиқиброқ боғладим. – Раҳмат Сизга! Эрталаб саккизда шу ерда бўламан.

\* \* \*

Ойим дадамнинг чинни тарелкасига картошка солаётган эди. У иккитасини солган пайти, дадам ўртадаги катта идишдан яна иккитасини уларнинг ёнига қўшиб қўйди. Ойим яна уларни идишга қайтариб солди ва қўлидаги қошиқ билан дадамнинг қайта узатилган қўлига секингина уриб қўйди. Кичкина стол атрофида ота-онам, бобом, Катрина ўғли Томас билан ва ҳар чоршанба куни кечки овқатга келадиган Патрик ўтиришарди.

– Дада, – ойим бобом томонга ўгирилди. – Сенга гўштларни қиймалаб берайликми? Катрина, бобонгга гўштни қиймалаб бероласанми?

Катрина эгилганча, бобомнинг тарелкасидаги гўштни ничоқ билан майдалаб кеса бошлади. Бу тарафида ўтирган Томаснинг ҳам гўштини худди шунақа қилиб кесиб берганди.

– Лу, ўша йигитнинг тоза абжағи чиққанми?

– Қизимизнинг қўлига бунақангини ишонишмаса керак, – деди дадам.

Менинг ортимдаги телевизорда футбол берилаётган эди. Патрик ва дадам вақт-вақти билан оёзиларидагини чайнаганча, унга бақрайиб қолишарди.

– Менимча, бу жуда яхши вариант. У ўша ердаги кошоналардан бирида ишлайди. Яхшигина оилада. Азизам, улар зодагонларданми?

Бизларнинг кўчада жамоат тартибини бузмаган ҳар қандай оила зодагон ҳисобланарди.

– Шунақа, шекилли.

– Сен таъзим қилишни машқ қилиб олгандирсан, – киноя қилди дадам.

– Сен уни кўрдингми ўзи? – Катрина олдинга эгиларкан, Томас тирсаги билан туртиб юборган шарбатни тутиб қолди. – Майиб эканми?

– У билан эртага танишаман.

– Жуда ғалати. Унинг билан кун бўйи бирга бўлишингни айтаман. Нақ тўққиз соат. Патрикни бир кунда бир кўрсанг-кўрасан, бўлмаса – йўқ.

– Бу унчалар қийинмас.

Қаршимда ўтирган Патрик ўзини эшитмаганга солди.

– У сенга тегажаклик қилишидан қўрқмасанг ҳам бўлади, – деди дадам.

– Бернард? – ойим унинг сўзларини шартта бўлиб ташлади.

– Мен ҳамманинг хаёлидаги гапни айтдим. Менга қара, Патрик! Луизангга бундан яхши бошлиқни топиш қийин-а?

Патрик жилмайди. Ойим қанчалар таклиф қилсалар ҳам, у картошка ейишни қатъий рад қилди. Бир ойча кейин ўтказиладиган марафонга тайёрланаётгани учун, ўзини углеводлардан тияётган экан.

– Сен имо-ишоралар тилини ўргансанг бўларди. Димоқчиман-ки, у гапиролмаса, нимани хоҳлаётганини қандай биласан?

– Ойи, у соқовмас. – Бирдан ишли бўлиб қолганимдан ҳали ўзимга келолмаган, миссис Трейнорнинг нималар деганини ҳам тўлиқ эслолмасдим.

– У махсус гаплашиш аппаратидан фойдаланса керак, – деди ойим.

– Агар шунақа аппаратда гапиришса, эсим оғиб қолса керак, – деди Катрина лабини бурганча ва тақлид қилди. – Менга бир стакан сув беринг!

«Қандай ақлли калла, шунақа ақлли-ки», – деганди у ҳақда дадам. У бўлса айна ўқийдиган пайтида бола орттириб ўтирибди. Ҳолбуки, оиламизда биринчилардан бўлиб университетга ўқишга кирганди, аммо Томасга ҳомиладорлиги

сабаб, охирги курсда ўқишни ташлади. Ойим ва дадам ҳали-ҳануз унинг оиламизни бой қилишга умид боғлаган. Гул со-тиладиган ойнаванд будкадан эмас, ҳеч бўлмаганда, бирор обрўлироқ ишхонадан иш топишади.

– Унинг ногиронлар аравачасида ўтиргани – тилдан қолганини билдирмайди, – дея эътироз билдирдим.

– Аммо сен бари бир у билан яқин алоқада бўлишинг, лаб-лунжини артиб қўйишинг ва сув тутишингга тўғри келади.

– Бошқа нимаям қиламан. Буларнинг ҳеч қийин жойи йўқ.

– Буни Томаснинг иштонини тескари кийгазиб қўйган аёл айтаяптими?

– Фақат бир мартагина.

– Уч мартасидан иккитасида.

Мен руҳим баландлигини кўрсатиб қўймоқчидай, виқор билан кўзоқли ловиядан тарелкамга солдим.

Автобусда уйга қайтаётганимда ҳам бу хаёллар миямдан кетмади. Биз у билан нималар ҳақида гаплашамиз ўзи? У кун бўйи бошини қуйи солиб, менга тикилиб ўтираверса-чи? Ақлдан озиш ҳеч гапмас. У нимани хоҳлаётганини тушун-масам-чи? Менинг бировга қаровчилик қилишга нўноқлигим ҳаммага беш қўлдай аён эди. Шунданми, уйимиздаги бирорта тувакка экилган гул ёки уй ҳайвонлари ҳам жонланиб кетмас-ди. Уиллнинг қаттиққўл онаси доимо тепамизда туриб олса-чи? Миссис Трейнорнинг қатъий нигоҳини ҳис этиб, вужудим музлаб кетай деди.

– Патрик, сен нима дейсан?

Патрик сувдан ҳўшлади ва кифтини қисди.

Деразага урилаётган ёмғир томчилари ювилаётган идиш-ларнинг жаранги ичидан сезилар-сезилмас эшитилиб турар-ди.

– Иш ҳақиси ёмонмас, – деди дадам. – Ҳар ҳолда товукхона-даги ишдан кўра маъқулроқ.

Хонада бу гапни оммавий равишда ёқлаш садоси янгради.

– Жуда соз. Сенингча, янги ишимнинг фақат ўлик товук-ларни тергилаб юришдан бошқа яхши томони йўқ экан-да! – дедим дадамнинг гапидан асабим қўзиб.

– Иш орасида формангни тиклаб олишинг ва Патрик би-лан бирга персонал машқлардан дарс беришинг ҳам мумкин.

– Формамни тиклаб олишим ҳақида дейсанми? Раҳмат, дада, – мен яна битта картошкани олмоқчи бўлдим, бу фикримдан дарров қайтдим.

– Бунинг ёмон томони йўқ, – ойим бобомнинг идишига яна қайладан қуйди. – Фақат тилиннга эҳтиёт бўл, оғзи жуда бўшсан!

– Яхшилар, мен эндигина иш топганимда, асабимга ўйнаманглар!– дедим зарда билан. – Аввалги ишимдан кўра буни-сида яхшироқ тўлашади.

– Бари бир, бу вақтинчалик иш, – Патрик эътироз билдирди. – Отанг ҳақ. Бу иш билан бир пайтда формангни тикла. Озгина ҳаракат қилсанг бас, сендан яхши персонал мураббий чиқади.

– Мен персонал мураббий бўлмоқчи эмасман. Менга сакрашлар ёқмайди, – Патрика ўз гаини қайтариб ташладим.

– Биз шунчаки ҳазиллашяпмиз, қизгинам! – деди дадам кўлидаги чойни кўтарганча. – Сени ишли бўлганинг ғоят ажойиб. Биз жуда хурсандмиз. Ўз ишингни ўрганиб олганингда, улар сенга тамоман боғланиб қолишади.

— Бу флигелимиз. Бу ерда илгари отхона-миз бўларди, аммо биз бу жойда керакли барча нарсалар биринчи қаватдалигини ҳисобга олган ҳолда, Уиллга уйимиздан кўра шу ер қулай бўлишини англадик. Мана бу – меҳмонхона, Натан шу ерда тунаб қолишига асқотади. Бошида унинг тунаб қолишига эҳтиёж кўп бўларди, ҳозир эса камдан-кам ҳолларда керак бўлаяпти. – Миссис Трейнор ортига ўгирилмасдан ҳам йўлакдаги қатор эшикларни навбати билан очганча, изоҳ бериб бораркан, баланд пошналари плиткаларга тегиб, тақиллаган овоз чиқарарди. Афтидан, мендан талаб жуда жиддий бўладиган кўринарди. – Машинанинг калити мана бу ерда туради. Мен сизга суғурта очдирдим. Умид қиламанки, сиз бизга тўғри маълумотларни тақдим қилгансиз. Натан пандус қандай ишлашини кўрсатади. Аравача гилдирагини тўғри жойлаштирсангиз бўлди, қолганини машинанинг ўзи бажаради. Ҳозирча... Уилл кўчага чиқишга унчалар қизиқмаяпти.

– Бугун анча совуқ, – дедим мен.

Миссис Трейнор гапимни эшитмаганга олди.

– Ўзингизга чой ёки қаҳвани ошхонада дамлаб олишингиз мумкин. Шкафда ҳамиша егулик бўлади. Ваннахона мана бу ерда...

У эшикни очди ва мен ванна устига ўрнатилган металл ва пластикдан ясалган қурилмага анграйиб қарадим. Душ остидаги майдонча очиқ бўлиб, ёнига ногиронлар ўриндиги йиғиб қўйилганди. Бурчакдаги ойнаванд шкафчада плёнкага ўралган алланарсалар тартиб билан тахлаб қўйилганди. Уларнинг айнан нималигини бу ердан кўриб бўлмаса-да, дезинфекцияловчи ашёларнинг сезилар-сезилмас бўйи димоққа етиб келарди.

Миссис Трейнор эшикни ёпди ва мен томонга бир лаҳзага ўгирилди:

– Яна бир бор эслатаман, сиз ҳамма вақт Уиллнинг ёнида бўлишингиз шарт. Аввалги энага машинасини таъмирлатиш



учун, бир неча соатга ўзини қолдириб кетган ва Уилл унинг йўқлигида йиқилиб, жароҳат олган. – Бечора она томоғига тиқилган қайғули хотирани қулт этганча, истар-истамас ютиб юборди.

– Мен ҳеч қаяққа кетмайман.

– Албатта, сизга дам олишингиз учун танаффуслар керак бўлади. Мен фақат айтмоқчиманки, унинг бир ўзини ўн-йигирма дақиқага бўлса ҳам қолдирмаслик керак. Жуда зарур бўлиб қолганда эса интеркомдан қўнғироқ қилинг, эрим Стивен уйдалигини айтиши мумкин, ёки менинг қўл телефонимга боғлансангиз яна ҳам яхши. Агарда сизга ҳордиқ қунлари керак бўлиб қолса, илтимос, олдиндан айтиб қўйинг. Ўрнингизга одам топиш осон эмас.

– Тушундим.

Миссис Трейнор коридордаги шкафни очди. Менинг назаримда, у қачонлардан бери ёдлаб олган нутқини яна қайтараётгандек эди. Менгача бу ерга қанчадан-қанча энагалар келиб-кетдйкин...

– Агар Уилл ўзига бирор машғулот топиб олса, сиз хўжаликка фойдали бирор иш билан банд бўлинг. Кирлар ювишингиз, чангюткич ишлатишингиз, ҳатто чанглари артишингиз мумкин. Бу ер энди сизнинг ҳам уйингиз. Тозалаш воситалари чиғаноқнинг тагида. Мабодо Уиллнинг ёлғиз қолгиси келса, узоқлаб кетманг. У билан суҳбат қуришга қизиқарли мавзулар топа оларсиз, деб ўйлайман. Муносабатларингиз қандай бўлиши ўзингизга ҳавола.

Худди мен миссис Трейнорнинг кийимларини зимдан кузатганимдай, у ҳам уст-бошимга разм солди. Эгнимда пахмоқ нимча бўлиб, дадамнинг айтишича, унда мен туяқушга ўхшаб қоларканман. Ҳар қанча қийин бўлса ҳам мен унга жилмайишга ҳаракат қилдим.

– Сизлар Уилл билан чиқишиб кетасизлар, деган умиддаман. Унга ёлланган ходим эмас, дўст бўлиб қолишингизни истардим.

– Яхши. У... нималар қилишни ёқтиради?

– Фильмлар томоша қилишни, баъзан радио ёки муסיқа тинглашни яхши кўради. Унинг махсус рақамли қурилмаси бор. Бу қурилма яқинига қўйилса, бемалол ўзи бошқара олади. Уилл бармоқларини мушт қилиб туголмаса-да, ҳаракатлантира олади.

Бундан қувониб кетдим. Агар у муסיқа ва фильмларни

Оқтирса, бизнинг орамизда умумий қизиқиш топилиши мумкин. Шу заҳотиёқ тасаввуримда унинг билан голливуд комедиясини томоша қилганча, кулаётганимиз ва у мусиқа тинглаётганда, мен хонани чангюткичда тозалаб чиқаётганларим жонланди. Менимча, ҳаммаси яхши бўлади. Биз дўстлашиб қолсак керак. Менинг ҳеч қачон ногирон дўстим бўлмаган. Фақат Катринанинг соқов дўсти Дэвид бор эди, аммо уни биров ногирон деб кўрсин-чи, башарасини «чиройли» қилиб қўяди.

– Менга саволларингиз борми?

– Йўқ.

– Унақада сизларни таништириб қўяман. – У билагидаги соатига қаради. – Натан уни кийинтириб бўлган.

Биз эшик олдида тўхтадик ва миссис Трейнор эшикни тақиллатди.

– Уилл, шу ердамисан? Мен сени мисс Кларк билан таништирамоқчи эдим.

Ичкаридан ҳеч қанақа жавоб бўлмади.

– Уилл? Натан?

Эшик ортидан зўрға жавоб янгради:

– У кийиниб олди, миссис Ти.

Камилла Трейнор эшикни итарди. Фдигелдаги меҳмонхона кўзни ўйнатадиган кенгликка эга бўлиб, унинг бир девори фақат ўтлоқ ва далага чиқиладиган ойнаванд эшиклардан иборат эди. Бурчакдаги печка сокингина ҳарорат таратиб турар, иссиқ ва қалин ёпинчиқ тўшалган пастаккина диван улкан ва япасқи экранли телевизор қаршисига қўйилганди. Жуда ёқимли ва осойишта, шу билан бирга бўйдоқларга мос жой экан.

Хона ўртасида қўй терисидан қопланган қоп-қора ногиронлар креслоси турарди. Оқ кўйлакли бақувват йигит чўнқайганча, креслода ўтирган Уиллнинг оёқларини тўғрилар эди. Креслодаги сочлари таралмаган йигитнинг кўзи бизга тушиши билан, шунақанги уввос тортиб юборди-ки, юрагим кинидан чиқиб кетди.

Унинг онаси ҳам тошдек қотиб қолганини ич-ичимдан ҳис қилиб турардим.

– Уилл, бас қил!

У онасига қарамади ҳам. Унинг навбатдаги ўкириғи юрагининг тубидан куч билан отилиб чиқди. Бу ҳолат яраланган шернинг ўкиришини эслатарди. Мен ўзимни қалтироқ

тутишдан зўрға тийиб турардим. Эркак афтини баттар бужмайтирганча, кўзларини ола-кула қила бошлади. Буни кўриб, сумкамни ғижимлаб олган бармоқларим оқариб кетди.

– Уилл! Сендан ўтинаман. – Онасининг овозида жазава оҳанглари яширин эди. – Илтимос, бас қил.

«Ё худоим, – ўйладим мен. – Мен буни уддалай олмайман». Ўзимни зўрға тутиб турардим. Эркак менга тикилишни кўймасди. У ниманидир кутаётгандек эди.

– Мен... Менинг исмим Лу. – Титроқ тўла овозим ҳавода муаллақ қолди. Унга кўлимни узатмоқчи бўлган пайтимда, кўллари кўлимни ушлолмаслиги эсимга тушди ва мен уни силкиб кўя қолдим. – Луизанинг қисқача айғилиши.

Мени ҳайратга солганча, йигит афтини бужмайтиришни бас қилди ва бошини тик тутди.

Уилл Трейнор менга синчковлик билан разм солганида, лабларида сезилар-сезилмас табассум пайдо бўлди.

– Хайрли тонг, мисс Кларк, – деди у. – Сиз янги энага бўлсангиз керак.

Натан креслонинг оёқ кўйгичини созлагач, бошини чайқанча, ўрнидан турди.

– Яхши одаммасан, мистер Ти, яхши одаммас, – у мийиғида кулди-да, кенг кафтларини менга узатди ва мен уни оҳиста қисиб кўйдим. Натан жуда оғирқарвон эди. – Уилл сизни бир кўрқитиб кўйди-да. Кўникиб кетасиз ҳали.

Миссис Трейнор нозик бармоқлари билан бўйнига осилган тилла занжирчадаги хочни силарди. Чехраси гўё ҳеч нарса юз бермаган каби хотиржам эди.

– Мен кетсам ҳам бўлади. Ёрдамим керак бўлса интерком орқали кўнғироқ қилинг. Натан қурилмалар ва Уилл билан қандай муносабатда бўлишни кўрсатиб беради.

– Мен шу ерданман-ку, ойи. Худди йўғимдагидек бир-бирларинг билан гаплашманглар. Миям, худога шукур, ҳалича ишляпти.

– Майли, аммо яна ўзингни мана шундай тутадиган бўлсанг, мисс Кларк, Натанга мурожаат қилаверинг. – Миссис Трейнор ўғли билан гаплашганда ҳеч унинг райига қарамасди. – Бугун уйда ишлайман. Тушлик пайти бир келиб-кетишим мумкин, мисс Кларк.

– Майли, – дедим пичирлаш оҳангида.

Миссис Трейнор ғойиб бўлди. Унинг коридордан узоқлашаётган қадам товушларини жим ҳолда эшитиб турдик.

– Уилл, – Натан жимликни бузди, – қарши бўлмасанг, мен мисс Кларкка сенинг дориларингни кўрсатиб келсам. Сенга телевизор қўйиб берайми ё мусиқа эшитасанми?

– Радиодан Би-би-си тўртинчини қўйиб кет, илтимос!

– Бажонидил.

Биз ошхона томонга ўтдик.

– Сен илгари квадриплеглар билан ишламаган экансан, – деди миссис Трейнор.

– Худди шундай.

– Яхши. Хаммасини ижикилаб ётмайман. Мана бу жилдда Уиллга қандай қаров кўрсатиш кераклиги ва зарур телефон рақамлари ёзилган. Бўш вақтларингда ўқиб чиқарсан. – Натан белидаги калитларни олди ва турли-туман дори-дармонли пластмасса банкача ҳамда қутичалар билан тўла шкафчани очди. – Буларнинг бари менга тегишли вазифалар, аммо ҳар эҳтимолга қарши сен ҳам билиб қўйишинг лозим. Мана бу деворда у кун давомида доимий равишда қайси дориларини ичиши рўйхати осиб қўйилган. Қўшимча дориларни мана бу ерга қайд этиб қўйилади. – Натан бармоғи билан нуқиб кўрсатди. – Яхшиси, бошланишига миссис Ти билан келишиб олиш лозим.

– Мен унга дорилар ҳам беришимга тўғри келишини билмасдим.

– Бу қийинмас. Уиллнинг ўзи нималар кераклигини яхши билади. Озгина кўмаклашиб юбориш керак, холос. Биз асосан мана бу стаканчадан фойдаланамиз ёки дорини ховончада тўйиб, сувга аралаштириш керак бўлади.

Мен қутичалардан бирини кўзимга яқин келтирдим. Илгари дорихонадаям бунчалар кўп дориларни кўрмаганман.

– Демак бошладик. Мана бу икки дори қон босими учун: бири уйку олдидан тушириш учун, бошқаси тонгда кўтариш учун. Мушаклар тортишинишга қарши дориларни доимо қўллаб туриш керак, яъни биттасини эрталаб, яна бирини тушдан кейин. Уларни ютиш қийинчилик туғдирмайди, чунки улар силлиқ ва миттигина. Мана бу хапдорилар – пешоб халтаси учун, булари эса – кислотали рефлексга қарши. Уларни тамаддидан сўнг, ўзини ёмон ҳис қилганда ичириш мумкин. Мана бу антигистаминлар эрталаб берилиши керак, мана бу назалли пуркагичларни Уиллга ўзим ишлатаман, буларни сенга алоқаси йўқ. Оғриқ қўзиганида «парацетамол» ичирилади. Баъзи пайтлар уйку дори ҳам берса бўлади, фақат оқибати

яхшимас. Кундузи у сержахл бўлиб қолади, шунинг учун уйку дорини жуда чеклаб ишлатамиз. – У навбатдаги шишичани кўлига олди. – Бундаги антибиотикларни икки ҳафтада бир марта, катетерни алмаштирган пайтида қўллаймиз. Бу ҳам менга тааллуқли иш, мабодо бирор ёққа кетадиган бўлиб қолсам, нималар қилиш ҳақида аниқ қўлланмалар қолдираман. Улар жуда кучли дорилар. Мана бу қутиларда резина қўлқоплар бор. Уни тозалашингга тўғри келиб қолса асқотади. Мана бу малҳамлар ётоқ яралар учун. Шиширма кўрпа олганимиздан бери, уларнинг кераги бўлмай қолди. – Натан чўнтагидан иккинчи калитни олиб узатди. – Буниси сенга. Ҳеч кимга, ҳатто Уиллга ҳам бермайсан, уқдингми?

– Шунақа кўп гапни эслаб қолишга тўғри келади, – дедим мен.

– Буларнинг аксарияти бу ерга ёзиб қўйилган. Ҳозирча спазмларга қарши дориларни эслаб қолсанг бўлди. Мана булар. Телефон рақамларимни эслаб қол. Бекордан-бекор безовта қилаверма, бўш вақтимда мен ўқишим билан банд бўламан. Зарур бўлганда бемалол мурожаат қилишинг мумкин.

Мен олдимдаги жилддан кўз узолмасдим. Худди тайёрланмаган имтиҳонга кириб қолгандайман.

– Мабодо у... ёзилмоқчи бўлса-чи? – мени исканжага олган хавотирни иложи борица яширишга ҳаракат қилардим. – Мен кичкинаман... уни кўтара олмаслигим мумкин.

– Ҳадиксирамасанг ҳам бўлади, – Натан бош чайқади. – Унинг катетери бор-ку. Туш пайти келаман ва ўзим бир пастда алмаштираман. Сени жисмоний ишлар учун ёллашмаган.

– Бўлмаса, нима учун?

Натан бироз ер чизиб турди-да, кейин менга қаради.

– Сен уни хурсанд қилишга ҳаракат қил, майлими? У... сал ғалатироқ. Эркатоироқ десамми... Бадавлат оила... Терингни қалин қилишингга тўғри келади. Эрталаб у атайлаб сени кўрқитиш учун шунақа томоша кўрсатди.

– Шунинг учун бу ерда кўп тўлашадими?

– Ўзингдан қолар гап йўқ. Текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади. – Натан елкамга уриб қўйди. – Кўрқма, Уилл жиддий йигит. Менга ёқади. Сенгаям ёқиб қолишига ишонаман.

Биз меҳмонхонага кирдик. Уилл Трейнорнинг креслоси энди деразалар олдида турар, у радио эшитганча, ташқарини кузатарди.

– Мен бўлдим, Уилл. Кетишимдан олдин сенга бирор нарса керакмасми?

– Йўқ, Натан, раҳмат.

– Унақада, сени мисс Кларкнинг чаққон қўлларига топшираман. Тушки пайт кўришамиз.

Мен хушмуомала ёрдамчининг куртка кийишини тобора кучайиб бораётган ваҳима ила кузатардим.

– Болалар, сизларни хурсандчилик билан вақт ўтказишларингни тилайман, – Натан менга кўз қисганча, «қуённи расмини» чизди.

Мен хона ўртасида қўлларимни киссамга тикқанча, нима қилишни билмай турардим. Уилл Трейнор худди ёнида мен йўқдек, ташқаридан кўз узмасди.

– Чой дамлаб берайми? – ниҳоят хонадаги сукунатга чидай олмаганим учун гап бошладим.

– А! Албатта. Чой дамлаш билан тирикчилигини ўтказадиган сиздек қиз яна бошқа нима таклиф қилиши мумкин. Йўқ, раҳмат, керакмас.

– Балки, қаҳва?

– Мисс Кларк, қайноқ ичимликларни тинч қўйинг.

– Мени Лу, десангиз ҳам бўлади.

– Нима фойдаси бор?

Мен яна бирор нарса дейишга оғиз очдим, шу заҳоти ёпдим. Яна нима десам экан?..

– Балки бирор нарса олиб келиш керакдир?

Уилл мен томонга ўгирилди. Унинг соқолига бир неча ҳафтадан бери устара тегмаганлиги кўриниб турар, кўзлари эса совуқ боқарди. У яна дераза тарафга ўгирилиб олди.

– Унақада...– Мен хонага алаңладим. – Ювадиган бирор нарсани қидираман.

Хонадан юрагим дукиллаган кўйи чиқиб кетдим. Ошхонанинг хавфсиз бурчагига биқиниб олиб, телефонда синглимга хабар жўнатдим:

Бу даҳшат. У мени ёмон кўради.

Жавоби ҳам бир неча лаҳзадан сўнг кела қолди.

Латта, бор-йўғи бир соат ўтди! Ойим билан дадамга пул жуда зарур. Иш ҳақи ҳақида ўйла. Ўпаман.

Мен телефонимни шарақлатиб ёпганча, чуқур уҳ тортдим. Қирлар солинган саватни титкилаб, кир ювиш машинасига ағдаргач, йўриқномани ўқишга тутиндим. Тагин бир балони бошлайдиган бўлсам, Уилл ёки миссис Трейнор яна

менга тентакка қарагандек қарашлари мумкин. Машинани ишга тушириб қўйгач, яна қандай фойдали иш билан банд бўлсам экан, дея ўйга толдим. Коридордаги шкафдан чанг ютгични олиб, коридору икки ётоқxonани тозалаб чиқаркан, бу ишларимни ота-онам кўрганларида эсдалик учун суратга тушириб қўйишлари ҳақида ўйлардим. Ётоқxона худди мехмонxonалардаги номерлар каби деяри бўм-бўш эди. Натан бу ерда камдан-кам ётиб қолса керак. Уни айблаб бўлмасди.

Аввалига Уиллнинг ётоғига киришга ботинолмадим, аммо бу ер тозалашга энг муҳтож жой бўлиши керак, деган қарорга келдим. Деворнинг бир тарафини бор бўйига стеллаж эгаллаган бўлиб, унга ўнларча фотосуратли чорчўплар осиб қўйилганди.

Каравот атрофини тозалаб юраркан, бу суратларни кўздан кечири бошладим. Улардан бирида бир эркак тарзанка билан қўлларини Исо Масиҳ ҳайкалидек кенг ёзганча, пастга сакраётгани акс эгганди. Бошқасида эса худди Уиллга ўхшаган эркак чангалзорда, яна бирида – ўша эркак ширакайф жўралари орасида тасвирланган. Смокинг ва капалак нусха галстукли икки эркак бир-бирларининг елкасидан қўл ошириб тушган сурати осиглиқ турарди.

Мана бу суратда у ёнида қора кўзойнакли малла соч аёл билан чанги йўлагига олинган. Мен унинг юзини яхшилаб кўриб олиш учун энкайиб қарадим. Суратда у соқоли яхшилаб қирилган, юзи эса йилда уч маротаба дам олишларга бора оладиган, бадавлат кимсаларга хос кўзни олар даражада ёрқин эди. Унинг мушакдор, кенг елкалари чангичилар куртқаси остидан ҳам сезилиб турарди. Мен суратни авайлаганча, стол устига қўйиб, каравот ортини тозалашда давом этдим. Ниҳоят, ҳамма ишимни тугаллаб, шнурларни йиғишга тушдим. Розеткадан шнурни айириш учун эгилган маҳалимда қандайдир ҳаракатни сезиб қолдим ва додлаб юборай дедим. Остона ортида Уилл Трейнор мени кузатиб турган экан.

– Куршевель. Икки ярим йил олдин.

– Узр. – Мен қизариб кетгандим. – Мен шунчаки...

– Ҳечқиси йўқ. Сиз шунчаки, бундай ҳаётдан кейин мажруҳга айланиб қолиш қандай даҳшатли, деган хаёлда уларни кўздан кечириб чиққансиз.

– Йўқ. – Мен баттар қизариб кетдим.

– Агар қизиқишларингиз қонмаган бўлса, қолган суратларим пастки тортмада.

Ногиронлар аравачаси сокин гувуллаганча, ўнгга бурилди ва кўздан йўқолди.

\* \* \*

Тонг бир неча йилга чўзилгандек бўлди. Соат ва дақиқалар илгари бунчалар туганмас даражада чўзилганига сира дуч келмагандим. Мен ўзимга янги ва янги машғулотлар топар, Уиллдан хабар олиб қўйиш учун меҳмонхонага камдан-кам мўралаб қўяр, ўзимни кўрқаётгандек тутаётган бўлсам ҳам, энди менга бари бир эди.

Соат ўн бирда Натан тайинлагандек, Уилл Трейнорга спазмга қарши дори ва стаканчада сув олиб кирдим. Мен йўриқномада кўрсатилган каби хапдорини унинг тили устига қўйиб, оғзига стаканчада сув тутдим. Уилл бир амаллаб хапдорини ютворди-да, қўли билан уни ёлғиз қолдиришимни ишора қилди.

Мен гарчи бунга ҳожат бўлмаса ҳам, токчалардаги чангларни артиб чиқдим ва ойналарни ҳам ювиб чиқсамми деб, ўйлаб қолдим. Уилл ўтирган хонадаги телевизорнинг овозини айтмаса, ҳамма ёқда осудалик ҳукмрон эди. Мен ошхонадаги радиони қўйишга журъат қилмадим. Чунки менга Уилл мусиқий савиям ҳақида бирор заҳар гап қиладигандек туюларди.

Соат бир яримда Натан ўзи билан эшикдан совуқ ҳавони эргаштирганча, ҳовлиққан ҳолда кириб келди.

– Ҳаммаси жойидами? – сўради у.

– Албатта. – Мен унинг келганидан ғоятда қувониб кетдим.

– Жуда яхши. Сен ярим соатга бўшсан. Биз мистер Ти билан қиладиган ишимиз бор.

Мен курткамни кийиш учун югурдим. Бир ўзим шаҳарда овқатланмоқчи эдим, аммо уйдан ташқарига чиққанымдан кейин, енгил тортдим ва нақ хушимдан кетай дедим. Ёқаларимни кўтарганча, сумкамни елкамга осдим-да, худди борадиган аниқ жойим бордек йўлга тушдим. Аслида эса, яқин-атрофдаги кўчаларда бемақсад кезиб юрдим.

«Сарёғли кулчалар» ёпилганидан бери шаҳарнинг бу чегида бошқа қаҳвахона очилмади. Қалъа ҳам кимсасиз бўлиб қолди. Энг яқин жойдаги тамадди қилса бўладиган жой – гастропабдаги нархлар эса нақ осмонда бўлиб, ёнимдаги бор пул



бир стакан сувгаям етмасди. Унинг автомобиль кўйиш майдончасида қимматбаҳо машиналаргина турарди.

Мен ушбу майдончанинг бир четида, Гранта-хаусдагиларнинг кўзи тушмайдиган жойда турганча, синглимнинг рақамларини тердим.

– Салом!

– Биласан-ку, менга иш пайтида гаплашиш мумкин эмас. Эсингни едингми?

– Шунчаки, овозингни эшитгим келди.

– У қанақа экан, кўрқинчлими?

– Катрина, у мени ёмон кўриб қолди. Менга худди ўлган сичқонни кўргандек қарайди. У чой ҳам ичмаскан. Ундан яшириниб юрибман.

– Наҳотки?

– Нима дейсан?

– Сен у билан гаплашишга ҳаракат қил. Албатга, у бахтсиз. Ногиронлар аравачасига михланиб қолган. Сендан эса, унга ҳеч қанақа фойда йўқ. Шунчаки у билан гаплаш. Яқинроқдан ўрган. Нимадан кўрқасан?

– Билмайман... Чидай олармиканман...

– Онамга ярим кун ҳам ишюлмаганингни айтмай турман. Сенга бир тийин ҳам ҳақ тўлашмайди, Лу. Сен кетмаслигинг керак. Бунга йўл қўйолмаймиз.

У ҳақ эди. Мен синглимни ёмон кўриб кетдим.

Орага озгина жимлик чўкди. Катринанинг овози эркалагандек, мулойимлашди. Бу яхшиликдан эмас.

– Гапимга қулоқ сол, – деди у. – Бор-йўғи олти ойгина экан. Бас, олти ойгина чидасанг, тавсияноманга битта плюс қўшилади. Кейин кўнлингдагидек, бошқа бирор иш топасан. Ундан кейин, бу ишинг товукхонадаги тун бўйи ухламай ишладан кўра, яхшироқ эмасми?

– Товукхонадаги тунлар – қайтага байрамдек туюляпти.

– Кечирасан, Лу, бошқа гаплашолмайман.

\* \* \*

– Айланиб келишга нима дейсиз? Машинада чиқамиз.

Натан ярим соат элдин кетди. Мен чойдан бўшаган идишларни ювишга нақ мангуликка тенг вақт сарфладим ва бу ерда яна бирор соат вақтни ўтказсам, бошим тарс ёрилиб кетса керак.

– Қаёққа айланиб келишга? – у мен томонга ўгирилди.

– Билмадим. Келинг, шаҳар ташқарисига чиқиб келамиз. Баъзан, айнан мана шундай вақтларда Катринага ўхшашга ҳаракат қилардим.

– Шаҳар четига, – у мулоҳазакорлик билан гапимни такрорлади. – Хўш, у ерда нимани кўрмабмиз? Бир неча дарахт-ними? Осмон парчасиними?

– Билмайман. Бундай пайтларда ўзи нима қиласиз?

– Ҳеч нарса, мисс Кларк. Мен ҳеч нарса қилолмайман. Мен шунчаки мавжудман, холос.

– Менга айтишганди-ки, – дедим тутилганча. – Сизнинг аравачангизга мослаштирилган махсус машинангиз бор экан.

– Сиз уни ҳар куни ҳайдашмаса бузилиб қолади, деб ўйлайсизми?

– Йўқ, мен ...

– Менга куни билан уйда ўтириш зарарли, демокчимисиз?

– Мен ўйловдимки...

– Мен учун айланиб келиш, тоза ҳавода нафас олиш фойдали, деб ўйладингизми?

– Мен сизга фақат...

– Мисс Кларк, машинада Стортфолд кўчаларини сайр қилиш билан, менинг ҳаётим яхшиланиб қолмайди. – Уилл зудлик билан гапимни бўлди ва юзини буриб олди.

Биз анча пайтгача жим қолдик.

– Сизга компьютерни олиб келайми?

– Мажруҳларга аталган сайтларга кириш учунми? «Яшашдан умидингни сўндирма», «Ғилдираклардаги ҳаёт».

– Майли... яхши... – Мен ишонч билан гапириш учун чуқур хўрсиниб олдим. – Биз биргаликда кўп вақтни ўтказаетганимизни инобатга олган ҳолда, бир-биримизни яхшироқ билиб олишимиз керакдай...

Унинг юз ифодаси мени жим бўлишга мажбур қилди. У олдидаги деворга тикилганча, бақбақаси бориб-келарди.

– Шунчаки... ҳақиқатан ҳам озмунча вақтмас. Бутун кун бўйи, – давом этдим мен. – Балки, нималар қилишни яхши кўришингиз ва ёқтиришингизни айтганингизда, албатта, мен ҳам шунга қараб иш юритармидим?

Бу галги сукунат янада азобли эди. Бунақа сукут менинг овозимни қандай ютиб юбораётганини кузатиб турар ва қўлларимни қаёққа қўйишни билмасдим. Катринага тақлидан қўллаган усулим ўз-ўзидан буғланиб кетди.

Ниҳоят, ногиронлар аравачаси гувуллашга тушди ва Уилл мен томонга шошилмасдан ўғирилди.

– Шундай қилиб, мисс Кларк, менинг онам сизни жуда маҳмадона деганди. – Унинг гап оҳанги менга худди жисмоний нуқсондек янгради. – Келинг, келишиб оламиз. Менинг ёнимда жимгина юриш – сизни қийнаб қўймаса керак?

Аламимни ичимга ютдим, юзим уятдан ёниб борарди.

– Яхши, – дедим гапира оладиган ҳолатга қайтганимдан кейин. – Мен ошхонада бўламан. Бирор нарса истасангиз, чақириб қўярсиз.

\* \* \*

– Аллақачон таслим бўлганимга ишонмайман.

Мен ўсмирлигимдаги каби каравотда оёқларимни деворга тираганча, кўндаланг ётардим. Кечки овқатдан кейин дарров ўз хонамга чиқиб кетдим. Томас туғилганидан бери Катрина ўғли билан каттароқ хонага кўчиб ўтишди ва менга каталакдек хона тегди. Бу ерда бир соатгина бўлишнинг ўзиёқ, клаустрофобия касалини орттириб олишга етарли эди.

Аммо мени настда ойим ва бобомнинг ёнида бўлгим келмайди. Чунки ойим дам-бадам мен тарафга қараб олганча: «Бари яхши бўлиб кетади», «Ҳамма иш ҳам биринчи кун оғирдек туюлади» каби юпатмаларини тилга оларди. Лекин кейинги йигирма йилдан бери у ишламаётган эди. Шуни деб, ўзимни айбсиз айбдордек ҳис қилавераман.

– Мен таслим бўлдим, деганим йўқ.

Катрина ҳар доимгидек эшикни тақиллатмасдан хонамга бостириб кирди. Мен доимо Томас ухлаётганини тахмин қилган ҳолда, унинг эшигини секингина чертиб кираман.

– Ойим сени ишдан бўшамокчи, деб ўйлаяпти.

– О, Катрина. – Оёқларимни девордан туширганча, ўтириб олдим. – У мен ўйлаганимданам баттароқ экан. Шунчалар бахтсиз-ки...

– Ўзи ҳаракатлана олмайди. Чинданам бахтсиз у.

– Бунинг устига тили шунақа захарки. Мен бирор нарса таклиф қилсам, менга худди тентакни кўриб қолгандай қарайди ёки шунақа гапларни айтадики, худди икки яшар болакайга ўхшаб кетаман.

– Сен бирор аҳмоқона гапни алжираб қўйгандирсан-да. Энди сизлар шунчаки бир-бирингга кўникишларинг керак.

– Ҳечам алжираганим йўқ. Мен жуда эҳтиёткор одамман.

«Машинада айланиб келмайсизми?» ёки «Чой дамлаб берайми?» – дейишдан ўзга сўзни тилга олмадим.

– Балки у бошида ҳамма билан ўзини шунақа тутса керак. Қараб тур, сени анчайин узоқроқ вақтга келганингни сезиб қолади. Уларникига жуда кўп энагалар келиб-кетишган бўлса керак.

– Унинг мен билан битта хонадаям бўлгиси йўқ. Катрина, бунга ҳеч қачон чидамайман. Уни ўзинг кўрганигда, мени тушунган бўлардинг.

Катрина мендан кўзини узмаган ҳолатда сукут сақларди. У ўрнидан турганча, эшик ортида ҳеч ким йўқмикан дегандек, оҳиста мўралаб қўйди.

– Мен коллежга қайтишни ўйлаб қолдим, – деди у ниҳоят.

Менга мавзу ўзгариб кетганини англашим учун бир неча сония керак бўлди.

– Ё худойим, – дедим мен. – Бироқ...

– Мен ўқишимга пул тўлаш учун ссуда олмоқчиман. Аммо менга болам борлиги учун махсус субсидия беришлари мумкин, университет эса пасайтирилган ставка тавсия қиляпти... – У хижолат бўлганча, елкаларини қисди. – Улар мени аъло баҳога ўқишимга ишонишяпти. Кимдир иқтисод ва менежмент курсини ташлаб кетибди, кейинги сместрдан мени олишлари мумкин.

– Томас-чи?

– Кампусда болалар боғчаси бор. Биз ётоқхонада яшашимиз ва ҳар дам олиш куни уйга келиб-кетишимиз мумкин.

– Шунақа дегин. – У менга тик қараб тургани учун, юз ифодаларимни қандай тутишниям билмасдим.

– Миямни яна бир бор синовдан ўтказишни жуда ҳам истаялманки. Гулдасталар яшадан ўлгудек безор бўлдим. Ўқишни, яхшироқ яшашни хоҳлайман. Қўлимни совуқ сувга тикаверишдан жоним ҳиқилдоғимга келди.

Биз иккимиз ҳам унинг шундоғам иссиқдан димиқиб кетган уйимизда пуштилигича қолган қўлларига қарадик.

– Аммо...

– Ҳа. Лу, мен энди ишламайман. Энди ойимга бир тийинам беролмайман. Балки... Қайтага энди улар менга берадиган бўлиб қолишяпти. – Катрина йиғлаворгудек менга тикилди.

Пастда ойимнинг телевизорда кўраётган бирор нарса устидан кулгани эшитилди. У доимо бобомга телевизордан берилаётган эшиттиришларни тушунтиришга ҳаракат қилар-

ди. Синглимнинг айтганлари энди-энди онгимга етиб бораётгандек эди. Мен ҳамма томондан қуршовга олинган ўлжага айланиб қолгандим. Гўё атрофидан оқиб келаётган бетон оёқларимни сиқувга олаётган каби.

– Лу, мен чинданам шундай қилишим керак. Томас ва ўзим учун ҳам кўп нарсага эришишим шарт. Бунинг бирдан бир йўли эса коллежга қайтиш. Менинг Патригим йўқ. Томасни туққанимдан кейин, мен билан ҳеч ким қизиқмай қўйди. Ҳаммасини ўзим қилишим керак. – Бу гапларига жавоб бермаганимдан кейин, секин қўшиб қўйди: – Мен ва Томас учун пича чидагин.

Мен бош ирғадим.

– Лу? Илтимос!

Мен синглимни ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмагандим. Бошимни кўтариб унга қарадим ва жилмайишга ҳаракат қилдим.

– Албатта, сен ҳақсан. – Гапиришни бошлаганимда овозим ўзимникига ўхшамай қолди. – Мен унга кўникишим керак. Биринчи кунлар ҳамиша қийин бўлади, тўғрими?

**О**радан икки ҳафта ўтди ва ҳаёт ўз изига туша бошлади. Ҳар тонг соат саккизда мен Гранта-хаус эшигини тикиллатар, Натан Уиллни кийинтириб бўлганидан кейин, унинг дорилари ҳақидаги кўрсатмалари, энг муҳими, бугунги кайфияти ҳақидаги гапларини диққат билан тинглардим.

Натан хизматига кетгач, Уилл учун телевизор ёки радио қўйиб бериб, дориларни ўлчаб қўяр, баъзида эса уларни ховончада туярдим. Ҳар доимги одатга кўра, ўн дақиқалардан кейин Уилл менга ёнида бўлишим ёқмаётганига ишора қиларди. Шундан кейин майда-чуйда рўзгор ишлари билан машғул бўлар, шундоғам тоза идишларни ювар, чангютгич билан хоналардаги чангу-ғуборларни излаб юраркан, миссис Трейнор тайинлагандек, ҳар ўн беш дақиқада Уиллдан хабар олиб қўярдим. У аввалгидай креслосида ўтирганча, ҳувиллаган боғни кузатиб турарди.

Кейинроқ мен унга сув ёки кўриниши гулқоғоз елимини эслатадиган, унинг вазини сақлашга ёрдам берувчи калорияси юқори ичимлик ёки таом олиб борардим. У бармоқларини қимирлата олгани билан қўлини ишлата олмас, шунинг учун ҳам уни қошиқда овқатлантиришимга тўғри келарди. Бу қиладиган юмушларимнинг энг ёқимсизи эди. Кап-катта одамни овқатлантириш менга жуда ғалати туюлар, хижолат бўлганимдан қўлларим қалтираб, укувсиз одам ҳолига тушардим. Уилл ҳам бундай дамларни ёқтирмагани учунми, кўзларини бошқа тарафга олиб қочарди.

Кундузги соат бирларда Натан етиб келар, мен эса курткамни олганча, кўчага чиқиб кетардим. Баъзида қалъа ёнидаги автобус бекатида тамадди қилишимга тўғри келарди. Ҳаво совуқ бўлганидан, букчайган кўйи сэндвич ейишим жуда ачи нарли кўрингани билан менга бари бир эди. Бу уйда кун бўйи қолиб кетишга иродам етмасди.

Куннинг иккинчи ярмида фильмлар қўйиб берардим. Уилл DVD-клуби аъзоси бўлганидан унга деярли ҳар куни почтадан янги фильмлар келиб турар, аммо у менга уларни биргалик-

да кўришни сираям таклиф қилмагани учун ошхонада ёки ётоқда ўтирардим. Кейинчалик эса ўзим билан китоб ё журнал олиб келадиган бўлдим. Бироқ ўзимни нимагадир айбдордек ҳис қилганим туфайли ўқиган нарсаларим ҳеч онгимга етиб бормасди. Гоҳида кечга яқин миссис Трейнор бирровга келиб кетарди... У менинг жавобларим қандай бўлишини биладигандай, бирортаям савол бермасди.

Уиллдан бирор нарса керак ё йўқлигини сўрар, эртанги кун учун бирор машғулот – кўчага сайр қилиш ёки унинг соғлиғи билан қизиққан дўсти билан учрашишни таклиф қилар, – у эса ҳар қачонгидек қўпол оҳангда рад қиларди. Унинг гаплари онасига оғир ботгани кўриниб турар, бўйнидаги занжирчасини силар ва қайтиб кетарди.

Уиллнинг отаси хўппа семиз ва паст бўйли киши бўлиб, мен кетаётган пайтимда келарди. У шаҳардаги маоши баланд ишни ташлаганидан бери қалъада мутасаддилик қиларди. Бу киши бамисоли катта заминдор қўли ишдан чиқиб қолмаслиги учун, бир-икки кетмон уриб қўйгандай иш тутарди. У айнан бешида ишини тугаллар ва Уилл билан телевизор кўриб ўтирарди. Ҳар-ҳар замонда менга телевизорда айтилган янгиликларни бир-икки оғиз сўз билан бақирганча, етказиб кўярди.

Дастлабки ҳафталарда Уилл Трейнорни анчагина яқиндан била бошладим. У аввалгидан кўра бошқачароқ кўринишга қарор қилганлигини пайқадим: унинг оч қизғиш сочлари похол уюмига ўхшаб қолган, соқоллари ўсиб кетганди. Доимий азоб ёки чарчоқдан бўлса керак, кулранг кўзлари атрофини ажинлар тўри қоплаб олган. Натан айтгандики, Уилл камдан-кам ҳолдагина ўзини яхши ҳис қиларкан. Уиллнинг кўзлари замондан бир неча қадам орқада қолаётган кимсанинг кўзлари каби бўм-бўш эди. Менимча, бу унинг ҳаёт билан келишадиган ягона усули эди.

Унга ачинишни хоҳлардим. Ҳа, хоҳлардим. Деразадан ташқарига тикилиб ўтирганини кўрганимда, дунёдаги энг ғамгин кимсадек туюларди. Вақт ўтиши билан унинг кайфиятини ўзгариши нафақат ўриндиқда ўтиришлару жисмоний соғлигини йўқотгани учунгина эмас, балки турли камситишлар ва соғлиғига боғлиқ муаммолар, хавф-хатарлар карвони ва ўзини ёмон ҳис қилишлар натижаси эди. Унинг ўрнида бўлганимда мен ҳам аянчли даражада бахтсиз бўлардим.

Худойим-эй, у мен билан бунчалар тубан даражада

муомала қилади! Менинг ҳар қандай сўзларимга қарата заҳардек жавоблари шай туради. Мен ундан уй иссиқми, совқотмаяпсизми, деб сўрасам бўлди, зарур бўлганида иккинчи кўрпани ҳам сўраб олишга қурбим етарли, дерди. Мен ундан фильм кўриши учун чангюткичнинг шовқини баландлик қилмаяптими, дея сўрасам, овозсиз чангюткични ихтиро қилган бўлсанг керак, дея заҳарини сочарди. Овқатлантираётган пайтимда ҳам у дам овқатни иссиқ, дам совуқ дер, дам эса олдингисини ютиб бўлмасидан, қошиқ тикаётганимдан шикоят қиларди. Баъзида мени ҳеч нарсага ақли етмайдиган, тентакка чиқарадиган қилиқлар ўйлаб топарди.

Дастлабки ҳафталарда иложи борича буларга қарши ўзимни бепарво тутишга ўргатиб олдим. Шундоқ бурилардим-да, бошқа хонага кетворар эдим ва у билан мумкин қадар камроқ гаплашишга ҳаракат қилардим. Кейинчалик мен ундан нафратлана бошладим ва бу унинг ўзига ҳам аён эди.

Бора-бора аввалги ишимни яна-да кўпроқ соғина бошлашимни сира кутмагандим. Фрэнк қаҳвахонага келганимда қувонч билан кутиб оларди. Мижозларим мени гапга солишга ҳаракат қилишарди. Мен уларни кучлироқ соғинганимни ҳис этаяпман. Мана бу мухташам уй эса худди ўликхона каби жимжит ва беҳаракат экан.

«Олти ой, – дея такрорлардим чидаб бўлмас даражага етганида. – Бор-йўғи олти ой».

Кунлардан бир кун, яъни пайшанбада мен Уилл учун калорияси юқори ичимлик тайёрлаётган маҳалим, коридордан миссис Трейнорнинг овози эшитилди. Шу билан бирга нафасимни ичга ютганча, қулоқ солиб, яна бошқа бир ёшроқ аёл ҳамда эркакнинг овози борлигини англадим.

Миссис Трейнор ошхона эшиги олдида пайдо бўлганида мен ўзимни иш билан жуда банд ҳолда тутганча, қўлимдаги ичимликни зўр бериб аралаштира бошладим.

– Олти қисм сув ва тўрт қисм сутдан тайёрлаяпсизми? – деди у стаканчага нигоҳини қадаркан.

– Ҳа, бу галгиси қулупнайли.

– Уиллнинг дўстлари келганди. Сиз яхшиси...

– Ошхонада қиладиган ишларим бор.

Уиллдан бирор соатга бўлса ҳам дам оларканман, деган умидда хурсанд бўлиб кетдим. Стаканчанинг қопқоғини бураб ёпдим.

– Меҳмонларингиз чой ёки қаҳва хоҳлашармикан?



– Албатта. – У ҳайратини яширмади. – Бу жуда кўнгилдаги иш бўларди. Қаҳва дамлай қолинг. Мен яхшиси...

Миссис Трейнор ҳар доимгидан ҳам хавотирга банди бўлганча, гап-сўзлар келиб турган коридор томонга қараб қўйди. Уиллнинг ўртоқлари, чамаси, камдан-кам ташриф буюрса керак.

– Мен уларга халал бермай, бора қолай. – У коридорга мўралаб қўйди. – Бу Руперт, ўғлимнинг ишдаги ўртоғи. – Кейин мен томонга ўгирилди-да, қандайдир бир сирни ўртоқлашмоқчидай деди: – Иккинчиси Алисия. Улар бир пайтлар... жуда яқин бўлишган. Қаҳва дамлаб берсангиз жуда ўринли бўларди. Раҳмат, мисс Кларк.

\* \* \*

Кўлим баркаш билан банд бўлгани учун, эшикни тиззам билан итарганча, ичкари кирдим.

– Миссис Трейнор сизларга қаҳва дамлаб беришимни тайинладилар, – дедим идишлар солинган баркашни пастгина стол устига қўйиб.

Уиллнинг стаканчасини креслонинг махсус ушлагичига маҳкамлаб, унга солинган сомончани лаби томонга тўғрилаб қўяркан, меҳмонлар томонга ўғринча кўз ташладим.

Аввалига аёлга эътибор қаратдим. Узун оёқли, қуёшда обдон тобланган аёл. Бундай аёлларни кўрганимда, одамзот чинданам битта турдан тарқалганига шубҳаланиб қолардим. Бамисоли одам қиёфасидаги пойгачи отни кўргандай бўласан.

Унга яхшироқ разм солган пайтим, бу жувонни чанғили фотосуратда кўрганимни эсладим. У ўзини ҳозир жуда ноқулай ҳис қилаётган эди.

Жувон Уиллнинг яноғидан ўпиб қўйганча, зўраки табасум билан ўзини орқага олди. Унинг эғнида қоракўлли нимча бўлиб, бўйнига ўраб олган кашемир шарфни ечсамми-ечмасамми, дегандек қўли билан силаб-сийпаларди.

– Кўринишинг... ёмонмас, – деди у Уиллга. – Пича соқол қўйворганингни айтмаганда.

Уилл сукут сақларди. Унга индамасдан ҳар доимги тош қотган ифода билан тикилди. Шунда мен у фақат менгагина бундай қарамаслиги учун миннатдор бўлиб қўйдим.

– Креслонгни янгилашибдимми? – эркак худди қимматбаҳо спорт машинасини мақтаётган каби Уиллнинг креслосига шаппатилаб қўйди. – Гап йўқ... таърифига тил ожиз.

Мен нима қилишни билмасдим. Оғирлигимни у оёғимдан бунисига ташлаган кўйи турарканман, Уилл менга мурожаат қилиб қолди:

– Луиза, печкага ўтин ташлаб юборасизми, ўчиб қолай деяпти. – У биринчи марта мени исмим билан атаётганди.

– Бажонидил, – дедим мен.

Сўнгра печка ёнига бориб, саватдаги тарашаларни саралай бошладим.

– Худойим, кўчада шунақа аёз-ки, – деди жувон. – Тирик оловнинг тафти бошқача бўлади-да.

Мен печка эшигини очиб, оташкурак билан лангиллаётган чўғларни яшнаптирдим.

– Бу ер Лондондан кўра анча совуқ экан.

– Тўғри, анчагина совуқ, – эркак жувоннинг гапини маъқуллади.

– Мен печка сотиб олмоқчи эдим. Очиқ ўчоқдан кўра бу кўпроқ иссиқ беради. – Алисия печкани энди кўраётгандек, нича эгилди.

– Буни мен ҳам эшитгандим, – деди эркак.

– Тезроқ бу иш билан шуғулланиш керак. Доим орқага таплайверасан, кейин эса... – жувон гапининг охирини ютиб юборди.

– Ажойиб қаҳва экан, – Алисия бироз сукутдан сўнг гапини давом эттирди.

– Уилл, нима ишлар... қилипсан? – эркакнинг овозида ясама шодонлик манаман деб турарди.

– Ишонасанми, ҳеч нарса қилмаяпман.

– Физиотерапия ва бошқаларчи? Дангасалик қилмаяпсанми? Ахволинг... яхшиланаяптими?

– Руперт, мен ҳали-вери чанғи учолмасам керак, – Уиллнинг овози кинояга тўла эди.

– Энди ўзингга ўхшаяпсан, Уилл! Мен ним табассум қилдим ва печ олдидаги кулларни супура бошладим. Улар ортимдан кузатаётгандек туюларди.

– Шундай қилиб... – деди ниҳоят Уилл. – Қайси шамоллар учирди? Саккиз ойлар бўлди-ёв келганларингга.

– Узр. Мен жуда банд эдим. Челсида янги иш топгандим. Саша Голдштейнинг дўконини бошқараяпман. Саша эсингдами? Айниқса, дам олиш кунлари иш қалашиб кетади. Ми-жозлар шу кунларда кўп бўлади. Бош қашишга қўл тегмай-

ди. – Жувоннинг овози синиқ чиқди. – Икки марта кўнғироқ қилдим. Ойинг айтган бўлса керак?

– Бизнинг «Левинс»да ишлар шунақа тез юришиб кетдики! Бу қандай бўлишини сен яхши биласан, Уилл. Энди бизда янги ҳамкор бор. Нью-Йоркдан келган йигит. Бейнс. Дэн Бейнс. У билан ҳеч учрашганмисан?

– Йўқ.

– Жуда ҳаракатчан. Кечю кундуз тиним билмайди, бошқалардан ҳам шуни талаб қилади. – Эркак гапни одатдаги йўналишга буриб юборганидан енгиллик ҳис қиларди. – Сен америкаликларнинг иш этикасини биласан-ку, ҳеч қандай узок тушлик танаффусларисиз, бачкана ҳазилларсиз. Уилл, ишонасанми, аҳвол тамомила ўзгариб кетди.

– Наҳотки?

– Ҳа, Уилл, худди қўшга қўшилган ҳўкиздай ишляпмиз. Баъзи пайтлар стулга бутунлай михланиб қоляпмиз.

Мен ўрнимдан турдим.

– Бориб... яна ўтин олиб келай, – дедим Уилл томонга бир қараб ва саватни кўтариб далага жўнадим.

Ташқари жудаям совуқ бўлса-да, вақтни чўзиш учун печкабоп тарашаларни саралай бошладим. Бармоқларимни совуққа олдирган яхшими ёки уларнинг олдига қайтганимми, дея ўйланиб қолдим. Ҳақиқатан ҳам яхшигина аёз эди. Тирноқларим кўкара бошлаганда енгилдим ва уйга қайтдим. Коридорга кирганимдан кейин қадамимни секинлатдим. Меҳмонхонага яқинлашган пайтим қия очиқ эшикдан жувоннинг овози қулоғимга чалинди.

– Уилл, умуман олганда, биз шунчаки келмадик, – дерди у. – Бизда... янгилик бор.

Эшик олдига етганимда ичкарига киришга ботинолмай қолдим.

– Мен... тўғрироғи, биз ўйладикки... сенга... айтишни лозим топдик. Яширишнинг ҳожати йўқ. Биз Руперт билан турмуш қурмоқчимиз.

Мен жойимда қотиб турардим.

– Биламан, сенга буларни эшитиш оғир, – давом этди жувон. – Ростин айтганда, менга ҳам осонмас. Бу қарорга келгунча кўп вақт керак бўлди.

Менинг қўлларим оғриб кетган, ўтинли саватни нима қилишни билмасдим.

– Орамиздаги муносабатлар... ўзингдан қолар гап йўқ, – орага яна оғир сукунат чўкди. – Уилл, бир нарса десанг-чи.

– Табриклайман, – деди у ниҳоят.

– Сен нимани ўйлаётганингни биламан. Аммо биз бунақасини сира режалаштирмаган эдик. Чин гапим. Жуда узок найт дўстлигимизча қолдик. Сен ҳақингда қайғураётган дўстлар бўлиб. Фақатгина сен билан юз берган фалокатдан кейин, Рупертнинг ўзи менга ишончли таянч бўлиб қолди.

– Қандай олийжаноблик.

– Кесатишинг ноўрин. Мен буни сенга айтишдан қўрқардим. Иккимиз ҳам қўрқардик.

– Бу табиий, – деди Уилл.

– Қулоқ сол, Уилл, – Рупертнинг овози эшитилди. – Биз сендан хавотир олганимиз учун бу ерга келдик. Буни бировданмас, балки ўзимиздан эшитишингни истадик. Ҳаёт тўхтаб турмайди. Буни яхши биласан. Ахир, ҳаш-паш дегунча икки йил ўтиб кетди.

Сукунат бошланди. Мен бу гапларни ортиқча эшитишни истамадим ва ортга чекиндим. Аммо Руперт овозини кўтариб гапиргани учун, эшитмасликнинг иложи ҳам йўқ эди.

– Оғайни, биламан, сенга бу оғир ботади. Аммо... агар сен Лиссани яхши кўрсанг, унга имкон беришинг керак.

– Уилл, бирор нарса дегин. Илтимос.

Мен бутун тасаввуримда Уиллнинг нафрат ва бепарволик аралаш чехрасини кўз олдимга келтирдим.

– Табриклайман, – деди ниҳоят у. – Сизлар биргаликда бахтли бўласизлар.

Алисия ожизгина қаршилиқ қилса-да, Руперт унинг гапини бўлиб ташлади:

– Кетдик, Алисия. Кетганимиз маъқул. Уилл биз сендан ок фотиҳа олгани келдик, деб ўйлама. Бу шунчаки одоб юзасидан эди. Лисса... иккимиз ҳам буни ўзимиздан эшитганинг яхшироқ, дея ҳисобладик. Бизларни кечир, агар кечира олсанг. Сенинг ҳам ишларинг изига тушиб кетади, деб умид қиламан ва биз яна сен билан ишлашни давом эттирамиз.

Улар эшик томон яқинлашганида мен худди эндигина келгандек, сават устига эгилдим. Коридорга биринчи бўлиб чиққан Алисиянинг кўзлари қизариб кетганди.

– Мен юзимни ювиб олмоқчи эдим, майлими? – Унинг овози сўниқ ва хириллаб чиқди.

Унга бармоғим билан ваннахона томонни кўрсатдим.

Жувон менга синчковлик билан қаради ва ичимдан нималар ўтаётганини сизди. Шу ёшгача ичимдагиларни яшира олмаганман.

– Мен ҳақимда нималарни ўйлаётганингизни билман, – деди у бироз сукут сақлаганидан кейин. – Ҳаракат қилиб кўрдим. У эса ўзидан итариб келди. Ростдан ҳам ёнида бўлишимни истамасди.

– Буларнинг менга алоқаси йўқ, – дедим мен ниҳоят.

Биз юзма-юз турардик.

– Биласизми, ёрдамни хоҳлаганларгагина кўрсатиш мумкин, – жувон шундай деганча, жўнаб кетди.

Ташқарида машина ғилдиракларининг овози олислашиб кетганидан кейин ошхонага ўтиб, ичгим келмасаям чой қўйдим. Аввал ўқиган журналимни қўлга олиб варақладим. Сўнгра коридорга қайтиб, ўтин солинган саватни кўтарганча, меҳмонхонага кирдим.

– Сиздан бирор нарса керакмасми, деб... – Ҳали гапимни тугатмаси, хона бўм-бўшлигидан хайрон қолдим. У ёқ-бу ёққа алангладим.

Шу пайт шовқин-сурон кўтарилди. Коридорга чопиб чиқдим. Яна шовқин ва ойналарнинг сингани эшитилди. Улар Уиллнинг ётоғидан келарди. Худойим, ишқилиб у жароҳатланмаган бўлсин-да. Миссис Трейнорнинг уқдиришлари қулоғим остида жаранглади. Уни узоқ пайт бир ўзини қолдиришим мумкин эмасди.

Уиллнинг ётоғи эшигини очиб, даҳшатдан қотиб қолдим. Уилл погиронлар аравачасида хонасининг ўртасида ўтирар, узун ҳасса худди жангчиларнинг найзаси каби аравачага суняниб қолганди. Узун токчаларда бирорта ҳам расмлар қолмаган, қимматбаҳо чорчўплар синиб, қийшайиб кетган, гилам сатҳида ойна синиқлари ялтираб ётарди. Уиллнинг тиззаларида ҳам ойнанинг майда синиқлари ва пайраҳалар кўзга ташланарди. Худога шукурлар бўлсинки, Уиллнинг ўзи жароҳатланмаган эди. Бу вайронгарчиликка катта куч сарфлаганидан, оғир-оғир нафас оларди.

Бизларнинг нигоҳларимиз тўқнашди. Унинг кўзлари жуда хорғин кўринарди.

– Шиналарингизга ойна санчилиб, тешилиб қолмасин, – дедим мен унга қимирламаслик ишорасини қилиб. – Мен чангюткич ва супургини олиб келаман.

Унинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди. Лабларидан эса «кечирасиз» деган сокин сўз учди.

\* \* \*

– Бу ғоятда дахшатли эди, – дедим Патрика пайшанба оқшомида, унинг спортчи дўстлари ва дугоналари билан тўнланиб, базм уюштирадиган тунги клубда учрашганимизда. – Унинг севгилиси ва дўсти шунақа қилиб ўтиришибди.

– Сен қизни бекорга айблаяпсан, – эътироз билдирди у. – Мабодо менинг ҳам бўйнимдан пастим ишламай қолса, ёнимда қолмайсан-ку.

– Нега энди, қолган бўлардим.

– Йўқ, қолмасдинг. Менинг ўзим сени ҳайдаб солган бўлардим.

– Мен бари бир қолган бўлардим.

– Мен буни истамаган бўлардим. Менга ачинганидан ёнимда бўладиганлар керакмас.

– Ачинишнинг нима алоқаси бор? Сен бари бир ўша одам-лигингча қолаверардинг.

– Йўқ, аввалгидай қола олмасдим. Тамомила бошқа одамга айланар эдим. – Патрик бурнини тортди. – Яшагим келмаган бўларди. Ҳар қандай майда-чуйдалардаям бошқаларга мутеъ бўлишдан худо асрасин. Бошқалар сени ювиб-тараши, овқатлантириши дегандай... Э, худойим. Ўзинг бир ўйлаб кўр, қанча нарсалардан: югуришлар, велосипед ҳайдаш, бирга кечадиган висол лаззатларидан ажралиб қолган бўлардим.

– Азизим, ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложини қилса бўлади.

Мен Алисия ҳақида ўйладим. «Мен ҳаракат қилиб кўрдим, – деган эди у. – Жуда узоқ ойлар ҳаракат қилдим».

– Бу одамнинг ўзига боғлиқ. Кимнидир севсанг, у билан ёнма-ён бўлишинг керакмасми? Тушкунликдан чиқишига ёрдам бериш – одамийлик бурч-ку, ахир.

Патрик мавзуни ўзгартириш учунми, гапни бошқа ёққа бурди:

– Дам олиш кунлари Испанияга бориб келмаймизми? Грециянинг ўрнига. Велосипедда қирқ чақирим йўл босиш ёқмаса, бассейнда ҳордиқ чиқарасан. Арзон самолёт билетлари бор. Олти ҳафтадан кейин. Энди сенда пуллари пайдо бўлди.

– Билмадим...– Мен миссис Трейнор ҳақида ўйладим. – Ишдан жавоб беришларига кўзим етмайди.

– Унақада, агар қарши бўлмасанг, бир ўзим кетаман. Тоғли жойларда машқ қилишнинг катта фойдаси бор.

\* \* \*

Кечаги воқеалар Гранта-хаусда илиқликни бошлаб беради, дея ўйлашим хато экан.

Мен Уиллга табассум қилганча, «Салом!» – деб хитоб қилдим, аммо у мен томонга қайрилишни ҳам эп кўрмай, деразага тикилиб ўтираверди.

– Оғир кун, – минғирлади Натан курткасини кияркан.

Тонг жуда бўғиқ, қуюқ булутлардан эринибгина ёғаётган томчилар ойналарни чертар, яқин орада қуёшнинг кўришига умид қилмаса ҳам бўларди. Бундай кунлар ҳатто менга ҳам ёмон таъсир қиларди. Уиллга бундан баттарлиги шубҳасиз эди. Мен ҳар кунги машғулотларимга овора бўлдим. Иш берувчи, албатта, сенга ёқиши шартми? Улар кимга ёқибди ўзи? Катринанинг бужмайган башарали соҳибаси синглимининг неча марта ва қанча вақтга ҳожатга чиқиб келишини ҳам назорат қиларкан. Мен эса аллақачон уч ҳафтача ишлаб кўйдим. Бу ёғига беш ойдан сал кўпроқ вақт қолди.

Кеча дабдаласи чиққан фотосуратларни йиғиб, пастки тортмага солиб кетгандим. Бугун уларни чиқариб олиб, қай бирларини таъмирласа бўларкин, дея ажрата бошладим. Ҳам фойдали иш, ҳам вақтим ўтади.

Ўн дақиқалардан кейин ногиронлар аравачасининг электр двигателини овози Уилл келганлигидан дарак берди.

У эшик тўғрисига келиб, мени кузата бошлади. Унинг кўзлари остида қора соялар ётарди. Натаннинг айтишича, у баъзида умуман ухламаскан. Мен тонголди қоронғусида ёмон ўйлар исканжасидан қутила олмай, тўшакда мижжа қоқмасдан ётиш қандай бўлишини тасаввур қилишни хоҳламасдим.

– Мен буларнинг чорчўпини таъмирлаб бўлмасмикан, деб ўйладим. – Ўзимни иложи борица қувноқ тутишга ҳаракат қилиб, изоҳ бердим.

– Нима учун?

– Шу-у... – киприкларимни пирпиратдим. – Баъзиларини сақлаб қолса бўлади. Менда ёғоч елими бор, агар руҳсат берсангиз уриниб кўришим мумкин. Ё тушлик танаффусда янги чорчўплар учун шаҳарга тушарман ёки бирга машинада бориб келармиз.

– Буларни таъмирланг деб, сизга ким айтди? – у менга еб кўйгудек тикилди.

«Бошланди», – ўйлаб қолдим мен.

– Мен... мен шунчаки ёрдам бериш ниятида эдим.

– Сиз менинг кечаги ишларимни тўғриламоқчи бўлдингизми?

– Мен...

– Луиза, биласизми, агар менинг нимани хоҳлаётганимга бирортаси эътибор берганида, жуда яхши бўларди. Мен бу суратларни бекорга бундай аҳволга солмадим. Уларни кўришни сира ҳам истамайман.

– Кечирасиз, – дедим ўрнимдан тураркан. – Мен бундай ўйламагандим...

– Сиз ўзингизча ҳукм чиқаргансиз. Ҳамма ўзини менга нима кераклигини биладигандек тутади. Ўйлайдики: «Буларни таъмирлаб, қайта илиб қўйсам – Уилл хурсанд бўлади». Уларни кўришга кўзим йўқ. Англаб олдингизми?

– Мен Алисия билан тушган суратларингизни таъмирламоқчи эмасман. Бу қадар аҳмоқ бўлмасам керак. Ўйладимки, вақт ўтиши билан...

– Э, худойим!.. – У мендан юзини ўгирди, овози ғоятда заҳарли эди. – Мени булардан халос қил. Боринг, ўзингизни журналларингизни ўқинг ёки чой дамламаган пайтингизда қиладиган бошқа ишларингиз билан машғул бўлинг.

Менинг ёноқларим аламдан лов-лов ёнарди. Унинг торгина коридорда аравачасини бошқаришга уринаётганини кўриб, орқасидан бақирдим:

– Сиз ўзингизни бу даражада тубан тутишга ҳақингиз йўқ! Гапларим сукунат ичра муаллақ қолди.

Аравача жойида тўхтади. Узоқ танаффусдан сўнг у бошқарув дастагини ишга солганча, орқага ҳаракат қилди ва мен тарафга бурилди.

– Нима?

Мен унга юрагим дукиллаганча, қараб қолдим.

– Сиз дўстларингиз билан ёмон муносабатда бўлдингиз. Майли, улар балки шунга лойиқ иш қилишгандир, аммо мен сизга нима ёмонлик қилгандим. Кундан-кунга кўнглингизни олишга ҳаракат қиляпман. Ҳаётимни бошқаларники каби заҳарлашни бас қилсангиз, жуда миннатдор бўлардим.

Уиллнинг кўзлари катталашди. У гапиришдан олдин пича сукут сақлади.

– Менга сизнинг керак эмаслигингизни айтсам-чи?

– Мени сизмас, онангиз ёллаган. Агар у айтмаса, бу ердан кетмайман. Сизга боғланиб қолганим-у, бу аҳмоқона ишлар менга ёққани ёки сизнинг ҳаётингизни ўзгартиришни



хоҳлаганимданмас, пулга зориққаним учун ҳам кетолмайман. Билдингизми? Менга ҳақиқатан ҳам пул жуда зарур.

Уиллнинг юз ифодаси деярли ўзгармади, аммо унинг фикрига қарши борадиганлар пайдо бўлганлигидан, ҳайратга тушгани сезилиб турарди.

«Нималар қилиб қўйдим», – ишнинг расвосини чиқариб қўйганим аён эди.

Уилл ҳамон юзимга қараб турар, мен чанпа қараб олганимдан сўнг нимадир демокчидек, хўрсиниб олди.

– Майли, – деди у аравачасини буриб оларкан. – Суратларни пастки тортмага тиқиб ташланг. Ҳаммасини.

Кейин эса кетди.

**С**ени бутунлай бошқа бир ҳаётга итқитганларида ёки ўзганинг ҳаётига куч билан худди ойнага юзингни ишқалашгандек ёпиштириб қўйишганида, ўзингинг асли кимлигингни ёки сени ким деб ҳисоблашлари ҳақида ўйлаб қоларкансан.

Қисқагина тўрт ҳафтадан кейин ота-онаминг менинг ишларимга бўлган қизиқиши анчагина ўсди. Мен бошқа бир ҳаёт билан боғловчи ришта эдим. Айниқса, ойим Гранта-хаусдаги ҳаёт, турмуш тарзи, одатлари ҳақида худди фанга номаълум мавжудотни ўрганаётган ҳайвоншунос каби сўрайверади. «Миссис Трейнор тановул вақтида зиғир толали салфеткалардан фойдаланадими?» ёки «Улар ҳар куни чангюткични ишлитишадими ёки биз?» ё бўлмаса, «Улар картошқадан нималар тайёрлашади?» каби саволларни берарди.

Ҳар тонгда ойим улар қандай ҳожатхона қоғозидан фойдаланишлари ёки чойшаблари қандай матолардан эканлигини билиб келишим кераклигини қаттиқ тайинларди. Мен буларни билолмай келганим ёки эслолмай қолганимдан чуқур афсусланарди. Бунинг боиси мен олти ёшлигимда анчагина бой бир синфдош дугонаминикига борганимда, ойиси чанг кўтарманглар, дея бизни уй ичида ўйнашга рухсат бермаган ва ойим зодагонлар худди чўчқадек яшашаркан, деб ҳукм чиқариб қўйганди.

Мен уйга келиб, улар итга уйда овқатланишига рухсат беришлари, эшик олдини ҳар куни ювмасликлари ҳақида ҳисобот берганимда, ойим лабларини қимтигаңча, бойваччаларнинг саришта эмасликлари ҳақидаги шубҳаси тасдиқланаётганини дадамга ишора қилиб қўярди.

Менинг даромадим ёки қилаётган ишим ўзимга ёқмаслиги туфайлими, улар менга нисбатан анчагина ҳурмат билан ёндашадиган бўлиб қолишди. Аммо у қадар катта ўзгаришлар юз бермаган, дадам шунчаки аввалгидек: «хўппа семиз» дея чақирмас, ойим эса ишдан келишим билан бир финжон қайноқ чой таклиф қиларди, холос.

Патрик ва синглим учун ҳеч нарса ўзгармагандай – наштардек ботадиган киноялар, ачомлашлар, бўсалар ва афт бужмайтиришлар ҳамон аввалгидек қолганди. Мен ҳам деярли ўзгаришларни сезмасдим. Ҳанузгача худди олдингидек алламбало ҳолатда кийинардим.

Грант-хаусдагиларнинг мен ҳақимда қандай фикрда эканликлари хусусида ҳеч нарса билмасдим. Уилл ҳамон ўша-ўша ичимдагини топ деганлардан бўлиб қолганди. Натан учун эса мен навбатдаги энагалардан бири қаторида эдим. У етарли даражада дўстона муносабатда бўлса-да, оралиқдаги масофани сақлай биларди. У менинг бу ерда узоқ қолишимга ишонмаса керак, дея ўйлардим. Мистер Трейнор дуч келиб қолганимизда хушмуомалалик билан бош ирғар, мавриди топилганида кўчадаги тиқилинч ҳолатлар бор-йўқлиги ва бу ерга ўрганиб кетган-кетмаганим – барини суриштирар эди. Агар у мени бошқа бир жойда кўриб қолса, таний олишига кафолат беролмасдим.

Миссис Трейнор учун эса, – э, худойим, – миссис Трейнор учун мен дунёдаги энг аҳмоқ ва маъсулиятсиз одамдек эдим.

Бунинг бари фоторамкалар туфайли бошланди. Уйдаги ҳеч нарса унинг назаридан четда қолмасди. Ерпарчин қилинган чорчўплар воқеаси унга зилзиладек таъсир қилганини айтиб ўтирмасам ҳам бўлади. У мендан Уиллни қанча вақтга ёлғиз қолдирганлигимни, уни нима шу даражага етказганлиги-ю, қанча вақт бу ерни тозалаганимни игидан-игнасигача суриштирди. Бунинг бари унинг ғоятда яхши тарбия кўрганлигидан, бақир-чақир қилмаса-да, киприкларини пирпиратганча, ҳар бир сўзимни тарозида тортгандек тинглашидан аён бўлиб турарди. Натандан судда ишлашини эшитганимда, мен бунга сира ҳам ажабланмагандим.

Унинг фикрича, ҳар қандай ноқулай вазиятда ҳам мен Уиллни узоқ пайт ёлғиз қолдирмаслигим керак эди. Ва-а, чангни артаётганимда ҳеч нарсани ерга тушириб юбормаслик учун, уларни тоқча четидан олисроққа кўйишим лозим экан. Бўлиб ўтган воқеани эса, у тасодиф натижаси эканлигига ўзини ишонтирди. Яна у ҳамиша бирор нарсани тушириб юборган пайтим келиб қолар ёки ташқаридан ўтин олиб кираётган маҳалим коридорда турганча, ўзини худди мен Уиллни узоқ пайт ёлғиз қолдирганимга гувоҳ бўлгандек тутарди.

Унинг муносабати Уиллнинг дағаллигидан кўра ҳам кўпроқ гашимга тегарди. Бир-икки мартаба ундан: – Ҳаммаси жойидами? – деб сўрамоқчи ҳам бўлганман.

«Сиз мени касбий маҳоратим учунмас, қувноқ табиатим туфайли ишга олгандингиз, – дегим келарди. – Эртадан кеч-гача асаларидек тинмайман. Чаққон ва қувноқман, яна нимадан норозисиз?»

Аммо Камилла Трейнор бундай оҳангда гаплашадиган аёллар тоифасига кирмасди. Назаримда, бу уйда ҳеч ким, ҳеч қачон тўғридан-тўғри гаплаша олмасди.

«Аввалги энагамиз Лилия деган қиз битта товада, бир вақтнинг ўзида икки хил сабзавотни қовуришга уста эди», – дейиши гўё: «Сен тартибсизликка устаси фарангсан»ни ифодаларди.

«Уилл, чой ичасанми?» – деганлари: «Сен билан гаплашадиган гапи йўқ»ни англатар эди.

«Мен қоғозларимни қараб чиқишим керак», – дегани: «Сен кўполлик қилдинг, мени тезроқ кетгим келяпти»ни билдирарди.

Буларнинг бари азобланаётган оҳангда талаффуз этиларкан, нозик бармоқлари хочли занжирчани пайпасларди. Миссис Трейнор жуда ўзини тута биладиган аёлдир. Мен ҳеч нарсани сезмагандек, хушмуомилалик билан табассум қилар ва ҳақи тўланадиган барча ишларни бажарар эдим ёки шунга ҳаракат қилардим.

– Сиз нимага мени сабзи ейишга мажбур қиляпсиз?

Мен телевизордаги бошловчининг сочларига ўхшатиб сочимни бўясаммикан, деб ўйлаб турган эдим.

– Ҳеч ҳам бунақамас.

– Айнан шундай. Сабзини қирғичдан ўтказиб, қайлага аралаштирдингиз. Мен кўриб тургандим.

Мен қизариб кетдим. Уилл тўғри айтганди. Уиллни овқатлантираётган пайтимда иккимиз ҳам тушлик вақти бериладиган янгиликларни кўраётгандик. Тушликка димланган гўшт ва картошка пюреси тайёрланганди. Уилл сабзавотларни хохламаслигини айтган бўлса ҳам, онаси менга уч хил сабзавотдан тарелкага солишни тайин қилганди.

– Нимага менга сабзингизни тиқиштиряпсиз?

– Тиқиштираётганим йўқ.

– Овқатда сабзи йўқ, демоқчимисиз.

- Шу... – Мен майда сариқ бўлакчаларга қарадим. – Озгина...  
У қошларини чимирганча, жавобимни кутарди.
- Улар... соғлигингиз учун фойдали, деб ўйладим.
- Миссис Трейнорга ҳурматим ва ўзим бунга одатланиб қолганим учун шундай жавоб бердим. Мен Томасни овқатлантираётган пайтим сабзавотли пюрени картошка ёки макарон тагига беркитганча, аралаштириб оғзига тикардим. Ейилган ҳар бир қошиқ кичина бўлсаям ғалаба эди.
- Бир қошиқ сабзи ҳаётим сифатини яхшилаётми оладими?  
Аҳмоқона эшитилса-да, мен бундай гапларга кўникиб бо-  
раётгандим.
- Узр, бошқа қайтарилмайди.
- Бир пайт Уилл Трейнор хахолаб юборди.
- Эй худойим, – бош тебратди у. Унга анграйганча қол-  
дим. – Бу овқатга яна нималар солдингиз? Ойим мажбур қиляптими?
- Йўқ. Уилл, илтимос, мени кечиринг. Бундан кейин овқат-  
га сабзи ишлатмайман.
- Ишлатаверинг, фақат нималар қўшганингизни ўзимга  
айтиб қўйинг.
- Майди, мен уларни тергилаб ташлайман, кейин...
- Менга ҳеч нарса керакмас, – у юзини ўгириб олди. – Чой  
дамлашингиз мумкин. Фақат чой, тагин унга бирор нарса  
аралаштириб ётманг.
- Ошхонада идишларни юваётган пайтим Натан кириб  
келди.
- Уиллнинг бугун кайфияти яхши, – деди у узатган финжо-  
нимни оларкан.
- Ташқарида ҳаво шу қадар совуқ эди-ки, туш пайтлари  
кўчага айлангани чиқмай қўйгандим.
- У айтди-ки, сен уни захарламоқчимисан, яъни ҳазил  
маъносида.
- Натаннинг гаплари менга хуш ёқиб тушди.
- Майли, нимаям дердим, – дедим шодлигимни яширган-  
ча. – Ҳали бундан ҳам яхши бўлиб кетади.
- Ҳа, аввалги пайтлардан кўра кўпроқ гапиряпти. У  
ҳафталаб гаирмай қўйган пайтлари бўлган. Худога шукур,  
охирги кунлар гапга кириб қолди.
- Мендақа маҳмадона бўлолмайди, бари бир. Нималарни  
гаплашдинглар.

– Шу... озгина кирикет хақида. Сенга бир гапни айтиб кўяй. – Натан овозини пасайтирди. – Бир ҳафта олдин миссис Ти ишингни эплай олаяпсанми ё йўқлигинг хақида суриштирди. Мен сени мақтаб кўйдим, аммо у бошқа нарсани назарда тутаётгандек. Кеча эса кириб, Уилл иккалангиз кулишаётганингизни эшитганини айтди.

Мен кечаги кунни эсладим.

– Ҳа, кеча у менинг устимдан кулаётган эди. Мен унга тайёрлаган овқатимнинг номини тополмагандим.

– Фарқи йўқ. У қачонлардан бери кулмай кўйганди.

Бу ҳақиқат эди. Биз Уилл билан анча чиқишиб қолгандик. Яъни у менга дағаллик қилаётганида, мен ҳам шундай жавоб қайтара бошладим. Бу ади-бадимиз болаларнинг ўйинига ўхшаб кетарди ва иккимизгаям маъқул келганди. Баъзан унга қарши гапирганларим, дағаллик қилганларим, кўполлигини юзига солишларим уни енгил қилаётгандек туюларди. Автотўқнашувдан кейин ҳамма унинг атрофида оёқ учида юрарди. Фақат Натангина Уиллнинг ҳурматига лойиқ бўлиб, ҳеч қанақа ништарли гапларга нарво қилмасди. Натан одам қиёфасидаги зирҳли машинадек эди.

– Унга сенинг устингдан кўпроқ кулишига кўйиб бер, майлими?

– Бу муаммо эмас, – мен идишларни чиғаноқдан чиқара бошладим.

Ўзгаришлардан яна бири шу эдики, Уилл энди камдан-кам ҳолларда уни холи қолдиришимни талаб қиларди. Икки марта биргаликда кино кўришни таклиф қилди. Мен «Терминатор»нинг барча қисмларини аввал кўрган бўлсам ҳам, таклифни рад қилмадим. Аммо у французларнинг субтитрли фильмини таклиф қилганида, фильм жилдига қараб рад қилган эдим.

– Мен субтитрли фильмларни ёқтирмайман, – елка қисдим мен.

– Бу худди актёрли фильмларни ёқтирмагандай гап. Тен-так бўлманг. Айнан нимасини ёқтирмайсиз? Уларни ўқиш кўришингизга халал бергани учунми?

Уилл бирор марта субтитрли фильмларни кўрмаганимга ишонмасди.

– Сиз бу фильмни кўришингиз керак, Луиза. Буни буйруқ ўрнида қабул қилсангиз ҳам бўлади. – Уилл орқароққа чекин-

ди ва бўш турган креслога имо қилди. – Ўтиринг. Фильм тугагунча жойингиздан туриб кетмайсиз.

Бу овлоқдаги уй мерос сифатида теккан букри кимса ҳақидаги эски кино экан. Уиллинг айтишича, бу кино машҳур роман асосида суратга олинган бўлиб, мен бундай китоб ҳақида эшитмагандим. Дастлабки йигирма диққагача ҳам ўқиб, ҳам фильмни томоша қилиш жуда қийин туюлди. Ташқарига чиққим келаяпти, дея Уиллга айтмоқчи ҳам бўлдим-у, тагин жаҳли чиқиб кетмасин учун сабр қилдим.

Бора-бора томошага берилиб кетдим. Мен бир пайтнинг ўзида субтитрларни ўқиш ва фильмни кўриш қийинлигини, дорилар қабул қилиш жадвалини ва миссис Трейнор ялқовлик қилаяпти, деб ўйлашини тамомила унутганча, ноинсоф кўшнилари алдаётган бечора букри ва унинг оиласи тақдирига берилиб кетдим. Букри ўлган пайти кўз ёшларимни енгимга артганча, йиғлаб юбордим.

– Хўш, – деди Уилл менга кўз ташлаб. – Сизга умуман ёқмадимми?

Мен атрофга аланглаб, ташқарига аллақачон оқшом чўкканлигини пайқаб қолдим.

– Энди сиз устимдан кулиб юрадиган бўлдингиз, – дедим салфеткали қутига қўл узатиб.

– Кўп эмас. Мен фақат шу ёшга киргунча, бирорта субтитрли фильм кўрмаганингиздан ҳайратдаман. Неча ёшдасиз?

– Йигирма олтида. – Кўзларимни артган салфетка туш бўёғидан доғ бўлганига кўзим тушди.

– Яхши. Агар фильм кўрмасангиз, Луиза Кларк, вақтингизни қандай ўтказасиз?

– Бўш вақтимда нималар қилишимни билмоқчимисиз? – дедим салфеткани гижимлаганча.

– Ахир бир-биримизни яқиндан билишни хоҳлагандингиз-ку? Қани, ўзингиз ҳақда гапириб беринг-чи.

Ҳар доимгидек унинг овозидан устимдан кулмаётганини билиш қийин эди. Бир қасдимни олай-чи.

– Нимага? – сўрадим мен. – Нега бирдан бу сизни қизиқтириб қолди?

– Э, худо! Давлат сирини ўзи-я! – Унинг жаҳли чиқаётганга ўхшарди.

– Билмайман...– бошладим мен. – Пабда жиндай ичаман.

Пича телевизор кўраман. Йигитимнинг югуриш машқини бажаришини кузатаман. Айтишга арзимади.

– Йигитингиз югураётганини кузатасизми?

– Ҳа.

– Ўзингиз югурмайсизми?

– Йўқ. Мен бунга... – Мен кўкракларимга қараб олдим. – ... тўғри келмайман.

– Яна нима?– жилмайди у.

– Яъни қандай маънода яна?

– Хобби? Сайр-саёҳат? Севимли жойлар?

– Менинг ҳақиқий хоббим йўқ. – Миямни ковлаштира бошладим. – Бироз ўқийман. Кийинишни яхши кўраман.

– Ҳамма қатори экансиз. – деди у энсаси қотганча.

– Ўзингиз сўрадингиз, мен айтдим. – Ўзимни ҳимоя қила бошладим. – Айтишли ҳеч нарса қилмайман, тушунарлими? Ишлайман ва уйга қайтаман.

– Қаерда яшайсиз?

– Қалъали тепаликнинг бошқа тарафида. Ренфру-роудда.

Уилл мени тушунмагандай тикилиб қолди. Бир тепаликнинг икки тарафи – икки олам.

– Икки томонлама ҳаракатли катта йўлнинг яқинида. «Макдоналдс»нинг ёнигинасида.

Уилл нима ҳақда гапираётганимни тасаввур қилмаса-да, бош ирғаб кўйди.

– Дам олишлар-чи?

– Йигитим Патрик билан Испанияга бориб келганмиз, – дедим мен. – Болаликда Дорсетдан олисда бўлмаганмиз. Ёки Тенбидан. Холам Тенбида яшайди.

– Ҳаётдан нимани хоҳлайсиз?

– Бу ўта шахсий масала, – кўзларимни пирпиратдим.

– Майда-чуйдаларга тўхталмасангиз ҳам майли. Шунчаки ҳаётдаги орзуларингиз? Турмушга чиқишми? Чурвақаларни кўпайтиришми? Мартабага кўтарилишми? Дунёни айланишми?

Орамизга узоқ жимлик чўкди.

Менинг жавобимни эшитмасдан олдинроқ Уиллнинг ҳафсаласи пир бўлганди:

– Билмайман. Бу ҳақда бафуржа ўйлаб ҳам кўрмаган эканман.



\* \* \*

Жума куни биз шифохонага отландик. Яхшиям бу ҳақда ишга келган пайтим айтиб қолишди, бўлмаса кечаси билан ухлолмай чиққан бўлармидим. Мен машина ҳайдашни билман, аммо шундаям йилда бир маротаба. Уиллни махсус микроавтобусга чиқариш ва қўшни шаҳардаги шифохонагача соғ-омон олиб бориш ва қайтиб келиш ҳақида ўйлашнинг ўзи мен учун даҳшат эди.

Мен бу уйдан иш вақтида чиқиб кетишни ҳафталаб орзу қилардим. Энди эса ундан чиқмасликни истаб қолгандим. Уиллнинг касаллик картасини унинг соғлигига доир «Транспорт», «Суғурта», «Ногиронликда қандай яшаш керак» ва «Врачлар» деб номланган қалин жилдлар орасидан қидириб топдим. Картани суғуриб олгач, текшириб кўрсам, бугунги сана турибди. Менда Уилл адашгандир, дея пайдо бўлган илинж шами ҳам сўниб бўлди.

– Ойингиз биз билан борадими?

– Йўқ. У мен билан бирга анчадан бери бормай қўйган.

Хайронлигимни яшира олмасдим. Миссис Трейнор ўғлининг соғлиғи билан боғлиқ ҳеч нарсани назардан қочирмайдиган онадек туюлганди.

– Натан-чи?

– Албатта, боради. Ахир у менга қаровчи тиббий ходим-ку. Ҳам бақувват. Сизнинг бир ўзингиз қийналиб қоласиз.

Автомобиль ташқи томондан бошқаларидан ажралиб турмаса-да, орқа эшиги очилганида, махсус пандуслар ергача тақалиб тушаркан. Натаннинг назорати остида аравачининг ғилдирақларини шу изларга тўғриладим ва автоматнинг ўзи уни юқорига олиб чиқиб кетди. Аравача ғилдирақларини маҳкамлаб қўйганимиздан кейин, Натан олдинги ўриндиққа ўтирди. Мен титроқларимни босишга ҳаракат қилганча, машинани ўт олдирдим.

Ташқарида ҳаво анчагина совуқ эди ва биз Уиллнинг бўйнига иссиқ шарф боғлаб, иссиқ пальтога ўраб қўйдик. Кенг йўлга чиққанмиздан кейин Уилл жунжикиб, кичкина бўлиб қолгандай туюлди. Натан ёнимдалигига қарамай, Уиллнинг аравачаси маҳкамланган жойидан чиқиб кетмасайди, деган ҳадиқда тепамдаги ойнақдан унга қараб қўярдим. Уилл йўл бўйи ташқаридан кўз узмай борарди. Баъзан машина ўчиб қолганида ёки кескин тормоз босганимда бирор сўз

қотмасдан, афтини сал бужмайтирганча, вазиятдан чиқиб кетишимни кутиб турарди.

Шифохонага етиб борганимизда мен терга пишиб кетгандим. Шифохонанинг автомобиль қўйиш майдончасини уч бора айланиб, аравагани туширишга қулай жой изладим. Ниҳоят, биз истаган жой топилди ва Натан Уиллнинг арава-часини бетонланган майдончага тушириб олди.

– Зўр амалладинг!– дея Натан елкамга уриб қўйди.

Уиллнинг икки томонида борарканмиз, ўзиюрар арава-ча йўлда учраган нотекисликлар ёки чуқурчаларни айланиб ўтиши учун Уилл жуда эҳтиёткорлик қиларди. Айниқса, автомобиль эгаларининг ўтишга жой қолдирмай, машиналарини ноқулай ҳолда қўйиб кетганидан анча жойни айланиб келиш-га мажбур бўлдик.

Шифохонанинг ўзи унчалар катта бўлмаган ярқироқ бино экан. Озодагина қабулхона худди қимматбаҳо меҳмон-хоналарнинг кутиш залига ўхшаб кетарди. Уилл котибага ўз номини айтиб, картасини кўрсатгунига қадар кутиб турдим ва кейин унинг ортидан Натан иккимиз узундан-узун коридор бўйлаб кетдик.

Уиллни текширувлар ўтказиладиган хонага киргизиб кетишгач, Натан иккимиз консултант эшиги олдидаги креслоларда кутиб ўтирадиган бўлдик. Бу ерда шифохоналарга хос хиддан асар ҳам йўқ, катта гулдонга эса янги узилган гуллар солиб қўйилганди. Бу ердаги гуллардан фарқ қиладиган, катта-катта бу экзотик гулларнинг номиниям билмасдим.

– Улар у ёқда нима қилишяпти? – сўрадим бироз вақт ўтганидан кейин.

– Ярим йиллик оддий текширув, – Натан китобдан бош кўтарди.

– Аҳволи яхши бўлаётганини текширишадими?

– Унинг аҳволи яхшиланмайди, – Натан китобини ёпди. – Орқа мияси шикастланган.

– Сен у билан физиотерапия ўтказасан-ку.

– Шунчаки жисмоний жиҳатдан сақлаб, мушаклари ҳаракатдан тўхтаб қолмаслиги, суякларидан кальций ювилиб кетмаслиги, оёқларида қон димланиб қолмаслиги учун. – У менинг ҳафсаламни пир қилмаслик учун овозига мулозим тус берди. – Уилл ҳеч қачон юра олмайди, Луиза. Мўъжизалар голливуд фильмларидагина рўй беради. Биз фақат оғриқни

енгиллаштирамиз ва вужудидаги бор ҳаракатлар имкониятини сақлаб туришга ёрдамлашамиз.

– У сенинг айтганларингни бажараяптими? Масалан, менга доим қаршилиқ қилади.

– Бажараяпти, фақат ярим, чала ҳолида. – Натан бурнини буриштирди. – Мен иш бошлаган пайтимда, у қувватга тўла эди. Аммо бир йил ўтгандан сўнг натижалар кўринавермагач, ўзига бўлган ишончига дарз кетди.

– У таслим бўлмаслиги учун нима қилиши керак?

– Ростини айтайми? – Натан оёқлари остига қаради. – Уни тузалишига ишонч йўқ. Унинг кўкрагидан пастдаги мушаклари умуман ишламай қолган. Орқа мияни таъмирлашни эса ҳалигача эплашгани йўқ.

– Ахир тиббиёт бир жойда қотиб турмаса керак? Бу ердагилар ҳам бекор ўтиришгани йўқдир...

– Бу ер яхши шифохона, – деди Натан ва яна китобини очди.

Бирор соатдан кейин Натан менга қаҳва келтиришни илтимос қилди. Қабулхонадаги журналларни бирма-бир кўздан кечирдим. Газета киоскаси олдида пича ушланиб қолдим ва қаҳва олиб қайтишда йўлни йўқотиб қўйдим. Йўлимда учраган ҳамширалардан ёрдам сўраганимда, уларнинг иккитаси бу ердаги бўлимларни яхши билмаслиги маълум бўлди. Совуб бўлган қаҳвам билан бир амаллаб топиб келганимда эса, коридорда ҳеч ким йўқ эди. Яқин келиб қараганимда, консултантнинг эшиги қиягина очик экан. Эшикка яқин келаркан, қулоғимда миссис Трейнорнинг Уиллни ҳеч қачон ёлғиз қолдирмаслик ҳақидаги талаби қайта янгради. Мана, яна бир хато.

– Шундай қилиб, мистер Трейнор, уч ойдан кейин учрашамиз, – эшик қиясидан овоз келди. – Мен спазмга қарши дорилар дозасини ўзгартирдим ва анализлар натижасини телефон орқали сизга, албатта, айтишади. Душанба куни бўлса керак.

– Мен уларни пастдаги дорихонадан сотиб олишим мумкинми? – бу Уиллнинг овози эди.

– Бўлади. Мана рецепт. Булар уларда бўлиши керак.

Шунда аёлнинг овози эшитилди:

– Жилдни олсак бўладими?

Мен иш охирига етганлигини англадим. Эшикни тақил-

латганимда, кимдир киришга ижозат берди. Ичкаридагилар менга ҳайрон бўлганча, боқиб туришарди.

– Кечирасизлар, – консультант ўрнидан турди. – Мен физиотерапевт келди, деб ўйлабман.

– Мен... Уиллнинг энагасиман, – дедим эшик олдида турганча. Бу пайтда Натан Уиллга кўйлагини кийдираётганди.– Узр, сизлар ишни тугатмабсизлар-да...

– Луиза, ташқарида бир дақиқа кутиб туринг, – Уиллнинг норози оҳангдаги овози янгради.

Узр маъносида минғиллаганча, юзларим ловуллаган кўйи ортимга қайтдим.

Мени Уиллнинг ориқ ва чандиқлар тўлиб кетган яланғоч бадани ҳам, консультантнинг миссис Трейнорнинг қарашларини эслатувчи сезилар-сезилмас норозилик нигоҳи ҳам ҳайратга солмаганди.

Йўқ, Натан қанчалар эпчиллик билан кўйлак енгларини тортаётган маҳали, мени Уиллнинг билагидаги кўкишқирмиз, узун ва эгри-бугри чандиқлар ҳайратга солганди.

**К**орлар кутилмаганда ёға бошлади. Мен уйдан чиққаннимда осмон кўм-кўк эди ва ярим соатлар ичида қалъани айланиб, ўтиб бўлгандим.

Эгнимдаги юпқа хитойча ипакли плашда оёқларимдан совуқ ўтганча, йўлда борардим. Кулранглашган осмондан қор парчалари шу қадар тез тўкила бошладики, Гранта-хаусни кўзимдан яшириб, атрофдаги олам ва овозларни тўсиб қўйгандай бўлди. Кўчадаги автомобиллар ҳам эҳтиёткорлик билан ҳаракатланар, йўлақлардаги пиёдалар эса тойғанишиб кетганларида қийқириб юборишарди. Мен шарфимни бурнимгача тортиб, енгил кийинганим учун ўзимни койидим.

Мени ҳайрон қолдирганча, эшикни Натан эмас, Уиллнинг отаси очди.

– У каравотида, – деди мистер Трейнор эшикдан бош чиқариб. – Ўзини ёмон ҳис қиляпти. Докторни чақирсамми, деб турибман.

– Натан қаерда?

– Бугун унинг дам олиш куни. Худди аксига олгандай. Ҳамшира ҳам келди-ю, яна орқасига қайтиб кетди. Агар қор тинмайдиган бўлса, нима қилишимизгаям ҳайронман. – Мистер Трейнор чиндан ҳам ҳеч нарса қилолмайдигандек, кифтларини қисди ва худди маъсулиятни менга топшириганидан кўнгли тўлгандай коридорда йўқ бўлиб кетаркан, менга деди: – Ўзингиз нима қилиш кераклигини билсангиз керак.

Мен плаш ва туфлимни ечдим, ҳўл пайпоқларимни батареяга осдим. Трейнор хоним судга ишга кетганлигини билардим, у кеча Уиллнинг овқатланишига доир тегишли кўрсатмаларни жадвалга қайд қилганди. Саватдан Уиллнинг пайпоқларидан бирини олиб кийдим. Оёқларимга жон киргандай бўлди. Уилл менинг саломимга жавоб бермади. Мен унга ичимлик тайёрладим ва эшик олдига бориб секин тақиллатгач, ичкарига мўраладим. Гира-ширада унинг кўрпа остида ётганлигини пайқадим. У қаттиқ уйқуда эди. Эшикни ёпиб қўйганча, ўз ишларим билан банд бўлишга қарор қилдим.

Ойим уйимиздаги саришталикдан кўп лаззат оларди. Мен эса бу ерда ойлаб ҳамма ёқни чиннидек тозалаб чиқсам ҳам, бундан бирорта яхши ҳиссиёт орттирмасдим.

Аммо бугун Уилл тўшагига михланиб ётган, ташқи дунё қотиб қолган бир пайтда, узун коридорда қўлимдаги латта билан бориб-келишлар кўнглимга хотиржалик солаётганди. Чангларни артиб, хоналарни ўзим билан олган радионинг овозини пасайтириб эшитганча, чангюткичда тозалаб чиқардим. Ҳар-ҳар замонда Уиллнинг хонасидан хабар олиб, соатни ҳам ўн қилдим.

Мен ўтин олиб келгани ташқарига чиққанимда, қор анча қалинлашганини пайқадим. Уиллга янги ичимлик тайёрлаб, эшигини тақиллатдим. Жавоб бўлавермагач, буни яна тарорладим.

– Ҳа? – худди ҳозиргина уйғонгандек, овози хириллаб чиқди.

– Мен Луизаман. Кирсам майлими?

– Бу ерда ўйнаб ётибманми? Кираверинг.

Пардалар сурилмаганлиги учун хона нимқоронғу эди. Кўзларим ғира-ширликка ўрганиши учун бир зум туриб қолдим. Уилл ёнбошлаб ётган экан. Унинг сочлари бир томонга қайрилиб қолган, кўрпаси эса ерга сурилиб тушай деганди. Ювинмаган эркак ифори уй ҳавосида билиниб турарди.

– Бирор нарса ичасизми?

– Мен бу томонимга ағдарилиб олмоқчиман.

Қўлимдаги стаканчани комодга қўйдим ва каравотга яқинлашдим.

– Мен... мен нима қилишим кераклигини айтинг.

У оғриқ туйгандай хўрсиниб олди.

– Мени сал кўтариб, бошқа томонга ағдариб қўйинг, кейин каравотнинг бош томонини кўтаринг. Мана қаранг, – у менга яқинроқ келишга имо қилди. – Қўлларингиз билан кучоқланг, бармоқларингизни занжирча қилинг, кейин орқага тортинг. Ўзингизни уринтирмаслик учун каравотга эгилинг.

Мен ўзимни йўқотиб қўяй дедим. Уиллни оғушимга олгач, ундан таралаётган ҳидданми, иссиқ баданиданми, бошим айлангандек бўлди. Шунақанги кулгим қистадикки, ўзимни зўрға босиб олдим.

– Нима?

– Ҳеч нарса.

Мен қўлларимни занжирча қилганча, ўпкамни тўлдириб

нафас олдим ва уни орқага тортдим. У кутганимдан кўра ҳам йўғонроқ ва оғир эди.

– Қўлларингиз бунчалар совуқ.

– Жойингиздан туролганингизда эди, ташқарида қор ёғаётганини билардингиз.

Мен ҳазил аралаш гапираркан, унинг футболка остидаги вужудидан таралаётган тафтдан иссиғи борлигига амин бўлдим. Уни эҳтиёткорлик билан ётқизиб бўлгач, каравотнинг бош томонини биров кўтариб қўйдим.

– Кўп кўтарворманг, бошим айланиши мумкин.

Уиллнинг ожизгина қаршилигига қарамай, унинг юз-кўзини яхшироқ кўриш учун каравот ёнидаги чироқни ёқиб қўйдим.

– Уилл, аҳволингиз яхшими? – ундан жавоб олиш учун саволни икки марта қайтаришимга тўғри келди.

– Бундан баттари бўлмайди.

– Оғриқ қолдирувчи дори берайми?

– Майли... кучлироғидан.

– Парацетамолми?

У бошини ёстиққа ташлади.

Мен стаканчани лабига тутдим ва ичишини кузатиб турдим.

– Раҳмат, – деди у ичиб бўлгач ва камина ўзимдан кетай дедим.

Чунки Уилл менга ҳеч қачон ташаккур билдирмаганди.

У кўзларини оҳиста юмди. Шунда мен бир муддат эшик ёнида турганча, уни кузатдим. Уилл сезилар-сезилмас нафас оларди. Шу пайтга қадар бу инсонни фақат креслода ўтирган ҳолда кўрганлигим учун, унинг ётган ҳолидаги аҳволи қанақа бўлишини билмасдим.

– Боринг, – деди у.

Мен чиқиб кетдим.

Журнал ўқиб ўтирарканман, ҳар замонда қор ёғишини кузатганча, дераза оша қараб қўярдим. Соат бир яримда онам дадамнинг машинасида мени олиб келолмаслиги ҳақида эсэмэс жўнатди: «Йўлга чиқишингдан олдин қўнғироқ қил». Қизиқ, ойим нима қилмоқчи? Дадамни кўчага чана ва итимиз билан чиқармоқчими?

Маҳаллий радиодан йўллардаги автомобиль тирбандликлари, поездларнинг кечикаётганлиги, мактаблар ёпилгани ҳақидаги янги хабарлар эшитдим. Кейин Уиллнинг хо-

насига қайтдим ва уни кўздан кечирдим. Менга унинг туси ёқинқирамади. Чунки танасидан қони қочган, ёноқларида эса қизил доғлар пайдо бўлганди.

– Уилл? – уни секингина чақирдим.

У қимирламасди.

– Уилл?

Мен озроқ ваҳимага туша бошладим. Яна икки бор баланд овозда чақириб кўрдим. Жавоб бўлавермади. Сўнра унинг тепасига бориб энгашдим. Юзи ва кўкракларида ҳеч қандай ҳаракат асари кўринмасди. Нафас олаётганини текшириш учун кўлимни юзларига яқинлаштирдим. Кўлим теккан маҳали чўчиб кўзларини очди.

– Кечирасиз. – Мен ўзимни орқага олдим.

У кўзларини пирпиратганча, хонага разм солиб чиқди.

– Бу – Лу, – дедим мени танимаётгандай туюлгани учун.

– Кўриб турибман. – Унинг юзидан ғаши келаётганлиги билиниб турарди.

– Шўрва олиб келайми?

– Раҳмат, керакмас. – У кўзларини юмди.

– Оғриқ қолдирувчиларни-чи?

Унинг чаккалари тердан ялтирарди. Ёпинган кўрпасини ушлаб кўрганимда, улар тердан жикқа хўл ва жуда иссиқ эди. Хавотирга тушдим.

– Бирор ёрдам керакми? Натан келмайдиган бўлса агарда...

– Йўқ, ҳаммаси жойида, – ғўлдиради у ва яна кўзларини юмди.

Мен жилдни варақлаб, бундай пайтда нима қилиш кераклиги ҳақида қайдларни қидирдим. Шкафчани очиб, дока бинтлар ва қўлқоплар, дорили қутиларни олгач, буларни нима қилишни билмай, интеркомдан отасига қўнғироқ қилдим. Бунга ҳеч қандай жавоб бўлмагач, миссис Трейнорга қўнғироқ қилмоққа чоғланган пайтим, эшик очилди ва Натан шоша-пиша кириб келди. Унинг шарфи ва телпаги юзларини тамоман ёпиб ташлаган, унга эргашиб кўчадаги совуқ ҳаво ва қор парчалари ичкарига суқилди.

– Салом! – Натан пойабзалидан қорларни қоқиб, эшикни ёпди.

Уй бирданига уйғониб кетгандек туюлди.

– Худога шукур, етиб келдинг! – хитоб қилдим мен. – Уиллнинг мазаси йўқ. Ўзиям боягина уйғонди. Ҳали ҳеч нарса ичмади ҳам. Нима қилишни билмай турибман.



– Автобуслар юрмаяпти, – деди Натан. – Пиёда келишимга тўғри келди.

Мен чой дамлашга тутиндим, Натан эса Уиллнинг олди-га кириб кетди. Чой қайнамасидан туриб, Натан тезда қайтиб чиқди.

– Иситмаси жуда баланд. Анча бўлдимми?

– Эрталабдан бери. Мен ҳам шундай деб ўйлагандим, аммо у менга ҳаммаси жойида деди-ю, ухлашда давом этди.

– Ў-ў, худойим! Эрталабдан берими? Ахир унинг танаси ҳароратни бошқаролмаслигини билмасмидинг? – Натан ёнимдан ўтганча, дорилар турадиган шкафчани ковлаштира кетди. – Кучли антибиотиклар керак.

У битта хапдорини олди-да, ҳавончада туя бошлади.

– Мен унга парацетамол бергандим.

– Нимага карамелка эмас?

– Буни билмасдим. Ҳеч ким айтмаган. Мен уни иссиққина ўраб қўйдим.

– Керакли нарсаларни жилдда ёзиб қўйганман-ку. Билиб қўй, Уилл сену мен каби терламаслиги керак. Унинг жароҳатланган жойидан пасти умуман терламайди. Бу – салгина шамолласа ҳам иссиғи жуда юқори кўтарилиб кетади, деганидир. Бор, вентилятор топиб кел. Уилл совумагунча, хонани шамоллатамиз. Яна бош остига қўйиш учун хўл сочиқ. Қорбўрон тинмасдан докторни ҳам чақиролмаймиз. Ҳамшира эрталаб бирровга келиб, кетса бўларди.

Натанни ҳеч қачон бунчалар жаҳли чиққан ҳолатда кўрмагандим. У мен билан деярли гаплашмас эди.

Мен вентилятор олиб келишга жўнадим.

Уиллнинг ҳароратини меъёрига келтириш учун қирк дақиқа керак бўлди. Кучли дорилар таъсир қилишини кутиб турмасдан, пешонасига нам сочиқ босиб, бўйни аралаш ўраб қўйдим. Уиллни ечинтириб, устига юпка чит чойшаб ёпдик-да, вентиляторга қаратиб ётқиздик. Унинг билагидаги чандиқлар янада яққол кўриниб турган бўлса-да, мен ўзимни ҳеч нарсани кўрмагандек тутардим.

Уилл бизнинг бунақа куйиб-пишишларимизга сабр билан чидар, саволларга ниманидир ғулдираган кўйи жавоб берарди. Чамаси, нима деяётганини унинг ўзи ҳам тушунмасди. Аҳволининг қай даражадалиги ёруғ чироқ остида рўй-рост кўринди ва мен буни олдинроқ пайқамаганимдан уялиб кет-

дим. Бу ишимдан то Натаннинг ғаши келгунига қадар қайта-қайта узр сўрадим.

– Бўпти, – деди у. – Нималар қилаётганимни яхшилаб кўриб ол. Кейинчалик асқотиб қолиши мумкин.

Мен эътироз билдиришга журъат қилолмадим. Натан Уиллнинг иштонини пастрок туширган пайти оппоқ териси очилиб қолганидан кўнглим айнади. Унинг қорнига найча киритиб қўйилган экан. Натан Уиллнинг пешоби йиғиладиган пакетни кўлимга тутқазганидан кейин, тез-тез юрганча, хонадан чиқиб кетдим.

Уилл, чамаси, бирон соатдан кейингина алмаштирилган чойшаблар оғушида уйкуга кетди.

– Майли, ухласин. Аммо яна икки соатлар ўтганида суюқликни тўкиб ташла. Соат бешларда ҳароратга қарши дорисидан берасан.

Мен буларни дафтарчамга ёзиб олдим. Қайта хато қилиб кўйишдан кўрқардим.

– Кечки пайт ҳаммасини ўзинг қайтадан қиласан. Кўлингдан келадими? Жилдагиларни яхшилаб ўқиб чиқ. Ҳеч нарсадан кўрқма. Муаммо пайдо бўлса, кўнгироқ қил. Мен тушунтиришга ҳаракат қиламан. Жуда бўлмаса, ўзим етиб келаман. Хайр. – Натан яхшилаб ўраниб олганча, қорбўронга сингиб кетди.

Натан кетгандан кейин Уиллнинг хонасида қолдим. Мен уни ёлғиз қолдириб кетишдан кўрқардим. Бурчакда эски чарм кресло турар, унинг ёнида тунчироқ қўйилган бўлиб, мен шкафдан битта китобни суғуриб олдим-да, юмшоқ ўриндикқа чўкканча, уни ўқишга тушдим.

Хона менга ғоятда осойишта туюлди. Дераза пардалари орасидан оппоқ ёпинчиққа ўранган ташқи олам кўриниб турарди. Хона иссиқ бўлиб, марказий иситиш тизимининг ҳарҳар замонда шовуллаб қўйиши – хаёлларимни бузиб юборарди. Мен аҳён-аҳёнда китобдан бош кўтариб, Уиллнинг ором олишини зимдан кузатаман. Умримда биринчи маротаба ҳеч нарса қилмасдан осойишта ўтирардим. Ўзимизнинг уйда чангочтичнинг тинимсиз ишлаши, телевизорнинг шовқини ва бақир-чақирлар туфайли ҳеч қандай осойишталикдан асар бўлмасди. Телевизор ўчириб қўйиладиган камдан-кам вақтларда ҳам, дадам Элвиснинг кўхна кўшиқларини варанглатганча, қўйгани қўйган эди. Қахвахонада ҳам ҳар доим шовқин-сурон авжида бўларди.

Бу ерда эса ўзимнинг фикрларимни ҳам, юрагимнинг уришини ҳам эшита олардим. Бу менга ғоятда ёқарди.

Соат бешда менинг мобил телефонимга хабар келди. Уилл ғимирлаб қолди ва мен уни безовта қилмаслик учун телефонимни қўлга олдим.

*Поездлар юрмаяпти. Бугун шу ерда тунаб қололасизми? Натан келолмас экан. Камилла Трейнор.*

Буни кутмаган бўлсам ҳам жавоб ёздим: «Муаммосиз».

Мен уйдагиларимга телефон қилиб, шу ерда қолаётганимни айтдим. Онам йўл ёмонлигидан хавотирлангани сабаб, бу гапдан енгил тортгандай бўлди. Тунаш учун алоҳида қўшимча ҳақ берилишини айтганимда, боши нақ осмонга етди.

– Бернард, эшитдингми? – Ойим дадамдан суюнчи олишга шошилди. – Луга ухлагани учун ҳам маош беришмоқчи.

– Худога шукур, – деди дадам. – Ана энди орзусидаги ишни топибди.

Мен Патрика ишда қолишимни сўрашаётганлари ва кечроқ ўзим қўнғироқ қилишим ҳақида хабар юбордим. Бир неча лаҳзадан кейин жавоб келди.

*Бугун кечқурун менинг қорда кроссим бор. Норвегиядаги мусобоқалар учун аъло даражадаги машғулот! Упаман, П.*

Машғулот кийимида бундай об-ҳавода югуриб юришнинг нимасидан завқланиш мумкинлигига ҳайрон қолардим.

Уилл ухларди. Мен ўзимга таом пиширдим ва Уилл учун ҳам озгина шўрвадан олиб қўйдим. Меҳмонхонадаги печкани ўт олдирдим. Навбатдаги ҳикояни ўқиб чиқдим ва охириги мартаба қачон китоб сотиб олганимни эслай олмадим. Болаликда ўқишни яхши кўрардим, кейинчалик эса фақат журналларнигина қўлга оламан, холос. Катрина – ҳақиқий китобхон эди. Мен китобни қўлга олиб, унга тегишли ҳудудга бостириб киргандек бўлардим. Унинг Томас билан университетга кетишларини ўйлаб, бундан хурсанд ёки хафалигимни ҳам билмасдим.

Натан кечки етиларда телефон қилди ва бу ерда қолишимни эшитиб хурсанд бўлди.

– Мен мистер Трейнорга қўнғироқ қилиб, ҳеч улана олмадим.

– Хўжайин уйда бўлмайди.

– Уйда бўлмайди?

Уилл билан тун бўйи ёлғиз қолишимдан кўрқиб кетдим. Унга бир нарса бўлиб қолса, не аҳволга тушаман.

– Балки, миссис Трейнорга кўнғироқ қилсам яхшироқ бўлар?

– Яхшиси, кўнғироқ қилмай кўя қол.

– Аммо...

– Лу, қулоқ сол. У миссис Ти уйда бўлмайдиган кечалари қаёққадир жўнаб қолади.

Шундагина бунинг маъносини тушундим.

– Вой тавба!

– Уйда қоладиган бўлсанг, шунинг ўзи етарли. Ҳаммаси жойида бўлса, мен эрталаб етиб бораман.

Бир хил кунларнинг қурбони бўлсанг, бир хил кунларни қувалаб урсанг арзийди. Мен телевизор кўриб, тамадди қилиб олгандан сўнг, оҳиста хоналарни йиғиштириб чиқдим. Шундан сўнггина Уиллнинг хонасига бордим.

Эшикдан киришим билан у қимирлади ва бошини кўтарди.

– Соат неча бўлди, Кларк?

– Саккиз яримлар.

Уилл бошини ёстиққа ташлади.

– Сув олиб келинг.

Унинг овозида жаҳл ва алам йўқ эди. Хасталик уни ниҳоят ён босувчан қилиб қўйганди. Мен унга сув ичирдим. Кейин каравот четига ўтириб, худди болалигимда ойим қилганидай, Уиллнинг манглайига кафтимни босдим. Кенг пешонаси анчагина тафтли бўлса-да, эрталабкидай кўрқинчли эмасди.

– Қўлларингиз совуқ экан.

– Шўрва ичасизми?

– Йўқ.

– Тўшагингиз қулайми?

Аслида унга қанақаси қулайлиги ҳақида менда ҳеч қандай тасаввур йўқ эди.

– Иложи бўлса, мени бу ёнимга ағдариб қўйсангиз, дедим. Ўтқазиб қўйиш керакмас.

Мен каравотнинг бошқа тарафига ўтдим ва эҳтиёткорлик билан уни бошқа тарафга ағдардим. Ундан кўрпа иситган баданнинг соғлом тафти келиб турарди.

– Яна бирор нарса керакми?

– Уйингизга кетмадингизми?

– Бугун шу ерда қоларканман.

Ташқарида аллақачон зим-зиё тун ҳукмрон эди. Қор ҳа-

мон бӯралаб ёғарди. Иккимиз ҳам ойнага урилаётган қор парчаларини жимгина кузатардик.

– Сизга бир савол берсам майлими? – сўрадим мен.

Унинг кафти чойшаб устида ётарди.

– Ўшанда нима бўлганди? – кўз олдимда унинг билагидаги чуқур чандиқлар намоён бўлди.

– Мотоцикл келиб урилган. Кўчани пиёда кесиб ўтаётган эдим.

– Мен чанғи учаётганингизда ёки баландликдан сакраш пайтида йиқилгансиз, деб ўйлаб юрибман.

– Ҳамма шунақа деб ўйлайди. Мен Лондондаги уйим жойлашган кўчани кесиб ўтаётгандим. Ўша ерда ишим ҳам, уйим ҳам қолиб кетди...

– Жонингиз омон қолибди...

– Ҳа, шунақа, бўлмаса бошида докторлар мени яшаб кетишимга шубҳа қилишган экан.

– Бу ердаги ҳаётингизни ёмон кўрасизми?

– Ҳа.

– Бир кун яна Лондонга қайтгингиз келадими?

– Ҳозирги ҳолимдамас.

– Яхши бўлиб кетишингиз ҳам мумкин. Натаннинг айтишича, бундай хасталикларни тузатишда анча ривожланиш кузатилаётган экан.

Уилл яна кўзларини юмди.

Мен унинг ёстиғини тўғрилаб, кўрпани кўксигача тортиб кўйдим.

– Кўп савол бераётган бўлсам – узр сўрайман, – унинг тўғрисига келиб ўтирдим. – Хоҳласангиз кетишим мумкин.

– Яна бироз қолинг. Гаплашиб ўтиринг. – Уилл кўзларини очди ва уларда оғир ҳорғинлик борлигини кўрдим. – Менга бирор яхши нарсани ҳикоя қилиб беринг.

Мен бир пас тараддудланиб тургач, ёстиқнинг қолган қисмига суянганча, у билан ёнма-ён ўтириб олдим.

Биз деразадан сочилаётган нурларга урилганча, яна зулмат бағрига сингиб кетаётган қор учқунларини кузатган кўйи жим қолдик.

– Болалигимда мен бирор нарсдан қаттиқ кўрққан пайтларим, дадамдан қизиқарли нарса айтиб беришини сўрайдим, – дедим Уиллга. – Дадамнинг айтиб берганларини сизга ҳикоя қилиб берсам, мени тентак экан, дея ўйлашингиз мумкин.

- Шундоғам тентаксиз-у.
- Майли, хулласи дадам менга... – бирдан кулиб юбордим. – Вой-вой-эй, йўқ, айтолмайман.
- Айтинг.
- У менга «Абизиянка ҳақида қўшиқ»ни айтиб берарди.
- Қанақа-қанақа?
- «Абизиянка ҳақида қўшиқ». Уни ҳамма билса керак, деб ўйлардим.
- Ишонинг Кларк, – деди у, – мен бу ҳақда биринчи бор эшитишим.
- Чуқур хўрсиниб олиб, кўзимни юмганча, ашула айта бошладим:

*Абизиянкада яшасам дейман,  
Шу ерда туш пайти дунёга келдим.  
Банджода куй чалсам дейман қизларга,  
Мана шу эскича куйчи торимда.*

Уиллнинг юзида табассум пайдо бўлди. Мен давом этдим:

*Бир куни банджони устага элтдим,  
Балки созлаб берар уни қайтадан.  
Улар эса деди: уни сира ҳам –  
Бошқасига асло алишиб бўлмас.*

Орамизга узок бўлмаган сукут чўқди.

- Битта сизми десам, оилангиз билан тентак экансизлар.
- Аммо бу жуда ёқарди, мен ҳам тинчланардим.
- Менимча, дадангиз сиздан кўра яхшироқ ашула айтса керак.
- Бу зериктирмаганим учун айтган раҳматингизми?
- Майли, энди бошқа нарсани ҳикоя қилиб беринг. Фақат бир илтимос: ашуласиздан бўлсин.
- Бошқасини... – Мен пича ўйланиб турдим. – Бўпти, сиз яқинда мен кийган туфлини кўрганмидингиз?
- Кўрмай нима.
- Ойимнинг айтишича, ғалати пойабзалларга қизиқишим уч ёшимдан бошланган экан. У менга феруза рангли, ялтироқлари бор, резинали этикча сотиб олганди. Ўша пайтларда бу жуда тахчил бўлган. Бошқа болалар оддий зангори, жуда омади келганлар эса қизил этикчалар кийишар эди. Ойим яна айтадиларки, мен бу этикчамни ечмасдан ўрнимга ётар, чўмилар, уларда болалар боғчасига қатнарканман. Бу

ялтироқ этик ва асалари тусли колготкалар менинг ажралмас қисмимга айланиб қолганди.

– Асалари тусли колготкалар, дейсизми?

– Қорамтир сариқ йўл-йўлликлар.

– Ажойиб.

– Мен уч яшар пайтимда ана шунақа, йўл-йўл оёқларни яхши кўрадим.

Уиллинг хасталиги билан ёлғиз қолишим ҳақидаги кун бўйи чеккан хавотирларим аста-секин тарқала бошлаганди. Унинг аҳволи унчалар ҳам ёмон эмасди.

– Хўш, бу ялтироқ этикчангизнинг тақдири нима билан тугади?

– Ойим уларни ташлаб юборди. Мен эса товон замбуруғини орттириб олдим.

– Ажойиб.

– Колготкаларимни ҳам ташлаб юборганди.

– Нимага энди?

– Нимагалигини билмайман. Жуда хафа бўлгандим. Шундан кейин бундай сеvimли колготкаларни бошқа учратмадим. Унақаларни ҳозир тайёрлашмайди. Балки ҳали ҳам қилишар, фақат катта ёшли жувонларга йўқ.

– Қизиқ-ку.

– Кулманг! Нима, сиз бирор нарсани ғоятда севиб қолмаганмисиз?

Мен уни деярли кўрмасдим, хона тим қоронғи эди. Каравотим ёнидаги чироқни ёқиш мумкин эди, аммо мени нимадир тўхтатиб қолганди.

– Нега энди, – деди Уилл сокинлик билан. – Севганман.

Биз яна бироз гаплашдик, аммо Уиллни мудроқ босди. Мен унинг ёнида ётаркан, қандай нафас олишини тинглардим. Ўн бирлар атрофида Уилл яна терлай бошлади. Мен уни уйғотиб, ҳароратни туширувчи дориларни ичирдим. Кейин устки чойшабларини бошқасига алмаштириб, унинг ёнига чўзилганча, ухлаб қолибман.

Мен ўз номимни айтиб чақиришларидан уйғониб кетдим. Мактаб партасида ўтирганимда муаллима доскани тўққиллатганча, менинг исмимни қайта-қайта тилга оларди. Қанча уринмай, партага эгилган бошимни кўтара олмасдим.

– Луиза.

Парта эса нимагадир жуда юмшоқ эди. Қулоғим устида яна ўша овоз янграрди:

– Луиза.

Бир пайт парта тўшакка айланиб қолди. Кўзимни очганимда, тепамда Камилла Трейнор турганини кўриб, ҳайрон бўлдим. Унинг эғнида оғир жун пальто бўлиб, кифтига сумкасини осиб олганди.

Мен шошганча, туриб ўтирдим. Ёнимда эса кўрпасига ўранганча, Уилл ухлаб ётар, деразадан тонг бўзариб келарди.

– Бу хонада нима қилаяпсиз?

Жуда хижолатли ҳолат юз берганди. Мен юз-кўзимни ишқалаб, уйқумни қочиришга ҳаракат қилдим. Нимага бу ерда қолиб кетдим? Унга нима дейман?

– Уиллнинг каравотида нима қилаяпсиз?

– Уилл... – ғулдирадим мен. – Уиллнинг мазаси қочганди...

Унинг ёнидан кетмаслик учун...

– Мазаси қочганди, деганингиз нимаси? Юринг, коридорга чиқайлик. – У орқасидан зудлик билан чиқиб боришимга ишонган ҳолда тез-тез юрганча, хонадан чиқиб кетди.

Мен уст-бошимни тартибга келтиргандан сўнг, йўлакка чиқиб бордим.

– Уиллнинг тонгда иситмаси кўтарилди. Натан келиб, ҳароратини туширди. Менга нималар қилиш кераклигини ўргатиб, ўзи кетиб қолди. Кейин унга қараб ўтиришга тўғри келди...

– Нимага менга қўнғироқ қилмадингиз? Агар Уиллнинг тоби қочса, менга ёки мистер Трейнорга қўнғироқ қилишингиз керак эди.

Шунда миям ишлаб кетди ва соат неча бўлганини билиш учун қўл соатимга қарадим. Еттидан сал ошганроқ эди.

– Натан айтди-ки...

– Кулоқ солинг, Луиза! Агар Уилл шунчалар олдидан кетиб бўлмас даражада касал экан, менга телефон қилишингиз шарт эди.

– Ҳа, шунақа. – Мен ер чизиб қолдим.

– Унақада сизни сира тушунмаяпман, нега менга телефон қилмадингиз? Ёки мистер Трейнорга қўнғироқ қилишингиз мумкин эди-ку!

Шу маҳал эшик очилиб, қўлтиғига газета қистириб олган мистер Трейнор келиб қолди.

– Сен келганмидинг! – у елкаларидаги қорларни қоққанча, хотинига мурожаат қилди. – Мен ҳозиргина газета ва сут олиб келиш учун кўчага чиққандим. Йўлда юриб бўлмайди.



Музламаларда тойғаниб кетмай деб, айланма йўллардан юришга тўғри келди.

Миссис Трейнор эрига қаради.

– Сен кечаси Уиллнинг иссиғи чиққанини билармидинг?

Мистер Трейнор менга қаради. Мен кўзларимни ерга қаратдим. Ҳеч қачон бу қадар оғир аҳволга тушмагандим.

– Луиза, менга кўғироқ қилдингизми? Кечиринг, худо ҳақи... Мен эшитмай қолган бўлсам керак. Интеркомимизга бир нарса бўлган. Бир-икки марта кўнғироқларни ўтказиб юборяпти. Ундан кейин кеча ўзимнинг ҳам мазам қочгандай эди. Эртароқ ухлашга ётиб, тошдек қотибман.

Менинг оёғимда ҳалиям Уиллнинг пайпоқлари кийиғлик эди.

Миссис Трейнорнинг чалғиганидан фойдаланган эри сут идишни кўлимга тутқазганча, қочиб қолди.

– Мен ҳам уйгача зўрға етиб олдим. Майли, ишингизга қаранг. Яна шундай ҳолат юз берса, дарҳол менга кўнғироқ қилинг. Тушундингизми?

– Тушундим, – дедим мен ва ошхонага равона бўлдим.

– Фақат биттасини. – Мен юзимдаги қизиллик кетиб улгуришига умид қилганча, устарани чайиш учун чиғаноқ томонга ўтирилдим. – Жуда яхши! Сизни қийнаб қўймадимми? Ҳа демай Натан ҳам келиб қолса керак.

– Сочларимни нима қилмоқчисиз?

– Уларниям қиртишлаб қўйишимни истайсизми?

– Нега энди йўқ экан?

– Менга ишонмайсиз, деб ўйлагандим.

У қўлидан келганча, кифтини сезилар-сезилмас қисди.

– Э, худойим, онангиз қанчалар хурсанд бўлади, – унинг ёноқларидаги кремларни артиб қўйдим.

– Бу бизларни тўхтатиб қўймайди, деб умид қиламан.

Уиллнинг сочларини меҳмонхонага ўтиб олишга қарор қилдик. Печкага ўт ёқдим, сўнгра америкаликларнинг қўрқинчли фильмини қўйдим-да, унинг елкаларини оқ чойшаб билан ўрадим. Шу пайт Уиллни қачонлардан бери қайчини энди қўлимга олаётганим ҳақида огоҳлантирдим.

– Яхши сўзларингиз учун раҳмат!

Мен сартарошхонада орттирган тажрибалардан келиб чиқиб, унинг сочларини бармоқларим орасидан ўтказдим. Уилл фильм томоша қилар, ҳамон хотиржам ҳолатда ўтирарди. Ора-сира у фильм ҳақидаги фикрларини менга айтишга уринарди. Мен ўзимни бу гапларни эшитишга қизиқаётгандек тутсам-да, бутун диққат-эътиборимни унга шкаст етказмасликка қаратгандим. Ниҳоят, унинг барча пахмоқ сочларини кесиб бўлгач, олдинроққа ўтдим-да, кўринишига разм солдим.

– Хўш? – деди Уилл.

– Бунчалар очилиб қолган юзингиз менга ёқишига шубҳам бор. – Мен қаддимни ростладим. – Бу анча асабга тегади.

– Баданим жунжикяпти, – деди у бошини ўнгу сўлига бурганча, ҳиссиётларини текшириб кўраркан.

– Шошмай туринг, – дедим мен. – Бориб иккита ойна олиб келаман. Ўшанда ҳаммасини кўнгилдагидек кўриб оласиз. Фақат жойингиздан қимирламанг. Ҳали атрофингизни ҳам йиғиштириб олишим керак. Қулоғингизниям кесиб ташла-саммикан, деб турибман.

Мен ётоқдаги тортмалардан кўзгуни ахтараётган пайтим миссис Трейнорнинг хавотирли овози ва икки кишининг қадам товушлари қулоғимга чалинди:

– Жоржина, илтимос, керак эмас.

Меҳмонхона эшиги катта шовқин билан очилди. Мен кўзгуни ола солиб, ўша томонга отилдим. Мени яна Уиллни ёлғиз қолдирганликда айблашлари турган гап эди. Трейнор хоним эшик олдидан у ерда рўй бераётган ишларни қўлини лабига босганча, назорат қиларди.

– Сен дунёдаги энг худбин одамсан! – бақирарди ёшгина жувон. – Ишонгим келмайди, сен худбин эдинг, энди янада баттар бўлибсан.

– Жоржина. – Миссис Трейнорнинг нигоҳи менга кўчди. – Илтимос, бас қил.

Мен унинг орқасидан хонага кирдим. Уилл ҳалиям бўйнига чойшаб ўралган ҳолда ўтирар, аравачасининг атрофида кизғиш сочлари сочилиб ётарди. Қаршисида узун ва тўқ тусдаги сочлари энсасига наридан-бери турмакланган ёшгина аёлга кўзим тушди. У эгнига сийқаси чиққан жинси, оёғига эса хиром этикчалар кийиб олганди. Унинг юзлари Алисияники каби чиройли, лекин териси қуёшда қорайган, тишлари худди тиш пастаси рекламасидаги каби кўз олгудек даражада оппоқ эди.

– Ишонгим келмаяпти. Бунақаси каллангга келганига ҳеч ишонгим келмаяпти. Ахир сен...

– Илтимос, Жоржина! – Трейнор хоним қатъий овоз билан хитоб қилди. – Ҳозир вақти эмас.

Уилл гўёки олдида бўшлиққа тикилгандек, бемаъно қараб турарди.

– Э-э... Уилл? Сизга бирор нарса керак эмасми? – сўрадим секингина.

– Сиз кимсиз тагин? – нотаниш қиз мен томонга шиддат билан ўтирилди.

Унинг кўзлари лиммо-лим ёшга тўлганини кўрдим.

– Жоржина, – деди Уилл. – Менинг ҳамкорим ва қўли гул сартарошим Луиза Кларк билан танишиб ол. Луиза, бу менинг синглим – Жоржина. У менга бақириб олиш учун олис Австралиядан учиб келибди.

– Ҳазилингни йиғиштир! – қичқирди Жоржина. – Ойим айтиб берди. У менга ҳаммасини айтиб берди.

Ҳеч ким қимир этмади.

– Балки, сизларни холи қолдирганим яхшироқдир? – узр сўраган бўлдим мен.

– Ажойиб фикр. – Миссис Трейнорнинг диван суянчиғига

таянган қўллари оппоқ эди. – Сизнинг айна тушлик танаффус найтингиз.

Мен хонадан сирғала-сирғала чиқиб кетдим.

Яна автобус бекатида тамадди қилиб олишимга тўғри келади. Мен ошхонадан ўз сэндвичларимни олиб, эгнимга пальтомни ташладим-да, орқа йўлакдан чиқиб кетдим.

Орқамдан уйни бошига кўтараётган Жоржина Трейнорнинг овози эшитилиб турарди:

– Бу сенга қанчалар ғалати туюлмасин, бу фақатгина сенинг шахсий ишинг эмаслиги, наҳотки миянгга келмади?

\* \* \*

Ярим соатлардан кейин уйга қайтганимда, ҳамма ёқ тинч эди. Натан чиғаноқда финжонни юваётганди.

Мени пайқаб, ўгирилди:

– Ишлар қалай?

– У кетдими?

– Ким?

– Синглиси?

– А! – деди Натан. – Ўша синглисимиди? Шошганча, машинасида жўнаб қолди. Оилавий жанжалдир-да?

– Билмайман, – жавоб бердим мен. – Энди Уиллнинг сочларини олиб бўлгандим ҳамки, бу аёл келиб қолди ва унга бақира кетди. Мен уни навбатдаги хушторларидан биридир-да, деб ўйлабман.

Натан кифтини қисиб қўйди.

У билган тақдиридаям Уиллнинг шахсий ҳаётини мен билан муҳокама қилмаслигини тушундим.

– Уилл жимгина ўтирибди. Унинг соч-соқолини яхшилаб олибсан. Бинойда одам бўлиб қолибди.

Мен меҳмонхонага қайтдим. Уилл телевизор кўрмоқда эди. Фильм ҳамон тўхтатилган паузасида қотиб турарди.

– Давомидан кўрасизми? – сўрадим мен.

У, чамаси, саволимни эшитмади. Бошини кифтларига тортиб олган, юзида ҳеч қандай ифода кўринмасди. Яна ўз ичига беркиниб олганидан мен у ёққа киролмасдим.

У мени худди ҳозир кўриб қолгандек, ажабланиб қаради:

– Албатта.

\* \* \*

Мен коридорда кирлар солинган саватни кўтариб кетаётган пайтим, уларнинг суҳбатини эшитиб қолдим. Флигель эшиги қия очиклигидан миссис Трейнор ва қизининг гаплари коридор узра ҳам эшитилиб турарди. Уиллнинг синглиси пиқиллаб йиғлар, унинг овозида кечаги жаҳлдан асар ҳам йўқ эди. Шу ҳолати билан ёш қизчаларни эсга соларди.

– Бирор эпини қилса бўлади-ку. Балки, Америкага олиб борарсан? Америкада ҳамма вақт даволай олишади.

– Отанг доимо тараққиётни кузатиб боради. Азизам, аммо ҳеч қандай ривожланиш кўринмаяпти.

– У... мутлақо ўзгариб кетибди-ки. Ҳамма нарсада фақат ёмонликни кўрадиган бўлиб қолибди.

– Жорж, у бошидан шунақа эди. Сен уйга учиб келган заҳоти гаплашганинг сабаб шундай деб ўйлайсан. Ўшанда у... гайратга тўла эди... Балки, ҳаммаси яна ўзгариб кетар...

Бундай шахсий мулоқотни эшитиб турганим учун ўзимни ноқулай сезардим. Аммо суҳбатнинг сирли мавзуси эшикка яқинлашишга ундади. Мен пайпоқли оёқларим билан бесас, бешарпа эшикка яқинлашдим.

– Даданг иккимиз сенга айтмагандик. Кайфиятингни бузгимиз келмасди. У... – Трейнор хонимнинг овози титрай бошлади. – У ўз жонига қасд қилмоққа уринганди.

– Нима?

– Даданг шу ишнинг устига келиб қолган. Бу... бу жуда даҳшатли эди.

Ушбу гап менинг тахминларимни тасдиқласа-да, баданим жунжикиб кетди. Сокингина йиғи ва ўзаро юпатишлар эшитилди. Кейин узоқ жимлик чўқди. Ниҳоят, Жоржина хириллаганча, сўзга кирди.

– Анови қиз...

– Ҳа, Луиза бу нарса бошқа қайтарилмаслиги учун, унга кўз-қулоқ бўлиб юриши керак.

Мен қотиб қолдим. Натан билан Уилл коридорнинг бошқа учидаги ваннахонада бу ердаги гап-сўзлардан бутунлай хабарсиз ҳолда ўз гаплари билан овора эдилар. Мен эшик томон яна бир қадам қўйдим. Унинг билагидаги чандиқларни кўрганимдан бери гап нимадалигини сеза бошладим. Бу суҳбат кўп нарсани: миссис Трейнорнинг Уиллни узоқ пайт ёлғиз қолдирмаслигимни талаб қилиши, Уиллнинг менинг пайдо бўлишимдан норозилигини изоҳлаб берарди. Мени бу ерга нега ишга олганликларини билмасдим, Уилл эса биларди ва шунинг учун ҳам мени ёмон кўриб қолганди.

қизиқиб қолади, хотини нафратланадиган «харлей-дэвидсон» мотоциклини сотиб олади ва ҳар куни ишига қатнайди. Барларда ўтирганча, ўзгаларнинг ишқий саргузаштларини тинглайди ва ўзини алданганлигини англайди. – Мен ўгирилганимда Уилл мендан кўз узмай тинглаётганлигини кўрдим. – Кечирасиз, нимагадир тилим эшилиб кетди.

– Чопагонингизга раҳмим келиб кетяпти.

– Унинг бунга алоқаси йўқ, – жавоб бердим мен. – Шунчаки мен кўп йиллар қаҳвахонада ишладим ва у ерда жуда кўп нарсани кўриб, эшитишимга тўғри келди. Одамлар бир хил қолипда яшашади.

– Шунинг учун ҳам турмушга чиқмадингизми?

– Балки, – менга аслида ҳеч ким бу ҳақда таклиф қилмаганди.

Менинг айтганларимдан биз айтарли ҳеч нарса билан машғул бўлмаганимиздек туюлиши мумкин. Аслида Уилл билан ўтказган кунларимиз унинг кайфиятига, энг муҳими, унинг соғлигига монанд равишда турлича ўтарди. Баъзи кунлари ишга келган заҳотим, унинг авзойидан ҳамма қатори мен билан ҳам гаплашгиси йўқлигини сезиб қолардим. Бундай дамлар уни асоссиз равишда безовта қилмасдан, хўжалик ишлари билан овора бўлардим.

Унинг оғриқларини манбаси ҳар хил эди. Натан ўтказадиган физиотерапияларга қарамай, бутун вужуди мушакларининг аксариятини бошқара олмасди. Овқат ҳазм қилишида ҳам турлича муаммолар келиб чиқарди. Елкаларида оғриқ пайдо бўларди. Даволашнинг дастлабки ойларида кўп миқдорда антибиотиклар ичгани учун Уиллнинг ошқозон яраси ривожланиб кетганди.

Бир йўсинда ўтиргани ёки ётганидан ётоқ яралари пайдо бўлганди. Унинг тез-тез боши оғриб турар, ақлий қобилияти фойдаланилмаганидан қўполлик ва дағаллик касб этарди.

Аммо энг ёмони – унинг кафтлари ва товонларидаги қичишишлар бўлиб, қўллари ва оёқларини совуқ сувли идишга солиб ёки хўл сочиқларга ўраб қўйишимга тўғри келади. Мен унинг бундай жисмоний эҳтиёжларига кўникиб кетгандим.

Буларнинг барига қарамай, Уилл умуман шикоят қилмасди. Шу туфайли унинг азоб чекаётганлигини сезишим учун олти ҳафтача керак бўлди. Энди мен унинг нигоҳидан, оддийгина сукути ва гап-сўзидан ҳам унга аслида нима кераклигини ўқий олардим. Баъзан у ҳеч нарса демас, ранг кўр – ҳол

сўр, деганларидек, унинг сарғайган юзларидан нима қилиш кераклигини аниқ билардим. Бундай пайтлар – энг оғир кунлар ҳисобланарди.

Аммо бошқа кунлар биз жуда яхши чиқишардик. Бугунги кунимиз хасталиклардан холи кун бўлди. Миссис Трейнор бизга яна йигирма дақиқа айланиб келишни айтганида, мен чой дамлаб олдим ва биз боғ ичига оҳиста юриб кетдик. Уилл кичик сўқмоққа бурилди ва унинг ортидан бораётиб, ҳўл ўтларни босганим туфайли менинг туфлим тўқ тусга кирди.

– Туфлингиз ҳам антиқа экан, – деди Уилл.

Туфлим тўқ зангори тусда эди. Мен уни хайрия дўконидан топгандим.

– Биласизми, сиз бу ерликларга ўхшаб кийинмайсиз. Мен эрталаблари сиз яна қанақа кийимда келаркансиз, деб кутиб тураман.

– «Шу ерликлар» қанақа кийинишаркин?

У аравачасини йўлакда ётган шохчадан четлаб ҳайдади.

– Уларни қўяверинг, – деди у жавобдан қочиб. – Бу ердан бошқа яна қаерларда яшагансиз?

– Ҳеч қаерда.

– Наҳотки фақат шу ерда яшаган бўлсангиз? Қаерларда ишлагансиз?

– Фақат шу ерда, – дедим қўлларимни қўлтиққа урганча. – Хўш? Бунинг ёмон томони борми?

– Бу ер жуда кичкина шаҳарча. Жуда чекланган. Бу ердаги ҳаёт мана шу эски қалъа атрофида айланади. – Биз йўлакда тўхтадик ва гумбазсимон тепалиқда худди ёш бола томонидан чизилгандек, кўриниб турган қалъага тикилиб қолдик. – Бу ер – ҳамма нарсадан чарчаган одамлар қайтиб келадиган жой. Ёки бирор жойга жўнаш учун тасавури етмайдиган одамлар маскани.

– Катта раҳмат.

– Албатта, бунинг ёмон тарафи йўқ. Аммо... Уни ҳаракатчан, деб бўлмайди. У қайнаб ётган ғоялар, қизиқарли одамлар ёки имкониятлар масканимас. Бу ерликлар совғалар дўконига тегишли темир йўллар тасвири туширилган салфеткаларни пластикка алмаштирганини шаккоклик сифатида қабул қиладилар.

Мен ўзимни тутолмасдан кулиб юбордим. Ўтган ҳафта маҳаллий газетада чиққан бир мақола айнан шу ҳақда эди.

– Кларк, сиз йигирма олти ёшдасиз. Айни катта дунёни

забт этадиган, барларда кўнгилсизликларга дучор бўладиган пайтингиз.

– Менга мана шу ер кўнглимдагидек.

– Бундай бўлмаслиги керак.

– Сизга бошқаларнинг нима қилишлари кераклигини кўрсатиб туриш кўпроқ ёқади.

– Бунинг тўғрилигига амин бўлганимдан айтяпман. Менинг чойимни тўғрилаб қўйинг. Лабим етмаяпти.

Мен чой идишидаги найчани унинг оғзи тарафга буриб қўйдим. Енгилгина совукдан бўлса керак, унинг қулоқ учлари пушти туста кирганди.

– Нега сиз ўзингизни бошқаларга кўрсатма беришга ҳақли, деб ўйлайсиз? Нима қилмай, дарров танқид қиласиз.

– Қани бўлмаса, ўзингизнинг фикрларингизни айтинг-чи?

– Сиз ҳақингиздами?

– Бу ерда бошқа яна биров борми?

– Сиз сочларингизни калталатишингиз керак. Худди дайдиларга ўхшаб қолгансиз.

– Энди ойимга ўхшаб гапиряпсиз.

– Рост, сиз роса даҳшатли кўринасиз. Соқолингизни олдиришингиз керак. Наҳотки бу чангалзор терингиз қичишмаса? Шу бугуноқ уларни қириб ташлайман.

– Йўқ-йўқ-йўқ!

– Ҳа-ҳа-ҳа! Сиз менинг фикримни сўрадингиз, мен айтдим. Ўзингизча ҳеч нарса қилмасангиз.

– Мен қаршилиқ қилсам-чи?

– Бари бир қириб ташлайман. Агар улар яна озгина ўсиб берса, оғзингиз қаердалигини ҳам тополмай қоламан.

Уилл жилмайиб қўйди. Бу қанчалар қайғули эшитилмасин, у камдан-кам пайтларда кулар, уни хурсанд қилган кезларим ғурурдан бошим айланиб кетарди.

– Бўлмаса, Кларк, – деди у. – Сизга бир хизмат бор.

– Қанақа?

– Қулоқларимни қашлаб қўйинг, роса жонимга тегяпти.

– Соқолингизни олиб қўйишимга ижозат берасизми? Кўп эмас, озгина.

– Сабримни синамаганингиз маъқул.

– Сиз эса жаҳлимни чиқармаганингиз яхши. Қўлим қалтираса, қайчини эпполмай қолишим мумкин.

Устара ва соқол олишда ишлатиладиган кўпикни кўпдан бери қўлланилмагани учун, ваннахона шкафчасидаги пах-



та ва нам салфеткалар солинган қутилар ортидан топиб олдим. Мен Уиллни аравача билан ваннахонага олиб кириб, чиганоқни илиқ сувга тўлдирдим-да, иссиқ ва нам сочиқни унинг иякларига босиб турдим.

– Нимага бундай қилиясиз? Сиздақа сартарошдан ўргилдим.

– Киноларда шунақа қилишади-ку!

Менга унинг лаблари кўринмаса-да, аммо кўзлари гирдида шодлик ажинлари нур таратарди. Қани энди доимо шундай бўлса. Қани энди у бахтли бўлса... унинг юзлари азобли ва хавотирли ифодалардан қутилса. Мен тинмай гапирар, кулар, ҳазиллашар, хиргойи қилар, нима қилсам ҳам унинг авзойи тундлашадиган лаҳзаларни орқароққа суришга ҳаракат қилардим.

Мен енглариمنى шимарганча, унинг соқолларини совунлаб чиқдим. Томоғига устарани тақаган маҳал дедим:

– Тан оламан, шу пайтгача оёқларнигина қирганман, биринчи маротаба соқол олишим.

Уилл кўзларини юмганча, бошини орқага ташлади. Мен устарани унинг терси узра юргизган кўйи ишга киришдим. Уиллнинг юзларига тикилганча, жимгина ўз ишимда давом этардим. Шунда пешонасини қоплаб олган сочларини тепароққа кўтарганимда, манглайдаги ўша бахтсиз ҳодисадан қолган чандиқлар рўй-рост кўзга ташланди. Кўзлари остидаги бинафшаранг соялар кўпдан-кўп бедор ўтказилган тунлардан, қошлари орасидаги тугун эса соқовлик уқубатларидан ҳикоя қиларди. Унинг юзидан қимматбаҳо соқол креми ва фақат ўзигагина тегишли бўлган ёқимли ҳид анқирди. Соқоли олингани сари юзларидаги Алисия каби соҳибжамолларни ўзига жалб қилувчи жозибаси очила бошлади.

Унинг камдан-кам учрайдиган хотиржам ҳолатидан фойдаланиш учун, оҳиста ва эҳтиёткорлик билан иш олиб борардим. Ўша тўқнашувдан кейин унга азоб бермаслик мақсадида тиббий ва терапевтик жараёнлар туфайлигина қўл теккизишганларини ҳис қила бошладим. Уиллнинг менга жуда яқин нафас олишидан ҳаяжонландим шекилли, қўлларимда енгил титроқ пайдо бўла бошлади.

Уилл мендаги бу сезилар-сезилмас ўзгаришларни ҳис қилди, чоғи, кўзларини секин очди-да, менга қаради. Бизларнинг нигоҳларимиз бир зум тўқнашди.

– Ишқилиб, қошимни қириб қўймадингизми?

**Т**езда баҳор келди ва қиш чақирилмаган меҳмон каби лаш-лушларини йиғиштирганча, хайрлашувни ҳам унутиб, қаёққадир ғойиб бўлди. Ҳамма ёқ яшилланди, йўллар қуёш нурларига чулғаниб, ҳаво муаттар ифорларга тўлди. Қушларнинг сайроғи эса қулоқларга хуш ёқарди.

Аммо булар менга сезилмасди. Ўтган тунда мен Патрикнинг уйида қолдим. Мени ишдалигим, унинг тигиз машғулоти туфайли бир ҳафтадан бери энди кўришиб турардик. Шундай бўлса-да, у бир қути денгиз тузи қўшилган ваннада кирқ дақиқача ётгани учунми, жуда чарчаганиданми, мен билан гаплашгиси келмай ухлаб қолди. Менинг эса кўзимга уйқу келмай, яна тўрт соатлар шифтга термулганча, алам оғушида ётардим.

Патрик билан Хейлсберидаги «Тўлқинлар узра» сартарош-хонасида, дастёр-сартарош бўлиб ишлаётган пайтим танишгандим. Бу менинг «Сарёғли кулчалар» қаҳвахонасига ишга киргунимча ишлаган ягона жойим эди. У кирган маҳалда сартарошхона соҳибаси Саманта бошқа мижоз билан банд эди. Шунда мендан сочини қиртишлаб қўйишимни сўради. Кейинчалик Патрик менинг маҳоратимни сартарошлик тарихидаги энг ёмони, дея баҳолаганди. Орадан уч ой ўтиб, бу касб жонимга тегди ва мен Фрэнкнинг қаҳвахонасига ишга кирдим.

Патрик билан учраша бошлаган пайтимизда у савдо-сотиқ билан шуғулланар, уни пиво, қўлбола шоколадлар, спорт ҳақидаги гап сотишлар қизиқтирарди. Менга унинг барқарорлиги-ю, унга менинг гирди-капалак бўлишларим ёқарди. Патрикнинг отаси ўлиб кетганди ва онасига бўлган меҳр-муҳаббати, қайғуришлари мени ўзига ром этарди. Тўртта акаси ва сингиллари ҳақида бундай деб бўлмасди. У билан биринчи бор учрашганимизда ички овозим: «Бу йигит сени сира хафа қилмайди», – деганди ва кейинги ўтган етти йил мобайнида бунга амин бўлдим.

Кейинчалик у олис масофаларга югуриш шайдосига айланди. Очиқ ҳавода кўп югурганидан унинг юзи бронзадан

куйилгандек ҳолатга келди. Биз ойда икки марта учрашиб турардик, аммо қанчалар спортга қизиққани сари менга бўлган интилишлари камая бошлади. У деярли спортдан бошқа ҳеч нарса ҳақида гапирмасди.

Мен унинг қизиқишларини қўллаб-қувватлашни хоҳлардим. Уч кураш клубига ҳам бирга борар, у ердаги қизлар билан гап сотгим келарди. Аммо тезда улар орасида ўзимни жуда одми эканлигимни англадим. Чунки қизлар ўзларидек жисмонан бақувватларни ўзига тенг кўришарди. Уларнинг жуфт-жуфт ҳолда бокс машқларини ўтказиши, маррага етиб келган пайтлари тасвирланган фотосуратлари ва қўлга киритган ютуқлари ҳамда жамоавий медаллари билан мақтаниши менга ёқмасди. Бунга эса тоқат қилиб бўлмасди.

Менинг алламбало кийинишларим ҳам Патрикни асло қизиқтирмасди. Унинг бор диққат-эътибори ўз танасини мукаммаллаштириш билан банд эди.

Баҳор ўз намойишини бошлаган кунларнинг бирида, миссис Трейнор хоним Уилл иккимизга ташқарига чиқиб, сайр қилишимиз кераклигини айтди:

– Мен уй ичида баҳорги махсус тозалаш ишларини ўтказиш учун фаррошлар чақирганман. Улар ишини тугатгунига қадар сизлар ташқарида бўлсанглар.

Уилл менга қараб қошини салгина чимирди.

– Ойи, бу илтимос эмаса-а?

– Очик ҳавода сайр қилиш сенга жуда фойдали, деб ўйлайман, – деди хоним. – Пандус қўйилган. Луиза, сиз термосга чой дамлаб олсангиз бўлади.

Боғда ҳаво жуда ажойиб эди. Ҳарорат кўтарилгани туфайли дарахтлар баргини ёзган. Наргислар ниш уриб чиққан, ҳа демай ўз гулларини очишга ваъда беришарди. Тупроқ ёраётган майсалар ерга ям-яшил гилам тўшагандек. Уилл бир текис тош ётқизилган йўлакларда ўзиюлар аравачасини ғилдиратиб борарди. У чўян ҳарак томонни кўрсатди ва мен тагимга ёстикча қўйиб ўтирдим. Кўм-кўк четан деворда чумчуқлар чиркиллашини эшитган кўйи юзларимизни офтобга тутдик.

– Нимага жимсиз? – деди Уилл мени гапга солиш учун.

– Ўзингиз ҳам жим ўтирибсиз-ку. – Унга савол билан жавоб қайтардим.

– Ҳар кунгига ўхшамаяпсиз, мана шунисидан кўрқяпман.

– Йўқ, ҳаммаси жойида. – Мен бироз жим қолдим ва га-

нимни улаб кетдим. – Жуда қизиқаётган бўлсангиз, йигитим билан сал келишолмай қолдик.

– Э-э, гап бу ёқда денг, – у ўриндиққа суянди. – Анови чопағонингизми? Нима бўлди? Уилл тоғага айтиб беринг-чи.

– Йўқ.

– Ойим фаррошларни камида бир соат ишлатади. Демак, менга ниманидир гапириб беришингиз шарт. Қани бошланг.

Мен елкаларимни ростлаб, унга қарадим.

– Айнан нимани айтиб берай?

– Қачондан бери биргасизлар?

– Етти йилча бўлиб қолди.

– Оз муддатмас, – хайрон қолди у.

– Тўғри, – маъқулладим мен. – Оз эмас.

Мен эгилганча, унинг тиззасини иссиқ рўмол билан ёпиб кўйдим. Куёш ёрқин нур сочаётганлиги билан ҳавода салгина совуқнинг ҳам захри бор эди.

– У нима билан шуғулланади?

– У хусусий тренер.

– Шунинг учун югурадими?

– Ҳа, шунинг учун.

– У қанақа йигит? Уч сўз билан таърифлаб беринг.

– Ижобий. – Мен бироз ўйландим. – Садоқатли. Танасидаги ёғлар миқдорини назоратда тутадиган.

– Еттита сўз ишлатдингиз.

– Демак, тўртгасини бепул эшитдингиз. Энди сиз Алисияни таърифлаб беринг. – Мен Уиллнинг ўзи каби унинг кўзларига тик қарадим.

– Кўхлик. Дилбар. Қимматбаҳо. Ўзига унчалар ишонмайдиган.

– Нимага энди ўзига ишончи кам бўларкан?

Менинг гапларим унинг чигилини ёзаётганди.

– Ишонмаслигингиз мумкин, – деди у. – Лиссага ўхшаган қизлар бир умр юз-кўзларини сотишади ва бундан бошқа бойликлари йўқ, деб ўйлашади. Меннинг уни айблашга ҳаққим йўқ. У буюмларни яхшигина эплайди. Кийимлар, интреьерлар билан шуғулланади. Пардозниям боплайди.

Мен ҳамёнида олмос кони бор ҳар қандай аёл буларни қила олади, демокдан ўзимни зўрға тийдим.

– У хонадаги иккита нарсанинг жойини ўзгартириши билан, унга бошқа кўриниш бахш эта олади. Буни қандай уddaлашига ханузгача тушунмайман. – У уйлари томонга ишора

қилди. – Бу ерга келтирилганимдан кейин, ундан филигелни безатишни сўраб кўришди.

– Сизлар қанча вақт бирга бўлдинглар?

– Саккиз ё тўққиз ойча.

– Унчалар кўп эмас.

– Мен учун – узоқ муддат.

– Қаерда танишгансизлар?

– Тантанали зиёфатда. Жуда дабдабали зиёфатда. Сизларчи?

– Сартарошхонада. Мен сартарош эдим, у эса – мижозим.

– Ана бўлмаса! – Уилл менинг ўтқир нигоҳимни илғаб, яна деди: – Парво қилманг.

Уй томондан чангюткичларнинг ёнғиллаши келиб турарди. Фирма бир хил халатли тўртта фаррошни юборган экан. Улар икки соат ичида бу кичкина филигелда нималар билан машғул бўларкин?

– Сиз уни соғинасизми?

Уйдаги жувонлар ўзаро бир нарсалар ҳақида гаплашишар ва ҳар-ҳар замонда қаҳ-қаҳ уриб кулганлари эшитилиб қоларди.

– Соғинардим. – Уилл уфқ томонга диққат билан тикилди. Кейин менга ўгирилиб кўшиб қўйди. – Аммо мен бу ҳақда узоқ ўйладим ва Руперт иккиси жуда мос жуфтлик бўлади, деган қарорга келдим.

– Улар аҳмоқона тўйни ўтказадилар, – бош ирғадим мен. – Ўзингиз айтгандай, чурвақаларни дунёга келтиришади, қишлоқдан уй сотиб олишади, беш йил ўтмасидан котибасига илакишиб қолади.

– Сиз ҳақсиз, деб умид қиламан.

Менинг эса гапхонам очилиб кетди.

– Жувон эса ҳар доим унга аччиқ қилиб, нима учунлигини ҳам билмасдан, турли зиёфатларда ўртоқлари гувоҳлигида уни эговлайверади, у эса алимент тўламаслик учун ташлаб кетолмайди. – (Уилл мен томонга боқди) – Улар олти ҳафтада бир маротабагина бирга бўлишади, эркак ўз фарзандларини жонидан ҳам ортиқ кўради, аммо уларнинг тарбияси билан заррача қизиқмайди. Жувоннинг эса турмақлари бетакрор бўлса-да, ўзаро ади-бадилардан доимо афти буришиб юради. Шунинг учун у махсус машқларга зўр беради. Балки ит ёки от билан овунар, суворий инструктордан ўзига таскин топар... Эркак эса қирқдан кейин югуриш машқларига кўпроқ

Қизиқ! Натан буларни билармикин? Уилл озгина бўлсаям бахтли бўла олдими? Фақат Уиллнинг менга нисбатан бўлган ёмон муомаласининг асл сабаби аён бўлганидан, худбинларча снгил тортдим. Миямда фикрлар шу қадар ғужғон ўйнардикки, суҳбатнинг давомини ўтказиб юборишимга сал қолди.

– Сен бунга йўл қўймаслигинг керак, ойи. Уни тўхтатиб қолишинг шарт.

– Азизим, буни биз ҳал қилолмаймиз.

– Йўқ, бизларга боғлиқ. У сенинг ёрдамингга мухтож.

Мен эшик тутқичини ушлаганча, қотиб қолдим.

– Сени бунга розилик билдирганингга ишаноламан. Ўтиқодинг қайда қолди? Уни ўша сафар қутқариб қолишдан нима маъно бор?

– Сен ноҳақсан. – Миссис Трейнорнинг овози ҳар маҳалгидан ҳам сокин эди.

– Сен уни ўша ёққа олиб бормоқчисан-ку. Демак...

– Мен бунга кўнмаганимда, у буни бошқалардан сўрамайди, деб ўйлайсанми?

– Аммо заҳарлаб ўлдириш учун Швейцарияга олиб бориш? Жудаям нотўғри! Бу билан ўзингниям ва дадамниям хароб қиласан. Бунга ишонаман! Шундан кейин ўзингни қандай ҳис қиласан, қанақа яшайсан? Турли миш-мишлар-чи! Она ўз фарзандини ўлдиргани олиб борибди! Дадам иккингиинг обрўйингиз тутдай тўкилади! У буларни билиши керак. Бу ҳақда сўрашнинг ўзи худбинлик. Бунга қандай ҳадди сиғди? Сен-чи, сен қандай рози бўлдинг? – у яна йиғлаб юборди.

– Жорж...

– Менга бунақа қарама. Ойи унга ачиниб кетяпман. Ха, ачиняпман. У менинг акам, мен уни яхши кўраман. Бунга тоқат қилолмайман. Бу ҳақда ўйлашгайм тоқатим йўқ. У сўрамаслиги, сен рози бўлмаслигинг керак эди. Рози бўладиган бўлсанг, у ўзинигина хароб қилмайди.

Мен дераза олдида чекиндим. Қулоғим шанғиллай бошлаган эса-да, миссис Трейнорнинг жавобини аранг эшитиб қолдим.

– Олти ой, Жорж. У менга олти ойга ваъда берганди. Шундай қилиб... Шунинг учун бундан кейин бу ҳақда ёлғизлигимизда ҳам, бегоналар олдида ҳам эслатмаслигингни истардим. Биз... – у чуқур хўрсинди. – Биз шу вақт ичида мўъжиза юз бериб, унинг бу фикрдан қайтишини яратгандан тавалло қилишимиз лозим.

**Х**еч қачон ўз боламнинг қотилига айланаман, деб ўйламаган эдим.

Бу ҳақда ўқишнинг ўзи ҳам даҳшат. Бундай сарлавҳалар таблоларда ва тукқан қизлари ўзининг хушторлари билан қочиб кетган оналар ҳақидаги ҳикояларда, шу каби қисқа фурсатда катта вазн ташлашу икки бошли чақалоқлар ҳақидаги бўлмағур нарсаларни чоп қиладиган ифлос журналларда кўп учрайди.

Мен ўзлари билан бундай воқеалар содир қиладиганлар тоифасидан эмасман. Ҳар ҳолда шундай фикрда эдим. Менинг ҳаётим замонавий андозаларга мос тарзда обдон тартибга туширилган эди. Турмушга чиққанимга ўттиз етти йил бўлган, икки фарзандни вояга етказган эдим. Кўп мартабаларга эришдим, мактабдаги ота-оналар кўмитасига ёрдам берганман. Болалар менинг кўмагимга муҳтож бўлмайдиган ёшга етганларида яна хизматга қайтдим.

Мен судья сифатида ўн бир йилча ишладим ва одамзод ҳаётига оид барча разолатларни: судга тайинланган вақтда келишга ҳафсаласи келмайдиган дайдилар, рецидивистлар, дийдаси қотиб кетган ўсмирлар ва ҳориб-толган, қарзга ботган оналарни кўп кўрдим. Бир хил юзларга, бир хил хатоликларга қайта-қайта дуч келаверсанг – хотиржам ва тушунадиган бўлиб қолиш жуда мушкул экан. Баъзан овозимда ғижиниш аломатларини сезиб қолардим. Одамларнинг ўз қилмишларига яраша жавоб беришдан қочишга уринишлари гашимни келтирарди.

Чиройли қалъаси, меъморий обидалари ва йўллари билан ўзини кўз-кўз қиладиган гўзал масканлар бор. Бизнинг кичкина чиройли шаҳарчамиз ҳам бундан мустасно эмасди. Регентлик даври майдонида ўсмирлар арзон шаробга ружу қўйишганди. Томи похол билан ёпилган уй деворлари калтакланган хотину бола-чақаларнинг дод-войини тўсиб турарди. Баъзан мен кўлимдан келмайдиган иш билан

шуғулланаётганга ўхшардим. Аммо бари бир ишимни яхши кўраман. Тартиб-интизомга, ахлоқ низомларига ишонганим учун бу иш билан шуғулланардим. Менинг қарашларим эскиргандек туюлса-да, тўғри ва нотўғри яшаш мумкин, дея ҳисоблардим.

Оғир дамларда мени боғимиз асраб қоларди. Фарзандларим катта бўлиб боргани сари, боғимга боғланиб борардим. Мен ундаги ҳар бир ўсимликнинг лотинча қандай аталишини билиб олганман.

Айтишларича, боғни маълум бир ёшга етганингда чинакамига қадрлайдиган бўларкансан ва ҳақиқатан ҳам шундай. Чамаси, бу ҳаётнинг буюк эврилишларига боғлиқ бўлса керак. Ғуссали қишдан кейин гуллаб-яшнайдиган майсаларнинг некбинлигида ғаройиблик мавжуд ва ҳар йили табиат боғнинг бошқа бир гўзал қиррасини намоён қилганидан хурсанд бўлардим. Менинг турмушим издан чиқа бошлаган пайтлар, боғим мен қочиб борадиган жойимга, баъзида эса бахтимга айланарди.

Очиғини айтганда, у баъзан менинг оғриғимга ҳам айланарди. Янги гулзорни бунёд қилганингдан кейин, у сира ҳам гулга бурканмаса ёки қандайдир бир ёвуз чиройли гуллаб турган пиёзгулларинг қаторини тунда пайҳон қилиб кетганини кўрганингдан ёмони бўлмаса керак. Боғимга сарфлаган вақтим ва меҳнатларим, ўтоқдан кейин мучаларимдаги оғриқдан нолиган пайтларим ҳам менга ёқарди. Айниқса, очик ҳаво, боғимнинг ифори дилга ёқарди. Бармоқларим билан тупроққа ишлов беришни севардим ва ундаги барча нарсалар ўзининг бутун гўзаллиги билан мени мафтун қиларди.

Уилл билан юз берган бахтсиз ҳодисадан кейин, бир йил мобайнида боғимга қарай олмадим. Гап фақат вақт танқислигида эмасди. Тўғри, шифохонада ўтган сўнгсиз соатлар, машинада у ёқдан-бу ёққа бориб-келишлар ва суд мажлислари жуда кўп вақтни еб қўярди. Мен ўз ихтиёрим билан ярим йиллик меҳнат таътили олган бўлсам-да, бари бир вақт етишмасди.

Менинг боғим ва унга доир ҳамма нарсалар шунчаки бирдан ўз маъносини йўқотиб қўйди. Мен боққа қараб туриш учун боғбон ёлладим ва йилнинг аксарият пайтида боғимга кўз ташлаб ўтадиган бўлдим.

Биз Уиллни уйга олиб келганимиздан кейин, боғимиз яна аввалгидек гўзал қиёфа касб этишини англаб етдим. Ўғлим



кўриши учун мос келадиган жой бўлишини хоҳладим. Бу билан унга ҳамма нарса ўзгаришга, ўсиш ва сўлишга тобелигини, ҳаёт тўхтаб қолмаслигини уқдирмоқчи эдим. Бизнинг ҳаммамиз буюк бир ижоднинг зарралари эканимизу, унинг сири фақат Яратгангагина аёнлигини сингдирмоқни истайман. Мен буларни Уиллга тўғридан-тўғри айта олмасдим. Зеро, у билан ҳеч қачон очиқ-ойдин суҳбатдош бўлмаганлигимиз учун буларни билвосита билдирмоқчи эдим, халос.

\* \* \*

Стивен тарашаларни оташкурак билан ковлаштирарди. У ошхона мўрконига бир дунё учқунларни учирганча, чала ёнган тарашаларни икки четга сурди ва оралиққа янги тарашаларни қалаштирди. Кейин, оташнинг туташига хузурланиб қаради-да, кафтларини вильвет шимига арта-арта ортга чекинди. Мен хонага киришим билан у менга ўтирилди. Унга қўлимдаги стаканни узатдим.

– Раҳмат. Жорж тушадими?

– Тушмайди.

– Нима қилаяпти?

– Телевизор кўриб ўтирибди. Унга ҳеч ким керакмас. Сўраб ҳам кўрдим.

– Ўтиб кетади. Узоқ парвоздан кейин шунақаси бўлиб туради.

– Умид қиламан, Стивен. Ҳозирча биз билан яхшимас унга.

Биз жим қолган кўйи оловга термилдик. Хона қоронғу ва осуда эди. Ойна ромлари шамол ва ёмғир таъсирида енгилгина гичирларди.

– Бугун заб тун бўлдимми?

– Ҳа.

Хонага ит кириб келди ва гиншиганча, камин олдига ётиб олиб, пастдан бизга назар ташлади.

– Уиллнинг сочи олинганига нима дейсан? – сўради Стивен.

– Билмайман. Менимча, бу яхшилик белгиси.

– Луиза анча иродали қизга ўхшайди.

Эрим ўз-ўзига кулиб қўйганини пайқадим. «Фақатгина у эмас» – хаёлимдан ўтди.

– Шунақа шекилли.

– У ўзига тўғри қиз, нима дейсан?

Жавоб беришдан олдин қўлимдаги шарбатдан бир қултум ютдим.

– Тўғриси, бунга аҳамият бермаганман.  
– Уиллга у ёқади. Бунга ишончим комил. Янгиликларни кўраётганимизда, у қизни икки марта тилга олди. Илгари бунақа эмасди.

– Шунақами... Унга кўпам маҳлиё бўлаверма.

– Сенингча, маҳлиё бўлиб қоляпманми?

Стивен ўчоқдан юзини бурди. У менга синчиклаб разм солаётганини кўриб турардим. Чамаси, шу алфозда кўзим атрофидаги янги ажинлариму хавотирда қимтилган лабларимни кўздан кечирарди. Кейинги пайтлар бўйнимдан ечмасдан тақиб юрадиган тилла хочли занжирчамга назар ташлади. Унинг бундай қараши менга ёқмасди ва бу мени худди биров билан солиштираётганга ўхшаб кўринарди.

– Сен бунинг содир бўлишини кутаётганга ўхшайсан.

– Мен ўғлимнинг қанақалигини биламан.

– Бизнинг ўғлимизнинг.

– Ҳа, бизнинг ўғлимизнинг.

– «Йўқ, менинг ўғлимнинг, – ўйладим мен. – Сен у билан ҳеч қачон чинакамига ёнма-ён бўлмагансан. Ҳиссиёт даражасида. Сен бамисоли бўшлиқсан».

– Уилл бу фикридан қайтади, – деди Стивен. – Ҳали анча вақт бор.

– Мен ҳалиям ўйлаяпман... – дедим ўчоққа қараганча. – Бирор нарсани назардан қочирмадиммикан, деб ўйлаяпман.

Эрим мени кузатишда давом этарди. Мен унинг кўзларига тик боқа олмасдим. Биз аллақачон бир-биримиздан олислашиб кетгандик.

– Сен ҳам оддий бир бандасан, ҳаммасига кўз-қулоқ бўлолмайсан, – Стивен яна олов томонга ўгирилди ва ҳожати бўлмаса-да, косов билан ўтти ковлаштираётган пайти хонадан чиқиб кетдим.

Мен шундай йўл тутишимни у яхши биларди.

Уилл биринчи бор менга нимани хоҳлаётганини айтганида, дастлаб янглиш эшитдимми, деб ўйладим. У хоҳишини иккинчи бор такрорлаганида эса совуққонлик билан алаҳсирашни бас қил, дея хонани тарк этдим. Аравачага михланган мажруҳ одамнинг олдидан чиқиб кетиш – адолатсиз устунлик эди. Уилл флигел ва асосий уй орасидаги икки зинани Натаннинг кўмагисиз забт этолмасди. Мен флигел эшигини ёпиб, уйимиз коридорида қотиб турарканман, ўғлимнинг сокин сўзлари қулоғим остида жаранглайверди.

Чамаси, ярим соатча шу ҳолатда туриб қолдим.

У эса айтганида туриб олганди. Тўғриси, Уилл ҳамма вақт айтганини қилдирадиган бўлиб ўсди. Ҳар келганимда ўз илтимосларини такрорлашидан уни кўргани боришга юрак олдириб қўйдим. «Ойи, мен яшашни истамайман. Шундай ҳаётни ҳавас қилганмидим ҳеч. Соғайиб кетишимга умид йўқ экан, ҳаётдан муносиб тарзда кўз юмишим учун ёрдам сўрашим афзалроқ». Мен Уиллнинг сўзларини тинглар ва унинг ўз ишига банд бўлган дамларини кўз олдимга келтирардим. Иш уни бадавлат ва мағрур инсонга айлантирган эди. Ҳамма унинг иродасига бўйсунушига ўрганиб қолганди. Мен яна унинг онасига айланиб, келажагига эгалик қила бошлаганимга кўника олмаяпти.

Ниҳоят, унинг ўз жонига қасд қилишлари мени розилик беришга мажбур қилди. Гап менинг диний эътиқодим ўз жонига қасд қилишни таъқиқлашидамас, Уиллнинг бу ҳаракати оқибатида мангулик дўзах азобларига дучор бўлиши ҳақидаги фикр мени даҳшатга соларди. Аммо Худойим раҳмдил. У бизнинг уқубатларни инобатга олади ва гуноҳларимизни кечиради, деган фикрга ишонгим келарди.

Гап шундаки, она бўлмагунингча буларни тушунмайсан ҳам. Бор гап шуки, ўз олдинда балоғатга етган эркакнимас, унинг барча ёшдаги кўринишини бир пайтда кўрасан. У неча ёшда бўлмасин, сенинг кўмагингга муҳтож ва жигаргўшанг бўлиб қолаверади.

Уиллга қараб, бағримга босиб юрган кезларимда уни гўдагим ҳолида тасаввур қилардим. Уилл эса менга ана шу гўдакнинг жонига қасд қилишимни сўраётганди.

Ана шундан кейин, яъни йигирма иккинчи январда бир қатор дўкон ўғриваччалари, суғурта қилинмаган ҳайдовчилар, йиғлоқи ва аламга тўлган собиқ рафиқаларга доир ишлар билан судда ушланиб қолган пайтим, Стивен флигелга кирганида Уиллни ўз жонига қасд қилгани устидан чиқиб қолган. Унинг боши эгилиб, аравача атрофида эса иссиқ қон ҳалқаланиб қолган экан. Уилл орқа йўлакдаги тахтадан чиқиб турган миҳ учини топган ва унга билагини маҳкам босган. Кейин, то у қон томирини тешгунича орқа-олдига бориб-келаверган. Бунинг учун қанчалар чидам кераклигини тасаввур қилолмайман, аммо Уилл бундай азоблардан ақлдан озгани, шубҳасиз. Шифокорлар унинг ўлишига бир баҳя қолганини айтишди.

Яна бу шунчаки огоҳлантиришмас, йигитнинг қарори жуда қатъий бўлган, дея қўшиб қўйганларида, ақлдан озиш навбати менга келди.

Шифохонадан Уиллнинг яшаб кетиши ҳақида хабар беришганида боққа чиққанча, тўйиб-тўйиб йиғладим. Бундай тақдирни бизга муносиб кўрган Худойимга ҳамду санолар айтдим. Ҳозир буларни эсласам, чиндан ҳам ақлдан озганга ўхшардим. Мен тўғримдаги дарахтга қараб, худди менинг оҳвоҳларимни эшитаётган каби бақирардим. Атрофимдаги барча нарсаларнинг кўз ўнгимда ҳаракатланаётгани, ўсаётгани ва кўпаяётганини билганим ҳолда менинг ўғлим мавжудлигича қолаётганидан аламим келарди. Мен то Стивен тепамга келиб, елкамга қўлини қўймагунича бақир-чақир қилавердим ҳамда анча ҳовуримдан тушиб олдим. У жим бўлгунимча кутиб турди.

Стивен ҳеч нарсани тушунмасди. Ҳатто Уилл бу ишни яна такрорлаши мумкинлигини англамасди ҳам. Бизнинг эса бундай ҳолат такрор бўлишини юрак ютганча, кутишга мажбур эканимизни ҳали ҳазм қилиб улгурмаган эди. Биз дунёга унинг кўзлари билан қарашимизга тўғри келарди. Ўша лаънати мотоциклчи бошлаб берган бундай ҳаётга нуқта қўювчи захарлар, ўткир тиглар ва яна нималарнидир ўйлашга мажбур эдик. Бизнинг ҳаётимиз унинг ўз жонига қасд қилиши атрофида айланарди. У бир мақсаддан бошқа ҳеч нарсани ўйламасди. Ҳамма устунлиги ҳам шунда кўринади.

Икки ҳафтадан кейин мен розилик бердим.

Ҳа, бундан бошқа нимаям қила олардим?

Ўша тунда мен деярли ухламадим. Уйимиздаги тим қоронғи каталакдек хонамда шифтга тикилганча, кейинги икки ой ичида бўлиб ўтган воқеаларни бугун билиб олганларимга асосан қайтадан тиклашга ури- нардим. Барчаси ҳар тамонга сочилиб кетган парчалар аста- секин мен тушунмайдиган ғаройиб нақшга бирика бошлади.

Мен ўзимни нималар рўй бераётганини билмаган ҳолда алданган ҳафтафаҳм иштирокчидай ҳис қилардим. Трей- норлар бу ерда Уиллни турли сабзавотли таомлар билан пар- варишлашу, соч-соқолини олиб қўйишдек майда-чуйдалар билан у ўзини яхши ҳис қилаётганидан, хурсанд юрганим- га яширинча кулишаётгандай туюлишарди. Аммо булардан энди нима маъно?

Мен ўша суҳбатни хаёлимда қайта-қайта жонлантириб, ўзимни адашаётганлигимни исботлаш учун турлича тал- қинлар қилиб кўрдим. Улар тилга олган жойда оғир хаста- ларни ўз ихтиёрлари билан ҳаётдан кўз юмишларига ёрдам кўрсатишаркан. Камилла Трейнор ўз ўғлини уларнинг қўлига топширишга ҳеч ишонгим келмасди. Ҳа, у ўта совуқ жувон, унинг ўғли билан ораларидаги муносабатлар эса жуда таранг. Бу аёл худди онам бизни қучоғида буғиб қўядигандек, маҳкам ва хуррам ҳолда қучгани каби ўғлини қучоқлашини тасаввур қилиш қийин эди. Менинг назаримда, бундай муносабатлар олий жамиятдаги меъёрий ҳолатдек эди. Аммо ўз ўғлининг ўлимига фаол ва ўз ихтиёри билан кўмаклашиб юбориш..?

Энди унинг ўзини тутишлари янада совуқ туюларди. Мен бу аёл ва Уиллдан аламзада бўла бошладим. Улар мени ўз мақсадларини хаспўшлайдиган пардасига айлантириб олиш- ганди. Уиллни хурсанд этиш, унинг ҳаётини қандай бўлмасин бахтли ёки чидайдиган даражада ўзгартириш учун қанчалар ўйлаб, вақт ўтказганимга алашим келарди. Гоҳида алашим ачинишга айланарди. Миссис Трейнорнинг Жоржинани юпа-

тишга уринганидаги овози буғилишини эслаб, унга ачинардим. Унинг ҳолати жуда ҳам танглигини сезиб турардим.

Бироқ энг катта ҳиссиётим – даҳшат эди. Ошкор бўлган ҳақиқат мени таъқиб қилиб юрарди. Ўз ўлимингни кутиб, қолган кунларни санаганча, қандай яшаш мумкин? Бу эркак қанақасига ўз ҳаётига ўзи нуқта қўйяркин?

Мен буни ҳеч кимга айта олмасдим. Мана шуниси баридан оғир эди. Гўё Трейнорларнинг жиноятига шерик бўлиб қолгандим. Шунақанги ҳолдан тойган ва мужмал ҳолда Патрика кўнғироқ қилиб, ўзимни ёмон ҳис қилаётган ва уйда қолаётганим ҳақида айтдим. Ўн километрга югураётган Патрик эса бунинг безовта бўладиган жойи йўқ, дея жавоб берди. Шусиз ҳам спорт клубидан соат тўққизларда кетиши, фақат шанба куни учраша олишимизни айтди. Унинг овозидан ҳаёли олдинда кутиб турган мусобақаларда эканлиги сезилиб турарди.

Кечки овқатга тушмадим. Бошимдаги кўрқинчли фикрларга тоқат қилиб бўлмайдиган пайтга келибгина, пастга тушиб, телевизорга тикилдим. Бобом ўзининг севимли креслосида телевизорга бақрайганча ўтирарди. У телевизор кўряптими ёки ўз ҳаёлларига бандми, билолмасдим.

– Сенга чинданам ҳеч нарса керакмасми, қизим? – қўлида чой тутган онам ёнимга келди. Бизнинг оилада барча кўнгилсизликларни бир чашка чой ёрдамида тўғриласа бўлади, деб ҳисоб қилишарди.

– Йўқ. Мен оч эмасман, раҳмат.

Онам дадамга қараб қўйганини пайқадим. Кейинги пайтларда ота-онам Трейнорлар мажруҳ ўғилларига қараш учун мендан кўп нарса талаб қилишаётгани ҳақида гапиришарди. Ҳа демай улар мени бу ишга боришга кўндиргани учун афсусланишларини билиб турардим.

Маили, ҳозир қандай ўйлаётган бўлсалар, ўйлайверишсин.

Нақадар ғалати туюлмасин, эртанги куни Уилл бошқа кунлардагидан кўра сергапроқ, ўзига ишонган ва қувноқ ҳолатда эди. У мен билан баҳслашмоқчи бўлди-ю, мен унга бўйин бермаганимдан кейин, ҳафсаласи пир бўлди.

– Хўш, сиз мана бу чала ишларингизни қачон охирига етказасиз?

Мен меҳмонхонани йиғиштираётгандим ва дивандаги ёстикни тўғрилаганча, унга қарадим.

– Нима?

– Сочларимни айтаман. Ахир уларни чалалигича қолдирдингиз-ку. Мен худди етимхонадаги болага ўхшаб қолдим. – У бошини у ёқ-бу ёққа буриб, менинг ижодимни ўзимга кўрсатди. – Ё бу сизнинг услубларингиздан бирими?

– Сиз тарашлашни давом эттиришимни хоҳлаяпсизми?

– Бу иш сизга ёққанлигини пайқадим. Мен эса жиннихона мижозига ўхшаб қолишни хоҳламайман.

Мен индамай чойшаб ва қайчини келтирдим.

– Натан менинг одамга ўхшаб қолганимдан хурсанд, – деди Уилл. – Ана энди, – дейди у, – шунга яраша ҳар куни соқолимни олиб туриш керак экан.

– Шундай денг.

– Сиз қарши эмассиз-ку?

Мен у билан гаплашолмасдим. Ҳатто унинг кўзларига қарашга ҳам ботина олмасдим. Бу худди қайлиқнинг бевафолигини билиш билан баробардек эди.

– Кларк?

– Ҳим-м?

– Сиз яна шубҳали тарзда сукутга чўмяпсиз. Маҳмадонанигина қизга нимадир бўлдимми?

– Узр, – дедим мен.

– Яна чопагонингизми? У нима қилди? Наҳотки қочиб кетган бўлса?

– Йўқ.

Мен унинг сочларини бармоқларим орасига олиб, қайчининг оғзини очдим. Улар буни қандай амалга ошираркин? Укол қилиш биланми? Ё ичириш йўли биланми? Ёки устара-лар билан тўла хонада қолдиришармикин?

– Кўринишингиз жуда ҳорғин. Мен буни сиздан сўрамоқчи эмасдим.

– Наҳотки?

Улар қўл-оёқларини қимирлата олмайдиган одамга қандай ёрдам беришлари мумкин? Мен унинг узун енг ичидаги биллакларига тикилиб қолдим. Бундай узун энгли кўйлақларни совқотганлиги учун кийса керак, деб ўйлардим. Навбатдаги ёлғон.

– Кларк?

– Ҳа?

Мен унинг орқа томонида турганлигимдан хурсанд эдим. У менинг юзимни кўришини истамасдим.

Уилл жим бўлиб қолди. Унинг аввал сочлари беркитиб турган бўйни жудаям заҳил ва заиф эди.

– Мени... синглимнинг иши учун кечиринг. У... жудаям хафа эди, аммо бу унга қўполлик қилиш ҳуқуқини бермайди. Баъзан у шунақа бўлиб қолади. Булар одамнинг асабига қандай таъсир қилишини билмайди. – У жим қолди. – Балки, унга шунинг учун ҳам Австралияда бўлиш ёқар.

– У ёқларда ҳамма бир-бирига шунақа муомала қилади, демокчимисиз?

– Нима?

– Ҳеч нима? Илтимос, бошингизни кўтаринг. – Мен тароқ ва қайчи ёрдамида пасту-баланд сочларни бир текис тарашлаб чиқдим, улар оёқ остига сочилиб туша бошлади.

Кечки пайтга бориб ҳаммаси равшан бўлди. Уилл дадаси билан телевизор кўриб ўтирганларида, мен ошхонага кириб, оқ қоғозга ичимдаги бор гапларни ёзиб чиқдим. Кейин уни буклаб, конвертга солдим ва елимладим. Устига миссис Трейнор номини ёзиб, стол устида қолдирдим.

Мен кетаётган пайтда Уилл дадаси билан гаплашиб ўтирар, ора-сира кулиб ҳам кўярди. Мен эшик олдида сумкамни елкага илганча, тўхтаб қолдим. Нега у кулаяпти? Яна бир неча ойдан кейин ўзини ўлимга ҳукм қилган бу одам нимадан кулаяпти?

– Мен кетаяпман, – дея остонадан туриб бақирдим.

– Кларк, тўхтаб туринг... – деди Уилл, аммо мен ортимдан эшикни беркитиб бўлгандим.

Автобусда қайтаётган қисқа фурсат ичида ота-онамга нима дейишимни ўйлаб борардим. Улар ўз наздларидаги идеал ва катта ҳақ тўланадиган ишни ташлаганимдан, жаҳлга минишлари тайин эди. Илк ларзадан кейин ойим афтода тусга киради-да, менга қанчалар оғир бўлганини рўкач қилиб, ёнимни ола бошлайди. Отам эса менинг нега синглимдан ибрат олмаслигимни айтади. Гарчи мен ўқиш даврида ҳомиладор бўлиб қолганча, улардан моддий ёрдам сўрамаган, қараб туришлари учун боламни уларга қолдирмаган бўлсам-да, отам доимо шунақа дейди.

Бироқ уларга бор ҳақиқатни айта олмайман. Гарчи Уилл ва унинг оиласи олдида тилим қисиклик жойи йўқ, лекин уларнинг миш-мишларга ўч кўшилари жонларидан тўйдириб юбориши ҳеч гап эмас.



Мен автобусдан тушиб, тепаликдан пастқамликка қараб боргунимча, бу хаёллар бошимда чарх урарди. Кўчамизга бурилган пайтим турли бақир-чақирлар эшитилди ва миямдагиларни вақтинча унутдим.

Уйимиз олдида бир қанча одамлар тўпланиб турарди. Оиламизда бирор кор-ҳол юз бердимикан, деган ҳадикда қадимимни тезлатдим. Ота-онамга кўзим тушганидан кейингина, бу безовталиқнинг бизни оилага алоқаси йўқлигини тушундим. Аксинча, қўшни оилада юз бериб турадиган кўйди-чиқдиларнинг навбатдаги бир намоёйиши экан.

Ричард Гришемнинг садоқатли эрлардан бўлмаслиги – кўшниларга янгилик эмасди. Аммо боғда кўрганлари хотини учун янгилик бўлибди.

– Сен мени тамомила аҳмоқ, деб ўйлаяпсанми? Унинг эғнида сенинг футболканг бор эди. Уни туғилган кунингга совға қилиш учун буюртма бергандим.

– Азизам... Димпна... бу сен ўйлаган нарса эмас.

– Сен яхши кўрадиган шотландча тухум таомини олгани бораётсам, у манжалақи сенинг футболкангда турибди! Шарманда!

Мен одамлар орасини ёриб ўтганча, дарвозамизга яқинлашаркан, Ричард ўзига улоқтирилган магнитофонга чап бериб қолганини кўрдим. Унинг орқасидан иккита ботинка улоқтирилди.

– Жанжал анчадан бери бўляптими?

Ойим қўлтиғига тикқан қўллари чикариб, соатига қаради.

– Қирқ минутча бўлди-а, Бернард?

– Уйига келган пайтдан бери.

– Даданг айтадики, агар хотини эрини қувиб юборадиган бўлса, хотинидан унинг элетрпармасини сўраб олмоқчи.

Оломон кўпайгандан кўпайиб борарди. Одамларнинг кўпайиши Димпна Гришемга янада ғайрат базш этарди.

– Ифлос журналларингни ҳам ола кет! – аёл деразадан бир кучоқ журналларни ҳам ирғитди.

Оломон орасидан уни қўлловчи ҳар хил овозлар учди.

– Ойимчангга якшанба кечаси уларни олганча, ҳожатхонада қолиб кетишинг ёқармикан, кўрамиз! – Димпна деразадан ғойиб бўлди ва бироздан кейин қайтиб, саватдаги кийим-кечакларни кўлмакка ағдарди. – Буларниям олиб бор, уларни майин қўлчалари билан ювиб берсин.

Ричард кўлмакка тушган кийимларини алам билан тергилаб олишга тушди. У деразага қараб бир нарсаларни бақирсада, одамлар шовқинидан нима деяётганини эшитиб бўлмасди. Кейин, у ўзининг мағлубиятини вақтинча тан олиб, одамлар орасидан суришиб ўтди-да, машинасининг орқа ўриндиғига бир кучоқ кийимларини иргитди ва эшигини шарақлатиб ёпди. Унинг ерда ётган компакт-дискалари ва видеоуйинлари анчагина қимматга эга бўлса-да, ҳеч ким уларга кўл теккизмасди.

Бухх! Стереосистема ерга гумбурлаб тушганида ҳамма бир зумга сукут ичида қолди.

– Юринглар, уйга кирамиз, – деди ойим дадамнинг енгидан тортиб. – Ҳавоям анча совиди. Чой ичамиз.

– Бажонидил, азизам. Раҳмат. – Дадамнинг кўшни уйдан кўз узгиси келмасди.

Ойим уйга кириб кетганидан кейин, машинага кўзим тушди. Бу шунчалар қутилмаган ҳол эдики, дастлаб уни – миссис Трейнорнинг тўқ кўк рангли «Мерседес»ини аввалига танимадим. У одамлар галасидан берироқда машинасини тўхтатди ва машинадан тушмай кутиб турди. У хонадонларнинг рақамларига назар солаётиб, мени кўриб қолди.

Дадам менинг қаёққа кетаётганимни сўрашга улгурмасидан мен йўлакка чиқиб, миссис Трейнорнинг олдига бордим. Миссис Трейнор сершовқин оломонни бир четдан кузатиб турарди.

– Оилавий кўйди-чиқди, – дедим мен.

– Кўришиб турибди, – у уялгандек кўзларини олиб қочди.

Эғнидаги жун костюми, бўйнидаги маржони ва қимматбаҳо соч турмаги билан у спортчилар иштонию, тармоғий дўконларда сотиладиган арзон кийим-кечакли одамлардан яққол ажралиб турарди. Мен ундан осонликча қутилмаслигимни сезиб турардим.

– Сиз билан гаплашиб олишимиз керак, – оломоннинг шовқини туфайли хоним овозини кўтаришга мажбур бўлди.

Миссис Гришем Ричарднинг коллекцион шаробларига ўтди. Ҳар бир синган шишани қувноқ қийқириқлар ва мистер Гришемнинг илтижолари қарши оларди. Қизил шаробнинг ирмоғи оёқлар орасидан ўтиб, ариқчага оқиб туша бошлади.

Мен аввал оломонга, кейин уйимиз томонга қарадим. Ахир миссис Трейнорни ўйинчоқ паровозлар сочилиб ётган, телевизор олдида бобом тинчгина мудраётган, дадам-

нинг пайпоқларидан чиқаётган ҳидни яшириш учун онам спрей сепаётган, Томас доимо оёқ остида ўралашадиган меҳмонхонамизга бошлаб боролмасдим.

– Ммм. Ҳозир бунинг иложи йўқ.

– Балки, менинг машинада гаплашиб олармиз? Беш дақиқа мени тингласангиз бўлди, Луиза. Атиги беш дақиқа вақтингиз кетади, холос.

Машинага кириб ўтиришим билан қўшниларимиздан иккитаси мен томонга қараб қўйишди. Гришемлар жанжали бўлмаганида, улар айнан мени муҳокама қилишган бўларди. Бизнинг кўчада бирор қимматбаҳо машинага ўтирсанг бўлди – ё сен бирор футболчини илинтириб олган ёки сени фуқаро кийимидаги полициячи ҳибсга олган бўлиб чиқарди.

Эшик сассиз-садосиз ёшилганидан кейин орага жимлик чўкди.

– Мен сизни Уилл билан чиқишиб кетасиз, деб ўйлагандим.

– У қаршисида кимгадир мурожаат қилаётгандек, тўғрига тикилган кўйи ўтирарди. Мендан жавоб ололмаётгандан кейин яна сўради: – Сизни иш ҳақи қаноатлантирмаяптими?

– Қаноатлантиради.

– Тушлик танаффусингизни кўпайтирмоқчимисиз? Тушунаман, у жудаям қисқа. Мен Натандан илтимос қилишим мумкин...

– Гап жадвалдаям, иш ҳақидаям эмас.

– Унақада...

– Мен хоҳламаяпман...

– Тушунсангиз-чи, сиз ишни бирданига ташлашингиз ва бунинг боисини билишимга йўл қўймаслигингиз мумкинмас.

– Мен сизларнинг гапингизни эшитиб қолдим, – дедим чуқур хўрсиниб. – Сиз қизингиз билан гаплашаётган вақтда. Кеча кечки пайт. Мен... Мен бунинг бир қисми бўлиб қолишни истамайман.

– Ҳа-а, гап бу ёқда денг.

Биз жимлик сақлаганча, ўтирардик. Мистер Гришем кириш эшигини очишга уринарди, миссис Гришем қўлига тушган нарсани унинг тепасидан ирғитарди. Ҳожат қоғозлари ўрами, тампонлар қутиси, унитаз чўткаси ва шампун флаконлари – бундан энди ваннахонага навбат етганини билиш мумкин эди.

– Илтимос, кетманг, – деди секингина миссис Трейнор. – Уилл сиз билан ўзини яхши ҳис қилади. Кейинги пайтларни

назарда тутаяпман. Мен... Сизнинг ўрнингизга бошқа лойиқ одамни топиш мушкул масала.

– Аммо сиз... уни одамлар ўз жонига қасд этадиган жойга олиб бормоқчисиз.

– Йўқ. Мен бундай қилмаслик учун қўлимдан келган барча ишларни қиламан.

– Масалан, нима? Ибодат қилишними?

Миссис Трейнор менга худди ойим «эскича» деб айтадигандек, нигоҳ ташлади.

– Агар Уилл ўзига бирортани яқинлаштиришни истамаса, бундан уни қайтариб бўлмаслиги сизга маълум бўлса керак.

– Ҳаммасини тушундим, – дедим мен. – Мени у келишилган вақтдан олдин ўз жонига қасд қилмаслигининг олдини олиш учун ёллагансиз. Шундайми?

– Йўқ. Бундай эмас.

– Шунинг учун ҳам сизни менинг малакам қизиқтирмаган.

– Менгасиз қувноқ, ҳаётсевар ва бетакрор бўлиб туюлгансиз. Сиз энагаларга ўхшамасдингиз. Сиз ўзингизни... бошқаларга ўхшамаган ҳолда тутардингиз. Мен ўйлагандимки... сиз ўғлимга далда бўласиз деб. Бу сизнинг қўлингиздан келди. Кеча мен уни беўхшов соч-соқолсиз кўрганимда... Сиз унинг кўнглига йўл топа оладиган камдан-кам одамлардан бирисиз.

Деразадан бир қучоқ кўрпа-тўшаклар ерга учиб тушди. Чойшаблар ҳавода чиройли парвоз қилди. Икки болакай уларнинг бирини тутиб олиб, бошларига ёпганча, боғчада югура бошлади.

– Ўшанда сизларга назоратчи кераклигини дарҳол айтишингиз керак эди.

Камилла Трейнор худди аҳмоққа гап уқтира олмаётгандек чуқур хўрсинди. Унинг ўзи буни билармикан? Ҳеч қачон бошқаларни ўзимдан паст кўришни ўргана олмасам керак.

– Балки, бошланишида шундай ҳам бўлгандир... аммо мен ишонаманки, Уилл берган сўзини устидан чиқади. У менга олти ой муҳлат берди. Бизга бу муддат жуда зарур, Луиза. Биз унга ҳали ҳаммаси йўқотилмаганлигини кўрсатишимиз керак. Уиллнинг кўнглига ҳали у ҳаётдан, орзусидагидек бўлмаса ҳам, лаззатлана олиши мумкинлиги ҳақидаги ғояни солишга умид қилгандим.

– Бунинг бари ёлғон. Сиз мени ва бир-бирингизни алдайсиз, холос.

У мени эшитмаётган каби туюлди. Миссис Трейнор менга ўтирилганча, чек дафтарчасини чиқарди:

– Кулоқ солинг, мендан нимани хоҳлайсиз? Иш ҳақингизни икки баробарга ошираман. Айтинг, қанча хоҳлайсиз.

– Менга пулларингиз керакмас.

– Автомобиль. Имтиёзлар. Мукофотлар...

– Йўқ...

– Унақада... фикрингизни ўзгартиришингиз учун нима қила оламан?

– Кечирасиз, мен... – машинадан тушишга ҳаракат қилдим.

Миссис Трейнор қўлимдан ушлаб қолди. Унинг ёт ва ом-бурдек қўллари қўлимни маҳкам қисиб олганди.

– Миссис Кларк, сиз контрактга имзо чеккансиз, – деди у. – Сиз хонадонимизда олти ой ишлаб бериш ҳақидаги шартномани имзолагансиз. Эндигина икки ой ўтди. Сиздан шартномадаги мажбуриятларни бажаришингизни талаб қиламан. – Унинг овози мўртлашди. Кафтларига қараб, улар дир-дир титраётганини кўрдим. – Илтимос, қайтинг.

Бизни ота-онам уй эшиги олдида қўллариди чой билан кузатиб туришарди. Уларни қўшни томондаги томошалар қизиқтирмаётган эди. Менинг қараганимни сезиб қолишди шекилли, чаппа қараб олишди.

– Тўғриси, миссис Трейнор, қўл қовуштирганча, бу нарсаларни кузатиб ўтиролмаيمان... Бу жуда ғалати... – мен эшик тутқичини босдим. – Бунда иштирок этмоқчи эмасман.

– Шунчайин эмас, бу ҳақда жиддий ўйлаб кўринг. Эртага жума ибодати куни... Агар сизга ҳақиқатан ҳам ўйлаб кўришга вақт керак бўлса, Уиллга сизларникида оилавий байрам экан, деб айтаман. Ўйлаш учун бир кун, албатта, етарлидир. Илтимос қиламан, қайтинг. Унга ёрдам беринг.

Уйга қайтаётганимда бирор марта орқамга қарамадим. Меҳмонхонага кира солиб, телевизор қаршисига чўқдим. Ортимдан кирган ота-оналарим бир-бирларига қараб олишди ва ўзларини менга эътибор бермаётгандек тутдилар. Орадан ўн дақиқа ўтгандан кейингина, миссис Трейнор машинасини ўт олдиригани ва жўнаб кетгани қулоғимга чалинди.

\* \* \*

Синглим ишдан қайтганидан беш дақиқа ўтгач, зинадан тапир-тупур кўтарилди ва хонаминг эшигини кенг очганча, кириб келди.

– Кел. – Мен оёқларимни деворга кўтарганча, шифтга қараб ётардим.

– Шу ростми? – Катрина эшикка суянган кўйи қотиб турарди.

– Димпна Гришем суюқоёқ эрини ҳайдаб юборганими?

– Бу ҳазилмас. Ишингни айтаман.

– Ҳа, мен ишдан кетдим, – дедим гулқоғоздаги нақшлар узра оёғимнинг бошмалдоғини юргизаркан. – Биладан, дадам билан ойим бундан хурсандмас. Шу жумладан, сен ҳам.

Синглим эшикни яхшилаб ёпгач, каравотнинг оёқ томонига ўзини ташлади.

– Ишонгим келмайди, ўлай агар, – у менинг оёқларимни итариб ташлади ва мен ўзимни ўнглаганча, каравотга ўтирдим.

– Ишонгим келмайди. – Катринанинг юзи қизариб кетганди. – Ойим ўзини қўйишга жой тополмаяпти. Дадам ҳам сир бермаётган бўлса-да, шу аҳволда. Пулни қаердан оламиз? Билсан-ку, дадам ишидан ажралиб қолишдан қўрқади. Қайси калланг билан шундай яхши ҳақ тўланадиган жойдан кетасан?

– Катрина, менга насиҳатларинг керакмас.

– Кимдир айтиши керак-ку! Сенга ҳеч қаерда бунча пул тўлашмайди.

– Фақат сени ўз орзу-ташвишларингдан бошқа нарса қизиқтираётгандек қилиб кўрсатишинг шартмас.

– Нима?

– Мен нима билан бандлигим сени қизиқтирмайди. Сен учун муҳими – аввалги ўқишингга қайтиш. Мен эса оилани боқишим, болага қарашим учунгина керакман. Бошқаларнинг тақдирига тупуриб қўйгансан. – Албатта, бу жуда хунук ва аламзада эшитилди, аммо бошқача йўл тутолмадим. Охиروқибатда синглимнинг ҳолати бизни шу кўнгилсизликларга дучор қилганди. Йиллар бўйи йиғилган норозилик бугун отилиб чиқди. – Бизларнинг ҳаммамиз арзанда Катрина ўз орзу-ҳавасларига етишиши учун кўнглимизга ёқмаган ишларга ўралашиб қолдик.

– Гап мендамас.

– Наҳотки?

– Гап шундаки, кўп ойларга мўлжалланган мўмай даромадли ишда ушланиб қололмаяпсан.

– Менинг ишим ҳақида ниманиям билардинг?

– Сенга энг кам иш ҳақидан кўра ҳам анча кўп маош беришаётганини биламан. Бошқаси мени қизиқтирмайди.

– Ҳаётдаги ҳамма нарса пул билан ўлчанмайди.

– Рости биланми? Унда пастга тушгину, бу ҳақда отам билан онамга айт.

– Ўзинг йиллаб бу уйга бир тийин сарфламай туриб, пул ҳақида менга пандларни ўқима!

– Томас туфайли мен шу ҳолга тушганлигимни биласанку.

Мен синглимни хонадан итариб чиқара бошладим. Унга охириги марта қачон қўл теккизганлигимни эслай олмасамда, ўша лаҳзада кимнидир уриб-туртгим келиб кетди ва яна сабримни синамасин-да, дея кўрқдим.

– Йўқол, Катрина! Билдингми? Мени ўз ҳолимга қўй! – мен эшикни қарсиллатиб ёпиб олдим.

Катрина аста-секин пастга тушиб кета бошлагач, у онамга нима дейиши, улар эса менинг ҳар доимгидек, ҳеч қандай фойда келтирмаслигимга боғлашлари ҳақида ўйламасликка тиришдим. Саид ва меҳнат биржаси ҳақида ҳам, уларга шундай яхши ҳақ тўланадиган жойдан нега кетмоқчилигимни қандай тушунтиришим ҳақида ҳам ўйламасликка ҳаракат қилдим. Товуқ фабрикаси-ю, унинг қинғир-қийшиқ йўлакларидан бирида менинг номимдаги қалпоқчали комбензоним ётганлигини ҳам ўйламасликка қарор қилдим.

Мен чалқанча ётганча, Уилл ҳақида ўйладим. Унинг қайғуси ва аламлари тўғрисида хаёл сурдим. Сўнгра ойиси айтган муҳим сўзларни эсладим: – «Сиз унинг кўнглига йўл топа олган камдан-кам одамлардан бирисиз». Уилл «Абизиянка ҳақида кўшиқ»ни эшитиб, ўзини кулгудан зўрға тийганлиги ва ташқарида ёғаётган қорларни хаёлдан ўтказдим. Унинг иссиқ териси, майин сочлари ва қўлларини ёдга олдим. Мендан кўра анча ақлли, ҳазиллашишни биладиган, аммо ўз жонига қасд қилишдан бошқа йўлни кўрмаётган тирик одамни хотирлаб ўтирибман. Ўз ҳаётимнинг ўша, Фрэнк билан энг катта ташвишимиз – қуруқ мевали пишириқларимиз етаретмаслиги бўлган ҳаётимга қараганда, ғоятда мураккаблашиб кетганлигидан ёстикқа юзимни босганча, аччиқ-аччиқ йиғладим.

Бир пайт эшик тақиллаб қолди.

– Катрина, кет, йўқол! – Кимлигини билмасам ҳам шундай жавоб бердим.

– Мени кечир, – (Мен эшикка қарадим.) – Мен шароб олиб келдим. – Синглимнинг овози худди калит тирқишидан келган каби синиққина эди. – Худо ҳақи, эшикни оч. Онам эшитиб қолмасин. Иккита стакан олиб келдим. Ойим билмасин.

Мен каравотдан секин турдим-да, эшикни очдим.

Катрина менинг йиғидан бўзарган юзларимга тикилиб, эшикни тезда ёпди.

– Майли, – у шароб қуйганча, менга узатди. – Ўзи нима воқеа рўй берди?

– Сен бу ҳақда ҳеч кимга айтмаслигинг керак. Дадамга ҳам. Айниқса, ойимга.

Кейин ҳаммасини Катринага айтиб бердим.

Мен кўнглимдагиларни кимгадир бўшатишим керак эди.

\* \* \*

Синглимдаги кўп нарсалар менга ёқмасди. Қанча йиллар муқаддам бу ҳақда ёзилган бир неча варақни сизга кўрсата олишим мумкин. Мен унинг узун-узун сочлари учун ёмон кўрардим, чунки меники елкамдан пастга тушмасди. Катрина кўп нарсани билгани учун уни ҳайрон қолдириш ғоятда қийин эди. Мактабдаги муаллимлар ҳам қанчалар ақлли эканлигини айтишар, ҳеч унинг соясидан чиқа олмасдим. Мен йигирма олти ёшимда икки оилага мўлжалланган уйнинг каталакдек хонасида яшашимга тўғри келар, у эса никоҳсиз орттирган боласи билан каттагина ётоқхонани эгаллаб олганди. Аммо вақт-вақти билан менинг синглим эканлигидан хурсанд бўлиб қўярдим.

Чунки Катрина даҳшатдан дод-вой кўтармади. Унинг оғзи очилиб ҳам қолмади ва буларни, албатта, ота-онамизга айтишинг керак ҳам демади. Ишни бекорга ташлаганимни юзимга ҳам солмади.

– Э, худойим. – Катрина шаробдан хўплади.

– Ана шунақа.

– Бу қонунга зид эмас. Уларнинг қаршилик қилишларига ҳақи йўқ.

– Биладан.

– Буни хаёлга ҳам келтириб бўлмайди.

Менинг ҳикоям давомида иккала стаканни ҳам тугатдик ва менинг ёноқларим ёна бошлади.

– Уни сира ташлаб қўйгим келмаяпти. Катрина аммо, мен бунга иштирокчи бўлишни хоҳламайман. Ҳа, шундай.



- Мм, – мулоҳаза юритарди у.
- Нима қилишни ҳам билмайман, – шикоят қилдим мен.
- Ҳаммаси оддий, – менга қараб турган Катринанинг юзлари ёришиб кетди
- Оддий?
- Вой! Шароб тугабди, – у қолган-қутганини иккига бўлди. – Ҳа, оддий. Уларда пул кўп-ку?
- Менга уларнинг пули керакмас. У менинг ойлигимни кўтаришни таклиф қилди. Гап бунда эмас.
- Оғзингни юм. Сен учунмас, аҳмоқ. Уларнинг шахсий пуллари кўп. Бахтсиз ҳодисадан ҳам бир талай суғурга пулини қуртдай санаб олишгандир. Улардан пул талаб қил! Ўзи қанча вақт қолди – ҳа, тўрт ой. Кейин Уиллни фикридан қайтаришга уриниб кўр.
- Нима?
- Уни бу фикридан қайтар. У кўп вақтни тўрт девор орасида ўтказишини айтгандинг-а? Аввало, энг кичигидан бошла. Ҳаракатга келтира олсанг, уни ҳаёт измига қайтарадиган ҳар хил машғулотларга – саргузаштлар, саёҳатлар, дельфинлар билан чўмилишгами дейлик, олиб бор. Мен сенга ёрдам бераман. Интернетдан вариантларни ахтариб кўраман. Биз унга мўъжизали машғулотлар топиб берамиз. Кўрибсанки, чинакамига бахтли одамга айлантиришимиз мумкин.
- Катрина... – мен унга анқайиб қолгандим.
- Ҳа, мен биламан, – менинг жилмайишга тушганимни кўриб, у ҳам табассум қилди. – Мен – даҳоман.

**Т**рейнорлар енгилгина ҳайратга тушишди. Бу ҳалиям аста айтганим. Аввалига миссис Трейнор ларзага тушди, кейин салгина хижолат бўлди ва охири юзи доимгидек лоқайдлик касб этди. Унинг қизи диванда хўмрайиб ўтираркан, қовоғини уюб олди. Онаминг айтишича, бундай тахир ифода одамнинг юзига бир ёпишса, бир умр кетмаслиги мумкин экан. Мен умид қилган натижа шу эдими?!

– Айнан нима қилмоқчисиз?

– Ҳозирча бирор нарса дея олмайман. Менинг синглим ахборот излашни яхши билади. У ҳозир бундай хасталарга нималар қўл келишини аниқлаяпти. Аввалига мен сизларнинг бу ишга қўшиласизми-йўқми, билмоқчи эдим.

Биз меҳмонхонада ўтирардик. Дастлаб суҳбатдан ўтиш учун айнан ушбу хонада ўтиргандим, аммо бу гал диванда улар эди ва оёқлари остида сўлаги осилиб турган катта ит ётарди. Мистер Трейнор «камин» олдида турарди. Мен эгшимга калталаштирилган тўқ кўк нимча ва оёғимга аскарча ботинка кийгандим. Ўз режаларимни баён қилиш учун бундан кўра жиддийроқ кийинишим керак эди.

– Майлими, аниқлик киритиб олсам? – Камилла Трейнор олдинга эгилди. – Сиз Уиллни уйдан олиб кетмоқчимисиз?

– Ҳа.

– Унинг учун «саргузаштлар» сериясини ташкил қилмоқчимисиз?

Унинг гап оҳангидан ўглининг устида қўлбола микрохирургия ўтказмоқчига ўхшаб қолдим.

– Ҳа. Бошида мен айнан нима қилиш кераклигини аниқ билмайман. Аммо бунинг моҳиятида уни қўзғатиш ва унга оламни кўрсатиш ётади. Бошланишини шу ерда ўтказиб, кейин ҳаракат доирасини кенгайтира бориш мумкин.

– Чет эл саёҳатларини назарда тутаяпсизми?

– Чет элларни ... – кўзларимни ўйнатдим. – Бошланишига мен уни пабга ёки шоуларга олиб бормоқчиман.

– Уиллнинг шифохоналарга борганини айтмасак, икки йилдан бери уйдан чиққани йўқ.

– Шундай... Мен уни кўндираман, деб ўйлайман.

– Сиз у билан барча саргузаштларни баҳам кўрмоқчимисиз? – деди Жоржина Трейнор.

– Кулоқ солинг, мен ҳеч қандай ғайритабиий нарсаларни талаб қилаётганим йўқ. Бошланишига мен уни уйдан олиб чиқиб, қалъа атрофида айланишимиз ёки пабга киришимиз мумкин. Бир куни дельфинлар билан сузиш учун Флоридага боролсак – зўр иш бўларди. Умуман олганда, мен уни уйдан ташқарига чиқарганимдан кейин, нима қилишни ўйлаб кўраман.

Уни Натан билан шифохонага олиб бориб келганимизни эслашнинг ўзи – бир олам, мени терга ботиришини айтиб ётмадим. Уни Флоридага элтиш эса менинг марафон югуришида қатнашишга ўхшаган, аммо амалга ошмайдиган иш бўлса керак.

– Менимча, аъло даражадаги ғоя, – деди мистер Трейнор. – Уиллни кўзга ш – айна муддаодир. Тўрт девор орасида кун бўйи қамалиб ётишдан яхши нарса чиққанми ҳеч.

– Биз бунга уриниб кўрганмиз, Стивен, – эътироз билдирди миссис Трейнор. – Сенингча, уни жойида чиришига йўл қўйиб берганмизми? Мен кўп бора ҳаракат қилганман.

– Биладан, азизам, аммо уринишларимиздан ҳеч нарса чиқмади-ку. Агар Луиза Уилл уриниб кўрадиган машғулотлар топа олса, бу фойдадан ҳоли бўлмайди.

– Айнан «уриниб кўрадиган».

– Бу шунчаки ғоя, – жаҳлим чиқа бошлади. Трейнор хоним нималарни ўйлаётганлигини билиб турардим. – Буларни қилишимни истамасангиз...

– ...кетиб қоласиз? – Миссис Трейнор менга ўқрайган кўйи қаради.

Мен кўзларимни олиб қочмадим, чунки энди ундан кўрқмасдим. Негаки, унинг мендан ҳеч қандай яхши томони йўқлигини билардим. Ўғли кўз олдида жон таслим қилаётганини қўл қовуштирганча, кузатаётган аёл эди у.

– Шундай бўлса керак.

– Буни товламачилик дейишади.

– Жоржина!

– Дадажон, қоронғу уйга кесак отишнинг нима кераги бор.

– Йўқ, бу товламачилик эмас. – Мен қаддимни тиклаб

ўтирдим. – Бу айнан мен иштирок этадиган нарса. Тақдирга тан берганча, қўл қовуштириб кутолмайман... Уилл... яшаши керак.

Хамма ўз олдидаги чойга тикилди.

– Боя айтганимдай, – деди мистер Трейнор қаътий оҳангда. – Буни жуда яхши фикр, деб ҳисоблайман. Агар Уиллни кўндира олсангиз, бунинг ёмон тарафи йўқ. Унинг бирор ёқларга боришини мен ҳам истайман. Ана шунинг учун нима қилишимиз кераклигини айтинг.

– Менда бир фикр бор, – деди миссис Трейнор қизининг елкасига қўлини қўйиб. – Сен уларга ҳамроҳлик қила оласанми?

– Мен қарши эмасман, – дедим Жоржинанинг жавобини эшитмасдан ҳам. Уиллни бирор ёққа боришга кўндириш – энди менга амалга ошириб бўлмайдиган ишдек туюла бошлади.

– Мен боролмайман, – Жоржина ноқулай аҳволда қолгандек кичрайди. – Икки ҳафтадан кейин ишимга чиқишим керак. У ерда бирор ишнинг бошини тутмасдан, Англияга қайтиб келолмайман.

– Австралияга қайтмоқчимисан?

– Нимага ҳайрон қолаяпсан? Меҳмонга келганлигимни айтгандим-ку.

– Мен шунчаки... кейинги воқеаларни кўрганингдан кейин, бу ерда бироз қоласанми, деб ўйлагандим. – Камилла Трейнор қизига шу қадар еб қўйгудек қарадики, Уиллга қарашлари бунинг олдида ҳолва бўлиб қолди.

– Ойи, бу жуда яхши иш. Мен унга эга чиқиш учун икки йилдан бери олишаман. – У отаси томонга қаради. – Уиллнинг руҳий ҳолатига қарамай, менинг ҳаётим давом этаяпти.

Ўртада узоқ жимлик ҳукм сурди.

– Бу адолатданмас. Агар креслога мен михланиб қолганимда, Уиллдан ишларини ташлашни сўраган бўлармидинг?

Миссис Трейнор қизига қарамади. Мен қўлимдаги рўйхатга тикилдим.

– Ахир менинг ҳам ўз шахсий ҳаётим бор, – қўшиб қўйди Жоржина.

– Келинлар, буни бошқа пайт муҳокама қиламиз. – Мистер Трейнор қизининг кифтига қўлини қўйди ва оҳиста силади.

– Майли, бошқа сафар. – Миссис Трейнор олдидаги қоғоз-

ларни варақлай бошлади. – Мана шундай ҳаракат қилишни таклиф қиламан. Сиз режалаштираётган ишларнинг барчасини билишни истайман. – У кўзларини менга тикди. – Мени ана шуларнинг харажати, айримларида эса сизларга ҳамроҳ бўлишлик вақтини билиш қизиқтиради. Менда фойдаланилмаган дам олиш кунлари бор, шуларни...

– Йўқ.

Ҳаммамиз ўгирилган ҳолатда мистер Трейнорга тикилиб қолдик. У итнинг жунларини сийпалар, юзлари сокин, овози эса мутлоқ қатъий эди.

– Йўқ, азизам. Сен унга ҳамроҳ бўлишинг шарт эмас. Уиллга мустақил бўлиши учун имкон бер.

– Уилл мустақил бўлолмайди, Стивен. Агар Уилл бирор жойга борадиган бўлса, қанча нарсаларни олдиндан ҳозирлаш керак. Бу мураккаб. Биз буни...

– Йўқ, азизам, – такрорлади у. – Натан ёрдам беради, Луиза уни бемалол эплайди.

– Аммо...

– Уилл ўзини эркакдек ҳис қилиши керак. Агар унинг онаси ёки синглиси ёнида бўлса, бундай қилолмайди.

Бир лаҳза менинг миссис Трейнорга раҳмим келиб кетди. Унинг юзида ҳали ҳам ўша калондимоғлик ниқоби бўлсада, лекин бунинг остида эри нималар қилаётганидан ўзини йўқотиб кўяётганлиги билиниб турарди. У бўйнидаги занжирчасини сийпалай бошлади.

– Унинг хавфсизлигига кўз-қулоқ бўламан, – дедим мен. – Нималарни режалаштираётган бўлсак, олдиндан айтиб тураман.

Миссис Трейнорнинг чаккаларидаги қон томири ўйнаб кетди. У шу фурсатда мендан нафратланаётган эди.

– Мен Уиллнинг яшашини истайман, – қўшиб қўйдим сокин оҳангда.

– Биз буни тушунамиз, – деди мистер Трейнор. – Сизнинг иродангиз ва оқилалигингизни қадрлаймиз.

Шундан кейин у ўрнидан турди ва мен қабул тугаганлигини англадим. Жоржина ва онаси ҳамон диванда ўтиришарди. Чамаси, улар ҳали кўп нарсаларни муҳокама қилиб олиши керак эди.

– Яхши, – дедим мен. – Ҳаммасини ўйлаб бўлганимдан кейин, сиз учун режа тузаман. Тез орада. Бизда кам...

– Биламан. – Мистер Трейнор елкамга уриб қўйди. – Тайёр бўлганингизда хабар беринг, тамом.

\* \* \*

Катрина қўлларига куҳлаганча, оғирлигини у оёғидан бунисига ташлади. У бошига менинг кўк қалпоғимни кийиб олганди. Синглим чўнтагидан рўйхатини чиқариб, менга узатди ва деди:

– Учинчи рақамлисини ҳозирча ўчириб турган ёки кунлар яхши исийдиган пайтларга олиб қўйган яхши.

Мен рўйхатни кўздан кечирдим:

– Квадриплегиклар учун баскетбол? У баскетболни яхши кўриш-кўрмаслигини билмайман ҳам.

– Гап бунда эмас. Қандай совуқ, – у қалпоғини қулоқларига туширди. – Баскетбол уни дунёга кенг қарашига ёрдам беради. У спорту бошқа нарсалар билан шуғулланаётган ўзидай оғир аҳволдаги инсонларни ҳам кўради.

– Билмадим, у енгилгина стаканниям кўтара олмайди. Улар қандай қилиб тўпни ирғитишлари мумкин?

– Сен моҳиятга эътибор бермаяпсан. Унга ҳеч нарса қилиш керакмас, фақат дунёга кенг қарашни ўрганиши керак. Биз бошқа мажруҳлар нималарга қодирлигини кўрсата олишимиз лозим.

– Кўрармиз.

Оломон орасида жонланиш пайдо бўлди. Олисдан чопқирлар кўринди. Мен оёқ учида турганча, пастда, яъни водийда, тўрт чақиримча нарида яқинлашаётган оқ нуқталарни илғадим. Дарҳол соатимга қараб қўйдим. Биз қирқ минутдан бери «Шамолли», деб аталган тепаликда кутаверишдан оёқларимни ҳис қилмай қўйдим.

– Уни узокроққа олиб боришни истамасанг, икки ҳафтадан кейин спорт марказида мусобақа ўтказилади. У натижа учун дов тикиши ҳам мумкин.

– Дов тикиши?

– У ерда ҳеч нарса қилмасдан туриб, мусобақада иштирок этса бўлади. Қара, ана улар кўринди. Қанча вақтда етиб келишаркин?

Биз марра чизиғи яқинида турардик. Бошимиз узра «Баҳорги учкураш марраси», деган транспарант шамолдан шовқин чиқарарди.

– Йигирма дақиқалар кетади. Хоҳласанг, «Марс» батончам бор, – мен чўнтагимга қўл солдим. – Яна нималар топдинг?

– Сен фаолият доирасини кенгайтириш ҳақида айтганинг

эсингдами? – Катрина қўлимга ишора қилди. – Ўзингга катта бўлакни олибсан.

– Унақада, алмашамиз. Менимча, унинг оиласи мени текин томоқ, деб ўйлаяпти.

– Уни озгина қўнглини ёзиб келиш учун олиб бормоқчилигинг учунми? Э, худо-я! Кимдир куйинаётганлигидан улар хурсанд бўлишлари керак. Йўқ, унақа эмасга ўхшайди. – Катрина батончадан тишлаб олди. – Майли. Унга бешинчи рақамдагиси тўғри келади. У компьютер курсларини тугаллаши мумкин. Бошига бир нарсани кияди ва бошини ирғаганча, қўлидаги клавиатруани бошқараверади. Интернетда квадриплегиклар клублари тикилиб ётибди. Яна бир қанча дўстлар орттиради. Уйдан чиқиши ҳам керакмас. Уларнинг айримлари билан «чат»да гаплашдим. Ёмон йигитларга ўхшамайди.

Энг ғамгин спорт тури қатнашчиларининг етиб келишларини кутиб, йўлга термилдик. Мен Патрикни излаб, ҳар галгидек топа олмадим. Унинг юзи шунақаки, дарров оломонга сингишиб кетади.

– Энди маданий бўлимга ўтамиз. – Катрина қўли билан қоғозга нуқиди. – Мана, мажруҳлар учун махсус концерт. Сен уни олий маълумотли, дегандинг? Ўтирган жойида фалакларга мусиқа билан бирга парвоз қилади.

– Билмадим, Катрина, – мен бурнимни буриштирдим.

– Мен «маданий» деганим учун кўрқиб кетдинг. Аслида ёнида ўтирасан, тамом. Бодроқ емасдан. Орқа тарафида эса – узоқ сафарлар. Уларнинг қай бири сенга ёқишини билмайман. Луарада шаробларни татиб кўриш мумкин. Унчалар ҳам узоқмас.

– Квадриплегик ичиши мумкинми?

– Билмайман. Ўзидан сўраб кўр.

– Шундай қилиб, – қовоғимни солганча, рўйхатга қарадим.

– Мен Трейнорларга ўзини ўлдирмоқчи бўлган ўғилларини бўкканча ичириб, параолимпия ўйинларига олиб бормоқчиман, дейман...

Катрина қўлимдан рўйхатни тортиб олди.

– Ўзинг бундан яхшисини топганга ўхшамайсан.

– Мен ўйловдимки... Билмадим. – Бурнимни ишқаладим.

– Ростини айтсам, ўзим ҳам ҳайронман. Уни боққа олиб чиқишгаям кўндиролмай турибман.

– Бундай кайфият билан ҳеч нарсага эришолмайсан. Қара, улар яқинлашяпти! Қўл силкиймиз. Қани, кулсанг-чи!

Нихоят, зўриққан чопқирлар орасидан Патрикни кўрдим. Унинг юзи тердан ялтирар, пайлари таранглашган, юз ифодаси худди азобланаётган каби буришиб кетганди.

– Патрик, олға! – чинқирдим мен.

У ёнимдан шувиллаганча, марра чизиғи сари ўтиб кетди.

Катрина шундан кейин икки кун унинг рўхатини мақтамаганим учун, гаплашмай юрди. Ота-онам эса ишни ташламаганим учун суюнганларидан ҳеч нарсани пайқашмади ҳам. Мебел фабрикаси маъмурияти ҳафта охирига бир қатор учрашувларни тайинлагани сабабли дадам қисқартиришга тушишига ишониб қолганди. Қирқ ёшдан кейин ҳеч ким чиқитга чиқарилмасдан қолмаган.

– Кўмаклашаётганинг учун биз сендан жуда миннатдормиз, қизим, – тез-тез такрорларди ойим ва мен ноқулай аҳволга тушардим.

Ҳафта жуда қизиқарли ўтди. Катрина ўқишини давом эттиришга ҳозирлик кўрар, мен ўз сумкаларимни кўздан кечириб, яна қандай нарсаларимни Катрина ўзлаштириб олганини текширар эдим. Кийимларимга тегинишидан қўрқмасам ҳам, феним, қалбаки «Прадо» қорайтирилган кўзойнақларим ва севимли пардоз қутичамни тополмасдим. Агар мен норози бўлсам, синглим елка қисганча: «Ахир, бари бир улардан фойдаланмайсан-ку», дерди.

Катрина ана шунақа эди. Ҳамма уни аллада азиз қилиши керакдай. Томасни туққанига қарамай, у оиладаги кенжа фарзандлигича қолди. Бутун дунё унинг атрофида айланиши шартлиги – онгига чуқур илдиз отиб кетганди. Болалигида ҳам унга менинг бирор нарсам керак бўлиб, хархашани авжга чиқарса, ойим азбаройи уйдаги тинчликни бузмаслик учун: «Бера қол шуни, худо ҳақи!», дерди. Йигирма йилдан кейин ҳам ҳеч нарса ўзгармаганди. Катрина кўнгилини ёзиб келиши учун биз Томасга қарашимиз, у хавотирланмаслиги учун Томасни боқишимиз ва «Томас туфайли ўзини кўп нарсадан чеклагани учун» байрамларда Катринага совғалар олишимиз керак. Мен эшикка: «МЕНИНГ НАРСАЛАРИМДАН ОЛИС ЮР!» – деган ёзувни маҳкамлаб қўйдим. Катрина уни кўчириб ташлаб, ойимга ўзимни расво тутаетганим, менда Томасчалик ҳам ақл йўқлигидан шикоят қилди.

Бу мени мулоҳаза қилишга ундади. Бир куни Катрина кечки курсларга кетган пайти, ойим дадамнинг кийимларини дазмоллашга ҳозирлик кўраётган ошхонага ўтдим.



- Ойи...
- Ҳа, қизим.
- Нима деб ўйлайсан, Катрина кетганидан кейин, унинг хонасига кўчиб ўтсам бўладими?
- Билмадим. Бу ҳақда ўйлаб кўрмагандим.
- Агар улар Томас билан кетишса, менинг кенгроқ ётоқда яшашим адолатдан бўларди. Бунинг устига хонаям бўшаб қолади.
- Назаримда, тўғри айтаяпсан, – бош ирғади онам ва кўйлакни эҳтиёткорлик билан саватга солди.
- Бу хона оилада тўнғич бўлганлигим учун менга тегиши керак. У болали бўлиб қолганидан ҳам унга эга чиқди.
- Ойим менинг важларимни тўғри баҳолади.
- Албатта. Мен Катрина билан ушбу масалани гаплашиб кўраман.
- Энди ўйлаб қарасам, бу ҳақда аввал синглимнинг фикрини олишим лозим экан.
- Уч соатлардан кейин у жаҳлдан буғриққан ҳолда меҳмонхонага отилиб кирди:
- Аллақачон менинг меросимни бўлишяпсанми?
- Бобом креслосида отдатдагидек қўлларини кўксига босганича уйғониб кетди.
- Нима ҳақда гапиряпсан? – мен телевизор экранидан кўзимни уздим.
- Дам олиш кунлари биз Томас билан қаерда яшаймиз? Сенинг каталагингга иккимиз сиғмаймиз-ку. У ерда иккинчи каравотни қўйишга жой ҳам йўқ.
- Кўрдингми? Мен эса ўша хонада беш йилдан бери яшаб келяпман. – Мен ҳеч қачон бунчалар ҳақ эмасдим ва шунинг учун керагидан ортиқ қайнаб кетдим.
- Менинг хонамни банд қилишга ҳақинг йўқ. Бу фирромлик.
- Сен энди у ерда яшамайсан!
- Аммо у менга керак! Биз Томас иккимиз каталакка сиғишмаймиз. Дада, ўзинг айт.
- Дадам иягини ёқаси орасига тикқанча, қўлларини қўлтиғига урди. У жанжалларимизга тоқат қилолмас, тезроқ онамиз ихтиёрига ўтказиб юборишни лозим кўрарди.
- Қизлар, секинроқ, – деди у.
- Бобом бизни тушунмаётгандек бошини тебратди. Кейинги пайтларда у тез-тез бошини тебратар эди.

– Сенга ишонмайман. Шу билан мени уйдан сиқиб чиқармоқчисан.

– Нима? Сен пул билан ёрдам кўрсатишим учун, мендан ишимни ташламаслигимни илтижо қилдинг – буям менинг режамни бир қисмими?

– Сен иккиюзламанчисан!

– Катрина, тинчлан! – ойим резина қўлқопларидан гиламга кўпик томдирганча пайдо бўлди. – Келинлар, кейин бафуржа муҳокама қиламиз. Бобонларни безовта қилишни нима кераги бор.

– У мени бу ердан кетишимни хоҳлаяпти, – Катринанинг юзи болалик чоғида истаган нарсасини ололмаётган пайтлардагидек, қизил доғлар билан қопланди. – Мана, гап қаерда! Менинг тезроқ кетишим тарафдори. У ўз ҳаётимни оқимга ташлаб қўймаганим учун, менга ҳасад қилади. Энди эса менинг уйга қайтишимни қийин аҳволга солмоқчи.

– Балки, сен дам олиш кунлари ҳам, умуман келмасанг керак! – Аламим келганидан бақриб бердим. – Мен кенгроқ хонада яшамоқчиман, унақа каталакда эмас. Сен эса аҳмоқлигинг орқасидан бола орттириб олганинг учун, яхши хонага эга чиқдинг.

– Луиза! – хитоб қилди онам.

– Сен аҳмоқ бўлмай, яхшигина иш топганингда, аллақачон ўз уйингда яшаган бўлардинг. Ахир етарли даражада катта ёшдасан. Гап нимада? Ниҳоят, Патрик сенга уйланмаслигига ақлинг етди!

– Бас! – дадам орага тушган сукутда бақриб берди. – Тўйдириб юбординглар! Катрина, ошхонага чиқ. Лу, жойингда жим ўтир. Ўзи шундоқ ҳам жоним ҳиқилдоққа келиб юрибди.

– Аҳмоқона рўйхатларингни тузиш учун менинг ёрдамимга умид қилмасанг ҳам бўлади. Ҳали афсусланиб юрасан! – Катринани ойим турткилаганча, ошхонага олиб чиқиб кетди.

– Жуда яхши! Ҳар қандай ҳолатдаям менга ёрдамнинг керакмас, текин томоқ. – Дадам кўрсатувлар дастурини менга отган эди, эгилиб олдим.

Шанба куни эрталаб кутубхонага отландим. Бир пайтлар унга кириб турардим. Аммо ҳозир у анча ўзгариб кетибди. Китобларнинг ярмини компакт-дисклар эгаллабди. Оналар ва болалар бурчагидан чапак чалишлар-у, ашула айтишлар кулоққа чалинарди. Одамлар журналларни ўқишар, шивир-шивир гаплашарди. Қариялар мудраганча, ўқийдиган бепул

газеталар бўлими ғойиб бўлиб, ўрнига катта стол ва компьютерлар қўйилибди. Ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгач, мен улардан бирининг олдига ўтирдим. Компьютерлар худди китоблар сингари синглимининг устун томонларидан бири эди. Мени исканжага олган қўрқув ҳам бу ерда янгилик эмасди. Менга кутубхоначи яқинлашиб, карточка ва йўл-йўриқлар ёзилган қоғозни узатди. У тепамда туриб олмасдан, бирор ёрдам керак бўлса мурожаат қиларсиз, дея мени ғилдиракчалари бор стул ва оқариб турган монитор олдида ёлғиз қолдириб, сўнг ўзи узоқлашди.

Мен охириги йилларда ишлашимга тўғри келган ягона компьютер Патрикка тегишли эди. Бу ердагисини аста-секинлик билан ишлатганимда ҳаммаси кўнглимдагидек чиқа бошлади. Тўрт соатдан кейин менда рўйхатнинг бошланиши пайдо бўлди.

Уйга қайтаётиб, канцелярия дўконига кирдим ва ойма-ой варақланадиган календарь сотиб олдим. Ўзимнинг каталагимга кириб олгач, календарни очдим ва унда Трейнорларникида иш бошлаган куним – февраль бошини белгилаб қўйдим. Кейин олти ойни олиб ташлаб, 12 августни белгиладим – унгача тўрт ойдан кам вақт қолганди. Қандай ишга ара-лашиб қолганим энди онгимга етиб бораётган эди.

Кунлардан иборат бу кичкина катакчаларни бахт, шодлик ва қаноат бахш этадиган турли машғулотлар билан тўлдиришимга тўғри келади. Яъни олдиндаги салкам тўрт ойлик муҳлат ичини саёҳату концертлар, меҳмонлару тушликлар эвазига тўлдириб чиқаман. Уларнинг ҳаммаси хамирдан қил суғургандай чиқиши учун, зарур усулларни излаб топишим ва яхшилаб тайёрланишимга тўғри келади.

Бунинг учун Уиллни кўндиришим керак.

Мен ручкани маҳкам қисганча, календарга қарадим. Ламинацияланган ушбу қоғоз бўлаги барча масъулиятни ўзига жамлаганди.

Уиллда яшашга бўлган ишончни уйғотиш учун менда бир юзу ўн етти кун қолган эди.

**Б**ошқа жойларда фаслларнинг ўзгаришини кўчманчи кушлар ё денгизнинг қайтиши ёки узоқлашиши белгилаб беради. Бизнинг кичкина шаҳарчамизда эса, сайёҳларнинг қайтиши фасл алмашганлигини билдиради. Дастлаб поезд ва автомобилларда йўл кўрсаткичлар ҳамда миллий трестга аъзолик билетларини кафтларида тутиб олган сийрақкина оқим пайдо бўлади. Кунлар исиб боргани сари мавсум ҳам қизғин паллага киради. Энди авобуслар америкалик, япон ва хорижий мактаб ўқувчиларини қорнидан тўкиб ташлайди. Улар бир зумда катта кўчани тўлдирганча, қалъани забт этгани отланиб қолишади.

Қишки даврда деярли барча муассасалар ёпиқ эди. Дўконлар эгасининг бадавлатлари қишнинг узун ва совуқ ойлари хориждаги чорбоғларида ўтказишар, иродали дўкондорлар эса шу ерда қолганча, мавлуд кечаларини уюштириб, фойда чиқариб олишга муваффақ бўлишарди. Термометр устунчаси юқорилагани сайин қалъа олдидаги автомобиль кўйиш майдончаси машиналарга тўла бошлар, маҳаллий тамаддихоналар ҳам гавжумлашарди. Биз бир неча кўёшли якшанбаларда, уйқудаги шаҳарчадан сайёҳларни ўзига жалб қиладиган анъанавий инглиз тузоғига айланардик.

Мен дастлабки сайёҳларни четлаб ўтганча, тепаликка кўтарилдим. Фотоаппаратлар баҳорги қалъани тасвирга тушириш учун шайланиб кўйилганди. Баъзиларига кулиб қараб турар, бошқаларини эса узатилган камераларда расмга тушириб қўярдим. Шу ерликларнинг баъзилари бу ерда мавсумга хос тарзда пайдо бўладиган кўчадаги тикинлар ва ҳожатхоналардаги навбатларни, «Сарёғли кулчалар» қаҳвахонасида сўраладиган: «Сизларда суши борми? Нима, сизларда роллар ҳам йўқми?» каби ғалати буюртмаларни ёқтирмасди. Менга бундай мурожаатлар жуда ёқарди. Уларнинг ғалати талаффузи ҳамда кийинган кийимларидан эгалари қаердан келганлигини тусмоллар эдим.

– Кўринишингиз чаккимас, – деди Уилл, мен сумкам-

ни пойгакка ташлаганимда. Буни у шундай айтдики, ҳатто ҳақорат қилаяпти, дейиш ҳам мумкин эди.

– Ҳа, бугун алоҳида ва аҳамиятли кун.

– Нимага энди бирдан?

– Биз сайрга чиқиб келамиз. Натанга от пойгасини кўрсатамиз.

Уилл ва Натан бир-бирларига сирли қарашди. Мен кулгудан ўзимни базўр тийдим. Эрталаб ташқарига дераза орқали кўз ташлаганда анчагина енгил тортгандим. Чунки ҳаво очик, қуёшли кунда ҳаммаси яхши ўтишини тушуниб етдим.

– Пойгалар?

– Ҳа. Лонгфилддаги пойгалар, – мен чўнтагимдан блокнот чиқардим. – Ҳозироқ жўнасақ, учинчи пойгага улгураамиз. Мен Ёқимтой лақабли тулпорга беш фунтликни икки баробар қилиб тикканман. Шундай экан, қимирлаш керак.

– Пойгалар?

– Ҳа, Натан ҳеч қачон пойгаларда бўлмаган экан.

Бундай сафарга мосланган ҳолда мен эғнимга қавилган калта мовий кўйлак, шарф, оёғимга эса суворийлар этигини кийиб олгандим.

Уилл мени яхшилаб кўриш, Натанга етарли разм солиш мақсадида аравачасини орқароққа олди ва ён томонга бурди.

– Бу сенинг азалий орзуингмиди, Натан?

Мен Натанга таҳдидли қарадим.

– Ҳа-а, – у лабларига табассум кўндирди. – Бир умр орзу қилардим. Тулпорларни кўргани борайлик.

Мен уни олдиндан огоҳлантирган эдим. Унга жума куни кўнғироқ қилиб, қайси кун унинг ёрдамига ишонишим мумкинлигини сўрадим. Трейнорлар ўша кун учун устама ҳақ тўлашга рози бўлишган. Уиллнинг сингиси Австралияга қайтиб кетди ва бу сайрларда менга бирор ақли жойида одам ҳамроҳлик қилиши керак. От пойгаларининг бошланишига жуда мос тушарди – очик ҳавода ярим соатлик йўл.

– Мен боргим келмаяпти, десам-чи?

– Унда менга қирқ фунт тўлашингиз керак.

– Қирқ фунт? Нимага энди?

– Менинг ютуғим шунчага тенг бўлади, – мен елка қисдим.

– Ёқимтой энг ишончли отлардан.

Мен уни қуюшқондан чиқариб юбордим, шекилли.

Натан эса тиззасига шаппатилаганча, мириқиб кулди.

– Ёмон эмас. Ҳавоям зўр, – деди Натан. – Йўлга овқат оламизми?

– Сираям! – эътироз билдирдим мен. – У ерда зўр ресторан бор. Отим ғолиб чиқса, мен сизни сийлайман.

– Пойгаларда тез-тез бўлиб турасизми? – сўради Уилл.

У яна бошқа нарсаларни айтишга улгурмай, куртказини кийдирдик ва мен машинани ҳайдаб келиш учун кўчага чиқиб кетдим.

Ҳали айтганимдай, ҳамма ишларимни режалаштириб олгандим. Биз отчопарга ажойиб об-ҳаво пайти келишимиз керак эди. Ёнимиздан жокейлар ва ингичка оёқли зотдор пойгачи отлар чошиб ўтади. Трибуналар шодон кишилар билан тўла. Биз ютуқли патталаримизни силкилаб кўрсатиш учун, кўринарли жойга ўтамиз. Уиллда бахслашиш туйғуси уйғонади ва у Натан ёки мендан кўпроқ ютишга дов тикади. Ҳаммаси ўйлаб олинган. Отларга тикилиш жонга текканида, биз отчопардаги ресторанга кирамиз ва тушлик қилиб оламиз.

Дадамнинг маслаҳатларига қулоқ солиш керак эди. «Биласанми, умиднинг тажрибадан ғолиблигини сири нимада? – деб айтишни яхши кўради у. – Барча оила аъзолари учун шодон дам олиш сайрини режалаштириш».

Ҳаммаси автолар турадиган майдончадан бошланди. Бу ергача эсон-омон етиб келдик. Отчопар олдидаги ушбу майдончада ҳеч қандай тикилинчлик йўқ бўлиб, мажруҳлар машинаси қўйиладиган алоҳида жойларни кўрсатувчи белгилар мавжуд эди.

Аммо менга ҳеч ким майдончанинг бетонланмагани, балки чимзор устидалигини айтмаганди. Машиналар сийрак бўлганидан бўш жойга бемалол машинани қўйдигу, пандусни туширдик.

– Ер жуда юмшоқ, – деди Натан. – Аравачанинг ғилдираги ботиб қолади.

Мен трибуналар тарафга қарадим-да, жавоб бедим:

– Агар нариги йўлакка ўта олсак, бари яхши бўлса керак?

– Креслонинг ўзи бир тоннача келади, – эътироз билдирди Натан. – У ёққача ўн беш қадам масофа бор.

– Майли. Бу кресло юмшоқ ерда ҳам юришга мослаштирилган бўлса-чи?

Мен Уиллнинг креслосини оҳисталик билан ерга туширдим. Аравачанинг ғилдираги бир неча энликкача ерга ботди, холос.

Уилл ҳеч нарса демади. Унинг кайфияти йўқ эди ва йўл давомида ҳам миқ этмади. Биз аравача тугмасини босдик. Бироқ ғилдираги жойида айланганча, ерга чуқурроқ бота бошлади.

– Яхшиси, кўлда итариб чиқарамиз, – дедим мен. – Бу кўлимиздан келади.

Уиллни орқага ётқизиб, Натан иккимиз креслонинг икки тутқичидан тутганча, йўлакка қараб тортиб кетдик. Иш жуда секинлик билан олға силжирди. Кўлларимиз оғригани туфайли тўхтаб-тўхтаб дам олишга тўғри келарди. Этикларим ҳам анчагина лойга беланди. Йўлакнинг бошига борганимизда Уиллни одеяли сирпаниб тушиб, ғилдиракка ўралиб қолди ва бир чети йиртилди.

– Ҳечқиси йўқ, – қуруққина деди Уилл. – Ўзи анча-мунча эски эди.

Мен ўзимни эшитмаганга олдим.

– Ажойиб. Биз буни амалладик. Энди хурсандчилик қиламиз.

Ҳа, хурсандчилик. Кимнинг калласига отчопорга турникет қўйиш келди экан? Биз Натан билан дам турникетга, дам Уиллнинг аравачасига қарадик.

Натан кассага бориб, кассир аёлга ҳолатимизни тушунтирди. У ойнадан бош чиқариб, Уиллнинг аравачасини кўргач, трибуналарнинг узоқ бурчагини кўрсатди.

– Мажруҳлар учун ўтиш жойи ўша томонда, – деди у.

У «мажруҳлар» сўзини худди дикторлар танловида қатнашаётган каби алоҳида урғу бериб айтди. Ўтиш жойгача нақ икки юз метрча бўлиб, унга етган пайтимиз осмонни қора булутлар қоплади ва қаёқдандир кучли шамол етиб келди. Мен эса соябонни олишни унутгандим. Лабим-лабимга тегмай, буларнинг бари қанчалар кутилмаган ҳоллигини айтавериб, ўзимнинг ҳам жонимга тегиб кетдим.

– Кларк, – деди ниҳоят сабри тугаган Уилл. – Хотиржам тортинг, илтимос. Одамни зик қилиб юборяпсиз.

Биз трибуналарга чипта сотиб олдик, сўнгра барчаси ортда қолгандек, Уиллни бош трибуна ёнидаги тепаси ёпиқ жойга ғилдиратиб бордим. Натан Уиллга чой қуйиб бераётган пайти, мен бошқа пойга ишқибозларини кузата бошладим.

Трибунанинг пастки қавати учиб кираётган ёмғир томчиларига қарамай, жуда кўнгилли жой эди. Тепамизда, ойнаванд балкондаги костюм кийган эркаклар шампан шаробли бокалларни тўй либосларига бурканган аёлларга тутишарди.

Бу жой «VIP» – зона бўлиб, нархи ҳам жуда баланд эди. Балконга чипта олганлар ёқасига қизил шнурли кичкина нишонлар тақиб юришарди. Пастки қаватдагиларга эса, кўк шнурли нишонлар бериларди. Бир лаҳзага кўк шнурларни қизилга бўяб, балконга чиқиб кетишни ўйладиму, Уиллнинг аравачасида у ерга сездирмай ўтишнинг иложи бўлмасди.

Бизнинг ёнимизда қаҳвали пластик стаканчаларни қўлида тутган, твид костюмли эркаклар ва хушбичим пальтоллардаги аёллар бўлиб, улар жуда ишчан қиёфаларда ва кўк нишонлар тақиб олишганди. Булар, чамаси, чавандозларнинг мураббийлари, отбоқарлар ва бошқа ходимлар эди. Трибуна олдида, кичкина оқ доскалар ёнида букмекерлар қўлларини силкиганча, туришарди. Мен уларнинг қўл ҳаракатлари тилини тушунмасдим. Улар доскага рақамларни ёзишар ва енглари билан ўчиришарди.

Бир пайт атрофимиздаги одамлар томоққа зўр беришди ва старт дарвозаларидан отлар отилиб чиқишди. Отларнинг елдек учиб бориши-ю, ранг-баранг кийимдаги чавандозларнинг бир-бирларидан ўзиш учун қамчига зўр беришини оёқ учида турганча, кузата бошладим. Голиб марра чизиғини кесиб ўтган пайтида жим туриш ва қичқириб юбормасликнинг иложи йўқ эди.

Бу сафар кичикроқ дов тиккан Натан олти фунт ютиб олди. Уилл дов тикишни истамаганди. У барча айланишларни бошини узун ва тик ёқалари орасига тортганча, жимгина кузатарди. Ахир у узлатга чекинганча, тўрт девор орасида кўп қолиб кетганлигидан, буларнинг бари унга ғалати туюлаётганидан бўлиши мумкин эди. Мен эса ўзимни гўё ҳеч нарсани сезмаётган каби тутардим.

– Бу галги пойга Хемпворт Кубогига экан, – деди Натан экранга тикилиб. – Сен қайси отга тиккандинг? Ёқимтойгами? Отларни ўз кўзинг билан кўриб, дов тикиш бунчалар қизиқарли бўлишини билмасдим.

– Биласанми, бундай пойгаларга менинг ҳам биринчи келишим эканлигини сенга айтмагандим, – иқроп бўлдим Натанга.

– Ҳазиллашаяпсанми?

– Ундан кейин, ҳеч қачон отга минмаганман ҳам. Ойим отлардан кўрқарди, шунинг учун бўлса керак бизларни бирор отхонага яқинлашишимизни таъқиқлаб қўйганди.

– Менинг синглимни иккита оти бор, уларни ўз боласидек



яхши кўради. Бор пулини ўшаларга сарфлайди, – деди Натан. – Вақти-соати етганида эса уларнинг гўштини ҳам емаса керак.

– Натан, сизнинг орзуингиз ушалиши учун яна неча айланишни кутишимиз керак, – гапимизни Уиллнинг овози бўлиб қўйди.

– Кўпам бўғилманг. Ҳаётда ҳаммасини тотиб кўриш керак, – дедим мен. – Менга дунёқарашимни кенгайтиришим ҳақида айтмаганмидингиз? Сизгаям ёқиб турибди-ю. Нима қиласиз буни яшириб?

Отлар жойидан отилиб чиқишди. Ёқимтойнинг чавандози сариқ ромъли сафсар тусдаги костюмда эди. У оппоқ тўсиққа ёнма-ён отини учириб борар, отнинг боши олдинга интилган, чавандоз эса унинг бўйинини сийпалаб қўярди.

– Дўстим, олға! – Натан қичқира бошлади. Унинг муштлари тугилган, кўзлари эса олисларга интилаётган жониворлар тўдасини кузатарди.

– Ёқимтой, олға! – қичқирдим мен ҳам. – Бизнинг тушлигимиз тақдири сенга тикилган.

Мен Ёқимтойнинг бошқа отларни четлаб ўтишга ҳаракат қилаётгани ва қулоқлари ортга эгилганлигини яққол кўрдим.

Охирги айланишда менинг важоҳатим сокинлаша бошлади:

– Майли, қаҳвага бўлса ҳам, шунисигаям розиман.

Атрофимиздаги трибуна хайқириқ ва чийиллашларга кўмилган эди. Биздан сал нарироқдаги бир қизнинг овози битиб қолганидан, турган жойида сакраш билан банд эди. Уилл томонга қараганимда, у кўзларини юмиб олганию, қошлари орасига тугун тушганини кўрдим. Мен унинг аравачаси ёнига секин чўқдим.

– Уилл, аҳволингиз жойидами? Сизга бирор нима керакми?

– Ароқ, – деди у. – Бир стакан ароқ.

Мен ундан кўз узмасдим. Уилл кўзларини кўтарди ва бизнинг нигоҳларимиз тўқнашди. Англадимки, буларнинг бари унинг шундоққина жонига текканлигини кўрсатиб турарди.

– Натан, тушлик қиламиз, – дедим вазиятни юмшатиш учун.

Ёқимтой маррага бор-йўғи олтинчи бўлиб етиб келганди.

Мен Уиллнинг аравачасини безътибор одамларнинг орасидан итариб борардим. Одамлар атайлаб қилаётгандек, йўлларимизга чиқиб олишарди.

Биз лифт эшигига етган пайтимизда Уилл овоз чиқарди:  
– Хўш, Кларк, энди сиз менга қирқ фунт беришингизга тўғри келади, шекилли?

Ресторан яқингинада таъмирдан чиқарилган экан. Мен гаомлар рўйхатини кўздан кечира бошладим.

– Апельсин соусидаги ўрдак, – дедим ҳамроҳларимга. – Бу ўтган асрнинг етмишинчи йилларида урф бўлган.

– Худди сизнинг кийимларингиз каби, – деди Уилл.

Совуқ ва оломондан олисроқда анча ўзимга келиб олгандим. Атрофга аланглаб, бу ерни ўрганишга тушдим. Ошқозоним иссиқ овқат талаб қилиб, карнай чаларди. Уиллнинг онаси бизга саксон фунт пул берган, холос.

– Натан, сен нима ейсан? – сўрадим мен.

– Менга пивою, ейишга бирор нарса бўлса етади, – деди Натан. – Бари бир келганимдан хурсандман.

– Сиз уйдан ташқарида қачон овқатлангандингиз? – сўрадим Уиллдан.

Уилл Натан билан кўз уриштириб олди.

– Менга бегоналар олдида қошиқда овқат едиришингиз ёқмаяпти.

– Унақада сизни бошқаларга орқа қилиб ўтирадиган жойни топамиз. – Мен шунақа бўлишини олдиндан билгандим. – Аммо бу ҳолатда ресторанга келган машҳурларни кўролмай қоласиз.

– Албатта, бундай лойгарчиликда хилватдаги пойгаларни кўраман, деб қанчадан-қанча одамлар бу ерга келмайди, дейсиз.

Ресторан ойнасидан анчагина бўш жойларни кўзим билан кўрдим ва енгил нафас олганча, ичкари кирдим.

– Хайрли кун! Илтимос, бизга уч кишилик стол кўрсатсангиз, – сўрадим эшик олдида ўтирган официант аёлдан.

– Нишонингиз қани?

– Нима?

– Сизнинг «VIP»-зона нишонингизни сўраяпман.

Унинг гаплари онгимга бориб етмасди.

– Бу ресторанга фақат «VIP»-зона нишони борлар қўйилади.

Мен ташқарида турган Натан ва Уилл томонга қарадим. Уларга бу ердаги гаплар эшитилмасди. Натан Уиллга курткасини ечишда ёрдам бераётган эди.

– Э-э-э... Кечирасиз, буни билмаган эканман. Бизда кўк рангли нишонлар бор.

– Узр, – жилмайди у. – Фақат «VIP»-зона нишонига эгаларгина бу ерда овқатланиши мумкин. Бу бизнинг барча реклама нашрларимизда кўрсатиб қўйилган.

– Майли, бу ерда яна бошқа ресторан борми?

– Оддийроқ ошхонамиз бору, у ҳозир таъмирланаяпти. Бироқ трибуналар ёнида турли егуликлар сотиладиган киосклар ҳам бор, – у менинг юзим буришиб кетганлигини кўриб, қўшиб қўйди. – Мижозлар сира нолишмаган. Стейк, хот-дог ва бутербродлар, қаҳва...

– Илтимос, – унга эгилганча, илтижо қилдим. – Аҳволимизни тушунинг. Биз анча олисдан келганмиз. Дўстим анча совқотиб қолди. У – бемор, исинтириш керак. Бу ердан ёмон кайфиятда қайтмасин.

– Афсус, ёрдам беролмайман, – аёл бурнини тириштирди. – Агар тартибни бузсам, мени ишдан бўшатиб юборишади. Аммо пастда мажруҳлар учун дам олиш зонаси бор, иссиққина жой. У ердан пойгалар кўринмайди, лекин исиниб ва овқатланиб олса бўлади.

Мен унинг кўксига тақилган табличкасидан исм-фамилиясини ўқиб олдим.

– Шерон, – дедим мен. – Жойларингизнинг қанчаси бўш турибди. Уларни бўш қолдиргандан кўра, одамлар билан тўлдирган яхшироқ эмасми?

– Хоним, мен вазиятни тушунтирдим. – Унинг тишлари электр нурларида ялтираб кетди. – Агар сиз учун қоидаларни юмшатсам, бошқалар учун ҳам шундай қилишимизга тўғри келади.

– Бу қанақаси? – эътироз билдирдим мен. – Айни тушлик пайти, қанча бўш жойларингиз бор. Биз қимматроқ таомлардан емоқчимиз. Бутербродлармас. Кийим ечиладиган жойда эмас, шу ерда исиниб олсак, деймиз.

Тушлик қилаётганлар биз томонга қарай бошлашди. Уиллинг юзида хижиллик пайдо бўлди. Натан иккиси нимадир бўлаётганлигини сезиб қолишди.

– У ҳолда сиз «VIP»-зона нишонини сотиб олишингизга тўғри келади.

– Бу бошқа гап. – Мен ҳамёнимни топиш учун сумкачамни ковлашга тушдим. – Қанча туради ўзи?

Бехосдан салфеткалар, эски автобус чипталари ва Томас-

нинг ўйинчоқ машиначаси полга учиб тушди. Қанча кетсаям Уилл ресторанда овқатланиши керак.

– Мана! Қанча? Яна ўн? Йигирма? – Мен унга бир тутам пул узатдим.

У менинг қўлимга тикилди:

– Хоним, биз нишонлар сотмаймиз. Бу ер ресторан. Нишонларни кассада, паттага қўшиб беришади. Кассага боринг.

– Отчопарнинг нарги чеккасигами?

– Ҳа.

Биз бир-биримизга қараб қолдик.

– Луиза, кетадиган пайтимиз бўлди, – Уиллнинг овози эшитилди.

Бирдан кўзларим ёшга тўлди.

– Йўқ, – дедим мен. – Шунча йўлдан келиб, ресторанда овқатланмай кетамизми? Сизлар шу ерда турунлар, мен «VIP»-зона нишонларини сотиб олиб келаман. Тамадди қилиб оламиз.

– Луиза, менинг қорним тўқ.

– Овқатланиб олганимиздан кейин, ҳаммаси жойида бўлади. Сўнгра, отларни кўрамиз.

– Луиза. – Натан олдимга келиб, енгимдан тортди. – Менимча, Уилл уйга қайтмоқчи.

Бизга ресторандагилар тикилиб турарди. Тушлик қилаётганларнинг нигоҳи аввал менга, кейин эса Уиллга ачинишу, ижирғаниш билан тикиларди. Мен буларни ич-ичимдан ҳис қилиб турардим. Бутунлай мағлуб бўлганимни тан оламан. Уиллнинг айтганларидан сўнг, енгилгина хижолат тортган жувонга қарадим.

– Ташаккур сизга, – дедим мен. – Бизга катта ёрдам кўрсатганингиз учун.

– Кларк...– Уиллнинг овозида огоҳлантириш янгради.

Мен сумкамни олиб, қўлтиғимга қистирдим.

– Машиначангиз қолиб кетяпти, – деди аёл, Натан очиб турган эшикдан чиқаётганимда.

– Унгаям нишон олишимиз керакми? – дедим унга қарамасдан ва ҳаммамиз лифт томонга йўл олдик.

Биз сукут сақлаганча, пастга тушдик. Бу қисқа фурсат ичида мен бир оз титроғимни босиб олишга ҳаракат қилдим.

– Киосклардан бирор егулик олсак бўларди, – деди Натан. – Эрталабдан бери ҳеч нарса емадик. – У кўз қирини Уиллга ташлади ва шунда кимни назарда тутаётганини англадим.

– Тўғри айтдинг! – қувноқлик билан жавоб бердим унга. – Мен ёғлиққина стейкдан тотиб кўрган бўлардим.

Биз учта стейк ва кулча сотиб олдик. Йўл-йўл матолар тортилган айвонча тагида ўтирдик. Мен Уилл билан бирдек баландликда ўтириш учун, ахлат солинадиган қутининг устига ўтириб олдим ва кабоб бўлган гўштни майда бўлақларга бўлганча, Уиллни овқатлантира бошладим. Пештахта ортидаги иккита жувон ўзларини бизга қарамаётгандек тутишарди. Кўз қирим билан улар Уилл томонга ўғринча бот-бот қараб, бир-бирлари билан шивирлашиб олаётганини кўриб турардим. Бир маҳал уларнинг: «Бечоранинг аҳволини қара», – деганлари қулоғимга чалиниб қолди-ку. Уларга шундай ўқрайиб кўйдим.

Ёмғир тинди, аммо шамоллар забтидаги отчопарнинг кулранг-яшил юзасида ташлаб юборилган чипталар учиб юрар, унга қандайдир ғамгинлик бахш этарди. Уфқ эса текис ва бўшаб қолгандек эди. Ёмғир мобайнида автолар кўйиш майдончасидаги автомобиллар сезиларли даражада камайиб қолганди. Овоз кучайтиргичдан навбатдаги пойгани эълон қилдилар ва отлар тўдаси сал нарироқдан шиддат билан чопиб ўтишди.

– Уйга жўнасақ ҳам бўлар? – деди Натан оғзини арта туриб. – Ажойиб дам олдик, тиқинлар бўлмасидан уйга етиб олсак, яхши бўларди.

– Майли, – мен қоғоз салфеткани ғижимлаб, саватга ташладим. Уилл кулчанинг сўнгги бурдаларини рад этди.

– Унга ёқмадими? – сўради жувон Натан аравагани итара бошлаганида.

– Билмайман. Бировлар қараб турганида овқатланиш кимгаям ёқарди? – дедим ва ҳамроҳларимга эргашдим.

Машинага етиб олиш ва пандусдан кўтарилиш мен ўйлаганчалик осон бўлмади. Ёмғир ҳамда келиб кетган машиналар таъсирида автолар турадиган майдонча ботқоққа айланиб қолганди. Шунча ҳаракат қилсак ҳам, йўлнинг ярмига зўрға етдик.

– Шу ерда қоламиз чоғи, – деди Уилл.

Мен ўзимни эшитмаганга солиб турардим. Сайримизнинг ажойиб хотимаси!

– Чамаси, бизга ёрдам керак, – деди Натан. – Аравачани йўлакка қайтара олмаймиз ҳам. У ботиб қолди.

Уилл чукур хўрсинди. Уни ҳеч қачон бунчалар азобланган ҳолда кўрмаган эдим.

– Уилл, мен сизни олдинги ўриндиққа ўтқазиб қўйишим мумкин, – деди Натан. – Кейин Луиза иккимиз аравагани машинага итариб бора олардик.

– Энди мени қўлда кўтариб юришларинг етмай турувди, – деди Уилл тишлари орасидан.

– Кечирасан-да ошна, – деди Натан. – Лу иккимизнинг кучимиз етмаяпти. Лу, сен ҳар ҳолда мендан кўра устарақсан, бориб бир-иккита ёрдамчи топиб келгин.

Уилл кўзларини юмганча, иягини ёқалари орасига олди, мен эса ёрдамчилар топиб келгани югуриб кетдим.

Одамларнинг аксарияти ботиб қолган аравагани тортиб чиқаришда, сўралган ёрдамга рад жавоби беришларини ҳеч қачон кутмагандим. Одатда бегоналарга яқин йўламасдим, аммо шароит шуни тақозо қилгани учун, кўркувни ҳам унутдим. Трибунада ўтирганлардан икки дақиқа вақт ажратиб, менга ёрдам беришларини сўраб чиқдим. Улар худди мен бирор жинойи иш таклиф қилаётгандек, ҳадиксираб қарашарди.

«Мажрухлик аравачасидаги кишига ёрдам бервориш керак, – дердим мен. – У салгина ботиб қолган».

«Биз кейинги пойгани кутиб тургандик», – жавоб беришарди улар. Ёки: «Кечирасиз», ёки бўлмаса: «Мен бу гал каттароқ дов тикканман. Бу ерни ташлаб кетолмайман», – дейишдан ортишмасди.

Биринчи қатордагилардан бирорта ижобий натижа ололмаганимдан кейин, аччиғимни базўр тийиб, ҳатто тишларимни гижирлатганча, ёрдам сўрашда давом этардим. Бир пайт кўлларида пиво банкалари тутган, гап-сўзларидан шимолийшарқдан келганлиги билиниб турган, ширакайф йигитларга дуч келдим. Улардан бири елкамга баркашдек катта кафтини қўйганча, ёнидаги йигитга имо қилди:

– Сен Маркини ўпиб қўйишинг керак. Бугун унинг туғилган куни!

– Кечирасизлар, мен сизлардан ёрдам сўрамоқчи эдим.

– Мигтивой, хоҳлаган нарсангни сўрайвер, – деди у маънодор тарзда кўз қисиб.

Унинг ўртоқлари чайқала-чайқала атрофимизни ўраб олишди.

– Рости гап, сизлар менинг автолар турадиган майдончадаги дўстимга ёрдам кўрсатишларинг керак.

– Миттивой, кўриб турганингдек, мен бирортага ёрдам берадиган аҳволда эмасман.

– Йигитлар, биз дов тиккан отларга навбат келди.

Уларнинг менга бўлган қизиқишлари сўниб, отлар чопадиган йўлакларга ўгирилишди. Мен автолар турадиган майдонча тарафга қараганимда, Уиллнинг эгилган қаддига кўзим тушди. Натан зўр бериб, кресло тутқичларидан тортаётганди. Шу маҳал кўз ўнгимга Уиллнинг ота-онасига, ўта қимматбаҳо мажруҳлар аравачасини автолар турадиган майдончага ташлаб кетганимиз ҳақида ҳисобот бераётганим жонланди. Қўл силкиётган ширкайф йигитларнинг билагидаги татиуровкага кўзим тушиб, миям ишлаб кетди.

– У аскар, – қичқирдим йигитларга. – Собиқ аскар у!

Йигитлар бирин-кетин мен томонга ўгирилишди.

– У Ироқдаги урушда яраланган. Биз унинг кўнглини ёзиш учун бу ерга келтиргандик. Аммо ҳеч кимнинг ёрдам бергиси келмаяпти. – Менинг кўзларимдан алам ёшлари оқа бошлади.

– Ветеранми? Ростданми? Қаерда у?

– Автолар турадиган майдончада. Мен қанча одамдан ёрдам сўрадим, лекин ҳеч ким хоҳламади.

Уларга менинг сўзларимни ҳазм қилишлари учун бирикки дақиқа керак бўлди ва хайрон бўлганча, бир-бирларига қараб олишди.

– Болалар, кетдик. Биз бунга йўл қўя олмаймиз.

Улар яна чайқалиб-чайқалиб менга эргашишди. Ортимдан йигитларнинг жаҳл тўла хитоблари баралла эшитиларди:

– Лаънатилар уруш... қон кечиш нималигини қаердан билишсин...

Биз етиб келганимизда Натан яна бир одеял билан ўраб қўйганига қарамай, Уилл бошини ёқалари ичига тикиб олганди.

– Мана бу олийжаноб жентелменлар биздан ёрдамларини аяшмайди.

Натан уларнинг қўлларидаги пиво банкаларини кўриб, булардан бирор фойда чиқишига шубҳа қилгандек қаради.

– Уни қаёққа судраб ўтмоқчисизлар? – сўради йигитлардан бири.

Қолганлар Уиллни қуршаб олишди ва саломлаша бошлашди. Улардан бири Уиллнинг қўллари ишламаслигини билмгани учун пиво банкасини узатиб туриб олди.

– Анави машинамизга. – Натан фургон томонни кўрсат-

ди. – Аммо, аввал уни орқага, трибуна томонга олиб чиқиб, кейин бошқа томондан олиб боришимиз керак.

– Бу ортиқча ташвиш, – йигитлардан бири Натаннинг елкасига қокди. – Биз уни тўппа-тўғри машинага тортиб борамиз, тўғрими йигитлар?

Уни қувватлаган хитоблар янгради. Йигитлар араваганинг икки тарафига бўлинишди.

– Билмадим, бу ердан жуда олис – дедим дадилланганча. – Кресло эса жуда оғир.

Улар ғирт маст эди. Айримлари қўлларидаги пиво банкаларини баъзур ушлаб туришарди. Биттаси банкасини менга тутди.

– Қўрқма, миттивой, қуролдош биродаримиз учун нима керак бўлса қиламиз, тўғрими йигитлар.

– Оғайни, биз сени бу ерда қолдирмаймиз. Ўзимизникиларни ташлаб қўймаймиз!

Натаннинг ажабланиш тўла юзига кўзим тушгач, мен зўр бериб бошимни чайқадим. Уиллнинг эса гапиришга мутлақо хоҳиши йўқ эди. Шундоғам кайфияти тунд Уилл уни креслога кўшиб кўтариб олишганидан сўнг, енгилгина хавотирга тушиб қолди.

– Миттивой, қанақа полк?

Мен жилмайишга уриндим ва хаёлимда турли номларни саралай бошладим.

– Ўқчилар полки... – жавоб бердим ўша заҳоти. – Ўн биринчи ўқчилар полки.

– Мен ўн биринчи ўқчилар полкини билмайман, – деди бошқаси.

– Бу янги полк, – дедим мен. – Ўта махфий. Ироқда жойлашган.

Уларнинг кроссовкалари лойда тойинар, менинг эса томоғимга бир нарса тиқилиб қолганга ўхшарди. Уиллнинг кресло-си бамисоли тахтиравондек, ердан бир қулоч юқорида хавода чайқалиб борарди. Натан машина эшигини очиб туриш учун югуриб кетди.

– Улар Каттерикда ўқув машғулотларидан ўтишармиди?

– Албатта, – тасдиқладим мен ва мавзуни ўзгартиришга ҳаракат қилдим. – Бугун қайсиларингнинг туғилган куни?

Уларнинг кўмаги билан машинамизга етиб олгач, Марки ва дўстлари билан телефон рақамларимизни алмашдик. Йигитлар ўзаро қирқ фунт пул йиғишди ва уни Уиллнинг даво-



ланиши учун беришмоқчи бўлдилар. Мен уларнинг қўлини зўрға қайтардим. Бунинг ўрнига Уиллнинг соғлиги учун қиттай-қиттай ичишларини таклиф қилдим. Хайрлашув олдидан барини бир-бир ўпиб чиқгунимча, оғзидан чиқаётган алкоголь ҳидидан бошим айланиб кетди. Мен уларнинг ортидан қўл силкитаётган пайтим Натан машина сигнали билан мени чақира бошлади.

– Жуда зўр йигитлар-а, тўғрими? – дедим машинани ўт олдиранкан.

– Анови новчаси оёғимга пивосини тўкиб юборди, – шикоят қилди Уилл. – Мен пиво заводига ўхшаб сасиб ётибман.

– Кўзларимга ишонмайман, – деди Натан автомобиль қўйиш майдончасидан чиқаётган пайтимиз. – Қарагин-а, мажруҳлар учун автотураргоҳ бу томонда экан, яна яхшилаб бетонланган!

\* \* \*

Куннинг қолган қисмида Уилл бошқа гапирмади. Йўл-йўлакай Натанни уйига ташлаб ўтганимизда, у билан хайрлашганлигини айтмаса, то қалъага етгунимизча, оғзига қатик қуйтиб олди. Ниҳоят, флигелга етиб келдик.

Мен Уиллнинг аравачасини ерга туширдим, уни уйга олиб кириб, қайноқ чой дамладим. Кейин пойабзали ва шимини алмаштирдим-да, пиво тўкилган шимини ювишга ташладим. Унинг тезроқ исиниши учун дарҳол печкага ўт қаладим. Телевизорни қўйиб, пардаларни туширдим. Уиллнинг ёнида чой ичиб ўтираркан, бутунлай гапирмаётгани энди сезила бошланди. Чарчагани ёки телевизор кўрмоқчилиги учунмас. Мен билан шунчаки гаплашишни хоҳламаётган эди.

– Бирор нарса... бўлдимми? – дедим унга янгиликларни кўраётганимизда, икки-учта саволим жавобсиз қолганидан.

– Буни сиз менга айтаяпсизми, Кларк?

– Нима?

– Сиз мен ҳақимда ҳаммасини биласиз-ку, сиз айтинг.

Мен унга тикилиб қолдим.

– Кечирасиз, – ниҳоят ўзимни қўлга олдим. – Тўғри, бугун ҳаммаси мен режалаштирган каби чиқмади. Аммо мен кунимиз яхши ўтиши учун жиддий тайёргарлик кўргандим. Бу сизга ёқади, деб умид қилгандим.

Мен унга ўзини ёмон тутганлиги, кўнгли ёзилиши учун нималарни бошимдан ўтказганимни, ўзи эса куни яхши ўти-

шига ҳаракат қилмаганлигини қўшмоқчи эдим. Агар унга ўша қизил нишонларни сотиб олишимга имкон берганида, биз ажойиб тушлик қилган бўлишимизни айтмоқчи эдим.

– Мана кўрдингизми?

– Нима?

– Сиз ҳамма қаторисиз.

– Қайси маънода?

– Мендан бир оғиз сўрамагансиз, Кларк. Шундай ниятингиз бор экан, менга ҳам айтганингизда, албатта, ўз фикримни билдирган бўлардим. Мен отларни ҳам, пойгаларни ҳам ёқтирмайман. Сиз ўз билганингиздан қолмагансиз. Ўзингизча, мени нима билан шуғуллантириш кераклигини ҳал қилиб қўйгансиз. Мен учун ҳамма қатори иш тутгансиз ва қарор чиқаргансиз.

– Буни мен хоҳламаганман... – қулт этиб ютиндим.

– Лекин сиз айнан шундай йўл тутдингиз.

Уилл креслосида бошқа томонга ўгирилиб олди, икки дақиқага чўзилган сукутдан кейин, у менинг хизматларимга бошқа эҳтиёжи йўқлигини тушуниб етдим.

**М**ен қачон чинакамига кўркмайдиган бўлиб қолган кунимни аниқ айта оламан.

Бу етти йилча бурун, қалъа атрофидаги тор кўчалар сайёҳлар билан гавжумлашган, ҳаво эса уларнинг қадамлари ва адир тепасигача қаторлашган музқаймоқли фургонларнинг оҳангдор сигналлари билан тўлган эди.

Бир ой аввал узоқ хасталиқдан кейин бувимиз вафот этган, ёз юқагина қайғу тўрига бурканганча, мен ва синглимнинг шўхликларимизни, ёзги сайру саёҳатларимизни чеклаб қўйганди. Ойим кўз ёшларини тийиш учун, кунини идиш-товоқларни ювиш билан ўтказар, отам эса эрталаб ишга кетар ва бир неча соатдан сўнг иссиқ туфайли юзлари ялтираб қайтар, пиво банкасини очмасидан олдин бирор сўз айтишга холи ҳам етмасди. Синглим университетдаги биринчи ўқув йилидан қайтган, унинг хаёллари қандайдир олисликларда парвоз қиларди. Мен ўшанда йигирма ёшда эдим. Патрик билан учрашувимизга уч ойдан кам муддат қолганди. Биз бу ёзда камдан-кам учрайдиган тўлиқ озодликда, яъни ҳеч қандай молиявий жавобгарлик ва қарзларсиз – лаззатланар эдик ҳамда ҳамма вақтимиз фақат ўзимизга тегишли эди. Мен мавсумий иш билан банд эдим. Вақтимнинг кўп қисми ўзимга пардоз бериш, отамнинг энсасини қотирадиган баланд пошналарда юриш ва ўз-ўзимни ўрганиш учун сарф бўларди.

Ўша пайтларда ҳамма қатори кийинардим. Мен тенги қизларнинг баримиз узун сочларимизни орқага ташлаб, тўқ кўк жинсилар-у, жуда тор футболкаларда юрардик. Биз лабимиз билан қовоқларимизга керакли рангларда ишлов бериш учун, қанча соатларни бошини ердик. Ҳар қайсимиз ҳар қандай кийимда чиройли кўринсак-да, аслида мавжуд бўлмаган ёғ тўқималари-ю теримиздаги нуқсонлар ҳақида соатлаб нолирдик.

Менда ҳам орзу-ҳаваслар бор эди. Бир мактабдош танишим дунё бўйлаб саёҳатдан қандайдир ўйчан ва сирли кимсага айланган ҳолда қайтиб келди. Унга ҳавасим келганидан,

мен ҳам Австралияга арзон авиабилет сотиб олдим ва ўзимга ҳамроҳ излай бошладим. Дунёни айланиб келган ўша йигитдан ўзга яхшисини топишимга ишонмас эдим.

Жума куни эди ва мен кун бўйи автомобиль қўйиш майдончасида мактабдош таниш қизлар билан бирга ишладим. Биз сайёҳларга қалъада ўтказилаётган хунармандлар ярмаркасида йўлбошчилик қилардик. Кун кулгуга, қуёшли кунга мос вишиллайдиган ичимликларга, кўм-кўк осмонга лиммолим эди. Ўша куни ҳамма сайёҳлар менга кулиб қарарди. Ҳаётсевар, оғзи кулгуга тўла қизлар тўдасига қараб табассум қилмаслик мушкул эди. Бизга ўттиз фунтдан тўлашди ва ташкилотчилар тушумдан кўнгиллари тўлиб, ҳар биримизга яна беш фунтдан қўшиб беришганди. Биз бундай омадни автомобиль қўйиш майдончасининг четигадаги ахборот марказида ишлайдиган йигитлар билан бирга ювдик. Улар зодагонларга хос талаффузга эга, регби футболкалари ва пахмоқ сочлари билан одамнинг диққатини ўзига тортишарди. Уларнинг бирини Эд деб аташар, иккитаси эса қайси ўқишда ўқиши эсимдаям қолмаган. Улар ҳам каникулда пул ишлагани келишганди. Бир ҳафталик ишдан кейин уларнинг ҳамёни пулга тўлиб, бизнинг пулимиз қолмаганда, ўз ёнларидан ичкилик олиб беришарди. Йигитлар академик отпусклар, Жанубий Америкада ўтказилган таътиллар, Таиланддаги пиёда саёҳатлар ва хорижда ўтадиган стажировкалар ҳақида гаплашишарди. Биз уларни тинглар ва ичардик. Бир пайт синглим паб ёнидаги боғчага, бизлар чўзилиб ётган жойга мўралаб қолди. У билан учрашишни келишиб қўйганимиз эсимга тушди. Шунда мен унга: ота-онамизга ўттиз ёшга тўлганимда қайтишимни айтиб қўй, деб тайинладим. Бу гап ўшанда менга жуда кулгули бўлиб туюлганди. Катрина қошларини чимирганча, туёғини шиқиллатиб қолди. «Қизил шер» қалъаси сайёҳлар учун ёпилганидан кейин, бизлар қалъанинг лабиринтига жўнадик. Кимдир дарвозадан ошиб ўтиб, кичик эшикчани очди ва биз ичкарига кирдик. Бир-биримизни туртганча, ҳиҳилаган ҳолда лабиринтнинг марказигача бордик. У ерда ўткир олма шаробидан ичдик-да, қўлма-қўл ўтказганча, нашадан чекиб олдик. Осмондаги юлдузлар айланаётгандай, тагимдаги ер эса худди улкан кема каби чайқалаётгандек туюларди. Кимдир гитара чаларди. Менинг баланд пошналар туфлим қайгадир тушиб қолганди ва уни қидириб ётмадим. Мен ўзимни бутун оламнинг соҳибасидек ҳис қилардим.

Орадан ярим соат ўтганидан кейингина, бошқа қизлар келиб бўлганини пайқаб қолдим.

Орадан анча вақт ўтганида, осмондаги юлдузлар булутлар ортита беркингач, синглим мени лабиринт марказидан топиб келди. Аввал айтганимдай, у анча ақлли, эҳтимол, мендан ҳам ақлли қиз.

Мен билган одамлардан фақат угина лабиринтдан чиқиш йўлини топа олади.

\* \* \*

– Устимдан кулишингиз мумкин, мен кутубхонага ёзилдим.

Уилл ўзининг компакт-дисклари коллекциясини кўзлари билан кузатиб ўтирарди. У креслосида ўтирган кўйи менга ўгирилди ва мен унинг ичимлигини ушлагичга ўрнатишимни кутди.

– Наҳотки? Хўш, нималарни ўқияпсиз?

– Айтишга арзийдиган ҳеч нарса. Сизга ёқмаса керак. Шунчаки севги ҳикоялари. Аммо-лекин улар менга ёқади.

– Сиз менинг китобларимдан бирини ўқиган экансиз. – У стакандан ичди. – Мен касал ётган пайтимда.

– Ҳикояларними? Буни сезганингизга ишонгим келмайди.

– Сизмай нима? Сиз уни очиқлигича қолдирган бўлсангиз. Мен уни йиғиштириб ололмасам.

– Тушундим.

– Шундай экан ҳар балони ўқиб ётманг. Ўша китобни ўзингиз билан уйингизга олиб кетинг. Яхшиси, ўшаларни ўқинг.

Мен рад этмоқчи бўлдим, бунга сабаб тополмадим.

– Майли. Ўқиб бўлганимдан кейин қайтариб келаман.

– Кларк, менга мусиқа қўйиб беринг.

– Қайсисини?

Уилл дискнинг номини айтди ва кўзи билан қаерда турганлигини имо қилди.

– Менинг бир дўстим – симфоник оркестрда биринчи скрипкачи. У менга қўнғироқ қилди ва келаси ҳафта шу жойга яқин бир ерда, концерт беришларини айтди. Мана шу асарни чалишаркан. Бу мусиқани биласизми?

– Мен классик мусиқа ҳақида ҳеч нарса билмайман. Дадам ахён-ахёнда радиодан бериладиган классик мусиқаларни қўяди-ю...

– Сиз ҳеч қачон концертда бўлмаганмисиз?

– Йўқ. – (унинг ҳайрати бу гал жуда табиий туюлди.) – «Уэст-лайф» поп-гурӯҳи концертига борганман, аммо бу классикага кирмаса керак. Синглим таклиф қилганди. Кейин ўзимнинг йигирма иккинчи туғилган кунимда Робби Уилльямсга бормоқчи эдим, бироқ нимадандир заҳарланиб қолдим.

Уилл менга худди узоқ вақтлар ертўлага қамалиб қолган одамни кўргандек қаради. Авваллари ҳам кўпинча шунақа қарарди.

– Сиз ўша концертга тушишингиз керак. Дўстим менга чипталар таклиф қилди. Бу жуда зўр бўлади. Ойингизни ҳам бирга олиб тушинг.

– Сираям, – кулиб юбордим ва бош чайқадим. – Менинг ойим ҳеч ёққа чиқмайди. Бунинг устига бундай мусиқа менинг таъбимга мос эмас.

– Худди субтитрли фильмлардаги каби.

Мен унга қовоғимни уйиб қарадим. Бу ёрдам бермади. Кейин компакт-дискни кўйдим. Унга ўтирилиб қараганимда, Уилл бошини ирғашда давом этарди.

– Мен унақа концертда ўзимни ноқулай ҳис қиламан.

– Нимага?

– У ердагилар орасида оқ қарғага ўхшаб қоламан.

– Сизнингча, мен ўзимни қандай ҳис қиламан? – Биз бир-биримизга қараб қолдик. – Кларк, энди мен қаерга бормай, ҳамма менга оқ қарғани кўргандай қарайди.

Мусиқа бошланганидан кейин уни жимгина эшита бошладик. Уиллнинг отаси коридорда ким биландир телефон орқали гаплашар, қаердандир кулгу овози эшитиларди. Отчопардаги жувон: «Мажрӯҳлар учун ўтиш жойи нариги томонда»,– деганди. Худди Уилл бошқа бир биологик тоифага кирадигандек.

Мен диск жилдига қарадим:

– Агар сиз ҳам тушсангиз, мен ҳам борган бўлардим.

– Сиз ўзингиз ёлғиз бормайсиз.

– Ҳеч қачон.

Биз яна анчагача индамай ўтирдик.

– Сиз худди товонга кирган тиканга ўхшайсиз.

– Буни доимо такрорлаб келасиз.

\* \* \*

Бу сафарга ҳеч нарсани режалаштирмадим. Ҳеч нарсани кутмагандим ҳам. Мен пойгалардаги мағлубиятимдан кейин ҳам Уилл флигелни тарк этишга қодир, деган кучсизгина умидда эдим. Уиллнинг скрипкачи дўсти бепул чипталарни информацион брошюрага қўшиб жўнатганди. Залгача қирқ дақиқалик йўл эди. Йўлга тушишдан олдин кўнғироқ қилиб, мажруҳларга ажратилган автомобиль қўйиш майдончаси мавжудлиги, Уиллнинг аравачасини залга олиб кириш имкониятларини аниқлаштириб олдим. Ташкилотчилар аравачанни олд қаторга жойлаштириб, унинг ёнига мен учун тахланадиган стул қўйиб берадиган бўлишди.

– Бу энг яхши жой, – деди кассир аёл. – Оркестрнинг шундоққина ёнида, эшитимли. Бизнинг ўзимиз ҳам шу жойни танлаган бўлардик.

У автотураргоҳда кутиб олувчи қўйишини ҳам таклиф қилди-ю, Уиллга ортиқча эътибор хижолат келтиришини ўйлаб, буни рад қилдим.

Вақт кечга яқинлашаётганидан ким кўпроқ ҳаяжонга тушаётганлиги – Уиллми ёки менми билолмасдим. Мен отчопардаги саргузаштлардан кейин юрак олдириб қўйгандим. Миссис Трейнорнинг ўн марталаб флигелга келганча, концерт қаерда ва қачон бўлишини ҳамда биз у ерда нима қилишимизни суриштиравериши ўлганнинг устига тепгандек бўлди.

Уиллнинг кечки қаровлари кўп вақт талаб қилишидан огоҳлантирди. Кимдир унга ёрдам бериши лозим. Натаннинг бошқа ишлари бор. Мистер Трейнор ҳам кечки вақтини уйдан ташқарида ўтказишни режалаштирган.

– Кечки қаров нақ бир ярим соат вақтни олади, – деди у.

– Бунинг устига жуда жонга тегадиган, – қўшиб қўйди Уилл.

Уилл уйдан чиқмасликка баҳона излаётганлиги билиниб турарди.

– Мен барчасини қиламан, – деб юбордим, то нималарга рози бўлаётганимни ўзим ҳам англаб олмасдан. – Уилл нималар қилиш лозимлигини айтиб турса бас. Мен қолиб, ёрдам беришдан қочмайман.

Шундан кейин менинг олдимда қандай кийиниш муаммоси пайдо бўлди. Нима кийишни билмасдим.

Пойгага бораётганда кийинишда хатога йўл қўйгандим. Яна нотўғри кийинсам-чи?

Мен Уиллдан қандай кийим мос келишини сўраганимда, менга ажабланганча, қараб қўйди.

– Чироқ ўчирилган бўлади, – тушунтирди у. – Сизга ҳеч ким қарамайди. Хамминг эътибори мусиқа тинглашга қаратилади.

– Сиз аёлларни билмайсиз, – эътироз билдирдим мен.

Охир-оқибат тўрт хил кийимларни автобусда етказиб келдим.

Натан кечки сменага олти яримда ташриф буюрди. Уилл билан бандлигидан фойдаланиб, ваннахонага кирганча, либосларимни кийиб кўрдим. Мен дастлаб артистона либос – йирик қахрабо тошлар қадалган зангори кўйлагимни кийдим. Концертга тушган кишилар ёрқин ва артистларга монанд бўлишлари лозим, деб ҳисобладим. Сўнгра меҳмонхонага кирганимда, Уилл билан Натан менга серрайиб қараб қолишди.

– Йўқ, – деди қуруққина Уилл.

– Менинг ойим шунақа кийинган бўларди, – қўшиб қўйди Натан.

Эркакларнинг киноя-қочиримларидан кейин, мен яна ваннахонага қайтдим.

Иккинчи либосим – сипо қора кўйлак бўлиб, унга оқ ёқа ва манжутларни қўшиб, ўзим тиккандим. У паришча урфни эслатиши керак эди.

– Бизга музқаймоқ тарқатмоқчимисиз? – сўради Уилл.

– Ажойиб оқсоч, дўстгинам, – уни қувватлади Натан. – Бу кўйлакни кўпроқ кундузи кийгин. Мен жиддий айтяпман.

– Сен ундан плинтусларни артиб чиқишни сўрагин, – киноя қилди Уилл.

– Ҳа, улар анча чанг босган.

– Эртага иккалангнинг ҳам чойингга сурги дори қўшиб бераман, – дедим жаҳлим чиқиб.

Учинчи рақамли либос – кенг пойчали шимларни дарҳол ҳисобдан чиқариб ташлаб, тўртинчи либосим – тўқ қизил ипак кўйлагимни кийдим. Елкамга кумушранг болеро ташлаб, кўксимни беркитиш учун кулранг ипак шарфни бўйнимга ўрадим. Лабимни кўйлагимга мослаб бўяганча, меҳмонхонага отилиб чиқдим.

– Уни қара! – хитоб қилди Натан тан бергандай.

Уилл менинг кўйлагимни нигоҳи билан баҳолади. Шунда унинг пиджак ва кўйлак кийганини пайқадим. Эндигина қирилган юзи, тарашланган сочлари уни жуда кўзга яқин йи-



гитга айлантирганди. Мен унга табассум қилдим. Гап унинг қандай кўринишида эмас, балки бунга иштиёқи борлигида эди.

– Жуда кечабоп экан, – деди Уилл ва қўшиб қўйди: – Болерони олиб ташлаш керак.

Мен елкамдан болерони ечиб, стул суянчиғига илиб қўйдим.

Натан сумкага нарсаларни жойлаштириш учун чиқиб кетди. Мен Уиллга ўгирилган пайтим у мендан кўз узмай турганлигини кўриб қолдим.

– Кларк, сиз жуда ажойиб кўриняпсиз, – деди секингина Уилл. – Ҳақиқатан ҳам.

\* \* \*

Биз – сиполарча кийинган кишилар кичик-кичик гуруҳларга бўлинганча, бир қўлларида сумка ва дастурни ушлаган, бошқасида ичимлик бокаллари тутган ҳолда туришган, симфоник зал фойесидан уларнинг сезилар-сезилмас эътиборлари оралаб ўтиб бордик. Уилл бу нигоҳларни пайқади ё йўқ билмадим, бу ўринда у ўзини ҳеч нарсани кўрмаётган каби тутар эди.

Биз ўзимизга ажратилган жой – залнинг энг биринчи қаторидан олдинроқдаги очиқ майдонни эгалладик. Ўнг томонимизда яна бир эркак ўз аравачасида ўтирганча, икки ёнида ўтирган аёл билан қувноқ суҳбат қуради. Мен уларни кузатаркан, Уилл ҳам уларни кўраяпти, деган умидда эдим. Аммо у ҳеч кимга кўринмасликка урингандай, бўйнини кифтларига тортиб олган, фақат олдинга тикилиб ўтирарди.

«Бугун ҳам бир нарса чиқмайди», – деди ички овозим.

– Сизга бирор нарса керакми? – шивирладим унга.

– Йўқ, – дея ютинди у. – Умуман олганда, ҳа. Бўйнимга нимадир ботаяпти.

Мен эгилган кўйи унинг ёқасига қўл солиб, олиб ташланмаган нейлон ёрликни топдим. Уни секингина узиб олмоқчи бўлгандим – бундан ҳеч нарса чиқмади.

– Янги кўйлак экан. Сизга ноқулайлик туғдираптими?

– Йўқ. Мен шунчаки ҳазиллашгим келди, – чақиб олди Уилл.

– Сумкамизда қайчи бўлса керак?

– Билмадим, Кларк. Тўғриси, мен гоҳи-гоҳидагина уни ўзим тўлдириб оламан.

Сумкада қайчи йўқ эди. Мен томошабинлар тарафга ўгирилдим, улар энди-энди жой-жойларини эгаллар, шивир-шивир қилишар ва қўлларидаги дастурларни кўриб чиқишарди. Агар Уилл тинчланмаса ёки эътиборини мусиқага жамламаса, бугунги кеча унга татимайди. Мен бунга йўл қўя олмасдим.

– Қимирламай туринг, – буюрдим мен.

– Нима...

У гапининг сўроғини яқунлашга улгурмай, мен унинг ёқасини бўйнидан берироққа тортиб, олд тишларим билан ёрлик ипини ғажиганча, узиб олишимга бир неча сония кифоя қилди.

– Бўлди. – Мен ғолибларча оғзимдан узиб олинган ёрликни чиқариб, ўриндиқ тагига ташладим. Уилл бошини мен томон бурди. – Нима? Мен ортимга ўгирилдим ва шу заҳоти бир неча томошабинлар қўлларидаги дастурларга тикилиб олишганини кўрдим. Кейин Уиллга ўгирилдим. – Нима бўпти, шу пайтгача йигитнинг ёқасини чайнаган қизни кўришмаган эканми?

Мен кўйлагимни тўғрилаб олдим.

– Нима бўлганда ҳам, – қўшиб қўйдим. – Ёрлик шимингда бўлмаганига қувонишимиз керак.

У жавоб беришга оғиз жуфтлаб улгурмасидан, смокинг билан тантанали либослардаги оркестрантлар чиқиб келишди ва томошабинлар жим бўлиб қолишди. Мени енгилгина титроқ ўз исканжасига олди. Чолғучилар асбобларини бирмабир созлай бошлади ва зал бирдан ягона оҳангга чулғанди. Мен ҳеч қачон бундай сеҳрга дуч келмаган эдим.

Уилл менга кўз қирини ташлади, унинг юзида қувонч шуълалари порлаб турарди. «Ажойиб, – дерди у гўё. – Биз бундан бир олам лаззат оламиз».

Дирижёр олдинга чиқди-да, таёқчаси билан пюпитрга икки марта урди. Бир зумда залга мутлоқ сукунат чўкди. Томошабинларнинг бор вужуди қулоққа айланганлигини ҳис қилиб турардим. Кейин у таёқчасини пастга туширган пайт, ҳамма ёқ тоза оҳангга бурканди. Мен мусиқани худди ушлаб кўрса бўладиган нарсадек ҳис қилардим. Оҳанглар гўё қулоғимгагина эмас, балки юрагимга оқиб кирар, ундан тошганча, зални тўлдирарди. Баданимга чумоли ўрмалаган сингари, кафтларимгача тер босди. Бошида бу ерда зерикиб кетсам керак, деб ўйлагандим. Чунки шу пайтгача бундан бошқа ажойиб нарсани эшитмаганман.

Чиндан ҳам мусиқа менинг тасаввурларимни уйғотиб, кўп йиллардан бери эсланмаган нарсаларимни ёдимга солди, унут бўлиб кетган ҳиссиётлар янги туйғуларни четга суриб, мени ўз оғушига олди. Кўйиб берса ушбу залда мангу ўтиришга ҳам тайёр эдим. Мен Уиллга ўғринча қараб олдим. У озод ва музаффар ҳолда ўтирарди. Ахир ким бўлибман-ки, бундан кейин унга қандай яшаш кераклигини кўрсатсам?

Уиллнинг дўсти концертдан сўнг парда ортида учрашишга таклиф қилиб, қоғозча қолдирганди, аммо Уилл буни хоҳламади. Мен унинг бу қароридан қайтармоқчи бўлдим, лекин кўтарилган иягига қараб, бунинг иложи йўқлигини англадим. Шу лаҳзада уни айблай олмасдим. Мен бирга ишлаган ҳамкорининг Уиллга ачиниш, жирканиш ва бундай тақдир ўзини четлаб ўтганидан, пинҳон енгиллик тортгани туфайли аралашган нигоҳ билан қараганлигини кўргандим. Ўйлашимча, Уилл бундай учрашувлардан аллақачон тўйиб кетган.

Томошабинлар тарқалиб бўлишини кутдик ва шундан кейин Уиллнинг аравачасини лифтга ҳайдаб бориб, автолар турадиган майдончага тушдик. Бу сафар ҳеч қандай қийинчиликсиз машинамизга ҳам чиқиб олдик. Мен ҳеч нарса демасдан борардим, хаёлимда ҳамон мусиқа янграр ва у тўхтаб қолишини истамасдим. Мусиқа чор-атрофда ўз изларини қолдира олади, сен эса ундан бирор бир қисмини ўзинг билан ола кетасан. Залда ўтирган пайтимда мен бир муддат Уиллнинг борлигиниям унутиб қўйгандим.

Биз флигел ёнида тўхтадик. Деворнинг тепа қисмидан ой ёритиб турган тепалик ва қалъа кўриниб турарди.

– Демак, классик мусиқа сиз учунмас.

Мен орқани кўрсатадиган ойнага қарадим. Уилл жилмаярди.

– Менга сираям ёқмади.

– Буни сездим.

– Менга, айниқса, охирги қисмидаги скрипканинг оркестрсиз ижро этилиши умуман ёқмади.

– Мен ҳам шу қисми сизга ёқмаганлигини сездим. Ҳатто кўзларингиз нафрат ёшларига тўлганлигини ҳам пайқадим.

Мен жавобан заҳарханда қилдим.

– Менга концерт ўлгудек ёқди, – тан олдим мен. – Классик мусиқанинг ҳаммаси ёқмасдиру, аммо айнан мана шуниси жуда ажойиб экан. Таклиф қилганингиз учун катта раҳмат.

Биз жим ўтирганча, қалъага тикилиб ўтирдик. Уни тунги пайтлар атрофидаги зарғалдоқ нурли чироқлар ёритарди. Бугун эса фақат ойнанинг сеҳрли ёғдуси чулғаб олганди.

– Қалъада ҳам бир пайтлар мусиқа чалишган бўлсалар керак, – дедим Уиллга.

– Қалъадами? Ўрта асрлар мусиқасини чалишган. Найлар ва торли чолғуларни. Менда ўрта асрлар мусиқасига оид ёзувлар бор, уларни унчалар ёқтирмасам-да, бироқ сиз учун бериб туришим мумкин. Қалъани айланган пайтингиз уларни қулоқчин орқали эшитиб кўрарсиз.

– Йўқ, мен қалъани кезмоқчи эмасман.

– Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидай, ёнимиздаги ажойиб нарсаларни сезмай ўтиб кетамиз.

– Майли, – мен хавфсизлик камарини ечдим. – Уйга киримиз. Кечки қаровни бошлайлик.

– Кларк, яна озгина шошманг.

Мен Уиллга ўгирилдим. Унинг юзини қоронғиликда бўлганлиги учун яхши кўра олмадим.

– Бир дақиқа, холос.

– Бирор нарса бўлдими? – Мен унинг бирор жойи қисилиб қолдимикин ё бирор нарсани нотўғри бажардимми, деган ҳадикда аравачага қарадим.

– Ҳаммаси жойида, мен фақат...

Унинг оқиш ёқаси тўқ тусли пиджагига қарама-қарши тарзда ўтиришганди.

– Уйга киргим келмаяпти. Яна бироз ўтиргим... – у қулт этиб ютинди. – Шунчаки ўзимни... қизил кўйлакли қизни концертга олиб тушган эркакдек ҳис қилмоқчиман. Бир дақиқа шошманг.

– Албатта. – Мен эшик тутқичини туширдим.

Сўнгра... кўзларимни оҳиста юмдим-да, бошимни ўриндиққа ташладим ва биз яна бир неча дақиқа қимир этмай ўтирдик.

\* \* \*

Биз синглим иккимиз ўша кечаси лабиринтда нима бўлганлигини ҳеч кимга айтмагандик. У мени кучоқлади, кийимларимни йиғишга ёрдам берди, баланд ўсган ўтлар орасидан туфлиларимни беҳуда ахтариб тополмади. Ўзим ҳам уларни бошқа киймоқчи эмасдим. Биз шошилмасдан уйга жўнадик. Мен оёқяланг борар, синглим эса биринчи синфга

катнаганида онамнинг тайинлашига кўра, уни доим етаклаб юрганимдек, мени қўлтиқлаб олганди.

Уйга етиб келгач, айвончада бироз тин олдик, синглим нам салфетка билан сочларим ва кўзларимни артиб чиққанидан кейин, худди ҳеч нарса юз бермагандек уйга кирдик.

Дадам ҳали ҳам ухламай, қандайдир футбол мусобақасини томоша қилаётганди.

– Намунча кеч, қизларим! – бақирди у. – Тушунаман, бугун жума, аммо...

– Ҳа, шунақа, – дедик бараварига.

Ўша пайтларда ҳозир бобом жойлашган алоҳида хона менга тегишли эди. Мен тезда юқорига кўтарилдим ва синглим сўзга оғиз очишига улгурмай, эшикни ёпиб олдим.

Кейинги ҳафта сочларимни кесиб ташладим. Австралияга учишимни бекор қилиб, чиптадан воз кечдим. Эски мактабимдаги қизлар билан бирга сайр қилишни бас қилдим. Ойим шундоғам оила ташвишларига кўмилгани учун, ҳеч нарсани сезмади. Дадам эса менинг уйга қамалиб олишларимни «аёлларга хос инжиқлик» ларга йўйиб қўя қолди. Мен ўз-ўзимни тадқиқ қилдим. Ахир сираям нотанишлар билан бирга ичадиган енгилтак қизча эмасдим. Шундан кейин очиқ-сочиқ кийинишларга умуман чек қўйдим.

Ҳаёт ўз измига тушди. Мен аввал сартарошхонада, сўнгра «Сарёғли кулчалар» қаҳвахонасида иш топдим.

Ўшандан бери ҳам қалъа ёнидан беш минг маротаба ўтгандирман.

Аммо ўша лабиринтда бирор марта бўлмаганман, деганимга ҳеч ким ишонмайди.

**П**атрик югуриш йўлагининг четида жойида турганча, бир маромда сакрарди. Унинг янги футболкаси билан «Найк» шортиги терлаган баданига енгилгина ёпишганди. Мен унга бугун кечки пайт пабдаги «Учкураш титанлари» учрашувига келолмаслигимни айтиш учун бирровга келгандим. Натан қайгадир кетган ва мен кечки қаровда унинг ўрнига қолишга сўз бериб қўйганман.

– Шу билан сен учинчи маротаба учрашувга келмаяпсан.

– Наҳотки? – Мен бармоқларимда санаб кўрдим. – Ха, шунақага ўхшайди.

– Кейингисида, албатта, келишинг шарт. Биз биргаликда «Викинг экстрим»га боришни муҳокама қилиб оламиз. Айтгандай, сен туғилган кунингга нималарни режалаштираётганинг ҳақида айтмадинг. – Патрик пай чўзиш машқларига киришганди ва тиззаларини баланд кўтариб, кўксига теккиза бошлади. – Кинога борармиз? Машғулотлар пайтида бўкиб ейиш зарарли-ку.

– Э-э... Ота-онам байрам зиёфати беришмоқчилар.

У товонларидан ушлаб туриб, тиззаларини ерга қаратди.

Мен унинг оёқлари ғайритабиий равишда сертомир бўлиб кетганлигига эътибор бердим.

– Бу романтик кечага сира мос тушмайди.

– Кинотеатр ҳам шунақа. Бунга кўнмасдан иложим йўқ, Патрик. Ойим кейинги пайтлар анчайин асабий бўлиб қолган.

Катрина менинг эҳтиёткорлигим сабабли сақлаб қолганим – лимон сурати солинган пардоз қутимни ололмай, ўқишига кетган эди. Ойим синглим университетга биринчи бор топширган пайтларидан кўра ҳам кўпроқ хавотир олмоқда. Негаки, у невараси Томасни соғинаяпти. Унинг меҳмонхонада доимо сочилиб ётадиган ўйинчоқлари энди йиғиштирилиб, қутига солинган ва бир четга олиб қўйилганди. Буфетда турадиган шоколадли таёқчалар-у, шарбатли қутичалар ҳам энди кўринмасди. Ойим ҳозир уни мактабга олиб бориб келмасди. Ойимга бу қатновлар ташқарига чиқиши учун оддий баҳона

эди. Дадам билан ҳафтада бир маротаба супермаркетга бориб, келишини айтмаса, энди кун бўйи уй қамоғида яшарди.

Ойимни қўли уч кун ишга бормасдан, паришонхотир бўлиб юрди-ю, кейин ҳатто бобомни ҳам кўрқитиб юборадиган даражада босган чангларни кўриб, баҳорий уй кўтаришга киришди. Бобом ўзи ўтирган кресло остини чангюткич билан тозаламоқчи ёки супургича билан елкаларига қўнган чангларни слпимоқчи бўлганида, ойимга бир нарсалар деганча, қаршилик кўрсатарди. Катрина ўғли Томас то янги жойга ўрганиб кетмагунича, бир неча ҳафта келмай туриши ҳақида огоҳлантириб кетганди. Баъзан телефон қилган пайти, ойим улар билан гаплашар, кейин ярим соатча ўз хонасида йиғлаб ўтирарди.

– Луиза, кейинги вақтларда сен ишдан жуда кеч қайтаяпсан. Сени деярли кўрмаяпман, – деди Патрик.

– Ўзинг эса доим машғулотлардасан. Нима бўлганида ҳам, кўшимча вақт учун яхшигина ҳақ тўлашаяпти.

Патрик бунга қарши ҳеч нарса дея олмади.

Ҳақиқатан, шу пайтгача бунчалар кўп пул ишлаб топмагандим. Мен ота-онамга икки баробар кўп пул берардим, ҳар ой яна орттирганларимни омонат ҳисобига кўяр, шунда ҳам қўлимда сарфлашимдан кўра кўпроқ пул қоларди. Гап шундаки, Гранта-хаусда ишлашга кўп вақт сарфлаганим учун, қайтаётганимда ҳамма дўконлар ёпилиб бўлар, ўринсиз пул сарфлашимга ҳожат қолмасди. Бундан ташқари ўзим ҳам нима учундир пул йиғишга қизиқиб қолгандим. Бўш пайтларимни асосан кутубхонада, интернетдан керакли маълумотларни излаш билан ўтказардим.

Кутубхона компьютери менга қат-қат сирларга бой бутун бир оламни очганди.

Ҳаммаси миннатдорчилик мактубидан бошланди. Концертдан бирор ҳафта ўтгач, Уиллга кўнглимдаги ниятни, яъни унинг скрипкачи дўстига раҳмат, деб қўйиш кераклигини айтдим.

– Мен бу ёққа келаётим, чиройли откритка сотиб олдим, – дедим унга. – Нима ёзиш кераклигини айтиб турсангиз бас.

– Керак эмас, – деди Уилл.

– Нима?

– Эшитганингиз.

– Керак эмас? Дўстингиз мўътабар меҳмонлар учун аталган биринчи қатордан жой берди. Ўзингиз концерт жуда зўр

ўтди, дегандингиз. Шуларнинг ўзи ташаккур билдиришга арзимайдими?

Уиллнинг тик кўтарилган ияги қимир этмасди.

Мен ручкани четга қўйдим.

– Бошқалар сизга хизмат кўрсатишига ўрганиб қолганингиздан, уларга раҳмат айтишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайсизми?

– Кларк, сизнинг ўрнингизга бошқа одам ёзиши қанчалар ғашга тегишини билмайсиз-да.

– Наҳотки? Бунинг ҳеч нарса демасликдан кўра яхшилиги равшан-ку, – дедим мен. – Сиз буни хоҳлайсизми-йўқми, мен барибир ташаккурномани ёзаман. Майли, номларимизни кўрсатиб ўтириш шарт эмасдир.

Мен ташаккурнома ёздим-у, почтадан жўнатдим. Бу ҳақда бошқа Уиллга гапириб ётмадим. Аммо ўша кеча Уиллнинг гаплари хаёлимдан кетмади ва йўл усти кутубхонасига бориб қолдим. Бўш компьютер олдига ўтириб, интернетга уландим. Мен Уиллнинг ўзи мустақил тарзда ёза оладиган қурилмани топишга умид қилардим. Бир соатдан кейин эса, шунақаларнинг нақ учтасини топдим: нутққа биноан ёзадиган, кўзни очиб-юмишга биноан ёзадиган ва бошга кийилиб, таёқча билан уриш орқали хат ёза оладиган қурилмалардан бирини танлашим керак эди.

Кутганимдек, бошга кийиладиган қурилма ҳақида эшитганида, Уиллнинг юзи буришиб кетди. Нутққа биноан ишлайдигани дастур унга маъқул келди ва Натан билан уни компьютерга ўрнатдик. Айни вақтда биз компьютер столчасини аравачага мослаштириб қўйдик. Уилл энди бировдан клавиатурада ёзишни сўрамайдиган бўлди. Бошланишида мен ундан: «Салом, мисс Кларк» дея ёзишни сўраганимда, у уялгандай бўлди-ю, аммо буни бемалол уддалади.

Ҳатто миссис Трейнор ҳам бунга эътироз билдира олмади.

– Агар сиз яна шунга ўхшаш фойдали ускуна топсангиз, – деди у қандайдир ғаразли мақсадни топадигандек. – Аввал мен билан маслаҳатлашинг.

Орадан уч кун ўтганидан сўнг, почтальон менга хат тутқазди. Мен автобусда уни бирорта қариндошимиздан келган бўлса керак, дея очиб кўрдим. Жилдан компьютерда терилган матн чиқди.

Қадрли Кларк!



Мен сиз ўйлаганчалик ношукур эмасман. Сизнинг ҳаракатларингизни қадрлайман.

Раҳмат.

Уилл.

Мен бундан овоз чиқарганча, кулиб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Ҳайратланган ҳайдовчи мендан: – «Лотереянига ютуқ чиқдимми?» – дея сўради.

Мен ўз кийимларимни коридордаги шкафда сақлаганча, кўп йиллар каталақдай хонада яшаб келганим учун, Катринанинг хонаси менга маликаларнинг саройидек туюларди. Мен биринчи кечадаёқ, қўлларим бир пайтнинг ўзида иккала деворга ҳам тегмаслигидан лаззатланганча, кенг ёйган ҳолда жойимда айлана бошладим. Сўнгра хўжалик дўконига бориб бўёқ ва жалюзлар, каравот ёнига тунчироқ ҳамда бир неча токчалар сотиб олдим. Бу ишларга усталигимданмас, шунчаки қўлимдан нималар келишини билишни истардим.

Ишдан қайтганимдан сўнг, бирор соатдан вақт ажратиб, хонамни таъмирлаб олганимни кўрган дадам ҳам ишимга тан берди. У девор бурчаклари қандай бўялганлиги, мен осган жалюзларнинг мустаҳкамлигини бирма-бир тешириб чиққач, елкамга қоқиб қўйди:

– Баракалла, Лу.

Мен келиб қоладиган бирорта меҳмон учун янги момиқ одеял ва ёпинчиқ, учта катта ёстиқлар харид қилдим. Аммо шу пайтгача ҳеч ким меҳмонга келгани йўқ. Тепада олиғлиқ турган календарни олиб тушдим-да, бу эшикка маҳкамладим.

Мен ҳар куни ишга бораркан, Уиллни яна қаерга олиб борса бўларкан, дея ўйлардим. Жуда узоқни кўзлаган режалар йўқ эди. Шунчаки уни яхши ҳолатда сақлаш ва кўпроқ хурсанд қилишни хоҳлардим. Унинг оёқ-қўллари қичишган ёки бирор инфекцияга чалингани туфайли каравотида ётган кунлари – энг оғир кунлар эди. Лекин бошқа яхши кунларда, мен уни баҳорнинг сахий қуёши остида сайрларга олиб чиқар эдим. Уилл бошқаларнинг ачиниб қарабини ёқтирмаганлиги учун чиройли ва хилват ерларга бориб, бирор соат ёлғиз қолардик.

– Менинг йигитим сиз билан танишмоқчи, – дедим бир куни Уиллга, пишлоқли ва турли тузламали сэндвичдан бурдалар узиб берганча.

Биз ўша куни шаҳардан анча олисроққа кетгандик. Олисдан туриб орқада қолган қалъа ва орадаги яйловларда ёйилиб юрган қўйлар сурувини томоша қилардик.

– Нима учун?  
– У кечки пайтларни ким билан ўтказаетганимни кўрмоқчи.

Бундан Уилл ғайритабиий равишда хурсанд бўлди.

– Чопагонми?

– Ота-онам ҳам.

– Қиз бола мени ота-онасига кўрсатишни исташи сал кўрқинчли. Айтгандай, онангиз қалай?

– Ўша-ўша.

– Дадангизнинг иши нима бўлди? Янгилик борми?

– Йўқ. Энди унга: «Кейинги ҳафтада», дейишмоқда. Улар сизни жума кечаси ўтказиладиган туғилган кунимга таклиф қилишмоқчи. Оилавий зиёфат. Фақат энг яқинлар. Мен... Сиз буни хоҳламаслигингизни айтдим.

– Мен буни хоҳламаслигимни қаёқдан олдингиз?

– Сиз нотанишларни ёмон кўришингизни наҳотки билмасам экан. Биринчидан, сизга бошқаларнинг олдида овқатланиш ёқмайди. Иккинчидан, сизни менинг йигитимни кўргани кўзингиз йўқ.

Мен унинг нозик жойини топгандим. Уиллни бирор иш қилишга мажбур қилиш учун, унга бу иш ёқмаслигини айтиш кифоя эди. Унда ҳалиям айтилганни тескарисини қилиш ёки аччиқма-аччиқ иш тутиш хислати бор эди.

Уилл бир дақиқача чайнаиб ўтирди.

– Йўқ. Мен сизнинг туғилган кунингизга бораман. Онангизнинг ҳақи-ҳурмати учун.

– Чинданми? Ойимга зўр иш топилди. Энди у уйни бир бошдан артиб-суртиб чиқади.

– У чиндан ҳам ўз онангизми? Ҳар қалай қондошлик ришталари бордир? Кларк, сэндвичдан беринг. Шўр бодрингчалардан кўпроқ кўшинг.

Ойим мажруҳ меҳмон ташрифи кутилаётгани ҳақидаги хабардан ваҳимага тушиб қолди. У юзини қўллари билан беркитиб олди ва худди бир неча дақиқадан кейин келиб қоладигандек, буфетдаги тарелкаларнинг жойини ўзгартиришга тушиб кетди.

– Уни ҳожатга чиққиси келиб қолса-чи? Биринчи қаватда ҳожатхонамиз йўқ-ку. Даданг уни иккинчи қаватга олиб чиқолмаса. Мен-ку ёрдам кўрсатишим мумкин-у, аммо бегона эркакка қўл теккизиш... Балки Патрик кўмаклашар?

– Бундан хавотирланмасанг ҳам бўлади.

– Таом-чи? Унга майдалаб бериш керакми? Ҳамма нарса-ни ейверади ми?

– Шунчаки бўлаклар оғзига солиб қўйилади, холос.

– Буни ким қилади?

– Мен. Ваҳимага тушмасанг-чи, ойи. У сенга ёқади.

Шунга келишдик. Натан кечқурун уни бизникига ташлаб ўтадиган ва икки соатдан кейин кечки қаровга олиб кетадиган бўлди. Мен йигитларга ўз ёрдамимни таклиф қилганимда, улар туғилган куним шарофати билан «дам олишим» лозимлигини уқтиришди.

Кечки соат етти яримда Натан билан Уилл эшигимиз олдида туришарди. Уилл чиройли кўйлак ва пиджак кийиб олганди.

– Салом.

Дадам менинг ортимдан пойгаҳга чиқиб келди.

– Келинлар-келинлар! Хўш, пандус қандай чиқибди? – У куни билан айвончага, аравача чиқиши учун ДСПдан пандус ясаганди.

Натан Уиллнинг креслосини торгина пойгаҳга итариб киритди.

– Жуда яхши, – жавоб берди Натан. – Мен шифохоналарда бундан ёмон пандусларга дуч келганман.

– Бернард Кларк. – дадам Натаннинг қўлларини сиқди ва кейин Уиллга узатди-ю, ўша заҳоти қизарганча, кафтларини қайтариб олди. – Бернард. Узр... мен ... сиз... – у тутила бошлади.

– Таъзим бажо қилсангиз етарли.

Дадам Уиллга бақрайиб қолди ва унинг ҳазиллашаётганини англагач, хахолаб кулиб юборди.

– Ҳо-ҳо! – Дадам Уиллнинг елкасига қоқиб қўйди. – Таъзим бажо қилиш... Ҳо-ҳо-ҳо!

Бу кулгу орадаги ноқулайликни йўққа чиқарди. Натан қўлларини силкита-силкита чиқиб кетди ва мен Уиллнинг аравачасини ошхонага киритиб қўйдим. Бахтимга ойим кастрюл билан овора бўлганлигидан, ҳаяжонланаётгани сезилмай турарди.

– Уилл, бу ойим Жозефина.

– Мени Жози десангиз ҳам бўлаверади, – деди ойим оғзи қулогига етганча. У қўлларига тирсагигача етадиган ошхона қўлқопи кийиб олганди. – Ниҳоят, сиз билан танишганимдан хурсандман, Уилл.

– Мен ҳам, – жавоб берди у. – Сизга халал бергим йўқ.

Ойим кастрюлни оловга қўйди ва қўли қўлқопдалигини унутди шекилли, сочларини тўғрилашга тушди.

– Кечирасиз, қовурдоққа уннаётгандим, – деди у. – Вақтида улгуришим керак, ўзингиз тушунасиз-ку.

– Йўқ, тушунмайман, – деди Уилл. – Чунки овқат пиширишни билмайман. Аммо ширин таомни жон деб, тановул қилишим мумкин. Бугунги кечани интиқ бўлиб кутганим рост.

– Шундай қилиб... – Дадам музлаткични очди. – Буни биз қандай қиламиз? Уилл сизнинг... пиво учун махсус кружкангиз борми?

Мен Уиллнинг сумкасидан аравача тутқичига мосланган стаканчани олдим.

– Пивонинг ўзи етарли. Раҳмат.

Уилл найча орқали пиво ича бошлади. Мен эса деворлари саксонинчи йиллар гулқоғози билан ясатилган ва кўп жойи кўчиб кетган ошхона шкафларига эга уйимизнинг хароблигидан уялиб бошлагандим. Уиллнинг уйи қасрга монанд эди. Бизнинг уйимиздаги нарсаларнинг бари арзонлаштирилган дўкондан олинганга ўхшарди. Деворда Томаснинг четлари қайрилган суратларидан бўш жойнинг ўзи йўқ эди. Уилл дадам билан тезда умумий, яъни менинг уқувсизлигим ҳақида тил топишиб олишди. Майли, менга нима.

– Биласизми, бир куни у фургонни орқага ҳайдаб, дарахтга урилганидан кейин, айбни дарахтга тўнкаб ўтирибди.

– У менинг пандусимни қандай ерга туширишини кўрсангиз эди. Мен худди трамплиндан тушаётганга ўхшайман.

Дадам хахолаб, кулиб юборди.

Мен уларни ёлғиз қолдирдим. Ойим бизлардан хавотир олдим, қўлларида бокалли баркаш билан чиқиб келди ва соатга қаради.

– Патрик қани?

– У машғулотдан чиқиб келмоқчи эди, – жавоб бердим мен. – Менимча, ушланиб қолган бўлса керак.

– Туғилган кунингда машғулотини четга суриб қўйсаям бўларди. У ҳозир етиб келмаса, товуғим куйиб кетади.

– Ойи, ҳаммаси яхши бўлади.

Ойим баркашни қўйишини кутдим ва кейин уни кучоқлаб олдим. У кучли хавотир туфайли тахта бўлиб қолгандай эди.

Бирдан мени унга нисбатан ачиниш туйғуси қамраб олди. Она бўлиш қийин бўлса керак.

– Ишонавер, ҳаммаси жойида бўлади.

Ойим қучоғимдан чиқиб, чаккамдан ўпиб қўйди ва қўллари пешбандига артди.

– Афсус, синглинг уйдамас. Унингсиз нишонлашимиз, қандайдир татимайроқ турибди.

Менга эса бундай туюлмаётганди. Бир марта бўлса-да, ўзимни диққат марказида кўришим ва бундан лаззатланишим мумкинми? Бу болаларнинг гапидек эшитилиши мумкин, аммо ҳақиқатан ҳам шуни хоҳлаётгандим. Дадам билан Уиллнинг устимдан кулишаётганлари ҳам менга ёқаётганди. Барча таомлар – товук кабобу шоколадли муссгача мен ёқтирган таомлар эди. Синглимга қиёсланиб эмас, балки ўз ўзимлигимча қолгим келарди.

Кўнғироқ жиринглади ва ойим чапак чалиб юборди:

– Мана у ҳам келди. Лу, тез дастурхонни тузат.

Патрик ҳалиям югуриш йўлакчаларидаги машғулотдан орттирган қизиллигини йўқотмаганди.

– Миттивой, туғилган кунинг билан. – У мени ўпиш учун эгилди.

– Яхшиси, сен уйга ўт, – дея уни меҳмонхона томонга имо қилдим. – Ойим эсидан оғай деяпти – товуғи куйиб кетиши мумкин.

– Вой! – У соатига қаради. – Узр. Вақт ҳисобини унутибман.

Дадам катта сурма столни меҳмонхонага олиб кирди. Мен Уиллнинг аравачасини ёнимизга келтириш учун, диванни бошқа томонга сурдирдим-да, Уиллнинг чап томонига ўтирдим, Патрик эса унга қарама-қарши томонга жойлашди. У бобом ва бошқалар билан бош ирғаганча кўришди. Хар қалай, Патрикни Уилл билан қўл бериб кўришмаслиги ҳақида огоҳлантирдим. Уилл Патрикни зимдан кузатаётганлигини ҳис қилдим ва у ота-онамга ёққанчалик, Патрикка ҳам ёқишга ҳаракат қилармикан, дея бир лаҳза ўйлаб қолдим.

Уилл мен томонга бошини эгди:

– Креслонинг орқа томонига қўл тикинг, у ерда зиёфат учун бир нарса бор.

Мен орқароққа эгилиб, Уиллнинг креслоси ортидаги сумкага қўл солиб, ундан «Лоран-Перье» шампан шишасини чиқардим.

– Туғилган кун шаробсиз татимаса керак, – деди у.

– Буни қаранг, – хитоб қилди ойим тарелкаларни олиб кидаркан. – Қандай ажойиб! Аммо бизда шароб учун бокалларимиз йўқ.

– Мана булар ҳам бўлаверади, – деди Уилл.

– Мен очаман, – Патрик шишани қўлига олиб, симини ечди ва бош бармоғини тикинга босди. Гўё Уиллнинг ўрнида бутунлай бошқа одамни кўришни кутгандай, ҳар доим ундан кўзини узмасди.

– Бундай қилсангиз ҳамма ёққа шаробни сачратиб ташлайсиз, – деди Уилл. У қўлини сал кўтарди ва кафтини очди.

– Сиз тикинни маҳкам ушлаб, шишанинг ўзини айлантинг.

– Сиз уста экансиз! – деди дадам. – Патрик шунақа қила қол.

– Ўзим ҳам шунақа қилмоқчийдим, – деди Патрик.

Шиша эсон-омон очиб олинди ва бокалларга қуйилди. Ҳаммамиз менинг туғилган куним шарафига кўтариб юбордик.

Бобом: «Гапирсин!» – дегандек ғўлдиради.

Мен ўрнимдан турдим ва таъзим қилдим. Қизиғи шундаки, олтмишинчи йилларда урф бўлган ва хайрия магазинидан сотиб олинган калта сариқ кўйлақда эдим.

– Ниҳоят, бизнинг Лу бу йил анча ўсса керак, – деди дадам. – Яъни у ҳаёт тарзини ўзгартирса керак, демоқчийдим. Уилл, Луизамиз сизларникида ишлай бошлаганидан бери ... қобиғини ёриб чиққандай бўлди.

– Биз жуда фахрланамиз, – гапга қўшилди ойим. – Сизлардан миннатдормиз. Уни ёллаганларинг учун.

– Қайтага мен миннатдор бўлишим керак, – Уилл менга қиё ташлади.

– Лу учун, – деди дадам. – Унинг муваффақиятлари учун.

– Бу ерда иштирок этолмаётган оила аъзоларимиз учун, – деди ойим.

– Мана буниси зўр! – дедим мен. – Туғилган кунимни тез-тез ўтказиб туриш керак экан. Кўпинча мени камситишгани камситишган эди.

Сухбатимиз жонланиб кетди. Дадам мен билан боғлиқ навбатдаги воқеани айтиб берди ва ойим иккиси қаҳ-қаҳ уришди. Уларнинг яйраб кулишаётганлигини кўриш жуда ёқимли эди. Дадам кейинги пайтлар жуда ҳорғин кўринар, ойимнинг эса кўзлари шишиб, хаёли ўзидамасди. Ота-онам

Ўз муаммоларини унутганча, ҳазил-ҳузулга берилган ушбу дақиқалардан лаззатланиб қолишни хоҳлардим. Ҳатто бу кечада Томасу Катрина ҳам иштирок этганида яхши бўларди, дея бир лаҳзага ўйланиб қолдим.

Мен ўз мулоҳазаларимга шу қадар берилиб кетганимдан, Патрикнинг юз ифодаларини сезмай ҳам қолдим. Негаки, бобомга бир нарсалар деркан, дарҳол дудланган балиқ бўлақларидан Уиллнинг оғзига тутардим. Бу ишлар менинг кундалик юмушимга айланиб кетганидан, Патрикнинг менга анграйиб қолганини сезмай қолибман. Фақат унга кўзим тушганидан кейингина, хаёлимни жамлаб олдим.

Уилл дадамга бир нарсалар деяётган пайти, мен Патрикка бақрайишни бас қилишини, имо тариқасида ўқрайиб бердим.

– Балиққа гап йўқ, – деди Уилл ойимга. – Таъми оғиздан кетмайди.

– Уни доим ҳам емаймиз, – жилмайди ойим. – Эшак базм қирқ йилда бир, дейишади-ю.

«Бақрайишни бас қил», – хаёлан Патрикка буйруқ бердим.

Нихоят, Патрик менинг қарашимни тутиб олди ва бошқа томонга кўз ташлади. Унинг жаҳли чиқаётганлиги кўриниб турарди.

Мен Уиллга яна бир бўлак балиқ бергач, навбат унинг нигоҳи қаратилган нон бурдасига келди. Шу пайтда Уиллнинг эҳтиёжаларини сўзсиз тушунадиган даражага етиб қолганимни англаб етдим. Патрик қарши томонда боши эгилганча ўтирар, балиқни вилкада тилкилаб, нонга эса қиё ҳам боқмасди.

– Айтгандай, Патрик, – деди Уилл менинг ноқулай аҳволдалигимни ҳис қилганча. – Луиза айтадики, сиз персонал тренер экансиз. Бу нимани ифодалайди?

Бу ҳақда сўрамагани дуруст эди. Патрик шахсий мотивациялар, соғлом танда – соғлом руҳ ҳақидаги деярли ёдлаб олган узундан-узун монологни ўқиб берди. Кейин, у «Викинг экстрим» машғулотлари жадвали-ю, Шимолий денгиз ҳароратига, тананинг марафонча югуришлар учун мувофиқ келадиган ёғ фоизлари ва ҳар бир югуриш тури масофасига сарфлайдиган вақт кўрсаткичларига ўтиб кетди. Мен одатда бундай пайтда, уларни эшитмай ҳам қўяверардим, аммо Уиллнинг ёнида бу гапларнинг ўрни эмаслигини ўйлай бошладим. Патрик бу ерда умумий гаплар билан чекланса бўларди.

– Биласизми, Лу сизнинг келишингизни айтганида, мен китобларимни титкилаб, сизга мос физиотерапия машқларини ахтариб кўрдим.

Патрикнинг бу гапларидан кейин ичаётган шаробимга тикилиб қолай дедим.

– Патрик, бу мутахассисларнинг иши. Сенинг бирор жўяли маслаҳат беришингга шубҳам бор.

– Нега энди, ахир мен ҳам мутахассисман. Баъзан спорт жароҳатлари билан шуғулланиб тураман. Ахир тиббиёт курсларини тугатганман.

– Пат, бу пайлар чўзилиши билан боғлиқ эмас. Мен жиддий айтяпман.

– Икки йилча олдин мен параплегик-мижози билан шуғулланган бир йигит махсус машқлардан сўнг, мижози соғлигини тиклаганини айтганди. Ўша мижози ҳозир учкурашу бошқа нарсалар билан шуғулланиб юрибди экан.

– Уни қаранг-а, – деди ойим.

– У канадаликларнинг тадқиқотлари ҳақида айтганди. Бу машқлар мушакларга аввалги ҳолатлари ҳақидаги хотираларни уйғотаркан. Уларни ҳар кун ишлашга мажбур қилинса, бари изига тушиб кетаркан. Гаров ўйнайман, агар яхши кун тартиби ташкиллаштирилса, мушакларингизда сезиларли ўзгаришларни пайқайсиз. Лунинг айтишича, сиз бир пайтлар спорт билан жуда фаол шуғулланган экансиз.

– Патрик, – дедим дадил овозда. – Сен бу ҳақда ҳеч нарса ни билмайсан.

– Мен шунчаки...

– Кўй, керакмас.

Стол атрофига жимлик чўқди. Дадам йўталди ва узр сўради. Бобом хавотирга тушганча, атрофга аланглади.

Ойим ҳаммага нон таклиф қилмоқчи бўлдию, қилмай қўя қолди.

Патрик яна гапиришга тушганида, унинг овозида хафгарчилик оханги бор эди:

– Бу ёрдами тегиб қолиши мумкин бўлган шунчаки тадқиқот. Майли, бу ҳақда гапирмайман.

– Мен бу ҳақда ўйлаб кўраман, – Уилл бепарво ва хушмуомала кўринишида жилмайиб қўйди.

Мен ўрнимдан турдим ва хонадан чиқиб кетишга баҳона сифатида тарелкаларни йиғиштирмоқчи бўлдим. Аммо ойим мени жойимга ўтиришга мажбур қилди.



– Қизим, сенинг туғилган кунинг, – деди худди бошқа кунлари бу ишларни ўзи қилмайдигандек. – Бернард, товукни олиб келасанми?

– Ҳа-ҳа! Менимча, у бошқа қанотини қоқолмайдиган бўлгандир, – тиржайганча, деди дадам.

Зиёфатнинг қолган қисми осуда ўтди. Ота-онам Уиллга мафтун бўлиб қолишганди. Патрик ҳақида бундай деб бўлмасди. Уилл иккиси бошқа гаплашишмади. Дадам Уиллдан аввалги ҳаёти, иш фаолияти ҳақида суриштирди. Уилл ҳам хижолат чекмасдан очик-ойдин айтиб берди. Ҳатто мен ҳам анча-мунча янги тафсилотларни билиб олдим. У асосан компанияларни сотиб олиш ва қайта сотиш билан шуғулланган экан. Дадам Уиллдан унинг даромадлари олти ёки еттита нолли эканлигигача ижикилаб сўрарди. Дадам мебел фабрикасини қўлга киритмоқчи бўлаётган компания ҳақида гапирди. Бу компания номини эшитган Уилл хижолатга ботганича, мазкур компанияни билишини маълум қилди. Уилл ҳам ушбу компаниядагилар каби иш тутган бўлиши мумкин эди. Унинг овози оҳангидан дадамнинг иши халталиги билиниб қолди.

Ойим эса Уиллнинг атрофида гирди капалак бўларди. Бундан Патрикнинг жони ҳиқилдоғига келарди.

– Байрам торти? – ойим идишларни йиғиштираётган бир пайтда бобом сўраб қолди.

Бобом буни шунчалар аниқ ва кутилмаганда айтдики, дадам иккимиз бир-биримизга тикилиб қолдик. Ҳамма жим бўлиб қолди.

– Йўқ, – Мен столни айланиб ўтганча, бобомни ўндим. – Йўқ, бобожон. Узр. Аммо бизда шоколадли мусс бор. У сенга ёқади.

Уилл маъқуллагандек бош ирғади. Ойимнинг юзи ёришиб кетди.

Столга мусс келтирилганидан кейин, ойим қоғозга ўралган совғани ҳам қўйди.

– Совғаларни бераверамизми? – сўради Патрик. – Мана. Бу мендан. – У жилмайди ва совғасини стол ўртасига қўйди.

Мен жилмайишга ҳаракат қилдим.

– Очиб кўрмайсанми? – деди дадам.

Биринчи бўлиб мен уйдагиларимнинг совғасини очдим. Бу расмлар учун альбом бўлиб, ҳар бир саҳифасида умримнинг бирор йилига тааллуқли суратлар жойлаштирилган эди. Менинг чақалоқлигим; лўппиюзли, жиддийгина икки қиза-

лоқ – Катрина иккимиз; бошимда саноқсиз соч қистиргичлар ва бўйимга номуносиб тарзда узун юбка – биринчи синфдан эсдалик. Энг янгиларидан Патрик иккимиз тушган сурат. Энг сўнгги сурат эса Уилларникига биринчи иш кунимга чиққан кулранг юбкадаги суратим. Варақлар орасида Томаснинг оиламиз даврасида тушган суратлари, мен болаликда мактабдан саёхатларга чиққанимда онамга ёзган хатларим солиб қўйилган эди.

– Кўрсам майлими? – сўради Уилл.

– Бу йил ахволимиз сал танглашди, – деди ойим, мен Уиллнинг олдида альбомни оҳиста кўрсатар эканман. – Сизнинг ҳам хабарингиз бўлса керак. Бобомиз кундузи телевизордан қўлбола совғалар ҳақидаги кўрсатувни кўриб ўтирганида, мен ўйладим-ки... бу менинг ҳам кўлимдан келади деб...

– Шундай бўлиб ҳам чиқди, ойи. – Менинг кўзларим ёшга тўлди. – Менга жуда ёқди. Раҳмат.

– Баъзи суратларни бобонг танлади, – деди у.

– Жуда чиройли, – деди Уилл.

Ойим билан дадамнинг енгил тортганча, бир-бирларига қараб қўйганларидан кўра оғирроқ нарсани шу пайтгача кўрмагандим.

– Энди навбат меникига. – Патрик стол устидаги қутичани мен томонга сурди. Мен ундан никоҳ узуги чиқиб қолмасайди, деган ҳадикда уни эҳтиёткорлик билан очдим. Ҳали мен бунга тайёр эмасдим. Қутичанинг ичига қопланган тўқ мовий барқутда юлдузча осифлиқ ингичка занжирча ётарди. У қанчалар нафис ва ажойиб бўлмасин, менинг услубимга тўғри келмасди. Мен бунақа тақинчоқларни сира тақмагандим.

Мен занжирчага термулганча, бирор нарса дейишга ҳаракат қилардим.

– Қанчалар ажойиб, – дедим мен, Патрик стол узра узанганча, занжирчани бўйнимга тақиб қўяётган пайти.

– Сенга ёққанидан жуда хурсандман. – Патрик менинг лабларимдан ўпиб олди. Шу пайтгача Патрик мени ота-онам кўзи олдида сира ўпмаганди.

Уилл қилт этмасдан мени кузатиб ўтирарди.

– Энди десертга ўтсак ҳам бўлади, – деди дадам. – Ҳа демай бундай иссиқда ўтира олмай қоламиз. Ҳа-ҳа-ҳа. – Ичилган шароб унинг кайфиятини кўтармоқда эди.

– Менинг сумкамда ҳам сиз учун у-бу нарса бор, – деди Уилл секингина. – Зарғалдоқ ўрамни олинг.

Мен Уиллнинг сумкасидан совғани олдим.

Ойим қўлида қошиқ билан қотиб қолди.

– Сиз Луиза учун совғаям олдингизми? Бу ғоятда олийжаноблик. Тўғрими, Бернард?

– Шубҳасиз.

Ўрамнинг ичидан хитойча шоҳи кимоно газламаси чиқди. Мен уни асраб қўяман. Яхшиси, чизмага қараб бирор нарса тикиб оларман. Айни пайтда шоҳи газламанинг орасида яна бошқа бир ўрам борлигини кўриб, унинг боғичини ечдим. Унинг ичида менга жуда таниш бўлган сариқ-қора йўл-йўлларга кўзим тушди.

Уларни яхшилаб кўриш учун қўлга олганимда, бир жуфт йўл-йўл колготкалиги маълум бўлди. Катталарнинг размеридаги бу колготкалар майин жундан тўқилганидан қўлларимдан сирғалиб тушмасди.

– Ишонгим келмайди, – бундай кутилмаганлик ва қувончдан кулиб юбордим – Ё худойим! Буларни қаердан олдингиз?

– Уларни буюртмага кўра тайёрлашди.

– Колготкалар? – дейишди бир пайтнинг ўзида дадам ва Патрик.

– Дунёдаги энг яхши колготкалар.

Ойим колготкаларга синчиклаб тикилди:

– Лу, эсингдами, қизчалик пайтларинг сенинг шунақа колготкаларинг бўларди?

Мен Уилл билан кўз уриштириб олдим.

– Мен уларни ҳозирок кийиб кўрмоқчиман – дедим мен.

– У асаларига ўхшаб қолади, худо урсин, – деди бош чайкаган кўйи дадам.

– Майлига, Бернард, унинг туғилган куни, ахир. Кўнглига келганини қилсин.

Мен хонадан учиб чиқдим ва колготкаларни оёғимга тортдим. Ростини айтсам, ҳеч қачон ҳозиргидай совға олганимдан хурсанд бўлмагандим.

Тезда меҳмонхонага қайтиб кирдим. Уилл маъқуллагандек томоқ қириб қўйди. Бобом кафтлари билан столни чалди. Ойим ва дадам хахолаб кулиб юборишди. Патрик индамай кузатишда давом этарди.

– Улар менга қанчалар ёққанлигини сўз билан ифодалай олмайман, – дедим мен. – Раҳмат. Раҳмат. – Қўлларимни узатиб Уиллнинг кифтига қўйдим. – Чиндан ҳам.

– У ерда яна откритка ҳам бор, – деди у. – Вақт топиб ўқиб кўрарсиз.

Уилл кетаётганида ота-онам унинг атрофида нарвона бўлишди.

Ширакайф дадам мени ишга ёллаганлари учун, такрор-такрор миннатдорчилик билдирганча, меҳмонга чақирарди.

– Агар мени қисқартиришса, сизларникига бош суқаман ва бирга футбол томоша қиламиз.

– Бажонидил, – дерди Уилл, гарчи мен уни бирор марта футбол мусобоқаларини томоша қилганлигини кўрмаган бўлсам-да.

Ойим ортиб қолган шоколадли муссдан пластмасс контейнерга солиб берди:

– Сизга ёққанидан жуда хурсандман.

Уилл кетганидан кейин ота-онам бир-бирларига гал бермай, уни роса мақташга тушишлари кўриниб турарди.

Патрик пойгаҳга қўлларини чўнтагига тикқанча, чиқиб келди.

– Танишганимдан хурсандман, Патрик, – деди Уилл. – Яна... берган маслаҳатингиз учун раҳмат.

– Мен шунчаки Луизамга ишида ёрдам бермоқчи эдим, – деди у. – Шу холос.

– Омадингиз бор экан, – деди Уилл, Натан уни кўчага аравачасида олиб чиққандан кейин. – Унинг қўли енгил, ювинтириб қўйишни боқлайди.

У буни шунчалар тез айтдики, Патрик гап нима ҳақда кетаётганини англагунича, эшик ёпилиб бўлганди.

\* \* \*

– Сен уни ювинтириб қўйишингни айтмагандинг.

Биз зиёфатдан чиқиб, Патрикнинг шаҳар четидаги квартирасига етиб келгандик.

– Мен уни ҳар-ҳар замонда, Натаннинг иши чиқиб қолган кунларда, оёқ-қўлларини ювиб қўяман, холос.

Патрик менга еб қўйгудек тикилиб турарди. Мен пайпоқларимни ечиб, кир-чир солинадиган саватга ирғитдим.

– Булар сенинг вазифаларингга кирмайди. Ҳеч қандай тиббий хизматлар кўрсатиш сенга тааллуқли эмас. – Бирдан унинг калласига дафъатанда фикр келди. – Сен уларни судга беришинг мумкин.

– Кулгимни қистатма. Натан ҳамма вақт ҳам у билан қо-

лолмаган кечалардагина, унга ёрдам бервораман. Агентликдан бегона одам келадиган бўлса, бу Уиллга ёқмайди. Бунинг устига мен бу ишга кўникиб ҳам қолдим. Унчалар қийинмас.

– Мен... ишонгим келмайди... Мен сенга танишгунча қанча пайт... энди эса етти ёт бегона одам билан бир зумда...

– Патрик, кел, бу ҳақда бошқа пайти гаплашамиз. Бугун менинг байрамим.

– Ювинтиришлар ҳақидаги гапни мен бошламадим.

– Гап унинг чиройлигидами? – чидолмадим мен. – Гап шундами? Агар у ошқовоққа ўхшаганида сенга энгилроқ бўлармиди?

– Демак, уни чиройли ҳисобларкансан-да?

Менинг аъло кайфиятимдан асар ҳам қолмаганиди.

– Мени ундан рашк қилаётганингга ишонгим келмайди.

– Унга рашк қилаётганим йўқ, – менсимаган оҳангда деди у. – Майиб-мажруҳ одамгаям рашк қиламанми?

Анча пайтгача кўзимга уйқу келмади. Патрикнинг аллақачон чуқур уйқуга кетганлигидан аламим келиб, Уиллнинг откриткаси эсимга тушиб кетди. Сумкам турган хонага чиқиб, ундан Уилл ўқиб чиқинг, дея берган китобни олдим. Конвертни унинг ичига солиб қўйгандим.

Конверт ичидан буклама откриткани олдим. Уни очиб кўрганимда, унинг ичида ўнта эллик фунтлик пул бор эди. Мен уларни икки марта санаб чиқдим. Откриткага эса шундай ёзилганди:

Туғилган кунингизга мукофот.

Эътироз билдирманг. Бу қонунга мувофиқ.

У.

**М**ай ойи жуда ғалати келди. Газеталар ва телевизор журналистлар «ўлиш ҳуқуқи» деб атайдиган сарлавҳаларга лик тўла эди. Дегенратив хасталикка чалинган жувоннинг ўз ихтиёри билан ҳаётдан кўз юмиши учун, Швейцариянинг «Дигнитас» клиникасига олиб борадиган эрини ҳимоя қиладиган қонун чиқарилишини илтимос қиларди. Ёшгина футболчи тузалмас жароҳат олганидан кейин, ота-онасини «Дигнитас»га олиб боришга кўндирган. Полиция ишга киришган. Лордлар палатасида муҳокамалар тайинланди.

Мен янгиликлар репортажларини кўрар, «Ҳаётни ҳимоя қиламиз» ҳаракати қатнашчилари ва файласуф-ахлоқшуносларнинг мулоҳазаларини тинглар ҳамда қайси томонда бўлишим кераклигини билолмасдим. Буларнинг бари Уиллдан ғаройиб тарзда олис эди.

Кунлар узайган сари Уиллнинг сайр вақтлари ва масофасини узайтириб борардик. У ҳам бунга қаршилиқ қилмасди. Театрда бўлдик, халқ рақсларини бориб кўрдик. Уилл раққосларнинг кўнғироқчалари ва дастрўмолчаларига бепарво қарганча, хотиржамликни сақлаш учун зўр берганидан қизариб кетарди. Кечалардан бирида эса, кўшни ҳовлида берилган очиқ осмон остидаги концертда бўлдик. Яна бир марта менинг етарли даражада тайёрланмаганлигим оқибатида оғир хасталикка чалинган қиз ҳақидаги фильмни бориб кўрдик.

Уилл ҳам газеталардаги гаплардан хабардорлигини билардим. Янги дастурни ўрнатганимиздан бери у компьютердан тез-тез фойдаланадиган бўлиб қолган. Интернет орқали керакли сайтларга кириб, газеталар билан танишиб чиқарди. Бир куни унга қаҳва дамлаб кирган пайтим, Уилл ўз жонига қасд қилган ёш футболчи ҳақидаги очеркни ўқиб ўтиргани устидан чиқдим. Мен унинг орқасида турганлигимни пайқаб, у экранни ўчириб қўйди. Бу шунчаки майда гапдек туюлса-да, ярим соатгача ўзимга келолмай юрдим.

Мен бу мақолани кутубхонада кўриб чиқдим. Газеталарга ҳам бирма-бир кўз югуртирдим. Қайси мулоҳазалар теран,

қайсилари юзакилигини аниқлаб, қуруқ ва яланғоч фактлар тарзидаги маълумотнинг ўзи ҳамма вақт фойда бермаслигини тушундим.

Бульвар газеталари йигитнинг ота-онасига ташланишди. «Сиз унинг ўлишига қандай йўл қўйиб бердингиз?» – дея қичкирарди сарлавҳалар. Менга ҳам шундай туюларди. Лео Макинерни йигирма тўрт ёшда эди. У ўз жароҳатлари билан Улдан кўра кўпроқ – уч йил азоб чеккан. Албатта, у яшаши керакми ё йўқлигини танлаш учун анчайин ёш бўлган. Кейин мен Уилл ўқиган ўша мақолани, кимнингдир шахсий фикри-мас, ўша ёш йигитнинг ҳаётида нималар содир бўлганлиги ҳақидаги тадқиқотни ўқиб чиқдим. Муаллиф унинг ота-онаси билан суҳбатлашганлиги кўриниб турарди.

Уларнинг айтишича, Лео уч ёшлигидан бошлаб футбол ўйнаган. У футбол билан яшаган, жароҳатни ҳам айнан футбол мусобақасида олган. Ота-онаси ўғилларига ҳали яшашнинг маъноси мутлақо йўқолмаганлигини ҳис қилиши учун, қўлларидан келган барча ишларни қилишган. Аммо Лео тушкунликка тушиб қолган. У ҳаракатланишдангина эмас, ҳатто вақт-вақти билан мустақил нафас олишдан ҳам жудо бўлиб қолган. Ҳеч нарса унга лаззат бермасди. Унинг ҳаёти азоб билан тўлган, инфекциялар ўлжасига айланган, атрофдагилар кўмагига муҳтож бўлиб қолган эди. Лео дўстларини соғинар, лекин улар билан учрашишни истамасди. Ҳар куни ота-онасига яшагиси келмаётгани ҳақида арз қиларди.

Лео икки марта ўзини очлик билан ўлдирмоқчи бўлган. Уни шифохонага олиб боришган, у ердан қайтариб келишганида эса, ота-онасидан уйқуга кетганида буғиб ўлдиришларини илтижо қилган. Буларни кутубхонада ўқиб ўтирарканман, йиғлаб юбормаслик учун муштларим билан кўзларимни беркитиб олдим.

Дадам ишидан айрилди. У ўзини анчагина бардам тутди. Уйга қайтгач, кўйлагини алмаштириб, галстук таққанча, шаҳарга борадиган автобусга чиқиб, меҳнат биржасига ҳисобга туриш учун жўнади.

У гарчи кўп йиллик малакага эга бўлса-да, ойимга ҳар қандай иш бўлса ҳам розилик билдиришини айтди.

– Ҳозир ноз қиладиган пайтмас, – деди у ойимнинг эътирозларини рад қилиб.

Менга иш топилиши қийин кечган бир пайтда, бутун умр бир хил ишда ишлаб келган элик ёшлардаги эркакга ҳавас

қилиб бўлмасди. Навбатдаги суҳбатдан қайтиб, уни на омборчиликка, на қоровулликка ҳам олишмаганини айтди. Эллик ёшли эркақдан кўра, ўн етти ёшли йигитга иш топилишида устунликка эга эди. Икки ҳафталик доимий рад этилишлардан кейин, у ойим билан то иш топгунларича тирикчиликни ўтказиб туриш учун, ишсизлик бўйича нафақага доир ариза ёзадиган бўлишди. Мен Уилл совға қилган пулларни шкафдаги пул солинадиган темир қутичага ташлаб қўйдим. Бу билан уларга ҳарна ёрдамим тегса – хурсанд бўлардим.

Тонгда уйғонганимда пулли конверт эшигим тагидан тиқиб қўйилганлигига кўзим тушди.

Сайёҳлар келишди ва шаҳар гавжумлаша бошлади. Мистер Трейнор уйда камдан-кам кўринадиган бўлди. Қалъада зиёратчилар кўпайгани сари унинг иш куни ҳам узая борди. Мен уни пайшанба оқшомида, химчисткадан қайтаётган пайтим учратиб қолдим. Агар у малласоч бир жувонни қўлтиқлаб олганини айтмаганда, бунинг ҳеч қандай ғалати жойи йўқ эди. Менга кўзи тушгач, мистер Трейнор ўша аёлни ўзидан итариб юбораёзди.

Мен худди витриналарни кўздан кечираётган каби ўгирилиб олдим. Уларни кўриб қолганлигимни сезмаган бўлишини истардим ва буни унутишга ҳаракат қилдим.

Жума куни, отам ишини йўқотгандан кейин, Уилл Алисия ва Рупертларнинг никоҳ тўйига таклифнома олди. Таклифномани Алисиянинг ота-онаси – полковник ва миссис Тимоти Дьюар жўнатган бўлиб, қизларини Руперт Фрешвеллга узатаётганларини маълум қилишганди.

Таклифнома қалин пергамент жилдга солинган бўлиб, унга тўй тантаналари жадвали ва олинадиган совғалар рўйхати илова қилинган эди. Совғаларни қайси дўконлардан сотиб олиниши ҳам кўрсатилган бўлиб, мен бундай дўконлар ҳақида ҳеч қачон эшитмаган ҳам эдим.

– Қандай бетгачопарлик, – дедим мен қалин таклифноманинг зарҳал ҳарфлари ва ҳошияларини кўздан кечираркан. – Ташлаб юборайми?

– Ихтиёрингиз. – Уилл гўё лоқайдликнинг тимсоли эди.

Мен таклифномани ташлаб юбормай, Уиллнинг ошхонадаги папкасига солиб қўйдим.



\* \* \*

Майнинг учинчи шанбасида Катрина Томас билан келди. Улар кўчамизнинг ярмига етиб келмасларидан бурун ойим боққа югуриб чиқди. Ойим Томасни бағрига бостанча, унинг бўйи шу озгина фурсатда уч энлик ўсганлигини айтди. Томас анчагина ўзгарган, худди катта одамни кичкина қилиб қўйганга ўхшарди. Катрина сочларини кестирган, қандайдир нозиклик касб этганди. Унинг эғнида мен шу пайтгача кўрмаган пиджак ва оёғига сандал кийиб олганди. Буларга пулни қаёқдан олган бўлиши мумкин, дея ўйлаб қолдим.

– Хўш, қалай? – Ойим Томасни боғда айлантирганча ҳовуздаги қурбақаларни кўрсатаётган пайти сўрадим ундан.

– Аъло даражада. Жуда яхши. Яъни анчагина қийин. Томасга қаровчи йўқ ва унга янги боғчага бориш бирданига ёқмади ҳам. – Катрина сал эгилди. – Фақат ойимга айта кўрма. Мен унга ҳаммаси яхши деб айтдим.

– Ўқиш ёққан бўлса керак.

– Бунга гап йўқ, – Катрина жилмайди. – Лу, ўз миямдан яна фойдаланаётганлигим қандай зўрлигини таърифлай олмайман. Шунча пайт ўзимнинг катта қисмимни йўқотгандай эдим... Ниҳоят, қайта топдим. Бу аҳмоқона эшитилса керак-а?

Мен бош тебратдим ва синглим учун чиндан хурсанд эдим. Унга кутубхона, компьютерлар ҳамда Уилл учун қилган барча ишларим ҳақида сўзлаб беришни хоҳлардим. Аммо айни дамда диққат марказида у бўлиши керак, деган қарорга келдим. Бизлар эскигина соябон остидаги тахланма курсиларда ўтирганча, чой ичардик. Мен унинг бармоқлари табиий тусига қайтганлигини пайқадим.

– Ойим сени роса соғинган, – дедим унга қўлларини тутаркан.

– Энди биз ҳар дам олиш куни келиб турамиз. Менга шунчаки... Лу, гап Томаснинг кўникишида эмас. Менинг ўзим бу ердан олисда тургим келди. Бошқача одам бўлишни истадим.

Катрина бироз бошқа одамга ўхшаб кўринарди. Уйдан олисда ўтган санокли ҳафталар – таниш чизгиларни ўзгартирганди. Синглим бутунлай бошқа бир йўлга, бошқа ҳаётга қадам қўйганлигини аниқ пайқадим.

– Ойим сенинг мажруҳ дўстинг зиёфатга келганлигини айтди.

– У менинг «мажруҳ дўстим»мас, унинг исми – Уилл.

– Кечирасан. Демак, ҳаёт қувончлари рўйхати иш беряпти экан-да.

– Қисман. Қай бир сайрлар – муваффақиятли, қай бирлари бундаймас. – Мен отлар пойгасида юз берган саргузаштлар, скрипкачи концертидаги кутилмаган муваффақият, табиат бағридаги сайрлар ҳақида сўзлаб бердим. Туғилган кунимдаги зиёфат ҳақида гапириб берганимда, синглим кулгудан ўзини тўхтата олмади.

– Сен нима деб ўйлайсан? – Мен унинг сўз ахтараётганини сезиб қолдим. – Сен ғалаба қиласанми?

Бу мусобақамиди сенга, дейдиган одам йўқ.

Мен настарин шохчасини синдириб олиб, ундан япроқларини уза бошладим.

– Билмайман. Менимча ишни тезлаштириш керак. – Мен миссис Трейнор хорижга сафар ҳақида гапирганини айтиб бердим.

– Бари-бир сени скрипка концертида бўлганлигинга ишонгим келмаяпти. Сен-а?

– Менга ёқди.

Катрина қошларини чимирди.

– Ростданам ёқди. Шундай туйғуларимни ўйнатиб юбордики.

У менга синчков назар ташлади:

– Ойимнинг айтишича, у жуда ҳам келишган экан.

– Тўғри, у келишган йигит.

– Чиройлиям эмиш.

– Умуртқа жароҳати ҳали уни Квазимодога айлантириб қўймаган.

– Нима бўлганда ҳам, ойим ҳайратда. У Квазимодони кўраман, деб кутган бўлса керак.

– Катрина, ҳамма гап шунда, – дедим қолган чойни гуллар тагига сочиб ташларкан. – Ҳамма Квазимодони кўришни кутади.

Кечки овқат пайтида ойим жудаям қувноқ эди. У Катрина ва Томас яхши кўрадиган лазанья тайёрлаган. Томасга ҳам кечроқ ётишига рухсат бердик. Биримиз тоғдан, биримиз боғдан келганча, гаплашиб ўтирдик. Ойим синглимдан Томас билан қийналиб қолмаяпсанми, дея қайта-қайта сўрар, худди ортиқча пуллари бордай, Томасга нималар олиб беришни суриштирарди. Мен яхшиям Катринани ота-онам пулсиз қолганликлари ҳақида олдиндан огоҳлантириб қўйгандим. У

моддий ёрдамни хушмуомалалик ва асосли тарзда рад этди. Ҳақиқатан ҳам, фақат кейинроқ унга ҳеч нарса керакмаслигини сўраб кўриш хаёлимга келди.

Ярим тунда йиғи овозидан уйғониб кетдим. Томас каталакда йиғларди. Катрина уни юпатаётгани, чироқни ҳам ўчириб-ёққанларини эшитдим. Мен қоронғуликда, ташқаридаги бинафшаранг чироқлар ёғудуси жалюзлар орасидан, янги бўёқдан чиқарилган шифтга қандай тушаётганлигини кузатганча, булар қачон бас қилишаркан, дея кутиб ётардим. Аммо ингичкагина йиғи соат иккидаям янгради. Бу сафар ойим ҳам коридорда шиппагини судраган ҳолда ўтганлигини, кейин овозсиз шивирлашларни эшитдим. Томас яна тинчланди.

Соат тўртларда эшигим гичирлашидан уйғониб кетдим. Мен уйқусираганча, эшикдан тушаётган ёруғликка қарадим. Эшик олдида Томас турар, унга катталиқ қилаётган пижама оёқчалари атрофида чулғанар, ёпинган одеяли полда судралиб ётарди. Унинг шу туриши қаёққа юришини билолмаётганини кўрсатар эди.

– Томас, бу ёққа кел, – шивирладим унга.

У менинг овозим чиққан тарафга юрди ва мен унинг ҳали уйқуси тарқалмаганини кўрдим. Кўрпамнинг четини кўтаришим билан Томас ёстикқа юзини босганча, ёнимга ётиб олди. Мен унинг устини ёпиб, қучоғимга олдим. У мени ҳеч қаёққа қўйиб юбормаслик учун қўлчаси билан маҳкам қучоқлаб олганди.

\* \* \*

– Сизга энг кўп ёққан жой қаер?

Биз қалъанинг орқа тарафини айланиб чиқишни давом эттириш учун, бирдан пайдо бўлган кучли шамолдан пана жойга беркиниб олгандик. Уилл томошабинлар кўплиги учун қалъанинг асосий қисмига боришни ёқтирмасди. Одамлар камдан-кам бўладиган томорқалар унга маъқул келганди. Хилват мевазор боғлари бир-биридан шағал тўшалган йўлаклар билан ажратилган бўлиб, Уиллнинг аравачаси уларда бемалол гилдирай оларди.

– Қайси маънода? Бу нима?

Мен термосдан озгина шўрва қуйиб, унинг лабларига тутдим.

– Помидорли шўрва.

– Майли. Худойим, у жуда қайноқ-ку. Хозир эслаб олай, – у олисга тикилганча, кўзларини қисди. – Мен ўттиз ёшга тўлганимда Климанжаро тоғига кўтарилдим. Бунга ишониш қийин эди.

– У жудаям баландми?

– Жудаям баланд. Охирги масофаларда деярли эмаклаб қолдим. Юксаклик – мураккаб синов.

– Ҳавоям роса совуқ бўлгандир?

– Йўқ... – жилмайди у. – Бу Эверест эмас-ку. Айниқса, бу фаслда. – Уилл олисларга тикилганча, хотираларга берилди. – У ерлар жуда чиройли эди. Климанжарони Африканинг томи дейишади. Чўққидан туриб дунёнинг четини кўраётгандек бўласан.

Уилл бир лаҳза жим бўлиб қолди. Мен унга тикилиб, унинг хаёли ҳозир қаерда экан, дея тахмин қилардим. У билан шундай мавзуларда суҳбатлашган пайтларим, Уилл дунёни айланиб келган синфдош йигитга ўхшаб кетарди.

– Сизга яна у ердаги нималар ёқди?

– Маврикийдаги Тру-д-О-Дус қўлтиғи. Ёқимли кишилар, чиройли пляжлар ҳамда ажойиб сувга шўнғишлар. Кениядаги Цаво миллий паркидаги қип-қизил тупроқ ва ёввойи ҳайвонлар. Калифорниядаги Йосиемит водийси. Тик қояларнинг баландлигини кўриб, ақлим бовар қилмасди.

Уилл ердан жуда баланддаги тоғларнинг ғорларида ўтказган тунлар ҳақида сўзлаб берди.

– Менга шаҳарлар ҳам ёқади. Сидней. Шимолий худудлар. Исландия. Аэропортдан салгина наридаги қайноқ булоқларда чўмилиб олса бўлади. Худди атом урушидан кейинги манзараларни эслатадиган жойлар. Марказий Хитой бўйлаб саёҳатлар.

– Сиз бормаган жойлар ҳам борми?

Уилл шўрвадан хўплаб олди.

– Шимолий Корея? – у бирпас ўйланиб қолди. – Мен яна Диснейлендда сира ҳам бўлмаган эканман. Ҳатто Париждагисидаям.

– Мен бир марта Австралияга чипта олдим. Аммо у ерга учишдан айнидим. – (У менга ўгирилиб қаради) – Нималардир халал берди. Ҳечқиси йўқ. Балки, бир куни у ерга учсам керак.

– Ҳеч қандай «балки»сиз. Сиз бу ердан кетишингиз керак,

Кларк. Умрингизнинг қолган қисмини бундай диққинафас жойда ўтказмасликка сўз беринг.

– Сўз берай? Нима учун? – Мен ўзимни беғамларча тутишга ҳаракат қилдим. – Сиз бирор жойга кетмоқчимисиз?

– Мен шунчаки... сизнинг бу ерда бир умр қолиб кетишингизга тоқат қилолмайман, – ютинди у. – Сиз жуда ёрқинсиз. Жудаям қизиқарли. – Уилл чаппа қараб олди. – Сизда биттагина ҳаёт бор ва уни тўлақонли яшашингиз керак.

– Майли, – дедим эҳтиёткорлик билан. – Хўш, мен қаерга кетишим керак? Агар сизга шундай қилиш керак бўлса, қаёққа борган бўлардингиз?

– Ҳозирнинг ўзидами?

– Ҳозирнинг ўзида. «Климанжаро» жавоби қабул қилинмайди. Бу шундай жой бўлиши керак-ки, у ерга мен ҳам бора олай.

Уилл бўшашаркан, тамомила ўзгара бошлади. Унинг юзларида табассум ўйнади, кўзлари атрофидан шодлик ажинлари таралди.

– Парижга. Маре қаҳвахонасида ўтирганча, қаҳва хўплаш, сарёғли ва қулупнай шинниси сурилган илиққина крауссанлар ейишни истардим.

– Маре?

– Бу Парижнинг ўртасидаги кичкина квартал. Унда тош ётқизилган кўчалар, бир-бирига ёндош кўпхонали уйлар, ақидапараст яҳудийлар, Брижит Бардога ўхшайдиган ўрта ёшли аёллар жуда кўп. Агар Парижда яшасам, албатта, ўша ерни танлаган бўлардим.

– Биз у ерга боришимиз мумкин, – унга ўгирилганча овозимни кўтардим. – «Евростар» кемасида. Буни ташкиллаштириш қийинмас. Ҳатто Натансиз ҳам амалласа бўлади. Мен ҳеч қачон Парижда бўлмаганман, аммо жуда хоҳлайман. Ростдан ҳам. Айниқса, уни беш кўлдай биладиган одам билан. Нима дейсиз, Уилл?

Ўзимни ўша қаҳвахонада тасаввур қилдим. Столча ёнида ўтирганча, янги сотиб олинган фаранги туфлимга суқланаман ёки қирмизи лок қопланган тирноғим билан булочкани ушатаман. Димоғимга қаҳва ҳиди ва қўшни столдан келаётган сигарет дуди урилади.

– Йўқ.

– Нима? – мен тасаввуримдаги ўша столча ёнидан бирданига қайта олмадим.

– Йўқ.

– Аммо буни ўзингиз ҳозиргина айтдингиз...

– Кларк, сиз тушунмаяпсиз. Мен у ерга ана бу... – Уилл овозини пасайтирганча, аравачасига имо қилди. – ...билан боришни истамайман. Мен Парижга ўз-ўзим билан, худди аввалгидек боришни истайман. Стул суянчиғига ўзимни ташлаган кўйи ўтиришни, менга худди бошқа эркаклар қатори қараган француз хонимлари билан кўз уриштиришни истайман.

– Аммо биз уриниб кўришимиз мумкин, – дедим ўзимни қўлга олиб.

– Йўқ, уриниб ўтирмаймиз. Мен шундоғам кўзимни юмган заҳотим, у ердаги барча-барчаси жонланади. Барча ҳиссиётлар. – У ютиниб олди. – Мен у ерга сиз ва мана бу аравачада борадиган бўлсам, барча хотираларим ўчиб кетади. Шунчаки стол атрофига ўтириш, Париж бордюрларини аравачада айланиб ўтишлар учун, анчагина куч сарфлашимга тўғри келади. Таксичилар бизларни олиб юришни рад этишади, аравачани зарядлаб олиш учун эса француз розеткалари тўғри келмайди. Энди тушунарлими? – Унинг овози дағаллашди.

Мен термос қопқоғини айлантириб беркитдим. У менинг юзимни кўрмаслиги учун туфлимни кўздан кечира бошладим.

– Тушунарли, – дедим мен.

– Яхши, – Уилл чуқур хўрсинди.

Анча нарида автобусдан навбатдаги сайёҳлар тушишди. Биз ўтмиш вайроналарини кўришга иштиёқманд сайёҳлар эски қалъа сари кетишаётганларини сукут ичра кузатдик.

Уилл менинг бироз сиқилганимни пайқаганча, менга энгашди. Унинг юзи майинлашганди.

– Шундай қилиб, Кларк, ёмғир ҳам тинганга ўхшайди. Бугун қаерга борамиз? Лабиринтгами?

– Йўқ! – менинг важоҳатим Уиллни ҳайрон қолдиргани аниқ.

– Сиз танг ва тор жойлардан кўрқасизми?

– Шунга ўхшашроқ. – Мен нарсаларимизни йиғиштира бошладим. – Яхшиси, уйга қайта қоламиз.

Кейинги дам олиш куни тун ярмида сув ичгани пастга тушдим. Мен уйқусизликка дучор бўлгандим ва тўшакдан туриш учун бош-кети йўқ ёқимсиз хаёллар билан олишиб ётишдан кўра, енгил эмаслигини пайқадим.

Тундаги бедорлик менга ёқмасди. Мен ихтиёрсиз равишда қалъанинг нариги тарафида Уилл ҳам бедормикин, деган хаёлга борардим ва тасаввурим унинг ўйларини ўзига торга бошларди. Бу эса мени янада азобларди.

Ҳақиқатни билмоқчимисиз? Мен у билан ҳеч нарсага эриша олмадим. Вақт ўтиб борарди. Мен уни ҳатто Парижга боришга ҳам кўндира олмадим. У нима учунлигини тушунтирганида, у билан тортишиб ўтиришга ҳожат қолмаганди. Мен таклиф қиладиган барча узоқ саёҳатларни рад қилиш учун, унда барча сабаблар мавжуд эди. У билан ўша жойларга боришни нима учун хоҳлашимни айта олмаслигим сабабли, Уиллга ҳеч қандай таъсир ўткази олмадим.

Мен меҳмонхонамиз ёнидан ўтаётиб, кимдир енгилгина йўталаётганини эшитиб қолдим. Жойимда тўхтаганча, яна ортимга қайтдим ва эшик ёнига келдим. Эшикни секин итардим. Меҳмонхона полида диван ёстиқларини тўшаганча, пастаккина супа ясаган ота-онам унинг устида ётишарди. Биз нимқоронғида бир-биримизга тикилиб қолдик.

– Бу ерда... нима қиляпсизлар?

– Тсс!– ойим тирсагига таянди. – Секин гапир. Биз... – У дадамга қаради. – Биз жой алмаштирдик.

– Нима?

– Биз Катрина ва Томасга ётоғимизни бўшатиб бердик, – тушунтирди дадам. – Томас билан каталакка қандай сиғишсин, ахир.

– Аммо бу ерда қандай ухлайсизлар? Жуда ноқулай-ку.

– Азизам, биз учун қулай, – деди дадам. – Чинданам қулай. – Мен унинг сўзларини англашга ҳаракат қиляётган пайтим кўшиб қўйди. – Бу фақат дам олиш кунлари учун, холос. Сен каталакда ухлолмайсан-ку. Ишинг оғир... – У йўталиб олди. – Орамизда ишловчи битта ўзинг...

– Ёт Лу. Ухла. Бизда ҳаммаси яхши. – Ойим мени деярли ҳайдаб солди.

Мен зинапоядан кўтарилиб, гилампойандозда сассиз қадам ташларканман, пастдаги шивирлашлар элас-элас қулоғимга чалинарди.

Ота-онамнинг ётоғи эшиги олдидан секин ўтарканман, у ердан Томаснинг уйқу аралаш хуриллашини эшитдим. Кейин ўзимнинг хонамга қайтиб, эшикни оҳиста ёпдим. Мен каттакон каравотда ётганча, деразадан чироқлар таратаётган зарғалдоқ ёғдуларга термулиб ётдим ва тонг арафасидагина қисқагина уйқуга кетдим.

\* \* \*

Менинг календаримда етмиш тўққиз кун қолганди. Мен яна хавотирга туша бошладим.

Бир менгина эмас.

Бир куни тушлик пайти Натан Уилл билан банд маҳали миссис Трейнор мени катта уйга бошлаб борди. Биз меҳмонхонага кириб ўтиргач, ишлар қандай кетаётгани билан қизиқди.

– Аввалгидан кўра ҳозир уйдан ташқарида кўп бўлаяпмиз, – бошладим мен. У маъқуллагандек бош ирғади. – Уилл илгарига қараганда кўпроқ гапиряпти.

– Сиз билан бўлиши мумкин, – заҳарханда қилди хоним. – У билан чет элга чиқиш ҳақида гаплашдингизми?

– Ҳозирча йўқ. Аммо гаплашиб кўраман. Шунчаки... унинг қандайлигини биласиз-ку.

– Тўғриси, бирор жойга чиқмоқчи бўлсангиз, – деди миссис Трейнор, – мен қарши эмасман. Бошида сизнинг гоянгизни унчалар маъқулламагандик, аммо биз бу ҳақда гаплашиб олдик ва иккимиз ҳам розимиз...

Биз сукут сақлаб ўтирдик. У менга қаҳва таклиф қилди. Мен ундан ҳўплладим.

– Уилл сизларникига борганлигини айтди.

– Ҳа, менинг туғилган кунимга. Ота-онам байрам зиёфати уюштиришди.

– У ўзини қандай тутди?

– Яхши. Жуда ҳам яхши. Ойим билан тезда тил топиша қолди. – Мен ўша кунни кўз олдимга келтириб, оҳиста жилмайдим. – Яъни синглим ўғилчаси билан жўнаб кетганидан бери ойим сиқилиб юрарди. Менимча, Уилл уни чалғитиш, кайфиятини кўтаришни ният қилган бўлса керак.

– Ғамхўрлик қилмоқчи бўлгандир-да, – миссис Трейнор хайратини яширмади.

– Ойим ҳам шундай деб ўйлади.

Миссис Трейнор қаҳвасини ковлаштирди.

– Уилл охирги марта биз билан қачон овқатланганини ҳам эслолмайман.

Миссис Трейнор яна бироз мени сўроққа тутиб ўтирди. У ўзига хос тарзда саволларини тўғридан-тўғри бермасди. Мен унга керакли бўлган жавобларни бера олмасдим. Баъзан менга Уилл бахтлироқ бўлгандек, яъни мен билан сайр қилишларга жон деб рози бўлар, мени калака қилар, йўл-йўриқ берар,



флигел деворлари ташқарисидаги оламга қизиқиши ортган-дек туюларди. Аммо аслида у ҳақда нималарни билардим? Уиллнинг қалбини охири кўз илғамас кенгликлар бўлиб, у ёққа кўз ташлашимга асло йўл қўймасди. Кейинги икки ҳафта мобайнида бу кенгликлар яна-да кенгайиб бормоқда эди.

– У анчагина бахтли кўринади, – деди миссис Трейнор. У ўзини юпатмоқчидек туюлди.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман.

– Уилл аввалгидек... – унинг кўзлари менга қадалди. – ҳолатга яқинлашганлигидан сал хотиржам тортдим. Буларнинг бари сизнинг хизматларингиз эканлигини яхши тушунаман.

– Бари эмас.

– Мен у билан чиқиша олмайман. Унга яқинлаша олмайман ҳам. – Миссис Трейнор қаҳва идишли тарелкани тиззасига қўйди. – Уилл жуда ўзига хос одам. У ҳали ўсмирлик чоғидаёқ мендан норози бўлиб юрган, деган фикрдан қутила олмайман. Айнан нимадан норозилигини эса билмайман. – Менга тезгина кўз ташлаганча, хахолаганида бу сира ҳам кулгуга ўхшаб чиқмади.

Гарчи финжонда ҳеч нарса қолмаган бўлса-да, ўзимни қаҳва хўплаётганга солдим.

– Луиза, онангиз билан яхши чиқишасизми?

– Ҳа, – жавоб бердим мен. – Аммо синглим билан ҳеч келишолмайман.

Миссис Трейнор деразадан пушти, қирмизи ва мовий рангларга бурканган боғига назар ташлади.

– Бизда икки ярим ойча вақт қолди, – деди у бошини бурмасдан ҳам.

Мен шовқин чиқармаслиги учун идишни оҳиста столга қўйдим.

– Менга ишонинг, қўлимдан келган барча ишларни қиламан, миссис Трейнор.

– Буни биламан, Луиза, – бош ирғади у.

Мен чиқиб кетдим.

\* \* \*

Лео Макинерни йигирма иккинчи май куни Швейцария шифохонасининг номсиз палатасида жон берганди. У эгнига сеvimли футболкасини кийган, ота-онаси эса ёнида бўлган. Унинг укаси ҳамроҳлик қилмаган эса-да, акаси ҳамманинг

ардоғида бўлганлигини айтган. Тунги учдан қирқ дақиқа ўтганида, сутга аралаштирилган барбитурат захрини ичган ва ота-онасининг айтишича, бир неча дақиқадан кейин қаттиқ уйқуга кетган. Соат тўртларда қонунни бузишга доир ҳар қандай айбловларнинг олдини олиш мақсадида барчасини видеокамерада тасвирга олган назоратчи унинг ўлимини қайд қилган.

«У оромини топгандай туюларди, – дейиларди онасининг гапларидан келтирилган кўчирмада. – Менга мана шугина юпанч беради.»

Леонинг онаси ва отасини полиция маҳкамасида уч марта сўроққа тутишади, уларга суд жараёни хавф соларди. Уларга таҳдид ва ҳақорат тўла мактублар йўллашарди. Она ўз ёшидан нақ йигирма йилга кексадек кўринарди. У гапирган пайтлари юзида қайғу, қаҳр, хавотир ва чарчоқдан ташқари яна енгиллашганликдан далолат берувчи нимадир бор эди.

«У яна Леога ўхшаб кетди».

— **К**ларк, нима? Бугунги оқшомда бизни тўлқинлантирувчи яна қандай воқеалар кутмоқда?

Биз боғда эдик. Натан Уилл билан физиотерапия машқларини ўтказаётганди. Мен уларнинг ёнидаги майсазорда ўтирганча, сэндвичимни ковшардим. Эндиги пайтлар ахён-ахёндагина шаҳарда тамадди қилардим.

– Нимага буни сўраяпсиз?

– Қизиққанимдан. Бўш пайтларингизда нималар қилишингизни билгим келяпти.

– Хўш... дастлаб мен якка кураш бўйича машҳур жангчилар билан жанг қиламан, кейин кечки овқатга вертолётда Монте-Карлога учиб бораман. Уйга қайтишимда коктейл учун Каннга қўниб ўтишим ҳам мумкин. Тунги иккиларда осмонга қарасангиз, сизга қўл силкиб қўйишим инсофдан бўлар. – Мен сэндвич орасига нималар солинганига қараб қўйдим. – Менимча, ўқиётган китобимни тамомласам керак.

Уилл Натанга қаради ва тиржайди:

– Ўнталикни чўз-чи, қани.

Натан чўнтак ковлади.

– Доим шунақа, – шикоят қилди у.

Мен уларга тикилиб қолдим.

– Нима «шунақа»? – сўрадим Натан Уиллнинг қўлига пулни тутқазганида.

– У сенинг китоб ўқишингни айтганди. Мен эса – сен телевизор кўришингни айтгандим. У доимо ютади.

Сэндвичимни оғзимга элтмасдан тўхтаб қолдим:

– Доимо? Сизлар менинг ҳаётим қанчалар зерикарлиги устидан гаров боғлашасизларми?

– Биз буни бошқача атаган бўлардик. – Уиллнинг кўзлари бунинг аксини айтиб турарди.

– Майлими аниқлик киритсам? – Мен кифтимни ростладим. – Сизлар жума оқшомида мен уйда ўтирганча, теле-

визор кўришим ёки китоб ўқишимга гаров ўйнагансизлар, шундайми?

– Шугина эмас, – деди Уилл. – Мен яна сиз «чопагон» билан югуриш йўлакчасида учрашасизлар, дегандим.

Натан Уиллнинг оёқларини тўғрилагач, қўлларини биллагидан елкасигача уқалай бошлади.

– Мен бутунлай бошқа нарсани айтганимда нима бўларди?

– Бундай бўлмаслиги аниқ эди, – деди Натан.

– Демак, бу энди меники, – дея Уиллнинг қўлидаги пулни олиб қўйдим. – Менинг кечки машғулотиمنى топишда адашдинглар.

– Сиз китоб ўқийман дедингиз-ку, – эътироз билдирди Уилл.

– Энди мен, – ўнталикни силкиладим. – Кинога бораман. Қачон ва қаерда йўқотишингни олдиндан билмайсан, тўғрими?

Мен ўрнимдан туриб, пулни чўнтагимга солдим ва тушлигимнинг қолганини жигарранг қоғоз пакетга ўрадим. Улардан узоқлашарканман жилмайдим, қандайдир номаълум сабабларга кўра кўзларим ёшга тўлди.

Эрталаб Гранта-Хаусга жўнашдан олдин бир соатча календарни кўздан кечириб чиқдим. Шундай кунлар бўларди-ки, қўлимдаги маркер билан Уиллни қаерга олиб бориш ҳақида ўйлаганча, каравотда соатлаб ўтириб қолардим. Уни олисга олиб бориш мумкинлигига ҳалиям шубҳаланар, Натаннинг хамроҳлигида бўлса-да, ўша жойларда тунаб қолиш ҳақидаги хаёллар ҳушимни бошимдан учирарди.

Мен газеталардан футбол мусобақалари ва қишлоқ байрамлари ҳақидаги эълонларни кўриб чиқардим ва от пойгасидаги саргузаштлардан кейин, унинг аравачаси бундай жойларда ботиб қолишидан хавфсирардим. Оломоннинг орасида у химоясиз қолиши ҳеч гапмасди. Бундан ташқари отлар билан боғлиқ ҳамма нарсани мустасно қилардим, аммо бизнинг ўлкада бундай томошаларнинг камдан-ками уларсиз ўтарди. Уилл Патрикнинг югуришларини кўришга хуши йўқлигини билардим. Шунингдек, у крикет ва регбига ҳам ишқибоз эмасди. Баъзида ўзимнинг топқир эмаслигим ва бир нарсаларни ўйлаб тополмаслигим туфайли қийналардим.

Балки, Уилл ва Натан ҳақдирлар. Ёки мен жуда зерикарлидирман. Балки, Уиллда яшашга бўлган иштиёқнинг аланга олдириш усулларини ихтиро қилишга ярамасман.

Китоб ёки телевизор.

Натан кетганидан кейин Уилл мени ошхонадан топди. Мен кичкина стол ёнида ўтирганча, унинг кечки таоми учун картошка арчиётгандим ва у аравачасини эшик олдида тўхтатганида, бошимни кўтариб қарамадим. У шунчалар узок тикилиб қолди-ки, қулоқларим учигача қизариб кетди.

– Биласизми, – дедим ниҳоят. – Мен ҳам ўзимни шундай тутишим мумкин эди. Сиз ҳам бирорта қизиқарли нарса қилмайсиз, дейишга ҳақли эдим.

– Натан менинг рақсга тушишимга тикмаган бўларди, – деди Уилл.

– Бунинг ҳазиллигини биламан, – дедим картошка пўчоғини ташлаб юборганча. – Аммо жуда хафа бўлдим. Менинг зерикарли ҳаётим учун гаров боғлаганингизни нега тан олдингиз? Буни менга билдирмасликнинг иложи йўқмиди?

Уилл сукут сақларди. Мен нигоҳимни кўтарганимда, у ҳамон менга тикилиб турарди.

– Бундан афсусдаман, – деди у.

– Ўхшамаяпти.

– Майли... балки... буни билиб қўйишингизни хоҳлаган бўлсам керак. Нималар қилаётганингиз ҳақида ўйлаб кўришингизни хоҳлагандим.

– Умримни елга совуряпман, демоқчимисиз?..

– Умуман айтганда, ҳа.

– О худойим, Уилл. Менга нима қилишим кераклигини ўргатишни қачон бас қиласиз. Телевизор кўришни чинданам ёқтирсам-чи? Менга шунчаки китоб ўқиш ёқса-чи? – овозимда минғирлаш оҳанглари пайдо бўлди. – Уйимга чарчаб келган бўлсам-чи? Ҳаётимни зўриқишлардан иборат югур-югурлар билан тўлдиришни истамасам-чи?

– Бир кун бориб булардан афсусланишингиз мумкин, – деди у сокинлик билан. – Биласизми, сизнинг ўрнингизда бўлганимда нима қилардим?

– Буни айтишингизни муштоқлик билан кутяпман, – дедим пичоқни бир четга қўйиб.

– Киноянинг ўрнимас. Сизнинг ўрнингизда кечки курсларга қатнаган, тикувчилик, модельерлик ва шунга ўхшаш ўзимга ёқадиган нарсаларга ўқиган бўлардим. – У эгнимдаги бобомнинг собиқ тўрпардаларидан, олтмишинчи йиллар урфида тикиб олган кўйлагимга ишора қилди.

Дадам мени бу кўйлақда илк марта кўрганида қўлини

бигиз қилиб: «Деразага ўхшаб қолибсан-ку, Лу!», дея хитоб қилган ва роса қаҳ-қаҳ уриб кулганди.

– Мен ўзимга гимнастика, сузиш, волонтерлик каби арзонгина машғулотларни топган бўлардим. Мусиқани ўрганардим ёки бировнинг ити билан олис сайрларга чиқардим...

– Бўпти-бўпти, энди тушундим, – гижинган ҳолатда жавоб қайтардим. – Аммо мен – сиз эмас, Уилл.

– Омадингиз бор экан.

Биз яна пича ўтирдик. Уилл аравачасини ошхонага ҳайдаб кирди ва столнинг нариги тарафига ўтганча, кўзларимга тикилди.

– Яхши, – дедим мен. – Сиз ишдан кейин қандай қимматли иш билан шуғулланган бўлардингиз?

– Умуман олганда, мен ҳар куни оз-оздан бўлса ҳам, нимадир билан шуғулланардим. Спорт марказида тоққа тирмашиш ва девор тенниси билан севимли машғулотим бўларди. Концертларга борардим ёки ресторанларни ўрганардим...

– Булар кўп харажат талаб қилади, – эътироз билдирдим мен.

– Ва югурардим. Чин сўзим, – кўшиб қўйди у қошимни чириганимда. – Кейин боришни орзу қилган мамлакатларнинг тилини ўрганардим ҳамда дўстларим... дўстларим, деб ҳисоблайдиган одамлар билан учрашардим... – У бир лаҳза тин олди. – Дунё бўйлаб саёҳатларни режалаштирар эдим. Бирор марта бўлмаган жойларимни, қилишга қўрқадиган ёки кўп куч талаб этадиган ишларни қидирардим. Мен Ла-Маншдан сузиб ўтганман. Дельташанда учганман. Тоғларга чиққанман ва улардан чанғида тушганман. Ҳа, уларнинг кўпчилиги пул талаб қилади, аммо ҳаммасиям эмас. Бундан ташқари, сизнингча мен пулни қандай топганман?

– Ситида одамларни тунагандирсиз?

– Менга нималар шодлик бахш этиши ва нима билан шуғулланмоқ кераклигини аниқ белгилаб олганман. Кейин эса уния-буния таъминлай оладиган ишга ўқиганман.

– Сизнингча, бу шунчалар жўнми?

– Ҳа, жўн, – тасдиқлади у. – Фақат анчагина машаққат талаб қилади. Одамлар эса ишлашни хоҳлашмайди.

Мен картошкани арчиб бўлдим. Пўчоқларни челакка ташлагач, товани плитага қўйиб, столга оёғимни осилтирганча, ўтирдим ва кўзларимни Уиллга тикдим.

– Сизнинг ҳаётингиз жуда қизиқарли бўлган, шундайми?

– Ҳа. – У аравачасини менга яқинлаштирди. – Шунинг учун ҳам мени зиқ қилиб юборяпсиз, Кларк. Чунки мен сизнинг иқтидорингиз... қудратингиз... бетакрорлигингизни кўриб турибман. Шунга қарамай, оддийгина, одми ҳаётга кўникиб яшашингизни тушунолмаёпман.

– Айтмоқчисиз-ки, сиз учун картошка тозалашдан кўра, каттароқ ишлар билан машғул бўлишим керак.

– Мен олам улканлиги ва ғаройиблигини айтмоқчиман. Бундан аввал сиз картошкани қовурсангиз яна-да миннатдор бўлардим, – деди у жилмайиб ва мен ҳам жавобан беихтиёр табассум қилдим.

– Сизга... шунча ишни амалга оширганингиздан кейин... бунга кўникиш энди анча оғир бўлса керак?

– Айтмоқчисиз-ки, бунча ишларни қилганимдан энди афсусланмайманми?

– Мен айтмоқчиманки, олдинлари ҳозиргидек оддийгина яшаганингизга кўникишингиз осонроқ кечармиди?

– Мен ўтган ҳаётимга афсусланмайман. Аравачага михланиб қолганимдан кейин, фақат ўша хотираларимга саёҳат қилишим мумкин, холос. – Уилл жилмайди, аммо бу унга жуда қийинчилик билан эришди. – Менинг ҳаётим кўнглимдагидек кечди.

Мен столдан тушиб, ошхона тахтачасида картошкани майдалаб кеса бошладим.

– Ундан кейин, Лу, гаров ўйнаганимиз учун узр сўрайман.

– Бўпти, яхши. – Мен ўгирилиб, қизиган товага ёғ қуйдим. – Аммо пулни қайтаришимга умид қилманг.

Орадан икки кун ўтиб, Уилл инфекция туфайли шифонага тушди. Врачлар буни профилактик тадбир дейишса ҳам, у жуда оғир азобларни бошидан кечираётганлиги шубҳасиз эди. Айрим квадриплегиқларда сезиш қобилияти йўқ бўлиб кетса-да, Уилл фақатгина иситмани ҳис қилмас, аммо кўксидан пастки қисмидаги оғриқ ва пайпаслашларни ҳис қилиб турарди. Мен уни икки маротаба мусиқий дисклар ва турли ширинликлар олганча, зиёрат қилдим, ўзимни унинг олдида ортиқчадек ҳис қилдим. Уилл ўзига эътибор қаратишларини истамасди. У менга келмаслигим ва бўш вақтимни ўзим хоҳлаганимча ўтказишимни айтди.

Бир йил муқаддам бундай кунларни дўконларни кезиш, Патрик билан бирга тамадди қилиш каби унчалар муҳим бўлмаган ишларга сарфлаган бўлардим. Кундузги кўрсатув-

ларни томоша қилган, кийимларимни титкилаб кўриб чиққан ҳамда ухлаган бўлардим.

Энди эса қандайдир ғалати бир хавотир ва ўзимга нисбатан ишончсизликни ҳис қилмоқдаман.

Куннинг ярмида вақтимдан унумлироқ фойдаланишим мумкинлигини ўйладим. Мен кутубхонага бордим ва Уиллнинг аҳволи яхшиланганидан кейин, нималар билан шуғулланишимга доир маълумотларни ахтариш билан банд бўлдим. Рўйхат тузиб чиққач, ҳар бир бандига тегишли ускуналар ёки ҳал қилиш керак бўлган масалаларни белгилаб чиқдим.

Мен умуртқаси шикастланган одамлар учун форумни кидириб топдим ва Уиллдай одамлар мингдан ошиқлигини билдим. Улар Лондонда, Сиднейда, Ванкуверда ёки қўшни уйда ёт кўзлардан панада ҳаёт кечиришади. Уларга қариндошлари, дўстлари ёрдам беришади ёки мутлақо ёлғиз қолишади.

Мен бундай сайтлар билан қизиқадиган ягона энага эмасдим. Қизлар ўзларининг севимли йигитларида қандай қилиб яна ҳаётга, яшашга бўлган қизиқишни, ишончни уйғотишни сўрашар, эрлар эса энг янги тиббиёт ускуналари бўйича маслаҳатларни излашарди. Қумлоқда ва йўлсиз жойларда ҳам юра оладиган мажруҳлар аравачалари, ақлли кўтаргичлар ва чўмилиш учун шиширма ускуналарнинг рекламалари учраб қоларди.

Ёзишмаларда кўпроқ кодлардан фойдаланиларди. Мен ОМШ қисқартмаси – «орқа миянинг шикастланиши» эканлигини, ЖС – «жисмонан соғлом», ПЙИ – «пешоб йўллари инфекцияси» эканлигини билиб олдим. Ўзим учун мажруҳ эр-хотинлар ва болалари орасидаги севги ва айрилиқ тарихларини ўқиб чиқдим. Ўз жонига қасд қилишлар ҳақида ҳам гапиришарди – кимдир ўзи уриниб кўрган, кимдир бошқаларни шунга кўндирган, кўпчилик уларни ҳаётга бошқача кўз билан қарашни ўрганиш кераклигини маслаҳат берган.

Туш пайти кутубхонани тарк этдим ва шаҳарни пиёда кеза бошладим. Ўзимни криветкали сэндвич билан сийлаганча, оққушларни томоша қилардим. Кун бирмунча иссиқ бўлгани учун курткамни ечиб, юзимни қуёшда тобладим. Ҳамма ёқда иш қайнаб ётган бир пайтда мен осудалик топгандим. Туш пайтигача узлатга чекингандек кутубхонада қамалиб ўтиргандим, энди эса қуёшда яйраганча, тамадди қилиб олиш менга озодлик бўлиб туюлаётганди.

Кейин яна кутубхонага қайтдим ва матн тердим.



Салом! Мен 35 ёшли квадриплегик эркакнинг энага дўстиман. Олдинги ҳаётида у жуда фаол ва муваффақиятли одам бўлганлигидан ҳозирги ҳаётига кўникиши жуда қийин кечмоқда. Тўғриси айтганда, у яшашни хохламайди ва мен унинг бу қароридан қайтариш йўллари ахтараман. Менга ёрдам беринглар, илтимос! Унга ёқадиган ёки унинг кайфиятини ўзгартирадиган ғоялар борми? Ҳар қандай маслаҳатлар учун миннатдорман.

Матннинг тагига «Меҳнатсевар Асаларича» дея имзо қўйдим. Кейин стул суянчиғига ўзимни ташлаганча, тирноғимни тишлаб, «Жўнатиш»ни босдим.

Эртаси куни компьютерда ўн тўртта жавоб келганлигини кўрдим. Мен форумга кириб, дунёнинг барча бурчакларидан кечаю кундуз турли одамлар жўнатаётган жавобларни кўриб, кўзларим катта-катта бўлиб кетди. Биринчисида шундай сўзлар бор эди:

Азизим Меҳнатсевар Асаларича!

Бизнинг форумга хуш келибсиз... Сизнинг дўстингизга кимдир қайғураётганлиги учун бирмунча енгил эканлигига шубҳа қилмайман.

«Мен эса шубҳаланаман», – ўйладим мен.

Бизларнинг аксариятимиз эрта ёки кеч тушкунликка тушиб қолади. Менимча, сизнинг дўстингиз ана шундай ҳолатга дучор бўлган. Сизни ўзидан итаришига йўл қўйманг. Ҳаётсевар бўлинг. Бу дунёга келиш ёки ундан кетиш бизнинг эмас, Яратганнинг измидалигини тез-тез унга айтиб туринг.

Мен кейинги жавобга ўтдим.

Ҳурматли Асаларича!

Квадриплегикларга осонмас, нимаям қиласиз. Агар сизнинг дўстингиз ўзига хос шўх бўлган бўлса, демак унга ҳозир ҳавас қилиб бўлмайди. Менга мана нималар кўпроқ ёрдам берган: ўзим истамаган пайтларда ҳам кўп мулоқотлар. Яхши таом. Яхши врачлар. Сифатли дорилар, айниқса, антидепрессантлар. Сен қаерда яшашингни ёзмабсан. Дўстингиз ОМЖ-жамиятига қўшилса ёмон бўлмасди. Мен ҳам аввалига бунга қарши бўлганман (мен ўзимни квадриплегик, дея тан олгим келмаган), аммо битта сенига бундай эмаслигини билганингдан кейин сал енгиллашасан.

Биз билан боғланиб тур.

Ричи.

«Муҳаббат, – деб ёзарди Бирмингемлик Грейс-13. – Агар у

севиб қолса, лашада давом этади. Муҳаббатсиз мен аламлар исканжасида қолган бўлардим».

Бу сўзлар кутубхонадан чиққанимдан кейин ҳам узок пайтгача хаёлимдан кетмади.

Уиллга пайшанба куни шифохонадан жавоб беришди. Мен махсус машинада келиб, уни уйига олиб кетдим. Унинг туси – юзидан қони қочган одамни эслатар эди ва йўл бўйи ойнага қараб кетди.

– Шифохонада ухлаб бўлмайди, – деди Уилл мен ундан ҳаммаси жойидами, деб сўраганимда. – Қўшни каравотда кимдир оҳ-воҳ чекади.

Мен унга бир-икки кун яхшилаб дам олишини, ундан кейин борадиган жойларимиз борлигини айтдим.

Суратлар галереясига ташрифимиз бор-йўғи йигирма дақиқа вақт олди. Автомобиль қўйиш майдончаси учун квартални уч марта айланишимиз ҳам шунинг ичида. Биз галереяга кирганимиздан кейин, мен эшикни ёпиб улгурмасимдан, Уилл бу ердаги расмлар ҳеч нарсага арзимаслигини айтди. Мен нима учунлигини сўраганимда, буни ўзим ҳис қилмасам, у тушунтириб беролмаслигини айтди. Кинога боришни эса у ердагилар хижолатга ботганча, лифтлари ишламаслигини айтганларидан сўнг бекор қилишга тўғри келди. Бассейнда сузишни ташкиллаштиришда эса, жуда катта қийинчиликларни енгишга тўғри келди. У ерга етиб борганимиздан кейин Уилл машинадан тушишга қаттиқ қаршилиқ қилганлиги сабабли, машинадан тушмасдан термосдаги какаони сукут ичра ичганча, яна ортга қайтишимизга тўғри келди.

Чоршанба куни Уилл Нью-Йоркда кўрган хонанда аёлнинг концертига бордик. Буниси ҳар қалай яхш ўтди. Уилл юзида жиддийлик аломатлари акс этган ҳолатда концертни тинглади.

Кейинги кун мен уни турли шаробларни татиб кўриш тадбирига олиб ордим. Уиллни маст қилиб қўймаслигимиз ҳақида Натанни олдиндан огоҳлантирдим. Бироқ Уиллнинг оғзига шаробли бокални яқинлаштирганимда, ундаги шаробнинг қанақалигини татиб кўрмасдан ҳам айтиб берарди. Магазин соҳиби дўконига мажруҳ одам келганлигидан хавотирга тушган бўлса-да, Уилл унинг кўнглига йўл топа олди. Бир неча дақиқадан кейин унинг ўзи Уиллнинг ёнига ўтириб олиб, турли шишаларни очганча, узумларнинг нави ва экилиш жойлари ҳақида суҳбатга киришиб кетди. Мен эса шишалардаги

турли ёрликларни ўқиш билан банд бўлиб айланиб юрарканман, энгилгина зерика бошладим.

– Кларк, ўтиринг ва ўрганинг. – Уилл имо қилганча, ёнларидан жой кўрсатди.

Уйга қайтишда нотаниш бир шаҳарчадаги кўча тиқинига тушиб қолдик ва мен атрофга қараб татуировка ва пирсинг салонига кўзим тушди.

– Доимо татировка қилдиришни хоҳлаганман, – дедим мен.

Уилл ҳар галгидек бунинг учун менга нима халал берганлиги билан қизиқди.

– Билмайман... Бунга бошқалар қандай қарайди, деб ўйлаган бўлсам керак.

– Бошқалар нима дерди?

– Дадам татуировкаларни ёмон кўради.

– Ёшингиз нечада?

– Патрик ҳам уларни ёқтирмайди.

– У ҳам сиз ёмон кўрадиган нарсаларни қилмайдими?

– Татуировка ўзимга ёқмай қолса-чи?

– Унда лазерлисидан қилдириг, тамом.

Мен орқа кўзгу орқали Уиллга қарадим. Унинг кўзлари шодликдан учқунланарди.

– Нимани туширган бўлардингиз? – сўради у.

– Билмайман, – беихтиёр жилмайдим. – Аммо илонни эмаслиги аниқ. Яна бирорта ҳам исмни.

– Яна «Она» дея ёзилган юракни ҳам эмас.

– Кулмайман, деб сўз беринг.

– Иложим йўқлигини биласиз-ку.

– Мен асалари суратини туширган бўлардим. Мен уларни яхши кўраман.

– Машинани тўхтатинг, – деди у.

– Нима бўлди?

– Анави ёқда бўш жой бор экан, – бошини ўнг томонга ирғади Уилл. – Ўша ерда тўхтатинг.

Мен кўча четидаги бўш жойга машинани тўхтатдим ва унга қарадим.

– Кетдик, – деди у. – Бугунга бошқа режаларимиз йўқ-ку.

– Қаёққа?

– Татиуровка салонига.

Мен Уиллга ўгирилиб қарадим. У жиддий қараб турарди.

– Мен бирданига бу ишни қилолмайман. Нега-ки...

– Негаки, йигитингиз бунга қарши. Негаки, сиз йигирма етти ёшингизда ҳам эсли қиз бўлиб қолмоқчисиз. Негаки, бу жуда қўрқинчли. Кетдик, Кларк. Тўла қонлироқ ҳаёт кечирсангиз-чи. Сизни нима тўхтатиб турибди?

Мен йўлнинг нариги тарафидаги татиуровка салонининг пештоғига қарадим. Унинг хира тортган ойнасида катта неон юрак нур сочар, Анжелина Жоли ва Микки Оуоу портретлари осиб қўйилганди.

– Бўпти, – деди Уилл менинг ҳисоб-китобларга оид ҳаёлларимга нуқта қўйиб. – Агар сиз қилдирсангиз, мен ҳам қилдираман.

Мен Уиллга ўгирилдим.

– Сиз ҳам татиуровка қилдирмоқчимисиз?

– Сизга кимдир ўрناق бўлиши керак-ку!

Мен моторни ўчирдим. Биз моторнинг совуганича чиқиллаб қўйиши, ёнимиздан ўтаётган машиналар шовқинини тинглаб ўтирдик.

– Бу бир умрликка қолади.

– Шундай.

– Патрикнинг жаҳли чиқади.

– Буни олдин ҳам айтгансиз.

– Ифлос игналардан гепатит юқтириб олишимиз ҳам мумкин. – Мен Уиллга ўгирилдим. – Балки, улар ҳозир буни қилишмас.

– Бўлиши мумкин. Кирайлик ва билайлик.

Орадан икки соатча ўтиб, биз салондан чиқдик. Мен саксон фунт харжладим. Рассомнинг каталогини варақлаб, жажжигина асалари тасвирини танладим. Патрик буни кўргач, ўзимни бир умрга тамғалаб қўйганимни айтса керак.

Уилл эса танасига қандай сурат солдирганлигини айтмади. Бу, чамаси, Алисияга боғлиқ бирор нарса бўлса керак, деб ўйладим.

– Сиз менга ёмон таъсир қилаяпсиз, Уилл Трейнор, – дедим мен машина эшигини очиб, пандусни тушуаркан. – Энди мен ота-онамга буни кўрсатиб қўймаслик учун, узун енгли кийимда юришим керак.

Уиллнинг аравачаси ғилдиракларини пандусга тўғрилаб, уни машина салонига чиқариб олдим.

– Кларк, – деди у аравача ғилдиракларини маҳкамлаб қотириб бўлганимдан кейин. – Сумкамнинг ўнг чўнтагидаги нарсани олиб беринг.

Мен сумканинг Уилл айтган чўнтагига қўл солдим.

– Сизга оғрик қолдирувчи дори керакми?

– Йўқ, бошқа нарса. Чуқурроқ ковлаштиринг.

Мен қўлимга илинган қоғозни чиқардим. Бу икки-уч букланган ўн фунтлик пул эди.

– Бу пул энди сизники. Сизнинг ютуғингиз, – деди Уилл. – Мен сизни татиуровка ўриндиғига ўтиришингизга ишонмагандим.

**Х**алигача Катрина дам олиш кунлари уйга келганида, ота-онам Томас яхши ухлаши учун ўз ётоқларини уларга бўшатиб, ўзлари меҳмонхона полида ёстиқлардан ясаб олишган тўшакларда тонг оттиришда давом этишарди.

Бобом ўз хонасини тавсия қилиб кўрди, аммо ҳеч ким рози бўлмади. У хонада эски газеталар ва қўлбола тамаки дуди анқирди. Бир ҳафта шамоллатилганда ҳам, бу ҳиднинг кетиши даргумон. Буларнинг бари менинг айбим билан бўлганлигини билиб турсам-да, ўша каталакка қайтгим келмасди.

Дам олиш кунларидан бирида мен Патрикникида тунайдиган бўлдим ва ҳаммалари яширинча енгил нафас олишди. Менинг хонамга кирган Томас шира қўллари билан жалюзларимни доғ қилиб, янги одялимга ювилмайдиган феломастер билан чизиб ташлабди. Буни кўрган ота-онам яна уларга ўз хоналарини бериб, ўзлари менинг хонамда тунашибди. Шунинг учун ҳам менинг Патрикникига кетганим уларга тати-мабди.

Патрик эса «Викинг экстрим» мусобақаларига берилиб кетганди. Унинг бир нав жиҳозланган, сариштагина квартираси энди машғулотлар жадваллари ва парҳез режалари билан тўлиб кетганди. У янги енгиллаштирилган велосипед олган бўлиб, у коридорда турар ва унинг тезлик учун қилинган балансировкасини издан чиқармаслигим учун унга тегиниш менга қатъий ман қилинганди.

Патрик ҳатто жума ва шанба кечалари ҳам уйида камдан-кам бўларди. Унинг машғулотлари ва менинг ишим туфайли биз жуда кам кўришадиган бўлиб қолгандик. Уни кўрмоқчи бўлсам стадионга боришим ва унинг югуриш йўлакчасида керакли айланаларни чошиб бўлгунча кутиб туришимга тўғри келарди. Ёки квартирада бир ўзим чарм қопланган кенг диваннинг бир четида ғужанак бўлганча, телевизор кўриб ўтиришимга тўғри келарди.

Тўғриси айтганда, Патрикнинг квартираси менга ёқмасди. Бу квартирани бир йилча олдин, онаси бир ўзи яшай

олишига кўзи етганидан сўнг сотиб олганди. Унинг бизнеси гуллаб-яшнаб ва менга иккимиздан биримиз уй-жойли бўлишимиз кераклигини айтганди. Мен буни бизнинг умумий келажагимиз ҳақидаги таклифга сабаб бўлади деб кутгандим, аммо бундай бўлиб чиқмади. Натижада, бу квартирада менга тегишли ҳеч нарса йўқ эди. Менга унинг бўйдоқларга хос квартирасидан кўра, ўзимизнинг сершовкин бўлсаям уйимиз кўпроқ ёқишини Патрикка айта олмасдим.

Бу уйда ўзимни жуда ёлғиз ҳис қилардим.

«Мен кун жадвалига қатъий амал қилишим керак, митивой, – дерди унга шикоят қилганимда. – Мен шунча вақт ичида мана шунақанги югуришга эришолмасам, издан чиқиб қоламан». Кейин у тиззасидаги оғриқдан нолир ёки ташқи мушаклар учун мўлжалланган малҳамни суртиб қўйишимни илтимос қиларди.

Машғулотлардан бўш пайтларида у жомоасининг сонсаноксиз бошқа аъзолари билан учрашиб, эпкирироқларини ўлчаб кўрар ва олдиндаги саёҳатга тайёргарлигини охирига етказарди. Улар билан бирга бўлиш – худди корейслар орасида ўтиришдек гап эди. Мен улар нима ҳақида гаплашаётганликларини тушунмасдим ва бунга интилмасдим ҳам.

Бўлмаса, етти ҳафтадан кейин уларга қўшилиб Норвегияга боришим керак эди! Мен Трейнорлардан ҳали таътил сўрамаганлигимни Патрикка қандай айтишним билмасдим. Менинг контрактим «Викинг экстрим»дан бир ҳафта ўтганидан сўнг ниҳоясига етарди. Мен учун муҳими Уилл ва чиқиллаётган соатлар эди. Қолган нарсаларни деярли пайқамас эдим.

Тақдирнинг ўйинига қаранг-ки, Патрикнинг уйида кўзимга уйқу келмасди. Патрикникида ўтказилган тундан кейин бошим ғуввиллаб, кўз остларим қорайган ҳолда ишга борардим.

– Кларк, сизга нима бўлди? – сўради Уилл.

Мен кўзларимни очдим. У шундоқ ёнгинамда, бошини экканча, менга тикилиб турарди. Менимча, мудрашим анчагина чўзилганга ўхшайди.

Мен кўришим керак бўлган фильмнинг титрлари ўтиб борарди.

– Ҳеч нарса. Узр. Бу ер жуда иссиқ экан. – Мен кифтимни ростладим.

– Сиз кечаям мудраб кетгандингиз, – Уилл юзларимга разм солди. – Кўринишингиз одамни кўрқитади.

Мен унга барини гапириб бердим. Синглим боласи билан ота-онамнинг хонасида тунашаётгани, улар эса меҳмонхона полида ухлашлари, ҳаммамиз сиғишадиган уй билан таъминлай олмагани учун аламга тушган отамнинг ахволини билганимдан жанжал кўтармаслигим ҳақида ҳикоя қилдим.

– Дадангиз ҳалигача иш тополмадими?

– Йўқ, бу унинг ёши билан боғлиқ бўлса керак, – мен елкамни қисдим. – Бу ҳақда гаплашиш эса ҳаммамиз учун ноқулай.

Мен дискни жилдига солиб, қутига ташлаб қўйдим. Назаримда, ўз муаммоларимни Уиллга айтмасам ҳам бўларди. Унинг ўз кулфатлари олдида бизники ҳолва эди.

– Мен бунга ўрганиб кетаман, – қўшиб қўйдим мен. – Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Рости билан.

Уилл чуқур ўйларга берилди. Мен қўлимни ювдим ва унга компьютерни тўғирлаб, сув олиб келган пайтим аравачаси билан менга ўгирилди.

– Буни ҳал қилса бўлади, – деди Уилл суҳбатимизни давом эттиргандай. – Дам олиш кунлари шу ерда қолишингиз мумкин. Битта хона шундоғам бўш турибди, зора шу билан фойдаси тегса.

– Йўқ, иложим йўқ. – Мен стаканчани қўлимда ушлаганча, туриб қолдим.

– Нега энди йўқ? Бу кунлар учун мен сизга ҳақ тўламоқчи эмасман.

– Ойингиз нима деб ўйлайди?

– Тасаввур ҳам қилолмайман, – деди у ва кулимсираб қўйди. – Мендан эса кўркмасангиз ҳам бўлади.

– Бу кулгули.

– Мен жиддий айтяпман. Буни ўйлаб кўринг. Ҳаммаси жуда тез ўзгариши мумкин. Синглингиз ҳамма дам олишларини сизларникида ўтказишни истамаслиги ёки бошқа бир одам билан ҳаётини боғлаши мумкин. Дунё жойида тўхтаб қолмайди.

«Сиз ҳам икки ойдан кейин умуман бўлмаслигингиз ҳам мумкин» – дея хаёлан қўшиб қўйдим ва шу заҳоти ўзимдан нафратланиб кетдим.

– Фақат бир нарсани тушунолмайман, – Уилл эшик сари жўнади. – Нимага чопагонингиз сизга ўз квартирасини тавсия қилмайди?

– У таклиф қилди, – дедим мен.

Уилл менга бир пас қараб тургач, елка қисиб қўйди.



\* \* \*

Дейдрре Беллоуз мени икки марта чақирганидан сўнггина унга қарадим ва таниш чехрани кўрганимдан хурсанд бўлиб кетдим.

– Хаёлинг қаерларда, Луиза?

– Салом, Дейдрре! – мен автобус ўриндиғида суриганча, унга жой бўшатдим.

Дейдрре менинг ойим билан болалиқдан дугона тутинишган. Унинг газламалар дўкони бўлиб, уч марта ажрашганди. Унинг ясама сочга ўхшаш қалин соч ва дўмбоққина юзлари шу ёшидаям жувонни жуда ёқимтой кўрсатарди. У гўё ҳалиям уни олисларга олиб кетадиган шаҳзодасини кутаётганга ўхшарди.

– Мен аслида автобусларда юрмайман, аммо машинамни таъмирлашга топширганим учун мажбур бўлдим. Тирикчиликлар қалай? Ойинг сени қаерда ишлашингни айтиб, мени қизиқтириб қўйганди.

Кичкина шаҳарчада ҳеч нарсани яшириб бўлмайди, ўзи. Ўзгаларнинг турмушидаги икир-чикирлар Дейдррега ўхшаган жувонлар учун нақд бойликнинг ўзи.

– Раҳмат, бари яхши.

– Яхши тўлашадими?

– Ҳа.

– «Сарёғли кулчалар» қаҳвахонасидан кета туриб ҳам яхши иш топганингдан жуда хурсанд бўлдим! Қаҳвахонанинг ёпилгани жуда афсусланарли. Зарур магазинлар бирин-кетин ёпиляпти. Катта кўчамизда дўконларнинг ҳар туридан бор эди.

– Тўғри... – дедим қўлимдаги блокнотга қараб қўяётганини пайқаб, уни беркитганча. – Бари бир газлама олиш учун олисга бориб ётмаймиз. Дўконингиз қалай?

– Бўляпти. Қўлингдаги нима? Ишинг билан боғлиқми?

– Ҳа, Уиллга нималар ёқиш-ёқмаслигини қайд этиб қўяётгандим.

– Анови мажруҳни айтяпсанми?

– Ҳа, менинг хўжайинимга.

– Ҳа-ҳа-ҳа... Хўжайиним дейишинг зўр эшитилади, – у биқинимга туртиб қўйди. – Сенинг оқила синглингнинг ўқиши нима бўляпти?

– Ёмонмас. Томасники ҳам.

– Шу бола бир кун бориб президент бўлади, мени айтди дерсан. Мени доим бир нарса ҳайратлантиради – нега сен

аввалроқ бошқа жойга жўнаб кетмагансан? Биз сени ҳамиша юлдузча деб ўйлардик. Ҳалиям шундай деб ўйлаймиз. Шунинг учун сен биринчи бўлиб кетишинг керак эди. Яхшиямки, сизларнинг борлигингиз туфайли ойингиз уйида ўтирибди.

Буларга қарши нима ҳам дея олардим. Кейинги етти йил мобайнида кўчамизнинг охиридан нарига чиқмаган бўлсам. Мен эски автобуснинг мотори шовқинини тинглаганча, умримни бўлак-бўлак ҳолда йўқотаётганимни тасаввур қилдим. Майда ташвишлар билан ўралашиб қолганга ўхшайман.

– Хўп майли. Бекатимга келиб қолдим. – Дейрдре елкасига локланган сумкасини илганча, бир амаллаб ўрнидан турди. – Мен учун ойингни ўпиб қўй. Эртага кириб ўтишимни ҳам айт.

\* \* \*

Бир куни ишдан қайтсам, дадамни пойгоҳда учратиб хайрон қолдим. У ишсиз қолганидан бери бобомни ёлғиз қолдиргиси келмагандай уйдаги диванда чўзилганча, вақт ўтказарди. Бугун эса дазмолланган кўйлақда, соқоли яхшилаб слинган ва ундан «Олд Спайс» одеколони ҳиди келиб турарди.

– Мана сен ҳам келдинг.

– Ха, келдим, – мен ортимдан эшикни ёпдим. Йўл бўйи автобусда саёхатлар бюроси агенти билан Уиллни қаерларга олиб бориш устида гаплашиб келгандим ва иккимиз ҳам боши берк кўчага кириб қолгандик. Уиллнинг хоҳишига кўра, унинг сайр-саёхат доираси қалъа атрофидаги ўн чақиримдан нарига ўтмасди.

– Бугун бобонг билан бирга чой ичиб турарсан?

– Майли. Сизга йўл бўлсин? – дедим курткамни илгакка иларкан.

– Биз ойинг билан кечки тамаддини ресторанда қилмоқчимиз.

– Наҳотки ойимнинг туғилган кунини ўтказворган бўлсам?

– Ундаймас. Биз... – дадам худди сирли гапни айтаётгандек овозини пасайтирган кўйи деди: – янги иш топганимни ювмоқчимиз.

– Бўлиши мумкинмас!

Дадамнинг анча енгиллашганлигини энди пайқадим. У айбдорона бўйинини қисмас, юзида табассум жилваланарди. У ёшариб кетгандек эди.

– Ойингни боши осмонда! Кейинги пайтларда у жуда қийналиб кетди. Мен уни яхшилаб сийламоқчиман.

– Қанақа иш экан?  
– Мен қалъада техник таъминот хизмати бошлиғи бўлиб тайинландим.

– Бу ишни... – дедим кўзимни пирпиратганча.

– Ҳа, бу ишга мени мистер Трейнор тайинлади. Унга Уилл менинг ишсиз юрганимни айтган экан. Мени бир ойлик синов муддати билан ишга олишди.

– Сен Уиллнинг отаси билан бирга ишлайсанми?

– Унинг ўзи айтди, бир ой синов муддатидан ўтгач, ҳамешаликка ишга оларкан.

– Бу... жуда зўр-ку! – мен бундай янгиликка қандай муносабатда бўлишимни билмасдим. – Ҳатто қалъада бўш иш жойи борлиги ҳаёлимга ҳам кириб чиқмаган.

– Мени ҳам. У айтдики, менинг ишим уни қониқтирибди.

Бироздан кейин ойим унинг ёнига чиқиб келди. Лабларини бўяб олган, оёғида эса бигиз пошналар туфлиси.

– Фургон. Унга алоҳида фургон беришаркан. Маоши ҳам яхши, Лу. Мебел фабрикасидан оладиганидан анча кўп. – У дадамга худди қаҳрамонга қарагандек қаради.

– Жуда ажойиб, – дедим дадамни қучоқлаб олганча.

– Уиллга раҳмат айт. Ажойиб йигит! Мени эслаганидан гоётда хурсандман.

Мен уларнинг уйдан узоқлашаётганларини эшитиб турардим: ойим гоҳ у ерим, гоҳ бу ерим бачканадек кўринмаяптими, дер, дадам эса ҳаммаси ажойиблиги, ҳеч нарсани ўзгартирмасликни таъкидларди. Кейин машинанинг ўт олдирилгани ва уларнинг ресторанга жўнаб кетганлари эшитилди.

Бобом меҳмонхонада телевизор кўриш билан банд эди. Мен бу ишга Уиллнинг алоқадорлигини дарров англаб, зинапояга ўтирганча, унга қўнғироқ қилдим.

Унинг дарров жавоб бермаслигини олдиндан билардим. Бунинг учун у аввал ўзининг махсус хендс-фри қурилмаси ёнига аравачасини ҳайдаб бориши ва унинг тугмасини қатта бармоғи билан босиши лозим бўларди.

– Алло?

– Бу сизнинг шарофатингиз биланми?

Қисқа танаффус.

– Кларк, бу сизми?

– Сиз дадамга иш топиб бердингизми?

У худди нафаси буғилиб қолгандек жим қолди. Менинг хавотирим ошди.

- Сиз хурсанд бўласиз, деб ўйлагандим.
- Хурсанд бўлганда қандоқ!
- Бу олдиндаги яхшиликларнинг бошланиши, Кларк. Дадангизнинг ишлари юришиб кетади. Бу эса... – у гапини чўзди.
- Нима бу...
- Бу эса сиз ота-онангиздан камроқ хавотир олиб, ўз ишларингиз ва ҳаётингиз билан машғул бўлишингизга имкон беради, – Уилл менинг жим қолганимдан хавотир олиб сўради.
- Нега индамай қолдингиз.
- Хурсандлигимдан, – дея ютундим. – Кечирасиз, бобом мени чақирапти. Дадамга ёрдам кўрсатганингиз учун раҳмат.

Мен йиғлаб юбормаслик учун суҳбатга яқун ясашимга тўғри келганди.

\* \* \*

Мен пабга жўнадим. Ҳавода гуллар иси анқир, йўловчилар менга жилмайиб қарашарди. Мен эса сира табассум қилолмасдим, чунки уйда бир ўзим хаёлларим билан қола олмасдим. «Учкураш титанлари» паб олдидаги боғда иккита столни банд қилганча, ўтиришарди. Уларнинг орасида бирорта ҳам аёл йўқ бўлиб, Патрик ўрнидан туриб, ёнидан жой берди. Менга айни пайтда Катрина ҳамроҳ бўлганида яхши бўларди.

Боғни бақироқ талабалар ва ишини тугатган савдо аҳли тўлдирганди. Сайёҳлар ҳам ушбу пабни яхши кўришар, гуруҳ-гуруҳ бўлишиб боғнинг бир тарафидаги столларни банд қилишганди.

- Келишингни кутмагандим. Бирор нарса ичасанми?
- Бироз шошмагин, – дедим Патрикнинг елкасига қўл қўйганча, жойимга ўтириб.
- Бугун мен ўз рекордимни янгиладим.
- Жуда зўр-ку.
- Шу тарзда давом эт, Пат! – кимдир хитоб қилди.
- Зўр бўлганда қандоқ! – Патрик мушти билан столга урди. Мен ҳам ўз-ўзимдан ажабланиб кетдим.

Энди даврадагиларга қўшилиб, Патрикнинг муваффақиятини нишонласак бўлади. Суҳбат қизигандан-қизир, машғулотларда олинган шикастланишлар ва уларни енгиллаштирадиган усуллар бирма-бир тавсия қилинарди.

Мен Патрикка дадам иш топганлигини айтдим. Унинг юзи ўзгариб кетди.

– Бу... жуда қулай. Энди иккингииз ҳам унинг хизматчиси бўлибсиз.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас. ~ Мен имкондан фойдаланиб, қолган янгиликларни ҳам айта бошладим. – Уилл уларнинг меҳмонхонасида хоҳлаган пайтим тунаб қолишим мумкинлигини айтди.

– Сен уникида яшамоқчи бўляпсанми? – Патрик менга қаради.

– Бўлиши мумкин. Сен камдан-кам биргасан. Менга сеникида бўлиш ёқади, аммо квартиранг уйга ўхшамайди.

У мендан кўзларини узмасди.

– Сен уни уйга айлантир.

– Нима?

– Меникига кўчиб кел. Анжомларингни ола келсанг-чи. Биз аллақачон биргаликда яшашимиз керак эди.

Анча вақт ўтгандан кейингина, булар ҳақида мулоҳаза қилиб кўргач, ўша пайтда Патрик худди алданиб қолган эр-какдек бахтсиз бўлиб кўринган экан.

– Сен чиндан ҳам кўчиб келишимни истайсанми?

– Албатта. – У қулоғини қашлади. – Мен турмуш қуриш-нимас, меникида яшаб туришни таклиф қиляпман. Қолганини вақт кўрсатади.

– Қандай олийжаноблик.

– Мен жиддий айтаяпман, Лу. Аллақачон бир том остида яшашимиз керак эди. Менинг эса ташвишим кўпайиб, бунга эътибор бермабман. – У менинг кифтимдан кучоқлади. – Бундан яхшиси бўлмайди.

Даврада буни маъқуллаган хитоблар янгради.

– Майли, – рози бўлдим мен. – Бу жуда ажойиб бўлади.

**Э**нагаликнинг энг қийин тарафи кун бўйи бегона одамнинг ёнида бўлганча, унинг ёки ўзингнинг ёмон кайфиятидан ўзингни кўярга жой топа олмаслигингдир.

Уиллга Патрикнинг таклифини айтганимдан кейин, у мендан ўзини четга ола бошлади. Уни билмаган одамга бу билинмаса-да, у камроқ ҳазиллашаётганлиги, камроқ гап кўшаётганлиги менга дарров билинди. Бугунги газеталар ҳам уни қизиқтирмай кўйди.

– Сиз... ўзингиз шуни хоҳлайсизми? – унинг кўзларида қандайдир фикр ярқ этди-ю, аммо юзлари ўзгаришсиз қолди.

Мен елка қисдим. Кейин қатъий тарзда бош ирғадим.

– Ҳаммаси вақтга боғлиқ, – дедим мен. – Ёшим ҳам йигирма еттига етди.

Уилл юзимга разм соларкан, ияги тош қотди.

Мен бирдан ҳорғинликни ҳис қилдим. Ундан ўзим нима учунлигини билмаган ҳолда кечирим сўрагим келарди.

Уилл баъзўр табассум қилди.

– Жойлашадиган бўлганингиз билан табриклайман, – деди у куруққина ва аравачасини ҳайдаганча, ошхона тарафга кетди.

Менинг жаҳлим чиқди. Гўё у менинг Патрикникига кўчиб ўтишга қарор қилганим учун, менга бўлган қизиқишини йўқотгандек эди. Бу билан мен гўё унинг ҳомийлигидан чиқиб кетгандек туюлган бўлсам керак. Мен буларни унга айтолмаган бўлсам-да, унинг менга бўлган совуқ муносабатини ўзига қайтаргандек, мен ҳам унга бефарққина бўлиб юрдим.

Аммо ростини айтганда, бу жуда толиқтирадиган ҳолат эди.

Тушга яқин эшикни кимдир тақиллатди. Мен идиш юваётганим учун ҳўл қўлларим билан коридорга чиқиб, эшикни очганимда қўлида портфель тутган кишига кўзим тушди.

– Мен мистер Трейнорни кўрсам бўладими? – сўради бегона киши ва ичкаридан Уиллнинг: «Уни ичкарига таклиф

қилинг. Бу кишини мен таклиф қилганман»– деган овози келгач, унга йўл бўшатдим.

Нотаниш киши остонадан ҳатлади ва қўлларимдан ушлаб кўришди:

– Майкл Лоулер.

У яна нималарнидир айтмоқчи бўлган пайт, Уилл чаққонлик билан аравачасини орамизга суқиб, суҳбатимизни бўлиб қўйди.

– Биз меҳмонхонада бўламиз. Бизга қаҳва келтиргандан кейин ёлғиз қолдирсангиз.

– Э-э... Яхши.

Мистер Лоулер хижолат чекканча, менга кулимсиради ва Уиллнинг ортидан меҳмонхонага қараб кетди. Мен бир неча дақиқадан кейин қаҳва дамлаб келтирганимда, улар телевизордан берилаётган кирикет ўйинини муҳокама қилиб ўтиришганди. Мен уларга яхши иштаҳа тилаганча, чиқиб кетдим. Уилл худди мени ҳайдаб солгандек, бирор мартаям мен томонга қарамади.

Мистер Лоулер бир соатча ушланиб ўтирди. Хўжалик ишларим деярли тугаб бўлганлиги учун, уларнинг суҳбатини яширинча эшитмоқчи бўлдим. Аммо қўйилган телевизор шовқини бунга халал берарди. Нега Уилл бу кишига олдинги эшик қолиб, орқа эшикдан келишни тайинлади экан, дея ҳайрон бўлдим. Мистер Лоулернинг орқа эшик томонда қолдирилган тўқ кўк «БМВ» машинасига қараганда, у бу ерлик амалдорлар сирасига кирмасди.

Ниҳоят, мистер Лоулер меҳмонхонадан чиқди. У портфелини ёпиб, бир қўлига пальтосини ташлаб олди.

– Бўпти. Бугунча шулар етарли.

– Раҳмат, Майкл. – Уилл мен томонга қарамасди. -- Жавобини кутиб қоламан.

– Шу ҳафтанинг охиригача сиз билан боғланаман, – вазъда берди Лоулер.

– Яхшиси электрон почтадан.

– Бўпти.

Мен уни чиқариб юбориш учун орқа эшикни очдим. Уилл меҳмонхонага қайтиши билан зудлик ҳолатда ҳовлига чиқиб сўрадим:

– Узоққа кетасизми?

Унинг кийимидан катта шаҳардан келганлиги, матосидан эса унинг бадавлатлиги билиниб турарди.

– Афсуски, Лондонга. Бу пайтда тиқинларга учрамасам керак.

Мен уни кузатиб қўймоқчидай ортидан қолмадим. Куёш тик келиб қолганди.

– Лондоннинг айнан қаерига?

– Рижент-стритга. Қаҳва учун раҳмат, мисс...

– Кларк. Луиза Кларк.

Мистер Лоулер тўхтади ва менга тикилди. Нахотки унинг кимлигини билишга уринишларимни пайқаган бўлса?

– Хайр, миссис Кларк. – у портфелини орқа ўриндиққа эҳтиёткорлик билан жойлади ва машинасига ўтирганча, жўнаб кетди.

Кечкурун Патрикниқига қайтаётганимда кутубхонага бош суқдим. Мен Уиллнинг компьютеридан фойдалансам ҳам бўларди, аммо бунинг учун аввал ундан рухсат сўрашим керак, бу ерда эса осонроқ. Терминалга ўтирдим-да, қидириш тизимига «Майкл Лоулер» ва «Рижент-стрит, Лондон» сўзларини ёздим.

Натижада 3290 та манзил чиқди. Уларнинг учтасида бу кўчада «хуқуқшунос, васиятлар ва мерослар бўйича мутахассис Майкл Лоулер» яшаши кўрсатилганди. Мен экранга бир неча дақиқа тикилиб тургач, қидириш тизимига унинг номи-ни киритдим. Бу сафар бир неча сурат пайдо бўлди ва мен уни танидим.

Ўша оқшом бир ярим соатлар ичида менинг нарсаларимни Патрикниқига ташиб олдик.

Ойим худди мени бу ердан сиқиб чиқаргандек йиғларди.

– Худо ҳақи, йиғлама, – дерди дадам. – У йигирма етти ёшда, алоҳида яшашга ҳақли.

– У бари бир мен учун қизалоғимдек, – деди ойим қўлимга кекс қолипи ва икки қути тозалаш кукунини тутқазаркан.

Менинг кўчимни Патрикнинг квартирасига жойлаштириш қийин бўлмади. Унинг ўз нарсалари унчалар ҳам кўп эмасди, мен эса каталакда яшаган йилларимда кўп бисот йиғиб улгурмагандим.

– Ўзингни уйингдагидек ҳис қил, – дея Патрик такрорлагани-такрорлаган эди.

Биз худди биринчи учрашувга чиққандек, ноқулайлик ҳис қилганча, асабийлашардик.

Патрикнинг кўзи мен деворга ёпиштирган календарга тушди:



- Нима бу?
- Буми... Бу менинг иш жадвалимга тегишли қайдлар.
- Контрактингни давом эттиришмайдими?
- Билмайман, Пат.

Патрик ручкани олиб, келаси ойнинг йигирма саккизинчи ҳафтасига: «Янги иш қидирадиган пайт», – деб ёзиб қўйди.

– Шундай бўлса, сен ҳамма нарсага шай турасан. – У менинг пешонамдан ўпиб қўйди ва ёлғиз қолдирди.

У югуриб келиш учун чиқиб кетди. Мен саноат худуди ортидан кўриниб турган қалъага қараганча, анча пайт ўтирдим.

Бировдан сир сақлашни сира уддалай олмайман. Ичимдаги нотинчликни эса умуман беркита олмайман.

Кейинги икки кечада Уилл нимани мақсад қилганлигини тушунишга ҳаракат қилдим. Мен бу ҳақда ҳатто Патрик билан гаплашиб ўтирганимда, кичкина ошхонасида бирга таом тайёрлаётганда ҳам шуни ўйлардим.

Етти ҳафтадан сал ошиқроқ вақт қолганди.

Уилл пинҳон тарзда ўз режасини тузганди.

Кейинги ҳафтада менинг бундай хаёлга ботиб юрганлигимни Уилл сезмай қолмади. У жиддий тортган, Патрикка оид ҳеч қандай ҳазил қилмасди.

Биз охириги ўқилган китоблар ҳақида гаплашдик. Бир-биримизга эътиборли, ҳаддан ортиқ тарзда хушмуомала эдик. Менга унинг заҳархандалари, гижинишлари етишмасди – буларнинг йўқлиги олдиндаги хатарнинг ваҳимасини бир неча баробар ошириб юборарди.

Натан бизни кузатаркан, мендан сўради:

- Нима, сизлар уришиб қолдингларми?
- Ўзидан сўра, – жавоб бердим мен.
- Уям шундай жавоб берди.

Майкл Трейнор келиб кетганидан кейин, миссис Трейнорга қўнғироқ қилмасликка бўлган сабрим уч кунгинага етди, холос. Мен ундан уйдан ташқари бирор жойда учрашишни сўрадим ва биз қалъа худудида янги очилган кичкина қаҳвахонани танладик. Энг қизиқ томони, у мен илгари ишлаган қаҳвахонанинг ўрнида экан.

Янги қаҳвахона «Сарёғли кулчалар»га қараганда анча ҳашаматли чиққанди. Нархи ҳам шунга яраша – қимматлигидан мижозлар анчагина сийрак, бемалол гаплашиб, дам олишга мос жой бўлибди.

- Луиза, кечикканим учун узр сўрайман, – Камилла Трейнор

нор сумкасини қўлтиғига тикқанча, шоша-пиша кириб келди. – Судда ушланиб қолдим.

– Сизни ишингиздан чалғитишимга тўғри келгани учун мени кечиринг. Бу... ишни орқага суриб бўлмасди.

Миссис Трейнор қўлини кўтариб, официант қизга ишора қилганча, бир нарсаларни буюртма бергач, менинг қаршимга ўтирди.

– Уиллнинг олдига ҳуқуқшунос келди, – дедим даб-дурустан. – Мен унинг васиятлар ва мерос бўйича мутахассис эканлигини аниқладим.

Миссис Трейнор худди мен унинг юзига шапати тортганимдек ўзини орқага ташлади.

– Ҳуқуқшунос? Аниқми?

– Бу маълумотларни интернетдан топдим. Унинг офиси Лондондаги Рижент-стритда, – нимагадир қўшиб ҳам қўйдим. – Уни Майкл Лоулер деб аташади.

– Буларни Уилл сизга айтдимми? – деди у кўзларини пир-пиратганча.

– Йўқ. Менимча, у буларни билишимни хоҳламаган. Буларни интернетдан билиб олдим, дедим-ку.

Бизга қаҳва келтиришди. Миссис Трейнор ўзини сезмаганга олди.

– Кечирасиз, – дедим мен. – Сиз барча муҳим нарсаларни айтиб туришимни тайинлагандингиз. Буни сизга айтишим-айтмаслигимни танлолмай, ярим кечагача ухлолмадим.

Камилла Трейнорнинг юзидан қон қочди. У нималарни ҳис қилаётганлигини сезиб турардим.

– У қандай? Сиз яна бирор сайр-саёҳатларни режалаштирмадингизми?

– У хоҳламаяпти. – Мен унга Париж ва рўйхатларим ҳақида гапириб бердим.

– Қаерга бўлса ҳам, – ниҳоят деди у. – Мен пулини тўлайман. Ҳар қандай саёҳат. Сиз ва Натан учун ҳам тўлайман. Фақат... фақат уни бу қароридан қайтарсангиз бас. Сиз вақтни чўзиш учун бирор нарса ўйлаб топсангиз, олти ойдан кейинги ишингиз ҳақини ҳам тўлайман.

– Бу... бу муҳим эмас.

Биз жим хаёл сурганча, қаҳва хўплаб ўтирдик. Соат икки бўлгани ҳақида бонг урганида у ўрнидан қўзғалди.

– Афсуски, мен ишимга қайтишим керак. Нимаки ўйлаб

топсангиз, менга хабар беринг, Луиза. Бу суҳбатларимизни флигелдан ташқарида қилганимиз яхшироқ.

– Айтгандай, – эслаб қолдим мен. – Сизга менинг янги телефон рақамим керак бўлиб қолиши мумкин. Мен бошқа уйга кўчиб ўтдим.

Миссис Трейнор ручкасини олиш учун сумкасини ковлаштирди.

– Мен Патрикникига... йигитимникига кўчиб бордим, – кўшиб қўйдим.

Бу янгилик нимага уни ҳайрон қолдирганини билмайман.

– Йигитингиз борлигини билмас эканман. – У ҳайратини яширмасдан менга ручани узатди.

– Бу сизни қизиқтиришини билмаган эдим.

– Уилл яқинда менга айтганди... – У ўрнидан турганча, столга қўлларини тиради. – У сизни дам олиш кунлари флигелда тунаб қоласиз, деб ўйлаган.

Мен Патрикнинг уй телефони рақамларини ёзиб бердим.

– Патрикникига кўчиб ўтсам ҳаммага қулай бўлади, деб ўйладим, – дедим унга қоғозчани узатиб. – Бу унчалар олисда эмас. Ишимга кеч қолмайман.

Биз бироз тўхтаб қолдик. Миссис Трейнор ўзини қўлга ололмаслигини ҳис қилгандек деди:

– Бироз кутиб турсангиз бўларди. Бир неча ҳафтага?

– Нима?

– Уилл... Менга Уилл сизга боғланиб қолгандек туюляпти. – У лабларини тишлади. – Мен тушунмайман... Бундай қилишнинг нима кераги бор эди.

– Шошманг. Патрикнига кўчиб ўтмаслигим керакмиди?

– Мен буни ҳозирча қилмай туришингиз яхшироқмиди, демоқчи эдим. Уилл бундан хафа бўлган бўлса-чи? Биз уни бор кучимиз билан яшашга умидлантириш ҳаракатидамиз, сиз эса...

– Нима мен? Айбим ишдан ташқи вақтимда яшаб қолишга жазм қилганимми?

– Луиза, – миссис Трейнор овозини пасайтирди. – Бунга тўсқинлик қилиш учун қўлимдан келганини қиялман. Биз қандай муаммони ҳал қилишимиз кераклигини яхши биласиз. Уилл сизга боғланиб қолганлиги учун ҳам, унга ўз бахтингизни кўз-кўзлашдан озгина тийилиб турганингиз яхшироқмиди, демоқчиман.

Мен кулоқларимга сира ишонмасдим. Қандайдир хижолат тортганимдан қип-қизариб кетгандим.

– Мен Уиллнинг туйғуларини топташга жазм қила оламанми? – Шивирладим мен. – Унинг учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Ғоялар ўйлаб топаман-да, уни уйдан олисларга олиб чиқаман ва у билан гаплашаман. Ётоқхоналарини тозалайман-у, йўлини топиб, кулдираман. Сизларнинг барингиздан кўра кўпроқ, у билан биргаман.

Миссис Трейнор қилт этмасдан эшитиб турарди. Ниҳоят, у сумкасини қўлтиғига қистирди.

– Бизнинг суҳбатимиз тугади, деб ўйлайман.

– Ҳа. Ҳа, миссис Трейнор. Шундай.

У ўгирилди ва шиддат билан қаҳвахонадан чиқиб кетди.

Мени қалтироқ тутди.

Миссис Трейнор билан суҳбатдан кейин бир неча кунгача ўзимга келолмай юрдим. Бошимда унинг сўзлари, Уиллга «бахтимни кўз-кўз қилиш»дан озгина тийилиб туришим кераклиги такрорланарди. Менинг ҳаракатларим Уиллнинг кайфиятига таъсир қилишини тахмин ҳам қилмагандим. У менинг Патрикникига кўчиб ўтишимни менга бўлган туйғулари учунмас, Патрикка нисбатан муносабати ёмонлиги учун маъқулламаган, деб ҳисоблардим. Бунинг устига мен унчалик ҳам бахтиёр кўринмасдим.

Уйда ҳам беҳаловатлигимдан қутила олмадим. Худди мендан кучсизгина ток оқаяпти-ю, нимага қўлим тегса – ўшанга ҳам ўтаётгандек. Патрикдан сўрадим:

– Агар синглимга менинг хонам керак бўлмай қолганида, биз бирга яшаган бўлармидик?

Патрик тентакка қарагандек менга қаради. У эгилиб, менинг чаккамдан ўпди.

– Билмадим. Ҳар ҳолда шундай қилган бўлардик.

– Мен шунчаки... Сени шунга мажбур қилгандай бўлиб қолдим.

У хўрсинди.

– Нимага аёллар пашшадан фил ясашни яхши кўришади-я? Мен сени севаман, сен мени севасан. Ахир биз яқин етти йилдан бери учрашиб юрамиз. Ота-онангнинг эса ортиқча хоналари йўқ. Булар жуда содда нарсалар, Лу...

Аммо, менга бундай бўлиб туюлмасди.

Мен худди олдиндан тайёрланмаган ҳаётда яшаётгандек эдим.

Ўша жумада кун бўйи ёмғир ёғди. Худди тропиклардагидек илиқ ва шаррос. Йўл ёқсидаги ариқчалар сувга тўлиб кетган, гуллаган буталар худди ибодат қилаётгандек, ерга эгилиб қолганди. Уилл сайрга олиб чиқилмаган итни эслатганча, кўчага термулиб ўтирарди. Натан бошига полителин пакетни пана қилган кўйи келиб-кетди. Уилл пингвинлар ҳақидаги ҳужжатли фильмни томоша қилди, кейин компютери билан банд бўлди. Мен эса у билан гаплашмаслик учун уй ишлари билан шуғулландим. Бизнинг битта хонада бўлишимиз, иккимиз учун ҳам ноқулайлигини ҳис қилиб турардим.

Ниҳоят, мен уй йиғиштиришдан лаззат оладиган бўлдим. Полларни артиб чиқдим, ойналарни ювдим ва тўшакларни янгилаб қўйдим. Ойимнинг усулига асосланган ҳолда, сиркада ҳўлланган қоғоз сочиқ билан ваннахонадаги кранга ўтириб қолган оҳак чўкмаларини тозалай бошлаган пайтим, Уиллнинг аравачаси эшик олдига келганлигини эшитдим.

– Нима қилаяпсиз?

– Кранларингизни оҳак чўкиндисидан тозалаяпман.

– Буларни тозалашингиздан ҳеч кимга фойда йўқ. Менинг онам буни пайқамайдиам. Менга эса бари бир. Бунинг устига ҳозир кўчага чиққим келяпти.

Мен юзимга тушган сочларимни сидириб, қулоғим ортига ўтказдим.

– Юринг. Ёмғир тиниб қолди. Мен ҳозир дадам билан гаплашдим. У туристлар кетиб бўлганидан кейин, соат бешда қалъа калитларини берадиган бўлди.

Мен у билан табиат бағрида суҳбатлашишга негадир ҳушим йўқ бўлса-да, флигелдан ташқарига чиққим келаётганди.

– Менга беш дақиқа вақт беринг. Қўлларимдаги сирка ҳидларини йўқ қилиб олай.

Менинг ва Уиллнинг болалиги орасидаги фарқ унинг измидаги ҳамма нарсалар унга шундай бўлиши керакдек туюлганидадир. Ундай бадавлат оилада, дабдабали уйда ўссанг, энг яхши мактаблар ва қимматбаҳо ресторанларга қатнасанг, буларнинг барида ғайритабиийлик йўқдек, ҳаммаси ўз-ўзидан бўлаётгандек, сен табиатан бошқалардан устундек тасаввур пайдо бўлади.

Уилл болалигида доим қалъа ичига беркинган экан. Дадаси у ердаги нарсаларга тегмаган ҳолда, ҳар қанча айланиб юришига изн берган экан. Беш яримда, сайёҳлар бирин-

кетин қалъани тарк этган, боғбонлар буталарни тарашлаб, тартибга келтирган, фаррошлар ахлат идишларни бўшатиб, сайёҳлардан қолган бўш шишалар ва қанд қоғозларни супира бошлаган пайтда, қалъа унинг ўйин майдонасига айланган. Уилл буларни айтиб бераётганида бундай қалъа мен ва синглим Катринага ўйнаб юриш учун берилганида бошимиз айланиб, ўзимизни қўярга жой топа олмай қолган бўлардик, деб ўйладим.

– Мен илк бор мана шу кўтарма кўприк олдида бир қиз билан ўпишганман, – Уилл шағал қопланган йўлакда тўхтади.

– Унга бу сизнинг шахсий қалъангиз эканлигини айтгандирсиз?

– Йўқ. Аммо шундай десам бўларкан. Бир ҳафтадан кейин у мени дўконда ишлайдиган йигитчага алмашди.

Қалъани мана шундай – сокин ва кимсасиз ҳолда кўриш галати эди. Биз иккимиз ва нарироқдаги боғбондан бўлак жон зоти кўринмасди. Мен сайёҳларсиз қолган қалъага кўз югуртирдим. Унинг тош деворлари саккиз юз йилдан бери савлат тўкиб турибди.

Биз тепанинг энг баланд жойигача чиқиб бордик. Пастда хандақ ва ундан кейин то қалъанинг сарҳадлари бўлмиш у ер-бу ери нураган деворларгача ўтлар ўсиб ётарди, девордан ташқарида эса шаҳарчамизнинг кундалик ҳаёти қайнарди.

Уилл аравачасини тўхтатиб, менга ўгирилди:

– Қизиқ, болалигимизда сира тўқнаш келмаган эканмиз.

– Қанақасига? Сиз бола пайтингиз ойим мени аравачада олиб юрадиган – чақалоқ бўлганман-ку.

– А! Сизга нисбатан ўзимнинг кексалигимни унутибман-ку.

– Саккиз йил – болалиқда энг катта фарқ ҳисобланади. Ҳатто ўсмирлик пайтимдаям дадам ўзимдан катта йигитлар билан учрашишни ман қиларди.

– Ҳатто ўзининг шахсий қалъаси борлар билан ҳам-а?

– Бундайлар билан бошқача бўлиши ҳам мумкин эди.

Атрофда майсаларнинг ширин бўйи анқирди. Аравачанинг ғилдираклари йўлдаги қўлмакчалар сувини мавжлантирганча, ғилдираб борарди. Кўнгилимизда енгиллик пайдо бўлганди. Бизларнинг муносабатимиз аввалгидек бўлолмаслиги аниқ эди. Бундан энди жаҳлим чиқмасди.

– Лабиринтга борайлик. У ерда бўлмаганимга юз йилча бўлди.

Мен эътироз билдирдим:

– Йўқ, керак эмас.

– Нимага? Адашиб қолишдан қўрқасизми? Бўлинг, Кларк! Ўз кирган йўлингизни эслаб, ундан қайтиб чиқа оларканмисиз? Мен вақтга қараб тураман. Кўпинча биз мана шунақа ўйинларни ўйнардик.

– Нимагадир хоҳишим йўқ. – Мен уй томонга ўгирилдим. Лабиринт ҳақидаги ҳар қандай эслатма хотираларимда оғриқ уйғотарди.

– Қўрқаяпсизми? Майли, зерикарли сайримизни давом эттирамиз ва ўзимизнинг диққинафас флигелимизга қайтиб борамиз.

Унинг ҳазиллашаётганини билиб турардим.

Мен лабиринт томонга, яъни унинг буталардан пайдо бўлган деворлари томонга ўгирилдим. Уилл менинг қарорим ўзгарганлигини кўриб, қўлидаги соатига қаради.

– У ёққа кирганда қайси томонга бурилганларингизни эслаб қолинг, қайтишда уларга аксинча ҳаракат қилинг. Бу унчалик мураккаб эмас.

Мен Уиллнинг бир ўзини йўлакда қолдирганча, лабиринтга кириб кетдим.

«Унчалик ҳам ёмон эмас, унчалик ҳам ёмон эмас, – ўз ўзимга такрорлаб борардим. – Булар шунчаки илон изи йўллар, холос».

Бу эгри-бугри йўллар бундан етти йиллар олдинги воқеаларни ёдимга солди. Ўшанда баланд пошнали туфлим майсалар ўсган ерга ботиб қолаверганидан, уларни ечиб ташлагандим.

– Болалар, мен бу ердан чиқиб кетмоқчиман, – дердим олдимда кетаётган йигитларга. – Йигитлар, мен орқага қайтаман.

Бирдан улар йўқ бўлиб қолишди. Лабиринт сокин бўлиб қолди.

– Мен бу ердан чиқмоқчиман.

Кимдир белимдан қучганида қўрқанимдан сакраб юбордим. Бу ўша, Африкани айланиб келган синфдош йигит эди.

– Қаёққа кетасан? – деди у. – Ўйинни бузма!

Мен унинг қўлини итариб ташлаб, чиқиш томонни қидирганча, югура бошладим. Йигит ортимдан қува солиб, ўртоқларини ёрдамга чақира бошлади. Лабиринт марказида улар мени тутиб олишди...

Бу пайтда мен лабиринтда ва оғрикли хотираларнинг йўлаклариди адашиб қолгандай бўлиб, Уиллни чақири бошладим.

Унинг овози бошқа бир тарафдан келди:

– Луиза? Луиза, қаердасиз? Нима бўлди?

Мен бу ердан сира чиқиб кетолмайдигандек, йиғлаб юбордим. Нахотки бу ерда қолиб кетсам?

– Уилл...

– Қаердасиз? – Уилл олдимга етиб келганди.

– Мен бу ердан чиқиб кетишим керак.

– Изимдан юраверинг.

Бир неча дақиқадан кейин биз лабиринтдан чиқиб кетдик. Мен чиқиш жойига жуда яқин келиб қолган эканман-у, жойимда қолаверибман.

Скамейкада қолиб кетган рўмолчамни олдим ва бир четига ўтирдим. Уилл то ўзимни босиб олгунимча индамай ўтирди.

– Нимадан бунча кўрқиб кетдингиз, – деди у ниҳоят. – Айтиб беринг.

– Айтолмайман.

У жим қолди.

Мен ютиниб кўйдим.

– Бу ерда... – дедим шоша-пиша. – Мен буни ҳеч кимга айтмагандим... Мен ...

Уиллга дунёда ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган нарсалар ҳам борлигини тушунтирмоқчи бўлдим, яна индамай қўя қолдим. Унинг савол тўла нигоҳлари эса изоҳ талаб қилиб боқарди.

Пастдаги дарвоза ёнига икки машина келиб тўхтади. Ундан икки киши тушди ва бир-бири билан қучоқлашиб кўришгач, озгина гаплашиб турдилару яна машиналарига ўтирганча, бошқа-бошқа томонга жўнаб кетишди. Мен уларни кўрардим-у, фикрлай олмасдим. Онгим музлаб қолганга ўхшарди.

– Майли. Бир таклифим бор, – деди ниҳоят Уилл. Мен ўтирилганимда у бошқа тарафга қараб турарди. – Сизга шу пайтгача ҳеч кимга айтмаган нарсаларни гапириб бераман. Келишдикми?

– Келишдик, – дедим мен рўмолчамни ғижимлаганча.

– Мен олдинда кутиб турган нарсадан жуда кўрқаман, – деди у хўрсиниб. Бироз жим қолганидан кейин сокин овоз-



да давом этди. – Кўпчилик менинг тақдиримни аянчли деб ҳисоблашини биламан. Аммо бундан-да ёмон бўлиши ҳам мумкин. Мен мустақил нафас ололмай ёки гапира олмай қолишим ҳам мумкин. Қон айланишим издан чиққанидан кейин, оёқ-қўлимни кесишга тўғри келса-чи? Мени шифохонага номаълум муддатгача жойлашлари ҳам турган гап. Менинг ҳаётим ана шундай абгор, Кларк. Баъзи тунлари каравотда ётган пайтим нафас ололмай қоламан. – У ютинди. – Биласизми, нима? Ҳеч ким буни билишни истамайди. Менинг онам хасга ёпишиб олган ва отамни яхши кўришимни кечира олмайди. Синглим яна соямда қолиб кетаётганидан мени ёмон кўради... Авваллари ундан омадлироқ бўлганим учун ёмон кўрган бўлса, энди жароҳатларим туфайли яна эътиборга сазоворлигимдан нафратланади. Дадам буларнинг бари тезроқ тугашини хоҳлайди. Умуман олганда, улар фақат яхши нарсаларни кўришни исташади. Улар яхши нарсалар борлигига ишонишлари зарур.

Мен зулмат томонга тикилиб, кўзларимни пирпиратдим.

– Мен-чи? – сокингина сўрадим.

– Кларк, сиз... – Уилл кўлларига қаради. – Сиз мана шу аравачага михланиб қолганимдан бери, гаплашадиган ягона одамимсиз.

Мен эса унга бу ерда бўлиб ўтган воқеаларни гапириб бердим. Ўша кеча улар менинг устимдан қандай кулишгани, поймол қилишганлари ҳақида узоқ сўзладим. Мени не кўйларга солишганларини ҳушимдан кетган бўлсам ҳам эслаб қолгандим. Излаб келган синглим мени бу аҳволда топиб, у ердан олиб кетганлиги, аммо уларнинг башаралари доимо мени таъқиб қилиб юрганлигини айтдим. Патрик, ота-онам ва ўзимнинг камтарона ҳаётимдан қаноатланишни ўрганганимни ҳиқоя қилдим.

Биз суҳбатимизни тугатганимизда қоронғулик қуюқлашган, телефонимга эса бизлар қаерда қолиб кетганимиз ҳақидаги ўн тўртта хабар келиб тушганди.

– Бунинг учун сизни айблашга ҳаққим йўқ, – деди у сокингина.

– Ҳа, албатта... – мен рўмолчамни ғижимладим. – Бари бир ўзимнинг маъсулиятимни ҳис қиламан. Менинг ўзимда ҳам айб бор эди. Уларга тенг келаман деб кўп ичиб юборганман...

– Йўқ, барча маъсулият уларнинг зиммасида эди.

Буни менга ҳеч ким овоз чиқариб айтмаганди. Ҳатто Кат-

ринанинг дардкаш нигоҳида ҳам соқов маломат яширин эди. «Сен бунчалар ичмаганингда ва бегона йигитлар билан тентакларча муносабатда бўлмаганингда эди...»

Уилл қўлларимни секингина қисиб қўйди.

– Луиза. Бу сизнинг айбингиз эмас.

Мен йиглаб юбордим. Ҳеч қандай дод-войсиз. Кўз ёшларим вужудимни ўзига яна нималарнидир қўшган ҳолда сокингина тарк этганча, оқиб тушарди. Мен унинг кифтига бошимни қўйдим, у эса бошимга ўзиникини қўйди.

– Яхши. Менга қулоқ соляпсизми?

Мен тасдиқлагандек бош ирғадим.

– Унда мен сизга баъзи яхши нарсаларни айтаман. – У менинг эътиборимни илғаш учунми, бир пас кутиб турди. – Баъзи хатолар бошқаларига қараганда, каттароқ оқибатларга эга бўлади. Аммо ўша тун сизнинг аслида кимлигингизни кўрсатиб бермайди. – Унинг боши меникига тегиб турарди. – Сиз ундан устун келишингиз шарт.

Мен сесканиб кетдим ва чуқур хўрсиндим. Биз сукут ичра бу сўзларни мулоҳаза қилиб ўтирдик. Унинг қўллари тафтидан лаззатланганча ва мендаги ёмон ҳиссиётлар аста-секинлик билан эриганча йўқ бўлаётганлигини туйган ҳолда бу ерда тонггача қолишга тайёр эдим.

– Биз қайтишимиз керак, – деди ниҳоят у. – Бўлмаса, улар ҳаммани оёққа турғизадилар.

Мен унинг қўлларини қўйиб юбордим ва салқин шабадани ҳис қилганча, истар-истамас ўрнимдан турдим.

Пастда шаҳарнинг чироқлари жилваланарди. Мен унга ўгирилдим.

– Уилл?

– Лаббай?

– Раҳмат. Мени излаб келганингиз учун.

У бошини чайқади ва аравачасини йўлакка бурди.

- **Д**иснейленд – айна сиз излаган жой, – деди сайёхлик бюроси агенти телефонда гаплашаётганимизда.
- Мен айтдим-ку, ҳеч қандай тематик парклар керакмас деб.
- Буни биламан. Аммо Флоридада киностудия ва илмий марказлар ҳам бор.
- Ўттиз беш ёшлардаги турли компанияларнинг собиқ бошлиғи нималарнидир ўрганишга муҳтожлигини тасаввур қилолмайман.
- У ерда мажруҳлар учун махсус ҳожатхоналар мавжуд. Ходимлар ҳам ҳар қандай муаммони ҳал қила олишади.
- Ўша жойда уларга мос махсус аттракционлар ишлаб чиқилган ҳам дерсиз.
- Улар ҳар қандай меҳмонни жон деб, кутиб олишади ва мажруҳлар билан ишлаш бўйича бой тажрибага эга. Биласизми, миссис Кларк, улар ўлаётганлар учун мўлжалланган «Тила тилагингни» дастурининг фаол иштирокчиларидир.
- У ўлаётгани йўқ.
- Уилл пайдо бўлиши билан мен сайёхлик бюроси агенти билан суҳбатимизни уздим. Гўшакни жойига уқувсизлик билан қўйганча, блокнотимни ёпдим.
- Ҳаммаси жойидами, Кларк?
- Мутлақо, – дедим қулоғимгача табассум қилишга ҳаракат қилиб.
- Сизнинг шанба кунига қандай режаларингиз бор?
- Э-э-э... ҳеч қанақа. Патрик кун бўйи машғулотларда бўлади. Нимаиди?
- У менинг ҳайратимдан лаззатланиш учун бир неча сония кутиб турди.
- Биз тўйга борамиз.
- Алисия ва Рупертнинг никоҳ тўйига бормаслик тўғрисидаги Уиллнинг қарорини ўзгартиришга нима сабаб бўлганли-

гини бари бир била олмадим. Унинг тўйга келишини ҳеч ким, энг аввало, Алисия ва Рупертнинг ўзлари ҳам кутишмаган.

Биз Натаннинг ҳамроҳлигисиз боришга келишдик. Мен Алисияга қўнғироқ қилиб, Уилл билан бораётганмизни айтганимда, у дастлаб нима дейишни билмай ўзини йўқотиб қўйди. Улар таклифномани шунчаки мулозамат юзасидан юборганлари билиниб турарди.

– Жон деб кутамиз, – деди ниҳоят ўзига келган Алисия. – Ҳеч нарсадан ташвишланманг. Уиллнинг аравачаси учун пандуслар ўрнатилади.

Биз интернетдан тўй совғасини ахтариб кўрдик. Уилл тўй сурати учун юз йигирма фунт турадиган чиройли рамкани ва олтмиш фунт турадиган гулдонни танлади. Уилл ўзига ёқмаган одамга бунчалар кўп сарфлаётганлиги мени хайратга солса-да, Трейнорларникида ишлашим мобайнида уларнинг пулга бўлган муносабатлари ҳақида тасаввурга эга бўлгандим. Улар тўрт хонали чекларни ўйланиб ўтирмасдан ҳам ёзиб ташлайверишарди. Бир сафар Уилл учун ошхона столида қолдирилган банк ҳисобидаги балансини кўриб қолдим. Унда кўрсатилган маблағга бизникидақа уйдан тўрттасини сотиб олса бўларди. Бу фақат шу ҳисобдагисининг ўзига тегишли, ундан бошқа яна қанча ҳисоблари борлигини Худо билмаса, мендек бандасига ноаён эди...

Мен ўз бисотимдаги ягона энг чиройли қизил кўйлагимни киядиган бўлдим. Ўзим ва Уиллга тўйга йиғилган казо-казолар қандай юксакдан назар ташлашларини тасаввур қилган пайтим, бормай қўя қолсакмикан, деб ўйлардим.

Мен буларни Уиллга айтмасам-да, ундан хавотирланар эдим. Собиқ севгилисининг тўйида иштирок этиш – одам ўзини қийноқ исканжасига ташлашдан бошқа нарса эмас. Мен тўйга боришимиздан бир кун олдин бунга ишора қилганимда, Уилл қўлини силкиди.

– Мен бунга парво қилмаган пайтим, Кларк, сиз хавотирга тушмасангиз ҳам бўлади.

Тўй бўладиган куннинг тонгида ҳаво жуда очиқ эди.

Натан Уиллга йўл тадоригини кўришда ёрдам бериш учун вақтлироқ келганди. Биз соат тўққизларда йўлга тушишимиз керак эди. Йўлнинг олис эканлигидан дам олиш учун бир неча бор тўхташимиз зарур бўлган манзилларни белгилаб олгандим.

– Ёмонмас-а, нима дединг? – деди Натан ва мен Уилл-га тўқ костюм ва мовий тусли кўйлак кийдирилиб, галстук тақилганлигини кўрдим.

Унинг соқоллари ҳафсала билан олинган, кўйлагининг ранги кўзларига жуда мос тушарди.

– Ёмонмас. – Нимагадир Уиллнинг жуда кўркамлигини мақтагим келарди. – Алисия анави бир қоп ёғ йиғиндисига турмушга чиқаётганига афсусланиши аниқ.

Уиллнинг ота-онаси бизни кузатиб қўйиш учун чиқишди. Уларнинг авзойидан ҳозиргина жанжаллашиб қолганликлари сезилиб турарди.

– Унга кўп ичиришларига йўл қўйманг, Луиза, – миссис Трейнор Уиллнинг кифтидан тасаввуридаги чангни қоқиб ташлади.

– Нимага энди? – сўради Уилл. – Ахир мен рулдамасман-ку.

– Нишонга урдинг, – деди унинг дадаси. – Мен тўйда чидаб ўтиришим учун, унча-мунча отиб олишимга тўғри келади.

– Ҳатто ўз тўйдаям, – миссис Трейнор минғирлаб қўйди ва овозини кўтарди. – Кўринишинг жуда ажойиб, ўғлим.

– Сизникиям ёмонмас. – Мистер Трейнор менга назар ташлади. – Луиза, бир айланиб кўринг.

– Унинг вақти йўқ, дада. Кларк, жўнаш вақтимиз етди. Келиндан кейин черковга кириб бориш одобдан эмас.

Мен машинага чиқарилган Уиллнинг креслосини маҳкам-лагагач, йўлга тушдик.

Алисияларнинг уйи қанақалигини кўрмасимдан олдинроқ билардим. Чунки Уиллнинг суратлари орасида кўрганим бор эди.

Икки эркак келаётган машиналарни уйнинг орқасидаги черков оралиғи бўйлаб чимзор майдонга йўналтиришаётганди. Мен ойнани туширдим:

– Черков ёнида автотураргоҳ борми?

– Меҳмонлар бу ёққа, хоним.

– Бизда мажруҳлар аравачаси бор, у чимзорга ботиб қолиши мумкин, – дедим мен. – Бизга черков олдидан жой топинг.

Улар бир-бирларига қараганча, нималарнидир пичирлашишди ва менга ўз фикрларини айтишга оғиз жуфтлагунларига қадар, мен машинамни черков олдига ҳайдаб бориб, панароқ жойда тўхтатдим. «Бошланяпти» – дедим ўзимга ва Уиллга қараганча, машинани ўчирдим.

– Ўзингизни бўш қўйинг, Кларк, – деди у. – Хаммаси яхши бўлади.

Мен машинадан чиқиб, пандусни туширдим.

– Жуда яхши, – дедим Уиллинг аравачаси ерга тушганида.

Никоҳ ўқиш маросимига казо-казолар қимматбаҳо машиналарида етиб келганча, ўзларини кўз-кўз қилишарди. Биз келин-куёв етиб келмасидан бурун черковга кириб олишга улгурдик.

Никоҳ маросими сокингина ўтди. Алисия жуда чиройли бўлиб кетганди. Худди келин либослари реклама суратидан тўғри бу ерга тушиб келгандек. Унинг қўлларига кийилган оппоқ тўрли қўлпайпоғининг ўзи менинг бир ҳафталик маошимга тўғри келса керак.

Роҳиб бир нарсаларни оҳангдор тарзда ўқишга тушган ва келиннинг дугоналари юқа кийимларда скамейкаларда дилдираб турган пайти, мен меҳмонларни кўздан кечириб чиқдим. Барча аёллар худди ялтироқ журналлар саҳифасидан тушган каби башанг эдилар. Уларнинг пойабзаллари кийимлари рангига ғоятда уйғун бўлиб, ёшроқ жувонларнинг бигиз пошна туфлиларидан обдон недикюрланган оёқлари кўзга ташланарди. Ёши ўтинқираган жувонлар кифтлари тўғри либосларда, оғир шляпаларни кўтарган бошларини ғоз тутганча, туришарди.

Эркакларни кузатиш унчалар ҳам қизиқарли бўлмаса-да, улардан бадавлатлик нуқси уфуриб турарди.

Биз Уилл билан тўрда, черковнинг меҳробига яқин жойда турардик. Алисия ораликдан ўтиб бораётганида Уилл бир лаҳзага қараб қўйди ва кейин яна аввалгидек олдинга тикилганча, бирор туки қилт этмасдан ўтирди. Руперт эса оқ кўйлак ва қора костюмда тер босган ҳолда тўрға ўтди. Уларни эр-хотин деб, эълон қилинганида ҳеч ким қарсак чалмади ва қийқирмади. Руперт келиндан бўса олмоқчи бўлган пайти, худди сувдаги олмани оғзи билан тутаётгандек, лабининг ёнидан ўпди.

Шу билан никоҳ маросими якунига етди. Уилл чиқиш тарафга аравачасини ҳайдаб кетаётганида, мен унинг ортидан эргашдим. Унинг ғурур билан тик тутган энсасига тикилганча, ундан бу ерга бекорга келмадикмикин, деб сўрагим келди.

– Хаммаси жойидами? – сўрадим унга етиб олганимдан кейин.

Ахир Рупертнинг ўрнида у бўлиши керак эди.

– Ҳа, – у менга қаради. – Келинг бирор нарса ичамиз.

Никоҳ маросими шарофати билан ёзиладиган тўй дастурхони узра катта чодир тортилган бўлиб, унга кириладиган арксимон дарвоза ранг-баранг гуллар билан безатилганди. Бар унинг энг тўридан жой олган бўлиб, у ер аллақачон меҳмонлар билан тўлиб кетганлигидан, Уиллга ташқарида кутиб туришни тайинладим ва бирор ичкилик келтириш учун устига чодир тортилган тўйхонага кириб кетдим. Оппоқ дастурхонлар тўшалган столлар оралаб ўтаркан, бунчалар кўп шиша идишлар ва ошхона жиҳозларини шу пайтгача кўрмагандим. Стулларнинг суянчиғини зарҳал нақшлар безаб турар, лилия ва фрезиялардан иборат гулдасталар устида оппоқ фонуслар осилиб қўйилганди. Ҳаво гулларнинг ифоридан қуюклашиб кетганди.

– Крюшон? – сўради бармен мен бар пештахтасига етган пайтим.

– Бизга... – Мен атрофга аланглаб, ундан бошқа ичимликка кўзим тушмагач, рози бўлдим. – Майли, бизга иккита.

– Қолган ичимликлар кейинроқ тортилади. Миссис Дьюар ҳамма крүшондан бошлашини таклиф қилганди, – деди бармен.

Мен пушти лимонадга тикилганча, дадамнинг сўзларини эсладим: бойларнинг бари ичкиликка ўч бўлишса-да, тўйни алкоғолсиз ичимликлардан бошлашади.

Мен ташқаридаги меҳмонлар оломони орасидан Уиллни топган пайтгимда, у билан қандайдир кўзойнакли киши гаплашиб турарди. Ёш ва бурнига кўзойнак қўндирган бу йигит араваганинг тутқичига қўлини қўйганча, энгашиб турарди. Қуёш тик келиб қолганидан, уни яхшилаб кўриб олиш учун кўзларимни қисиб қарашга тўғри келди. Соябонлари кент шляпалар нега кераклигини мана шу лаҳзада аниқ тушунгандек бўлдим.

– Сени кўрганимдан жуда хурсандман, Уилл, – деди у. – Сенсиз офисимиз тамомила ўзгариб кетди. Буни айтмаслигим керак бўлсада... у тамомила ўзгарган. Тамомила.

– Кўнглимни кўтарганинг учун раҳмат.

– Бу шунчалар қўққисдан юз берди-ки... Кечагина бизга топшириқлар бериб юргандинг, бугун эса... – у мени пайкаганидан сўнг кўзларини кўтарди. – Салом...

– Луиза Кларк, – деди Уилл. – Фредди Дервент билан танишиб олинг.

Мен бокални креслонинг ушлагичига маҳкамлаб, ёш йигитга қўлимни чўздим.

– Биз Уилл билан дўстмиз, – дея қўлимни Уиллнинг кифтига қўйдим.

– Демак, ҳаёт унчалар ҳам ёмонмас. – Фредди Дервент кулгу аралаш йўталиб олди. – Майли... меҳмонларни бир оралаб чиқай. Бундай тадбирлардан янги алоқаларни тиклаш учун фойдаланиб қолиш кераклигини яхши биласан. Сени кўрганимдан хурсандман, Уилл. Сиз билан танишганимдан ҳам, мисс Кларк.

– Жуда хушмуомалали экан, – дедим у кетганидан кейин.

– Ҳа, яхши йигитча, – дея Уилл ҳам бош ирғади.

Фредди Дервентга ўхшаб яна бир қанча кишилар Уилл билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб кетишди. Баъзилари қўл бериб кўришишга ҳожат қолдирмайдиган масофадан туриб саломлашар, баъзилар эса унинг олдига келиб, оёқлари олдида чўнқайишарди. Навбатдаги икки киши яқинлашаётган пайти Уиллнинг енгилгина безовталанганини сезиб қолдим.

Улардан семизроғи Уиллнинг олдига келганида нима дейишни билмаганидан тўйни мақтай қолди:

– Жуда ажойиб тўй! Келиннинг ҳам кўринишига гап йўқ!

Менимча, у Алисия билан Уиллнинг ораларидаги муносабатлардан беҳабар эди.

Иккинчиси кўринишидан Уиллнинг иш бўйича ҳамкори бўлса керак, унга кўзи тушгач, кўзларида қандайдир хавотир пайдо бўлди.

– Менинг собиқ компаниямнинг ижрочи директори, – тушунтирди Уилл ўша эркак қўл силкиганча, кетганидан кейин. – Мени бошқарувга бошқа қайта олмаслигимга ишонч ҳосил қилмоқчи бўлган кўринади.

Куёш тобора қиздирар, боғ хушбўй ифорга тўла ҳаммомга айланиб борар, одамлар дарахтларнинг сояларига ўта бошларди. Уиллнинг ҳароратидан хавотир олганим учун уни чодир ичига олиб кирдим. Сал нарироқда эса чолғучилар мусиқа чалишмоқда эди.

Алисия меҳмонларни оралаганча, худди капалакдек учиб юраркан, бизнинг олдимизга бирор марта ҳам яқинлашмасди.

Уилл икки бокал крүшон ичди. Мен ич-ичимдан қувонардим.

Байрам таомларини соат тўртларда тортишди. Вақт чўзилгандан чўзилиб борарди. Уилл мен кутгандан кўра ҳам



вақтини чоғ ўтказар, кўпчилик билан очилиб гаплашарди. Унинг қувончли чехраси кўнглимдаги барча хавотирларни тарқатгандек бўлди. Уилл ёнида ўтирган аёл билан мени таништириб қўйди.

– Уиллнинг айтишича, сиз унга қараб юраркансиз, – деди Мэри Ролинсон.

– Ҳаракат қиляпман, – дедим унга қараб.

– Сиз ҳамма вақт шу соҳада ишлаганмисиз?

– Йўқ. Мен илгари қаҳвахонада хизмат қилганман.

– Агар сиз худди менга ўхшаб қизиқувчан бўлган бўлсангиз, қаҳвахонада ишлашингиз айти муддао бўлган, – деди у жилмайганча.

– Мен Луизага иш ва қизиқиш турларини кенгайтиришни маслаҳат бердим, – деди Уилл.

– Сиз нима билан шуғулланмоқчисиз? – сўради Мэри.

– У ҳозирча буни билмайди, – деди Уилл. – Луиза жуда ақлли қиз, аммо ўз имкониятлари ҳақида ҳали тасаввурга эга эмас.

– Азизим, унга ўргатишнинг кераги йўқ, – кескин Уиллга қаради Мэри. – Унинг ўзи бемалол гаплаша олади.

Уилл жим қолди.

– Демак, Луиза, сизнинг ҳозирги ишингиз анчагина ирода ва ақл талаб қиладиган иш. Бундай ёш йигитни эплаш осон эмас.

– Нимасини айтасиз.

– Аммо Уилл имкониятлар ҳақида гапирганида ҳақ. Мана менинг визит карточкамни олинг. Мен қайта тайёрлов хайрия бошқаруви аъзосиман. Балки, кейинчалик иш фаолиятингизни ўзгартиришни хоҳлаб қоларсиз.

– Менга Уилл билан ишлаш кўпроқ ёқади, раҳмат.

Мен карточкани бари бир олдим. Менга энг муҳими, Уиллнинг яшаб кетиши эди. Шундай хаёлларга берилганча, қўшнилариمنىнг суҳбатига эътибор ҳам бермай қўйдим.

– Оғир пайтлар орқада қолганлигига ишончим комилмас, – дерди Уилл сокингина.

Мэри аввал унга, кейин эса менга қаради.

– Уилл, бунинг учун вақт керак, – Мэри кафтини Уиллнинг қўли устига қўйди. – Сизнинг авлодингиз учун бунга кўникиш анчагина қийин. Сиз ҳаммаси мен айтгандек бўлади, деган фикрда вояга етгансиз. Ўзингиз танлаган ҳаёт билан яшашга

ўрганиб қолгансиз. Айниқса, сиздек муваффақиятли кишилар. Аммо бунинг учун вақт керак.

– Миссис Ролинсон... Мэри... мен энди яхши бўлиб кетмайман, – деди Уилл.

– Мен жисмоний соғлиқ ҳақида гапирмаяпман, – эътироз билдирди аёл. – Аксинча, янгича ҳаётни қабул қилишни ўрганиш ҳақида айтаяпман.

Уилл жавоб беришга улгурмай, кимдир қошиқ билан бокалга урганча, ҳамманинг диққатини ўзига жалб этди. Меҳмонлар табрик сўзларини эшитиш учун жим бўлишди.

Мен деярли ҳеч нарсани эшитмасдим. Виқорли кишилар бирин-кетин сўзга чиқишиб, менга нотаниш бўлган жойлар ва номларни тилга олганча, табрик нутқлари айтишди. Эшитувчилар хушмуомалалик билан чапак чалишар ва кулишар эди.

Табрик нутқлари ниҳоясига етганидан кейин, хизматчилар ўрталикдаги жойни рақсга тушиш учун кенгайтира бошлашди. Уилл менга томон эгилди:

– Мэри айтдики, шу яқин орада, йўлимиз устида бир меҳмонхона бор экан. Сиз кўнғироқ қилиб, жойлари бор-йўқлигини билинг.

Мэри менга меҳмонхона номи ва телефон рақамлари ёзилган салфеткани узатди.

– Ҳаммаси жойида, Кларк, – Уилл Мэри эшитмаслиги учун менга секингина шипшиб кўйди. – Мен тўлайман. Кўнғироқ қилинг. Сумкадан менинг кредит карточкамни олинг. Улар карточкамнинг рақамини сўраб қолишлари мумкин.

Мен карточкани олиб, боғнинг олис бурчагига бордим. Меҳмонхонадагилар уларда иккита бўш хона бўлиб, биринчи қаватдаги икки хоналиси айнан биз учун қулайлигини айтишди. Мен розилигимни билдирганимдан сўнг, унинг баҳосини эшитиб жойимда сакраб тушай дедим. Бир амаллаб карточка рақамларини айтдим-да, Уиллнинг олдига қайтдим.

– Мен хонани банд қилиб кўйдим, аммо... – унга бу жой қанчага тушганини маълум қилдим.

– Кўрқинчли жойи йўқ, – жавоб берди Уилл. – Энди ўз йигитингизга бу кеча боролмаслик ҳақида огоҳлантириш берингда, хоҳлаганингизча еб-ичинг. Алисиянинг отаси ҳисобидан бир битингиз тўкилсин.

Мен айнан шундай қилдим.

Чироқларнинг айримларини ўчиришгач, чодир ичига нимқоронғилик чўкди. Бизларнинг столимиз қоронғироқ томонда бўлганлиги учун бемалол ўтирардик, Уилл Мэри билан бир нарсаларни гаплашганча, яйраб куларди. Мен Уиллнинг талаби билан елкамга ташлаб олган шарфни ечиб қўйгач, кейин Уиллнинг пиджагини ечиб, галстугини бўш қўйдим. Ўртада очилган жойда меҳмонлар аралаш-қуралаш бўлиб ўйинга тушарди. Уларни кузатиб ўтирган Мэри бир неча марта «Худойим», дея пичирлаб қўйди. У бир пайт менга қаради:

– Луиза, нималарга қодирлигингизни бир кўрсатиб қўймайсизми?

– Йўғ-э, нималар деяпсиз?

– Қишлоқ клубидаги дискотекаларда бундан яхшироқ ўйнашади.

Соат тўққизларда Натандан эсэмэс олдим.

Бари жойидами?

Ҳа. Жуда ажойиб. Уилл маза қиляпти.

Айнан шундай эди. Уилл Мэрининг ҳазилларига мириқиб куларди. Мен мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам амалга ошишига гувоҳ бўлдим. Уилл кўнглига ўтирадиган даврада бахтли бўла оларди.

Соат ўнда оҳиста рақсларга навбат етди. Меҳмонларнинг қарсақлари остида куёв Руперт Алисиянинг қўлидан ушлаганча, майдон бўйлаб енгил ҳаракатлар қила бошлади. Алисиянинг сочлари елкасига қуйилиб тушган қўллари билан Рупертнинг бўйнига деярли осилиб олган.

Даврага бошқа жуфтликлар ҳам чиқиб кела бошлагач, рақсга тушаётган келин-куёвни илғаш қийинлашди ва биз ўз суҳбатларимизга берилдик. Бир пайт бизнинг қаршимизда келиннинг ўзи пайдо бўлди. Юрагим томоғимга тиқилиб қолгандай бўлди.

Алисия Мэри билан бош ирғаб кўришгач, Уилл яхши эшитиши учун бошини эгди.

– Келганинг учун раҳмат, Уилл, – у мен томонга қиё боқсада, ҳеч нарса демади. – Совгаларинг учун ҳам ташаккур.

– Арзимамайди, – деди сокингина Уилл. – Кўз тегмасин, кўринишинг жуда ажойиб.

Алисиянинг юзида ҳайрат учқунлари, кейин эса ғамгинлик сояси милтиллади.

– Чинданми? Наҳотки, сенга шундай кўринаётган бўлсам... Мен ўйлагандимки... Сенга айтадиган кўп гапларим бор...

– Чиндан, – тасдиқлади Уилл. – Ҳеч нарсани айтиб ёти-  
шинг шарт эмас. Сен Луизани эслайсанми?

– Эслайман.

Орага озгина жимлик чўқди.

Руперт бизга сал нарироқдан қараб турарди. Алисия унга қўл силкиб, ёнимизга келишга имо қилди. Аммо жойидан қўзғолмагач, Алисиянинг ўзи унинг ёнига борди. Руперт унинг белидан қўлини ўтказганча, бошқа томонга олиб кетди.

– Бундан хафа бўлдингизми? – сўрадим Уиллдан.

Уилл улардан бошқа томонга ўгирилиб олди.

– Заррачаем, – дея Уилл менга жилмайди.

Ичимлик кайфидан унинг табассуми қийшиқроқ, нигоҳи эса бир вақтнинг ўзида ўйчан ва ғамгин тус олганди.

Навбатдаги рақсдан олдин рақс майдони бўшаб қолди. Мен Уиллнинг қўлидан тутдим:

– Нимадир дегандай бўлдингизми? Мени рақсга таклиф қилмоқчимисиз?

– Нима?

– Юринг. Буларга зерикмаслик учун мавзу топиб берамиз.

– Жуда зўр! – Мэри бокалини кўтарди. – Бир кўрсатиб қўйинглар!

– Юринг. Мусиқа айнан биз боп, оҳистагина.

Мен Уиллга танлаш имконини қолдирмагандим. Унинг тиззасига оҳиста ўтириб олиб, йиқилиб кетмаслик учун бўйнидан қўлларимни ўтказиб олдим. Уилл бир муддат кўзларимга тикилиб турди-да, аравачасини майдон сари ҳайдаб кетди. Кейин ҳаммани ҳайратга солганча, ялтироқ кўзгу шарлари остида кичик-кичик айланалар ясай бошлади.

Менинг нимагадир кулгим келар, озгина тезликдан ҳам пайдо бўлган шабада кўйлагим этакларини ҳилпиратар эди.

– Кларк, одамлар ҳайратдами? – деди Уилл қулоғимга.

Мен кўзларимни очиб, атрофдаги нимқоронғиликда турганларга қараб чиқдим.

Кимлардир маъқуллагандек жилмаяр, аммо кўпчилик бунга қандай муносабатда бўлишини билмай довдираб турарди. Мэри менга қараб бокалини кўтарди. Кейин Алисиянинг нордон олча чайнагандек бужмайган афтига кўзим тушди. Кўзларимиз тўқнашганида у нигоҳини олиб қочганча, Рупертга бир нарсалар деди. Руперт худди биз ножўя ҳаракат қилаётгандек бошини чайқади.

Мен беихтиёр жилмайдим.

- Ҳа, худди шундай, – дедим жавобан.
  - Унда маҳкамроқ кучоқланг.
  - Сиз энди тескари айланинг, кўнглим айнияти.
- Уилл аравачасини тескари йўналишда айлантира бошлади. Ундан бошимни олисроқ олганча, кўзларига тикилдим. Мен энди хижолатга тушмаётгандим.
- Кларк, биласизми, баъзан сиз борлигингиз учун ҳам тонгда уйғонганимдан қувониб кетаман.
  - Унақада, бирор ёққа кетайлик, – ўйланиб ўтирмай дедим мен.
  - Нима?
  - Иккимиздан бошқа одам бўлмаган олисларга борайлик.
- «Ҳа», десангиз бас.
- У мендан кўзини узмасди.
- Уни ҳозир мана шу юлдузлар, гуллар, кулгулар, Мэри даврасида узоқ саёҳатга кўндирмасам, бошқа имкониятим бўлмаслигига ишончим комил эди.
- Ҳа, деб айта қол!
- Мен унинг жавобини киприк қоқмай кутардим.
- Яхши, – деди у ниҳоят.

*Натан*

**У**лар биз пайкамаймиз, деб ўйлашган ва тўйдан эртаси куни тушга яқин қайтиб келишди. Миссис Трейнор шунчалик ғазабландики, баёнига тил ожизлик қилади.

– Бир оғиз қўнғироқ қилиб қўйсанглар бўларди, – деди у.

Ўша куни уларнинг қайтишини кутганча, ишга ҳам борманганди. Мен соат саккизда келдим ва унинг плитка қопланган коридорда у ёқдан-бу ёққа бориб-келишини эшитдим.

– Мен иккингишга ҳам ўн саккиз марта қўнғироқ қилдим, эсэмэслар жўнатдим. Дьюарларга қўнғироқ қилганимда кимдир: «мажруҳлик аравачасидаги эркак» меҳмонхонага жўнаб кетди, деганидан кейингина, сизлар аварияга учрамаганларнинг менга маълум бўлди.

– «Мажруҳлик аравачасидаги эркак». Ғалати эшитиларкан, – деди Уилл.

Аммо унга бари бирлиги кўриниб турарди. У хотиржам ва бўшашган ҳолатида бўлиб, юмор туйғусини йўқотмаган эсада, бу гап унга оғир ботганди. Онаси Луизага маломат тошларини ота бошлаганида жилмайишни бас қилиб, унда айб йўқлиги, қолишни ўзи хоҳлагани, Луизага эса рози бўлишдан бошқа чора қолмаганлигини айтиб, уни ҳимоя қила бошлади.

– Ойи, ўттиз беш ёшимда меҳмонхонада қолишим учун бировдан розилик сўрашга мажбур эмасман. Шунингдек, ота-онамдан ҳам.

Миссис Трейнор уларга ўқрайганча, одоб-ахлоққа доир бир нарсаларни ғулдиради ва хонадан чиқиб кетди.

Луиза ўзини ноқулай сезар, аммо Уилл унга яқин келиб, бир нарсаларни шивирлаганидан кейингина юзига қон югурди ва кулиб юборди. Уилл унга дам олиши учун уйига кетишига ижозат берди.

Луиза плашини қўлига олиб, ташқарига кетаётганида Уилл унинг ортидан қичқирди:

– Машинада кетаверинг, шунда тезроқ етиб оласиз.

Уилл уни кўзлари билан кузатиб қўяётганлигини кўриб турардим.

Луиза кетганидан сўнг, у ҳавоси чиқариб юборилган пуфакдек бўшашиб қолди. Уилл онаси ва Луиза флигелдан чиқиб кетишини кутиб, сабр қилганлиги кўриниб турарди. Мен уни кузатиб турардим ва табассум қилишдан тўхтаган заҳоти, унинг аҳволи оғирлигини ҳис қилдим.

– Ўзингни яхши ҳис қиляпсанми, Уилл?

– Ташвишланма. Ҳаммаси жойида.

– Қаеринг оғриётганини айтарсан?

Охири у мендан кутила олмаслигини тушунди. Биз қачонлардан бери бирга ишлаётганлигимиз учун, мендан бирор нарсани яширишнинг иложи йўқ эди.

– Майли, бошим озгина оғрияпти. Ундан кейин шлангимни алмаштириш керак. Фақат тезроқ.

Мен уни аравачадан каравотига олиб ўтиб ётқиздим.

– Лу уни эрталаб алмаштирмадимми?

– У алмаштиргани йўқ. Тўй базмидан кейин Луиза ўзиниям бошқароладиган ҳолда эмасди, – деди у айбдорларча афтини бужмайтириб. – Кечаям алмаштирмагандик.

– Нима?

Мен унинг томир уришини текширдим ва тонометрда қон босимини ўлчаб кўрдим. Аҳвол чатоқ эди. Мен шкафчадан томирни кенгайтирадиган дорини олиб, ҳавончада тезда туйганча, сувда эритдим ва сўнгги томчиси қолгунча ичирдим. Уни каравотда ўтқазиб қўйиб, шлангчаларни алмаштирдим.

Уиллнинг юзидан қон қочган ва у баъзўр нафас оларди.

– Натан, сен керакли нарсаларнинг барини қилдинг. Мени ўн дақиқа ўз ҳолимга қўй, – дея кўзларини юмиб олди. – Агар аҳволим ёмонлашадиган бўлса, ўзим айтаман.

Биз айни дамда юз берган воқеаларни Луга айтмасликка қарор қилдик, тўғрироғи Уилл мени шунга кўндирди. Кечга яқин Луиза жимгина кириб келди. Унинг юзидан қон қочган, ювилган сочлари битта қилиб орқасига тугиб қўйилганди.

Лунинг кечки пайт бу ерда пайдо бўлганидан ҳайрон бўлсак-да, суриштириб ётмадик. Аммо унинг ўзи чидаб туролмай, барига иқроп бўлди:

– Йигитим билан аразлашиб қолдик. Тушунаман, яқингинада бир том остида яшай бошлаган қизинг бутун кеча қаёқларгадир санғиб кетиши кимгаям ёқарди.

Ужилмайиб кўйгани билан, бузўраки чиққанлигини кўриб, Уилл иккимиз уларнинг орасидан ола мушук ўтганлигини фаҳмладик.

Оқшом деярли бекорчилик билан ўтди. Луиза Уиллнинг сумкасига тиқиштирилган меҳмонхонанинг бепул совунлари, шампун ва бошқа нарсаларни ваннахонага териб кўйди.

«Кулманглар, – деди у. – У ерга тўланган пулга дўкондаги барча шампунларни сотиб олиш мумкин эди».

Кейин японларнинг қандайдир мультфильмини томоша қилдик. Лу Уиллнинг ёнида ўтирганча, унга ичиш учун бирор нарса тутар, кўзларига бирор нарса кирганигами, ёш филтилларди.

Кейин эса, Лу жалюзларни кўтариб, чой дамлаб кирганидан сўнг менга бу сирни очса бўлармикин, дегандек бир-бирларига қараб кўйдилар ва биргаликда олисга саёҳат учун кетишмоқчи эканлигин айтишди. Қаёққалиги ҳали номаълум бу саёҳатда уларга ёрдамчи сифатида ҳамроҳ бўлишга розилигимни сўрашди.

Борганда қандоқ!

Бу қизга қойилман. Агар тўрт ой олдин биз Уилл билан бирор саёҳат тугул, уйдан ташқарига сайр қилишимизни бирор киши айтганида уни томи кетиб қолганми, деб ўйлаган бўлардим.

Улар бу ҳақда Луиза уйига кетаётган пайти миссис Тига ҳам айтишди. Уилл буни худди қалъа атрофидаги оддий сайрдек айтди.

Менинг қанчалик хурсандлигимни айтишга тил ожиздир. Лаънати покер сайти менинг бор пулимни шилиб олган ва бу йил дам олиш учун бирор ёққа боришдан умид узгандим. Хаёлимда оқ қумли пляжлар ва мовий денгиз манзаралари пайдо бўлди.

Миссис Трейнор орқа эшик олдида турар, Луиза эса кетишга тайёрланарди. Улар нималар ҳақида гаплашганлари менга номаълум бўлса-да, иккисининг ҳам авзойи тунд эди.

Унинг охириги сўзларинигина эшитдим ва шунинг ўзи етарли бўлди.

– Луиза, нима қилиш кераклигини яхши биласиз, дея умид қиламан.



## Луиза

**М**ен унинг олдига келганлигимни телефонда айтган пайтим, Патрик йигирма чақиримли масофанинг ярмига етиб қолган экан. У менга велосипедда унинг ортидан етиб келишим ва вақтга кўз-қулоқ бўлиб туришимни тайинлади. Мен велосипедни яхши ҳайдолмаслигимдан, уни тўғри бошқаролмай, йўлнинг у ёқ-бу ёқларига ўтиб кетаверар ва тинмай тўнғиллардим, Патрик эса жаҳли чиққанидан бақирарди. Мен унга бу масофанинг охиригача ҳамроҳлик қилолмаслигимни, уйда тиш пастаси ва қахва тугаб қолганлиги учун дўконга боришимни айтдим. Уйда қахвани фақат мен ичардим, Патрик эса асосан турли ўтлардан дамланган чой ичарди. Шу билан бирга Патрикни ўзи орзу қилаётган мусобоқасига ҳамроҳлик қилолмаслигим ҳақида огоҳлантирдим:

– Мен «Викинг-стрим»га боролмайман.

У жойида тўхтамасдан, менга яқинроқ келиб югуришда давом этар, мен томонга юзи билан ўгирилиб, орқамача чопганида унинг юзи ўзгариб кетганлигини кўрдим ва мен велосипедимни дарахтга уриб олишимга сал қолди.

– Нимага боролмайсан?

– Мен... ишда бўламан.

У яна йўлига бурилиб олди ва тезликни оширди. Биз тепалиқдан пастга туша бошладик, шунда ундан ўзиб кетмаслик учун тормозни босиб-босиб туришимга тўғри келди.

– Буни қачон билдинг?

Унинг пешонасида тер томчилари ялтилар, болдиридаги пайлар янада бўртиб чиққанди.

– Дам олиш кунлари. Сени огоҳлантириб қўяй дедим.

– Ахир биз сенга чипта-ю, бошқа нарсаларни буюртма қилиб қўйганмиз.

– Оғринаётган бўлсанг, ўша ўттиз тўққиз фунтни қайтараман.

– Гап пулдамас. Сен мени қўллаб-қувватлаш учун боришингни хоҳлардим. Шунинг учун бормоқчи эканлигингни ўзинг айтгандинг-ку.

Патрик хафа бўлишни жойига қўярди. Бизлар учраша бошлаганимизда мен атайин унинг жиғига тегардим. Уни қари тўнка деб атардим. Мен шунчалар хахолаб кулардим-ки, у азбаройи жим бўлишим учун ҳам қовоқ уюшни дарров бас қила қоларди.

– Бўлди энди. Мен ҳозирнинг ўзида ҳам сени қўлламаяпманми? Велосипед минишни ёмон кўраман. Буни ўзинг яхши биласан, аммо ортингдан уни ҳайдаб бораяпман-ку.

Биз яна бирор чақиримча ёнма-ён бордик. Энди йўл теналикка ўрлаш бўлиб, ёнимиздан машина ўтиб қолганида велосипедим билан унинг йўлига чиқиб кетишдан хавфсираб ҳайдардим. Бу ойимнинг эски велосипеди бўлиб, Патрик мени ўзининг пойга велосипеди яқинига ҳам йўлатмасди.

Патрик мен томонга ўгирилиб, унга етиб олишим учун тезлигини камайтирди.

– Агентликдаги энагаларнинг нимаси ёмон? – сўради у.

– Агентликдан деганинг нимаси?

– Трейнорлар агентликдан бирорта энага ёллаб туришса бўлади. Сен уларникида олти ойдан бери ишляяпсан. Дам олишга ҳақинг бор.

– Булар сен ўйлаганчалик оддиймас.

– Нимагалигини тушунолмайман. Ахир сен ҳам ишга кирган пайтинг ҳеч нарсани билмасдинг-ку.

Мен нафасимни ичга ютдим.

– Чунки у саёҳатга кетаяпти. Биз Натан билан унга ҳамроҳлик қиламиз.

– Натан? Яна қанақа Натан?

– Тиббий қаровчи. Уилл бизникига меҳмонга келганда уни кўргансан.

Патрик ўйга ботганча, югуришда давом этаркан, кўзига оққан терни артиб ташлади.

– Хавотир олмасанг ҳам бўлади, – қўшимча қилдим мен. – Натан билан орамизда ҳеч нарса йўқ.

У қадамларини секинлатиб, нигоҳини асфальтдан узманганча, турган жойида чопа бошлади.

– Лу, нималар бўлаяпти? Сенинг ишингни на аниқ бир вақти, на бирор шартлари бор?

– Бу ўзига хос иш. Ўзинг биласан-ку.

– Ўша Уилл Трейноринг сенга ҳамма нарсадан муҳим бўлиб қолди. Чақирган заҳоти унинг олдига югурасан.

– Сенга югуришинг муҳим, менга эса ўз ишим.

– Жуда кулгили, – жилмайди у.

– Ахир ўзинг менга бу ишга рози бўлишим кераклигини айтгандинг-ку. Энди эса бу ишга жиддий ёндошганимга тоқат қилолмаяпсан.

– Сенинг ишингга эътирозим йўқ. Шунчаки... сен ҳамма гапни айтмаяпсан, деб ўйлаяпман.

– Ҳеч қанақа гапни яшираётганим йўқ.

– Ахир «Викинг»га бормайдиган бўляпсан.

– Мен айтдим-ку...

Патрик бошини тебратганча, яна югуришда давом этди. Унинг қотиб қолган кифтларидан қанчалар аччиғи чиққанлиги кўриниб турарди.

– Бўпти, Патрик, бирор жойда пича тўхтаб, гаплашиб олайлик.

– Йўқ, – ўжарларча жавоб берди у. – Мен югуриш вақтимга зарар етказишни истамайман.

– Унда соатни тўхтатиб қўямиз. Беш дақиқага.

– Йўқ, мен тўхташни хоҳламайман, – у туртки олгандай янада тез чопа бошлади.

– Патрик? – Мен ҳам унинг ортидан велосипедимнинг тезлигини оширмақчи бўлдим, оёғим педалдан сирпаниб кетаверди. – Патрик? Патрик? – Мен унинг энсасига тикилганча, айтмай юрганларимни беихтиёр ошкор қилишга тушдим. – Уилл ўлишга қарор қилган. У ҳаётига нуқта қўймоқчи. Бу саёҳат эса унинг бу фикридан қайтариши мумкин.

Патрик тезлигини камайтирди, бошини бурди ва охири тўхтади.

– Нима дединг?

– Уилл Швейцарядаги «Дигнитас» клиникасига бормоқчи. Августда. Мен уни бу қароридан қайтаришга уриняпман. Бу менинг охирги уринишим.

Патрик ишонқирамай тикилди.

– Биладан, бунга ишониш қийин. Аммо мен уни бу фикрдан қайтишга мажбур қилишим керак. Шунинг учун... шунинг учун ҳам «Викинг»га боролмайман.

– Нимага буларни олдинроқ айтмадинг?

– Унинг оиласи менга буларни ҳеч кимга айтмасликни тайинлаганди. Агар бу ҳақда кўпчилик билиб қолса, уларга

қийин бўлади. Жуда қийин. Уиллнинг ўзи ҳам менинг бундан хабардорлигимни билмайди. Бу... жуда ҳам чалкаш. Кечир. – Мен ўзим унга қўл узатдим. – Мумкин бўлганида сенга айтган бўлардим.

Патрик жавоб бермади. Мен худди даҳшатли айбга қўл урганману, бундан Патрик эзилиб кетгандек эди. У қовоғини солиб олди ва ютинди.

– Пат...

– Мен... Бу ёғига бир ўзим чопаман, Лу... – У сочларини сийпалади. – Сен боравер...

Патрик бир муддат ўйланиб тургач, югуришда давом этди. Мен унинг қораси ўчгунча қараб қолдим.

\* \* \*

Тўйдан қайтганимиздан кейинги куни интернетга сўров жўнатдим:

Кимдир квадриплегиклар учун кўнгилочар маскан борлигини биладими? Мен соғлом одамларга ҳам мос келадиган вариантларни излаяпман, зора менинг ғамгин дўстим хаёти чекланиб қолганлигини унутса. Менинг ўзим нимани сўраётганимни ҳам аниқ билмаганим туфайли ҳар қандай таклиф учун олдиндан раҳмат айтаман.

Меҳнаткаш Асаларича.

Сайтга кирганимда келган жавоблар сонини кўриб, экранга бақрайиб қолдим. Нақ саксон тўққизта жавоб! Биттагина саволимга шунча жавоб!

Менга квадриплегиклар учун махсус тарзанкада пастга сакраш, сузиш, эшкак эшиш ва ҳатто махсус эгарда отда сайр қилишларни тавсия қилишарди. Илова қилинган видеороликни кўрганимда, Уилл отларни ёмон кўришидан афсусланиб кетдим. Жуда ажойиб машғулот экан.

Яна менга дельфинлар билан сузиш, сув остига ёрдамчилар иштирокида биргаликда шўнғиш, махсус шиширма ўриндиқларда балиқ овига бориш, квадрициклларда пастбаланд йўллардан ўтиш каби машғулотлар таклиф қилишганди. Кўплари бундай тадбирларда ўзлари иштирок этган суратлар ва видеороликларни жўнатишганди. Менинг аввалги ёзишмаларимни эслаб қолганлар Уиллнинг аҳволини сўрашарди.

Мен бу кишилар – квадриплегиклар ва уларга қаровчиларни жасорати, олийжаноблиги ва тасаввурлари учун

хурмат қилардим. Ўша кеча мен бу таклифларни принтердан чиқариб олдим, айримлари билан чат орқали гаплашдим ҳам. Кетаётиб мен қаерга боришимизни билардим: Калифорниядаги «Тўрт шамол ранчоси»га. Бу сайтдаги таърифларга кўра, оғир мажруҳликка учраганлар бу ерда кўрсатилган малакали ёрдамдан сўнг, бировнинг кўмагисиз ҳам мустақил ҳаракат қила оладиган даражага етишаркан. Бу марказни собиқ каскадёр умуртқа шикастланишини писанд қилмасдан ўз иштиёқи билан қурган экан.

Ранчо мажруҳларга мўлжалланган барча махсус мосламаларгагина эмас, барча қулайликлар мавжуд меҳмонхонага ҳам эга эди. Ерга ботирилган иссиқ сувли ванналар ва махсус укаловчилар. Тажрибали шифокорлар ва одатдаги ўриндиклар ортида мажруҳлик аравачалари учун жойлари мавжуд кинозал. Биз бу ерда бир ҳафтани ўтказамиз ва бир неча кун денгиз соҳилидаги меҳмонхонага жойлашиб, Уилл билан денгизда сузиб кўрамиз.

Эртаси куни Натан билан қаҳва ичаётганимизда бу қоғозларни унга кўрсатдим.

– Ранчода ҳамма керакли нарсалар бор. Агар уларга олдинроқ кўнғироқ қилиб, шифокор рецептини тақдим қилсак, ҳар эҳтиётга қарши кўлимизда етарлича дори воситалари шай туради.

Натан қовоғини уйди.

– Кўринишдан ёмонмас, – деди у ниҳоят. – Сен анча ишлабсан.

– Сенингча, унга ёқадими?

– Бир нарса деёлмайман. Аммо... – у менга қоғозларимни қайтариб берди. – Сен бизни кўпинча ҳайрон қолдиргансан. Яна бир маротаба ҳайрон қилсанг, нима бўлибди?

Мен миссис Трейнор ишдан қайтганида, яъни кечки пайтда бу қоғозларни унга кўрсатдим.

У машинасини тўхтатган пайти, бизларни Уилл деразадан кўриб қолмаслигига амин бўлганча, унга яқинлашдим.

– Бунинг анча қимматлигини биламан, – дедим мен. – Аммо бу жуда ажойиб. Уилл вақтини жуда чоғ ўтказишига ишончим комил.

Миссис Трейнор қоғозларни жимгина кўздан кечириб, харажатларни ўрганади.

– Мен ўзим учун тўлашим мумкин. Тағин ўйлашмасин...

– Ҳаммаси жойида, – миссис Трейнор гапимни бўлиб таш-

лади. – Нимаики зарур бўлса қилинг. У ерга олиб бороладиган бўлсангиз, буюртмаларни амалга оширинг. Уни кўндира олармикинсиз?

– Бу... агар мен... – Секин йўталиб олдим. – Менга ҳам бунинг фойдаси бор. Уилл менга ҳаётдан керагича завқ ололмай ўтгасан, деганди. Саёҳатларга чиқишимни, нималардир қилишимни уқтирарди.

Миссис Трейнор менга диққат билан тикилди ва кейин бош ирғади:

– Ҳа, Уилл бошқаларга ўргатишни яхши кўради. Демак, гап бундай, эртага у бунга қандай жавоб қилганлигини менга айтасиз.

\* \* \*

Мен ишдан қайтишда негадир саноат зонаси томонга оёғим тортмади ва Патрикниқига боришдан айниб, кўчанинг нариги томонидан ўтганча автобустга ўтирдим-да, уйимиз томонга кетдим. Саксон одимдан сўнг эшигимизни очдим. Оқшом анча илиқ бўлганидан шабада кириши учун деразаларни ланг очиб қўйишган эди. Ойим хиргойи қилганча, ошхонада таом тайёрларди. Дадам диванда чой ичиб ўтирар, бобом эса креслосида бошини эгган кўйи мудрарди. Томас ўз ботинкасини қора фломастер билан бўяшга берилиб кетганди. Мен улар билан сўрашиб, юқорига кўтарилдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтганига қарамай бу ерга бегонадек бўлиб қолганим ғалати туюлди.

Катрина менинг хонамда иш билан банд эди. Мен эшикни тақиллатиб кирдим ва уни бир уюм дарсликлар устида шуғулланаётганини, бурни устига эса кўзойнак кўндириб олганини кўрдим. Ўзимга деб танлаган нарсалар даврасида уни кўриш менга бошқача таъсир қилди. Мен бўяган деворларга Томаснинг расмлари осиб ташлангандан пайдо бўлган табиий хафагарчилигимни жиловлашга уриндим.

Катрина елкаси оша ўгирилди.

– Ойим чақиряптими? – деди у девордаги соатга қараб олиб. – Улар Томасни овқатлантирмоқчилар.

– У балиқли таёқчаларни емоқда.

Катрина менга тикилганча, кўзойнақларини ечди:

– Аҳволинг яхшими? Кўринишинг бошқача.

– Худди сеники каби.

– Биладан. Тозалаш бўйича парҳез тутялман. Шунданми, салгина доғ тошди. – Синглим иякларини силаб қўйди.

– Сенга парҳез шартмас.

– Аҳа! Аммо менга бир ҳисобчи йигит ёқиб қолди. Ўшанга ёқай деб уриниб ётибман.

Мен ўз одеялим тўшалган каравотга ўтирдим.

– Хўш, нималар бўляпти? – Синглим китобни ёпиб, стул сунчигига ўзини ташлади.

– Катрина, мен қайта тайёрловда ўқисам бўладими?

– Қайта тайёрлов? Қайси соҳага?

– Билмайман. Модала боғлиқ бирор нарса, масалан, дизайнга ёки чеварликка.

– Бунақа курслар тиқилиб ётибди. Менинг универимда ҳам бор. Хоҳласанг, билиб беришим мумкин.

– Улар менга ўхшаганларни олишармикин? Ҳеч қандай малакам йўқ бўлса.

Катрина ручкасини ҳавога отиб, илиб олди.

– Улар ёши ўтганларни жон деб қабул қилишади. Айниқса, ўз меҳнатсеварлигини намойиш эта олганларни. Нимага буни сўраяпсан? Нима бўлди?

– Билмайман. Шунчаки Уилл бир марта бир нарсаларни айтганди. Мен ҳаётимни ўзгартиришим керакмиш.

– Хўш?

– Мен шунга ўйладим-ки... сенинг йўлингдан юриш вақтим келдимикан. Энди дадамга иш топилган пайт мен ҳам бирор фойдали ўқишга кирсам дегандим.

– Бунинг учун пул керак.

– Мен анчагина йиғиб қўйдим.

– Бунга йиққанингдан кўра ҳам кўпроқ пул керак.

– Мен грантга ариза топширишим ҳам мумкин. Ёки банкдан қарз олишим. Биринчи вақтларга етадиган даражада йиққанман. Парламент аъзоси бўлган бир аёл билан танишиб қолдим. Унинг менга ёрдами тегадиган агентлик билан алоқаси бор экан. Визит карточкасини бериб қўйганди.

– Шошмай тур. – Катрина стулга чаппа ўтириб олди. – Мен ниманидир тушунмаялман. Сен Уилл билан қолишни истагандинг. У яшаши, сен эса унга ишлашда давом этмоқчи эдинг.

– Ҳа, аммо... – мен шифтга қараб қолдим.

Катрина ўрнидан туриб, ташқаридагилар эшитмаслиги учун эшикни ёпганча, овозини пасайтириб гапирди:

– Сен ютқазиб қўяман, деб ўйлаяпсанми? У ўз қароридан қайтмоқчимасми?

– Йўқ, – шоша-пиша жавоб бердим мен. – Умид қиламанки, у қароридан қайтади. Менинг эса ўз режаларим бор. Уларни кейинчалик сенга кўрсатаман.

– Аммо...

– Аммо Уилл менга ёқади. – Мен қўлларимни бошим ортидан ўтказиб, бармоқларимни занжир қилдим. – Жуда ёқади.

Катрина мени ўйчан ниоҳлари билан кўздан кечира бошлади. Мен учун унинг бундай қарашидан кўра, қўрқинчлироқ нарса бўлмаса керак.

– Вой, шайтон-эй...

– Бундай деб ўйлама...

– Иш қизиқарли тус олмоқда, – деди у.

– Буни ўзимам биламан, – дедим қўлларимни тушириб.

– Сенга иш керак. Унинг ёнида бўлишинг учун...

– Менга бошқа квадриплегиқлар шундай, деб маслаҳат беришди. Мен уларнинг форумида ёзишдим. Энагаликни бу... билан қўшиб олиб бориш мумкин эмас экан... – Мен Катринанинг нигоҳидан қутилиш учун юзимни кафтларим билан ёпиб олдим.

– У биладими?

– Менинг ўзим ҳам ҳали охиригача бунга амин эмасман. – Ёстикқа юзимни босганча, узала тушдим. – Мен доимо бошқанинг эмас, фақат унинг ёнида бўлишимни хошлашимни биламан, холос.

– Патрик билан ҳам бирга бўлгинг йўқми?

Бу ҳақиқатни ўзим ҳам тан олгим келмай юрарди. Юзларим ловуллаб кетди.

– Ҳа, – дедим мен. – Баъзан шундай ҳам бўлиб туюлади.

– Вой шайтон-эй, – деди бирор дақиқадан кейин синглим. – Ўз ҳаётини мураккаблаштириш фақат менга хос, деб юрардим.

У ёнимга ётди ва иккимиз шафтга тикилиб қолдик. Пастда бобом хуштак чалар, Томас эса масофадан бошқариладиган машиначасини дам-бадам плингусга уриб оларди. Кўзларим негадир ёшга тўлди. Синглим мени қучиб олди.

– Томинг кетиб қолибди, – деди у ва иккимиз кулиб юбордик.

– Ташвишланма, – дедим сўнгра юзларимни артганча. – Мен ҳеч қанақа аҳмоқгарчилик қилмоқчи эмасман.



– Яхши. Сенинг ҳиссиётларингда ачиниш устунлиги учун шундай ўйлагансан. Сен Уиллнинг сиридан бохабарлигинг туфайли ораларингда яқинлик пайдо бўлган. Сенинг ҳиссиётларингга жавоб қайтара олмайдиган одамни севиб қолиш ақли расоликданмас. Бу шунчаки Патрик билан бирга яшай бошлаганинг учун акс таъсир ҳисобланади.

– Буни биламан. Сен ҳақсан.

– Сизлар қачондан бери биргасизлар. Бошқаларга нисбатан қизиқиш уйғониши табиий.

– Айниқса, Патрик фақат ўзининг марафонлари ҳақида ўйлайверганидан кейин.

Синглим рўмолча олиб, кўзим ёшларини артди. Кейин сочларимни силади.

– Шунинг учун ҳам бирор коллеж ҳақида ўйлашинг энг яхши қарор. Уилл яшаб қоладими-йўқми, сен пичоққа илинадиган бирор ишли бўлиб қолишинг керак. Сен бир умр энагалик билан шуғулланмайсан-ку.

– Уилл яшаб қолади. У билан... ҳаммаси жойида бўлади.

– Албатта.

Ойим Томасни чақирди.

– Сен бугун Патрикникига борасанми?

– Ҳа.

– Унақада бирор қаҳвахонага бора қолайлик. Ўз режаларингни айтиб берардинг. Мен ойимдан Томасни ухлатишни сўрайман. Коллежда ўқиш учун пулинг бор экан, демак, мени меҳмон ҳам қила оласан.

Мен Патрикникига соат ўнларда кириб бордим.

Менинг дам олиш кунлар учун тузган режаларимни Катрина тўлиқ маъқуллагани бироз ғалати эди. У режаларимнинг бирор бандига эътироз билдирмай, бош ирғар, «Қойил!», «Мана бунақаси менинг ҳам хаёлимга келмаган эди!» – дея хитоб қиларди. Бошқаларга биз бир-бирини жондан ортиқ кўрувчи дугоналар каби кўринган бўлсак керак.

Чуқур ўйларга ботганча, Патрикникига етиб олдим. Деразалар қоронғи бўлганлиги учун Патрик машғулотларидан чарчаб келиб ухлаб қолган бўлса керак, деб ўйлагандим. Мен сумкамни коридорга ташлаб, меҳмонхона эшигини итардим. Ичкарида ғира-шира ёруғлик борлиги кўнглимга хуш ёқди: демак, мени қоронғида туртиниб ётмасин деб, ғамхўрлик қилган.

Ичкарига кирганимдан кейингина унга кўзим тушди. У икки киши учун безатилган стол ёнида ўтирар, ўртада шам ёқиқлик эди. Мен эшикни ёпдим. Шам ярмигача ёниб бўлганди.

– Узр, – деди у. – Мен аҳмоқ эканман. Сен ҳақсан. Бу сенинг бор-йўғи олти ойлик ишинг, мен эса ўзимни ёш боладек тутдим. Шундай муҳим ишга масъулият билан ёндашаётганинг, буни уддалай олаётганинг билан фахрланишим керак. Мени кечир. – У қўлларини узатди. Мен уларни ушладим. – Сен унга ёрдам бермоқчилигинг таҳсинга сазовор.

– Раҳмат, – дея унинг кафтини қисдим.

Патрик тайёрлаб олган сўзларини тўлиқ айтиб бўлганидан кўнгли тўлгандай жим қолди.

– Мен иккимиз учун кечки таом тайёрладим. Тўғрироғи, салат. – У музлаткичдан иккита ликоп олди. – «Викинг» мусобақаси тугагандан сўнг ресторанда сенга зўр зиёфат уюштираман. Бироқ... – У яноқларини шиширди. – Кейинги пайтларда бошқа нарсалар ҳақида ўйлаб кўрмабман. Муаммо ҳам айнан шунда бўлса керак. Сен ҳақсан. Менинг орқамдан эргашганча, велосипед ҳайдаб юришга мажбур эмассан. Бу менинг ишим. Сен у ерда қолиб, ишингни давом эттиришинг мумкин.

– Патрик... – дея бошладим мен.

– Лу, сен билан баҳслашмоқчи эмасман. Мени кечирасанми? – у менга хавотир билан термулиб турар, ундан одекалон иси уфурарди. – Нима бўлгандаям ўтир. Тановул қилиб олайлик, кейин... Сухбатлашамиз. Бирор нарсалар ҳақида гаплашамиз.– У ўзини мажбурлаб кулди. – Фақат югуриш ҳақидамас.

Мен ўтирдим ва ликопларга қараганча, табассум қилдим.

– Қандай ажойиб, – дедим Патрикнинг моҳирлик билан тайёрлаган салатларидан кўз узмасдан.

Биз сабзавотли ва пастали, охирида ширин десерт ўрнида мевали салатлардан тановул қилдик. Мен шаробдан бир-бир хўплаб ўтирдим, Патрик эса фақат сув билан қаноатланди. Биз аста-секин бўшашганча, сухбат ўзанига тушдик. Патрик ўзини таниб бўлмас даражада тута биларди. У бирор маротаба югуриш ва марафонлар мавзусида сўз очмади, мен атайин шу мавзу ҳақида сўз бошласам, кулумсираб бошқа гапларга ўтиб кетарди. Кўксимдаги ёқимсиз тугун ёзилиб борарди.

Синглим ҳақ. Менинг ҳаётим ғалати ҳолга келиб қолган,

ўз яқинларим ва танишларимдан анча узоқлашиб қолгандим. Уиллинг аҳволи ва унинг сири мени ўзига ютиб юборганди. Яна озгина шундай давом этганида тамомила ўзлимни йўқотган бўларканман.

Мен синглим билан бўлиб ўтган суҳбатдан кейин виждон қийноғини бошимдан ўтказаётган эдим. Патрик ҳатто идишларни ювишимга ҳам йўл қўймай, уларнинг барини идиш ювадиган машинага солди. Мени бир неча дақиқага мудроқ асир этиб, кўзларимни очганимда Патрик сумкамдан олган иш режаларимни кўздан кечириб турганлигини кўрдим.

– Нима булар?

– Бу... саёҳат. Сенга айтгандим-ку.

У синглимга кўрсатган иш режаларим, Калифорния пляжлари ва фотосуратларни кўра бошлади.

– Мен ўйлагандим-ки. – У яна гапга тушганида овозини нимадир исканжага олгандек туюлди. – Ўзимиздаги қишлоқларда жойлашган бирор махсус шифохонани назарда тутган бўлсанг керак, дегандим. Бу... жойлар аъло даражада дам олишга мўлжалланган.

– Ҳа... деяри шундай. Аммо буларнинг бари унинг учун.

Патрикнинг авзойи бузилди.

– Йўқ, – деди у бош чайқаганча. – Очиқ осмон остидаги илиқ ванналар, дельфинлар билан бирга сузишлар сен учун-масдир. Аммо бешюлдузли қулайликлар, туну кун хизмат кўрсатишларнинг нимаси асал ойимас?

– Сен адашяпсан!

– Сен-чи? Беш-бегона эркак билан шунчалар узоқ таътилга кетасану, мен оғзимни очиб ўтирарканман-да?

– Натан ҳам бирга боради.

– Ҳа, Натан ҳам бор-а?. Бир эмас, икки эркак билан...

– Патрик, бас қил... Бу жуда мураккаб.

– Унақада менга тушунтир, – Патрик қоғозларни менга узатди. – Лу, мендай оми одамнинг ақли бу нарсаларга етмайди. Ўзинг тушунтириб бер.

– Менга Уилл яшашни исташи ва олдинда яхши нарсалар кутаётганлигига ишониши муҳим.

– Яъни сен?

– Бас қил! Мен сендан бирор марта яхши кўрган ишингни ташлашингни сўраганмидим?

– Мен ишимда бегона эркаклар билан илиқ ванналарда ётмайман.

– Мен бунга қарши эмасман, – дедим Патрикнинг жилмайишини кутганча табассум қилиб. – Хоҳлаганингча чўмилавер. Аммо у жилмаймади.

– Сен бир ўйлагин, Лу? Агар мен гуруҳимдаги бирор қизни озгина кўнгли бузилгани сабабли қўллаб-қувватлаш учун у билан фитнес-клубга боришимни сенга айтсам, нималарни хис қилган бўлардинг?

– Уиллнинг кўнгли оз-моз бузилмаган, Пат. У ўз жонига қасд қилмоқчи. «Дигнитас»га бориб, ҳаётига нуқта қўймоқчи, – қулоқларим шанғиллай бошлади. – Ўзинг уни мажруҳ, деб атамаганмидинг. Ундан қўрқмасанг ҳам бўлади, деган сен эмасми?

Патрик қоғозларни столга қўйди.

– Лу, биласанми, мен энди-энди хавотирлана бошляпман.

Мен юзларимни кафтларим билан бир дақиқага тўсиб олдим. Патрик ошхона шкафчалари қиррасида кафтларини эҳтиёткорона юритаркан, бўйнидаги томири ўйнай бошлади.

– Биласанми, Лу, нимани хис қиляпман? Гўё ҳаммадан сал-пал орқада югуриб бораётгандекман. – у фикрларини жамлаб олмоқчидек чуқур хўрсинди. – Гўё... муюлишда мени мендан бошқа ҳамма биладиган ёмон бир нарса кутиб тургандек. – У кўзларимга тикилди. – Мен ўзимни тентаклардек тутаётганга ўхшайман. Менга сенинг «Викинг»га бориш-бормаслигинг аҳамиятсиз, лекин сени у билан бундай узок саёҳатга жўнашинг ёқмаяпти.

– Аммо мен.

– Биз етти йилдан бери учрашиб юрибмиз. Уни эса беш ойдан бери биласан, холос. Агар сен у билан кетадиган бўлсанг, бу бизнинг муносабатларимизга, сенинг ҳиссиётларингга таъсир этмасдан қолмайди.

– Йўқ! Буларнинг ҳеч қандай таъсири бўлмайди, – эътироз билдирдим мен.

– Шунча қаршилигимга қарамай ўз қарорингдан қайтмаётганлигинг бунинг аксини кўрсатиб турибди.

Атрофимиздаги кичкина квартира сукут ичида қотди. Патрик менга шундай маъноли қарадики, шу пайтгача унинг бундай нигоҳларига дуч келмагандим.

– Аммо-лекин у менинг ёрдамимга муҳтож, – дея шивирлай олдим мен.

Патрик ютинди ва гап нимадалигини дарҳол англамаган-

дек бошини сезилар-сезилмас тебратди. У қўлларини стол четларига қўйиб, менга тикилди.

– Мен нима демай, бу гапларим вазиятни ўзгартирмайди, тўғрими?

Патрикнинг мен ўйлаганимдан ҳам кўра ақлироқлигини кўрсатадиган яна бир чизги маълум бўлди.

– Патрик, мен...

У кўзларини бир лаҳзага юмди, ўгирилди ва меҳмонхонада бир ўзимни қолдирганча, чиқиб кетди.

## Стивен

**К**изалоқ Кларк дам олиш кунлари кўчиб келди. Бу ҳақда Уилл на менга, на Камиллага айтмаганлиги учун, шанба тонгида Натан кечикаётганлиги сабабли нижамамни алмаштирмасдан ҳам Уиллдан хабар олиш учун флигелга кирсам, коридорда бир қўлида бодроқ, бошқасида газета тутган Луга дуч келиб қолдим. У мени кўргач, қизариб кетди.

– Мен Уиллга почтани олиб бораётгандим, – дедим қўлимдаги хатларни силкиганча.

– У ҳали уйғонгани йўқ. Уйғотайми? – деди у газета билан беркинишга уринганча. Унинг эғнида Микки-Маус тасвирланган футболка ва гонконглик қизлар кўп киядиган иштонда эди.

– Йўқ-йўқ. Агар ухлаётган бўлса ухлайверсин.

Камиллага бу ҳақда айтганимда, унинг хурсанд бўлишини кутгандим. Чунки Луиза ўз йигитиникига кўчиб ўтганида анчагина аччиғи чиққанди. Камилла бу хабардан озгина ҳайратга тушди ва кейин бунинг оқибатлари ҳақида ўйлаб, одатдагидек асаби таранглашди. Бу ҳақда айтмаса ҳам, унинг Луиза Кларкдан кўнгли тўлмайд юришини жуда яхши билардим. Аммо кейинги пайтларда унинг кимдандир кўнгли тўлганлигини сира эслай олмайман.

Биз Луизанинг бу ерга кўчиб келишига айнан нима сабаб бўлганлигини бари бир била олмадик. Уиллнинг айтишича, «оилавий шароит» шуни тақозо қилганмиш. Бироқ у жуда тиришқоқ қиз эди. Дам қарасанг Уиллга ёрдам бераётган, дам эса уйларни йиғиб-тераётган, дам қарасанг сайёҳлик бюроси ёки кутубхонага учиб бориб-келаётган бўлади. У шунчалар кўзга яқинлигидан минглаб одамларнинг орасидан ҳам ажрата олардим. Кийиниши ҳам бошқаларникидан ажралиб турадиган ёрқин тусларда бўларди.

Камиллага бу қиз билан уйимиз анчагина ёруғликка тўл-

ганлигини айтган бўлардим. Аммо хотин зоти ўзидан бошқасини мақташганда нотўғри хаёлларга бориши турган гап.

Уилл унга ўз компьютеридан фойдаланишига изн берса ҳам, кутубхонадагидан фойдаланишни маъқул кўрганча, рад қилганди.

Луиза ёнида бўлганидан Уилл анчагина қувноқ кўрина бошлади. Бир-икки марта очиқ ойнадан уларнинг суҳбати қулоғимга тушган, Уиллнинг кулганларини эшитгандим. Бернард Кларк билан қизининг бизникига кўчиб келганлиги ҳақида гаплашганимда, у Луизанинг кўп йиллик йигити билан алоқани узганлиги ва уйларида аҳвол анча танглашганлигини айтиб берди. У яна қизи ўқишни давом эттириш учун қандайдир малака ошириш курсларига ариза топширганлигини ҳам айтди. Бу ҳақда Камиллага гапириб ўтирмадим. Унинг бошоғриқлари яна биттага кўпайишини истамасдик. Уилл қизнинг мода ва шунга ўхшаш нарсаларга қизиқишини айтган эди. У албатта кўзга яқин қиз, аммо унинг услубидаги нарсаларни бирор киши сотиб олишини ҳеч тасаввур қилолмасдик.

Душанба куни кечки пайт у Натан, Камилла ва мени флигелга йиғилишимиз учун чақирди. Столда брошюралар, жадваллар, суғурта полислари ва интернетдан олинган кўчирма нусхалар ҳар бири алоҳида шаффоф папкаларда ётарди.

У бизларни дам олиш режалари билан таништирмоқчилигини айтди. Уни нималарга буюртма қилаётганлигин кўрган Камилланинг қарашлари муздек эди.

Бу жуда ғаройиб саёҳат бўлиб, Уилл уларни соғлом пайтлари ҳам амалга оширмаган бўлса керак. У турли машғулотларни тилга олар экан, булар билан шуғулланаётган мажруҳларнинг суратини Уиллга кўрсатаркан: «Агар мана шу нарсаларни мен ҳам қилиб кўришимни истасангиз, сиз ёнимда бўлишингизга тўғри келади», – дея кўшиб кўярди.

У мени ҳайратга солганди. Қанчалар топқирлик!

Уилл уни тингларкан, олдидаги ҳужжатларни ўқиб чиқа бошлади.

– Буларнинг барини қаердан билдингиз? – сўради ниҳоят Уилл.

– Билим – кучдир, Уилл, – деди Луиза қошларини чимириб.

Ўғлим эса худди ўта ҳикматли гап эшитгандек жилмайиб қўйди.

– Шундай қилиб, – деди у ҳамма саволлар тугагач. – Биз саккиз кундан кейин жўнаб кетамиз. Кўнглингиз тўлдими, миссис Трейнор? – унинг овозида Камилланинг «Йўқ» дейишга мажбур қиладиган енгил чақириқ мавжуд эди.

– Агар шунинг барини хоҳласангиз, мен қарши эмасман, – деди Камилла.

– Натан, сен қарорингни ўзгартирмадингми?

– Асло.

– Уилл?..

Ҳаммамиз унга қарадик. Яқин-яқингача бундай машғулотларнинг бирортаси ҳақида фикр ҳаёлимизга ҳам келмасди ва Уилл ўша пайтларда онасини хафа қилиш учун «йўқ» деган бўларди. Унинг ўзи болалигидан шунақа эди: рози бўлишни бўйсиниш аломати, деб ҳисобларди. Оқимга қарши сузиш унга қаердан юққанлигини сира тушунолмасдим. Аммо шу хислати учун ҳам кўплаб битимларда ютиб чиққанлигидан кўз юмиб бўлмасди.

Уилл менга бемаъно нигоҳини қадади ва менинг оғзим очилиб қолди. Кейин эса қизгинага қаради ва жилмайди.

– Нега энди йўқ бўларкан? – деди у. – Кларкни асов тўлқинлар билан олишаётганлигини тезроқ кўриш истагидаман.

Қиз унинг «йўқ» дейишини кутгандек, бирдан енгил тортди.

Ажойиб. У бизнинг ҳаётимизга кириб келган кунларданоқ қизгинага унчалар ишонмагандим. Уилл ҳар қанча асов феълли бўлишига қарамай, жуда ҳимоясиз эди. У майиб-мажруҳлигига қарамай, анчагина бадавлат йигит бўлса, уни йўлдан уришга ким ҳам интилмайди, дейсиз. Анови ярамас Алисия унинг дўсти билан топишиб кетганидан кейин, Уилл ўзини ҳеч кимга керакмасдек ҳис қилганди.

Аммо мен Луизанинг унга ғурур ва миннатдорликнинг ғалати омўхтаси билан тикилганини кўриб, энг муҳими, ўғлимнинг ёнидалигидан хурсанд бўлдим. Биз бу ҳақда ошкор гаплашмасак-да, ўғлимиз жуда оғир вазиятга тушиб қолганди. Энди бу қиз нимаики қилмасин, тин олишимизга озгина имконият пайдо бўлмоқда.

Бир неча кун уйимизда ожизгина, аммо яққол кўтаринки руҳ ҳукмрон бўлди. Камилла гарчи тан олишни истамаса-да, қандайдир илинжга тўлганди. Мен унинг авзойидан гап нимадалигини англаб турардим: алал оқибатда нимани байрам қилишимиз керак? У тун оққан пайти Жоржина билан теле-



фонда бу қарорга келишга уни нималар мажбурлаганлиги ҳақда гаплашаётганини эшитиб қолдим. Жоржина онасидан бир тук ўзгас: Уиллнинг аҳволдан фойдаланган ҳолда Луиза қандай усуллардан фойдаланиши мумкинлигини тахминлаб чиқди.

– У ўзи учун тўлашини таклиф қилди, Жоржина, – эътироз билдирди Камилла. – Бошқа иложимиз йўқ, азизам. Вақт жуда танқис. Уилл ҳам рози бўлди. Шундай экан, менга фақат яхшиликка умид боғлашдан ўзга иложим йўқ. Сен ҳам шунга умид қил.

Луиза Кларк Уиллнинг ҳаётини сақлаб қолишга ягона умид эканлигини Камилла иккимиз ҳам тан олсак-да, бу ҳақда бир-биримизга оғиз очмасдик.

Ўтган кеча бир қадахдан ичгани Делланикига киргандим. Камилла сингисини кўргани кетганлиги боисидан қайтишда у билан дарё соҳилида сайр қилиш учун чиқдик.

– Уилл дам олишга жўнаб кетаяпти, – дедим мен.

– Бу жуда яхши хабар, – деди Делла.

Бечора Делла. У иккимизнинг келажагимиз ҳақида сўраш учун оғиз жуфтлашга ҳеч ботинолмасди.

Биз оққушларни томоша қилган ҳолда кунботар ёғдусида қайиқларда сузиб юрган сайёҳларга табассум улашганча, кетиб борардик. Делла бу саёҳат жуда ажойиб чиқиши ва Уиллга ўрганиб қолган вазиятидан чиқиш йўллари кўрсатиши мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритарди. Уилл билан юз берган бахтсиз ҳодиса иккимизнинг бирга бўлиш режаларимизни чиппакка чиқарганлигини ҳисобга оладиган бўлсам, бундай яхши ниятлар қилиш Деллага осон эмасди. Бир кун бориб Уиллга нисбатан зиммамдаги маъсулият йўқ бўлиши ва мен озодликка эришишимга у яширинча умид қилган бўлиши мумкин эди.

Мен у билан ёнма-ён бораркан, унинг кафтларин тафтини қўлларимда ҳис қилардим. Мен унга фақат Камилла иккимизгина биладиган ҳақиқатни айтолмаётгандим. Агар қизгина ушбу сўнгги уринишида мағлубиятга учраса, Камилла мен билан ажрашишга аҳд қилганди. Агар Уилл алал оқибат ўша лаънати Швейцариядаги клиникага борадиган бўлса, мен оиламни ташлаб кетган бўлардим.

Буни мен ҳам, Камилла ҳам, гарчи бир-биримизни тан олмасак-да, яхши билардик. Ўғлимнинг ўлимигина мени ўз шахсий ҳаётим билан яшашимга изн берарди.

– Керакмас. – Делла юзимдаги ифодани пайқади.

Эх, Делла, Делла. Сен доим кўнглимдаги гапларни билиб турасан.

– Бу яхши хабар, тўғрими Стивен? Ҳа, чиндан. Бу Уилл учун янги, мустақил ҳаётнинг бошланиши.

Унинг кафтларини қўлларим орасига олдим. Аслида нималарни ўйлаётганлигимни тилга чиқаришга жазм қилолмаётгандим. Уни ва шу билан бирга... хотинимни ҳам ташлаб кетишга жасоратим етмасди.

– Сен ҳақсан, – жилмайишга уриндим. – Уилл бу саёҳатдан таассуротларга тўлган ҳолда қайтишига умид қилайлик.

– У қалъада ҳам шундай саргузаштли машғулотлар барпо қилишга тушиб кетмасин, тағин, – Делла биқинимга туртиб қўйди.

– Кейинги мавсум учун ёмон бўлмасди, – дедим мен.

Шу тахлит сўзлашганча, қайиқлар омборигача етиб бордик.

Кейин эса Уилл пневмонияга дучор бўлди.

## Луиза

**М**ен интенсив терапия бўлимига чошиб кирдим. Шифохонанинг илон изи йўлаклари ва ўзимнинг ҳамшиша йўлдан адашиш қобилиятим шарофати билан жонлантириш бўлимини излаб топишга бутун бир абадиятни сарфладим ўзиям. Мен тўғри томонга солиб юборишлари учун уч-тўрт марта суриштиришимга тўғри келди. Ниҳоят, нафасим тикилганча, С-12 бўлинмаси эшикларини очган пайтим коридорда газета ўқиб ўтирган Натанга кўзим тушди. У бошини кўтариб менга қаради.

– Уилл қалай?

– Кислородда. Аҳволи барқарор.

Тушунмаяпман. Жума куни кечаси у соғлом эди. Шанба тонгида озгина йўталиб турганди. Унга нима бўлди?

Юрагим қинидан чиққудек урарди. Мен нафасимни ростлаш учун озгина ўтирдим. Натандан эсэмэс олганимдан кейин бирор соат у ёқдан-бу ёққа югуришимга тўғри келганди. Натан газетани буклаганча, қаддини ростлади.

– Бу биринчи мартамас. Унинг ўпкасига бактериялар тушади, йўталиш механизми эса рисоладагидек ишламайди. Шунинг учун унинг аҳволи оғирлашаверади. Шанба куни кундузи ўпкасини тозалаш технологиясини қўллаб кўрдим, аммо унга бу жуда оғриқли таъсир қилди. Ҳарорати бирдан кўтарилиб кетди, кўкраги оғрий бошлади. Кечаси «тез ёрдам» чақиришга тўғри келди.

– Кирсам бўладими?

– У ҳозир хушида эмас. Ҳалироқ янча яхши бўлиб қолади. Ҳозирча унинг ёнида миссис Ти бор.

Мен сумкамни Натанга қолдирганча, қўлларимни антибактериал лосьон билан артдим ва эшикни очиб, ичкарига кирдим.

Уилл койканинг ўртасида ётар, унинг танасига кўк ёпинчик ташлаб қўйилган, томирига томчилатиш тизими уланган, атрофини эса чироқлари липиллаб турган турли ускуна

ва машиналар ўраб олганди. Унинг юзини кислород ниқоби қисман беркитиб қўйган, кўзлари эса юмуқ эди. Терисининг кулранг тусдалигини кўриб, унга раҳмим келиб кетди. Миссис Трейнор ўглининг ёнида, унинг ёпинчиқ остидаги қўли устига кафтини қўйиб қаршисидаги деворга тикилганча, ўтирарди.

– Миссис Трейнор, – чақирдим уни.

У сесканиб олганча, менга қаради.

– Луиза.

– У... У қандай?

Мен Уиллнинг иккинчи қўлидан тутмоқчи бўлдим, аммо бунга жазм қилолмай, эшик олдида қолдим. Миссис Трейнор жуда эзгин ҳолатда эдики, у билан бу ерда қолиш қандайдир ноқулайлик туғдирарди.

– Бир наъви. Унга кучли антибиотиклар беришди.

– Менинг ёрдамим керакмасми?..

– Қайдам... Бизга... бизга фақат кутиш қолган, холос. Бир соатлардан кейин врач уни келиб кўради. Нималигини ўшандангина билиб оламиз.

Мен учун ҳаёт тўхтаб қолгандек туюлди. Яна бироз турдим. Машиналарнинг бир маромдаги шиғирлаши миямга из туширарди.

– Балки ўрин алмашармиз? Озроқ дам олинг.

– Йўқ. Шу ерда қолмоқчиман.

Юрагимнинг туб-тубида Уилл менинг овозимни эшитади, деган умид бор эди. У шаффоф ниқоб остидаги кўзларини очади ва менга: «Кларк! Худо ҳақи, илтимос, яқинимга келиб ўтиринг», – дейишини жуда-жуда истардим.

Аммо у қилт этмасдан ётарди.

Мен юзимни кафтим билан артдим.

– Сизга ичиш учун бирор нарса келтирайми?

– Соат неча бўлди?

– Тўққиздан ўн беш дақиқа ўтди.

– Наҳотки? – миссис Трейнор бунга ишонмагандек бошини чайқади. – Раҳмат, Луиза. Яхши бўларди. Мен бу ерда анчадан бери ўтирибман.

Жума куни Трейнорларнинг талаби билан дам олиш кунлари олдим. Мен хорижга чиқиш паспорти олишим учун Лондонга боришим, Петти-Франсда узун навбатда туришимга тўғри келди. Ўша куни кечки пайт хорижий паспортимни Уиллга кўрсатиш ва унинг ҳам ўз паспортини вақти ўтиб кетмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун уларникига бош

суқиб ўтдим. Менга у қандайдир сокин бўлиб қолгандек туюлди, аммо бундан бирор ёмонликни кутмаса ҳам бўларди. Мен буни унинг кайфияти ёмонлигига йўйиб қўя қолдим. Тўғриси айтсам, менинг хаёлларимни олдиндаги саёхат эгаллаб олганди.

Шанба куни эрталаб дадам билан Патрикникидаги нарсаларимни олгани бордик, кундузи эса ойим билан саёхатга лозим бўладиган либослар сотиб олиш учун дўконларни айландик. Шанба ва якшанбада ўз уйимизда тунадим. Катрина Томас билан келганлиги учун анча тиқилишиб қолдик. Душанба куни эрталаб Трейнорларникига соат саккизда етиб бориш учун етиларда ўрнимдан турдим. Етиб келгач, уйда ҳеч ким йўқлигидан ҳайратга тушдим. Олд ва орқа эшиклар тақа-тақ берк, бирорта ёзув ҳам қолдиришмаган эди. Олд эшик олдида турганча, Натанга уч марта қўнғироқ қилдим. Трейнорларнинг телефонлари овозли почтага ўтказилганди. Зиналарда қирқ дақиқача ўтирганимдан кейин, Натандан эсэмэс келди:

Биз ҳудудий шифохонадамиз. Уиллда пневмония.

С-12 бўлинма.

Натан кетди, мен эса Уиллнинг палатаси эшиги олдида яна бирор соат ўтирдим. Шу ердаги столга ташлаб қўйилган журналларни вароқладим, ундан кейин сумкамдаги китобимни олиб ўқишга тутиндим, аммо калламга ҳеч нарса кирмасди.

Доктор келганидан сўнг ҳам, Уиллнинг онаси шу ерда бўлгани учун ичкарига киришга ботинолмадим. Орадан ўн беш дақиқа ўтгач, доктор ва миссис Трейнор орқама-кетин чиқиб келишди. Миссис Трейнорга гаплашгани бошқа одам йўқлигиданми, менга Уиллнинг ахволи яхшилигини, барчаси назорат остидалигини айтди. Уиллни ўз вақтида шифохонага етказиб келганликлари катта фойда берибди.

– Энди нима қиламиз? – дедим мен.

– Кутамиз, – у кифтларини қисди.

– Сизга бирор егулик келтирайми? Ё Уиллнинг ёнида ўтириб турайми?

Бир лаҳзага иккимизнинг орамизда қандайдир яқдиллик ҳукм сурди. Унинг чехраси юмшаб, одатдаги қаттиқ нигоҳдан мосуво бўлган юзида ҳорғинлик балқиб турарди. Менинг бу хонадонда ўтган озгина муддатда у бирор ўн йилга кексайиб қолгандек эди.

– Раҳмат, Луиза, – у ташаккур билдирди. – Уйимга бориб,

кийимларимни алмаштириб кела қолай. Уиллни бундай ҳолда бир ўзини қолдиришга юрагим чопмаяпти.

У кетганидан кейин мен палатага кирдим-да, эшикни ёниб, Уиллнинг ёнига бориб ўтирдим. Уилл қаёққадир кетиб қолгану, унинг қобиғи бу ерда ётгандек туюларди. Балки, одамлар мана шу ҳолда ўлса керак. Кейин ўлим ҳақда ўйламаслик учун ўзимга бўйруқ бердим.

Мен ўтирганча, соат милларининг сурилишини кузатар, эшик ортидаги коридордан келаётган қадам овозларини тинглардим. Ҳамшира икки маротаба келиб, ускуналардаги кўрсаткичларни кўздан кечириб, ҳароратни ўлчаб кетса-да, Уилл қилт этмай ётишда давом этарди.

– У... унинг аҳволи қалай? – сўрадим мен.

– Ухлаяпти, – деди у. – Ҳозир унга энг яхшиси шу. Ўзингизни кўп ташвишланторманг.

Айтишга осон. Ушбу шифохона палатасида хаёллар суришим учун вақт бемалол эди. Мен Уиллнинг хасталикка тез чалингани ҳақида ўйладим. Яна Патрик ҳамда уникидаги нарсаларимни йиғиштираётган пайтим ачинишдан ортиқ бошқа туйғуни ҳис этмаганим тўғрисида хаёл сурдим. Бир неча йиллик севгилимдан айрилаётганим учун на қайғуришни, на азобларни ҳис қилдим. Фақат сокинлик ва енгилгина афсус, шунингдек, ушбу айрилиқ сабабчиси ўлароқ етарли даражада қайғура олмаслигимдан айбдорлик ҳисси бор эди, холос. Мен унга «Викинг экстрим»да муваффақиятли қатнашишига тилак билдириб, икки марта эсэмэс юборсам-да, жавоб ололмадим.

Бирор соатдан кейин бироз эгилиб, ёпинчиқни кўтардим ва Уиллнинг оппоқ чойшаб устида ётган оч-жигарранг қўлларига тикилдим. Кафтнинг орқасига елим лента билан катетер ёпиштириб қўйилганди. Мен унинг қўлини салгина ўгириб, билагидаги кўкимтир-қизғин чандиқларга назар ташладим. Улар бир куни бориб йўқолиб кетармикин ёки ўз жонига қасд қилганлигини эслатганча, қолаверармикин?

Мен унинг бармоқларини эҳтиёткорлик билан бармоқларим орасига олдим. Уларни сийпалашдан қандайдир енгиллик ҳис қилардим...

Соат тўртлардан кейин Уилл уйғонди. Мен бу пайти стуллар устида чўзилганча, газета ўқиб ётардим. Миссис Трейнор ташқарига чиқди ва бу ҳақда менга айтди. Уилл гапира бошлагани ва мени кўрмоқчилигини айтганида, унинг хурсанд-

лигини ҳис қилдим. Миссис Трейнор пастга тушиб, мистер Трейнорга қўнғироқ қилмоқчилигини айтди ва қўшиб қўйди:

– Илтимос, уни чарчатиб қўйманг.

– Бўлмасам-чи, – дедим жилмайганча.

– Салом! – дедим эшикдан мўралаганча.

– Салом, – Уилл сокинлик билан бошини менга бурди.

Унинг овози худди уч кун қўшиқ айтган одамникидек хириллаб қолганди. Мен дарров ёнига келиб ўтирдим ва унга тикилдим. У кўзларини пастга қаратди.

– Ниқобни кўтариб қўяйми?

У кўзини қисди. Мен ниқобни унинг пешонаси томонга суриб қўйдим. Юзидаги юпка тер қоламани салфетка билан артиб олдим.

– Ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?

– Бундан ҳам яхши пайтларим бўлган.

Томоғимга бир нарса тикилди ва ютинишга ҳаракат қилдим.

– Билмадим-билмадим. Сиз мистер Трейнор ўзингизга эътибор қаратишлари учун нималар қилмайсиз. Бу...

У кўзларини юмганча, гапимни бўлиб қўйди. Кейин эса уларни очиб, менга айбдорона қаради:

– Кларк, кечирасиз. Бугун сиз билан ҳазиллашадиган аҳволда эмасман.

Биз яна бироз шу ҳолатда ўтирдик. Менинг овозим кичкина палатада жаранглаб эшитиларди. Унга Патрикниқидан нарсаларимни қайтариб келганлигимни айтиб бердим.

– Сизнинг аҳволингиз жойидами? – сўради у гапдан тўхтаганимда. Унинг назарида мен бундан унчалар қайғурмаётгандек эдим.

– Ҳа, албатта, – кифтимни қисдим мен. – Бу унчалар ҳам ёмонмас. Шусиз ҳам ташвишларим етарли-ку.

Уилл жим бўлиб қолди.

– Гап шундаки, – деди ниҳоят у. – бунақа тарзанкалардан сакрашга ҳали-вери соғлигим йўл қўймайди.

Буни мен билардим. Натан жўнатган хабарни олган заҳотим бунга амин бўлганман. Аммо буни унинг ўз оғзидан эшитиш оғир зарба бўлди.

– Кўнглингизни бузманг. – Мен сокингина гапиришга ҳаракат қилдим. – Ҳаммаси жойида. Сакрашни бошқа сафар амалга оширармиз.

– Афсус, бу саёхатни жуда истагандингиз.

– Тсс! – дедим кафтимни унинг манглайига босиб ва сочларини силаб қўйдим. – Бу унчалар муҳим эмас. Рости билан. Сиз яхши бўлиб кетсангиз бўлди.

У кўзларини юмиб оли. Унинг кўзлари гирдидаги ажинлар, ювош тортган юзлари нималар ҳақида сўзлаётганлигини сезиб турардим. Улар кейинги сафар умуман бўлмаслиги мумкинлигини ва Уилл сира ҳам тузалиб кетмаслигини айтарди.

Шифохонадан қайтишда мен Гранта-Хаусга бош суқиб ўтдим. Уиллнинг отаси мени ичкарига киритди. У ҳам худди миссис Трейнор каби ҳорғин кўринарди. Унинг қўлида гижимланиб кетган ёмғирпўш плаш бўлиб, қаёққадир отланиб турган эди. Мен унга миссис Трейнор Уиллнинг бошида яна бир кеча қолмоқчилигини, антибиотиклар яхши таъсир этаётганлигини айтдим. Нимага у буларни эрига ўзи телефон қилиб айтмаганлигини билмасдим. Балки, ташвиши кўпайиб кетгандир.

– Уиллнинг кўриниши қандай?

– Бугун эрталабдан сал яхши. – жавоб бердим. – Мен шифохонада эканимда бироз сув ичиб олди.

Мистер Трейнор бир лаҳзага лабларини қисди, кўзлари ялтиради. У бир зум деразага, кейин менга ва яна деразага қараб олди.

– Икки йил ичида учинчи марта чалиниши.

Мен унинг нимадан бунча хавотирга тушаётганлигини дарров англаб етмадим.

– Пневмониягами?

– Бу билан ҳазиллашиб бўлмайди, – бош ирғади мистер Трейнор. – Уилл жуда беғам йигит. Хасталикка жиддий қараш лозим. Буни сизга таърифламасам ҳам бўлади, Луиза.

Мен нима дейишни билмасдим. Фақат қўлимни узатиб, унинг кифтига қўйдим.

– Ҳа, биладан.

Мистер Трейнор сезилар-сезилмас бош ирғади ва илгакдан шляпасини олди. Менга «рахмат»гами ёки «хайр»гами ўхшаш бир нимани айтганча, ёнимдан ўтиб кетди.

Уиллсиз флигел ғалати жимликка чўкканди. Мен орқалдинга ўтиб юрадиган моторли ўриндиқнинг ғуриллашига, Уиллнинг Натан билан қўшни хонада қиладиган суҳбатига, радионинг ғўнғиллаб туришига ўрганиб қолган эканман. Энди флигел сукунатда, мен эса бўшлиққа тушиб қолгандек эдим.



Мен Уилл учун эртага керак бўладиган нарсалари, яъни тиш пастаси, тоза кийимларини сумкага йиға бошладим. Мени бирдан галати ваҳима исканжага олди. Миямда: «У бирдан ўлиб қолса нима бўлади?» – деган овоз янгради. Унинг овозини ўчириш ва флигелга ҳаётни қайтариш учун радиони баландлатиб қўйдим. Хонани енгилгина тозалаб чиқиб, Уиллнинг каравотига янги чойшаблар тўшадим ва боғдан гуллар узиб, гулдонга солиб қўйдим. Атрофга назар қилган пайтим стол устида саёҳат режалари қўйилган жилдга кўзим тушди.

Эртага кун бўйи қоғозларни кўздан кечириб, буюртма қилинган экскурсияларни бекор қилдириш билан банд бўлишимга тўғри келади. Уилл ким-қачон йўлга тушишга яраша соғлом бўлиб кетишини энди Худо билади. Врач ҳам уни антибиотиклар курсини ўтагунича иссиқ ва қуруқ жойда бўлиши шартлигини таъкидлади.

Мен қанчалар меҳнату изланишлар туфайли тузган режаларим солинган жилдга, узундан-узун навбатда туриб олган хориж паспортига қарадим ва қанча орзулар оғушида поездга ўтирганимни эсладим. Уч ҳафтагина муддат қолганида мен мағлубиятга учрадим. Ваҳоланки, менинг контрактим тугаб борар, Уиллни ўз қароридан қайтара олмагандим. Мен миссис Трейнордан энди нима бўлишини сўрашга ҳам ботинолмас эдим. Қўлларимга бошимни эккан ҳолда кичкина ва сокин ошхонада ўтириб қолдим.

– Хайрли оқшом.

Мен бошимни кескин кўтардим. Натан эшик олдида елкасига рюкзагини осган кўйи турарди.

– Уиллга жавоб берганларидан кейин, керак бўладиган айрим препаратларни келтирдим, – деди Натан. Ахволинг жойидами?

– Албатта. Узр. – Мен шошганча, кўзларимни артдим. – Шунчаки... ҳаммасини ўзгартиргим келяпти.

Натан рюкзагини кифтидан ечиб олиб, қаршимга ўтирди.

– Ҳа, анча иш, – деди у қоғозларни кўриб чиқаркан. – Эртага сенга ёрдам берайми? Шифохонада керак эмасман, шундай экан бирон соатларга келиб кетишим мумкин.

– Таклифинг учун раҳмат. Ўзим ҳам амаллайман. Буларни ёлғиз қилганим яхшироқ.

Натан чой дамлади ва биз қарама-қарши ўтирдик. Илк бор биз Натан билан Уиллнинг аралашувисиз, чинакамига гаплашиб ўтирдик. Натан Уиллдан аввалги мижози билан ишлаган

пайтлари, ўша мижоз ҳар ойда хасталикка чалиниб турган экан. Уиллнинг аввалги икки чалинишида эса ўзига келиб олиши учун бир ҳафта вақт керак бўлибди.

– У чинакамига хаста бўлган пайти, – деди Натан. – Нигоҳи тамомила ўзгариб кетади. Қўрқинчли. Худди унинг ўзи бу ерда йўқдай.

– Буни кўрганман.

Биз кружкалардаги чойдан ҳўплаб-ҳўплаб ўтирардик. Мен кўз қирим билан Натанга нигоҳ ташлаб, унинг дўстоналик балқиб турган чехрасини тадқиқ қилардим. Шу дамда унга қандай жавоб эшитишим аниқ бўлган саволни бергим келди.

– Сенинг хабаринг бор-а?

– Нимадан?

– Уилл нимага қарор қилганидан.

Хонага бирдан қулоқни тешгудек сукут чўқди.

Натан нима деб жавоб беришни мулоҳаза қилганча, менга зимдан тикилди.

– Менинг ҳам бундан хабарим бор, – дедим дадиллик билан. – Асли буни билмаслигим керак эди... Тўғрироғи, кўп қатори менга ҳам билдиргилари келмаган. Аммо, мен буни ногоҳ эшитиб қолдим. Шунинг учун мана шунақа сайрларни уюштирардим. Уилл бу қароридан қайтишини истардим.

Натан кружкани столга қўйди.

– Сенинг аниқ мақсадинг борми?

– Бор эди. Ҳозир ҳам бор.

У худди менга бўшашма ёки бундан бир нарса чиқиши қийин, дегандек бош чайқаб қўйди.

– Натан, энди нима қиламиз?

У бирданига жавоб бермади:

– Биласанми, Лу? Уилл менга жуда ёқади. У билан қанчалар чиқишиб кетганим сир эмас. Ахир икки йилдан бери биргамиз. Мен унинг энг ёмон кунлари-ю, анча соғлом кунларини кўп кўрдим. Бундай тақдирни ўзимгинамас, душманамгаям раво кўрмайман. – У чойдан ҳўплаб олди. – Баъзан унинг ёнида тун билан қолишимга тўғри келарди. Баъзан у тушларида соғлом пайтларидагидек чанги учганлари, юксакликлардан сакраганларини кўриб, бақирганча, уйғониб кетарди ва ўзига келгач, буларни хаётда энди такрорлай олмаслигидан қаттиқ қайғуга тушарди. Мен унинг ёнида ўтириб, таскин ва тасалли беришга сўз тополмасдим. Унинг тақдирида бу ёзиқлар бор экан, на илож? Кеча мен унинг юзларига тикилиб ўтириб,

унинг келгусидаги ҳаёти ҳақида ҳаёлга берилдим. Албатта, унинг бахтли бўлишини истайман. У қандай қарорга келмасин, бари бир уни айбламайман. Бу унинг ҳаёти ва унинг танлови. Бу фақат ўзига боғлиқ.

– Аммо... илгари шундай бўлган. – Мен буғила бошладим. – Мен келгунимча, кўпчилик шундай фикрда бўлган. Уилл ўзгарди. Мен унинг ўзгаришига сабабчи бўлмадимми?

– Албатта, аммо...

– Аммо биз унинг ўзини яхши ҳис қилишига ва аҳволи ўнгланишига ишонмасак, унда яхши кунларга ишонч уйғота оламизми?

– Лу... – Натан кружкасини столга қўйди ва кўзларимга тикилди. – У ҳеч қачон яхши бўлиб кетмайди.

– Буни қаердан биласан?

– Биламан. Агар тиббиётда оламшумул инқилоб юз бермаса, Уилл мана шу креслосида камида ўн йил миҳланиб ётиши мумкин. У, гарчи қариндошлари тан олишмаётган бўлсаям буни яхши билади. Булар ҳали ҳолваси. Миссис Ти нима бўлгандаям у яшаб қолиши тарафдори, мистер Ти эса Уиллга танлаш ҳуқуқини бериш вақти келган, деб ҳисоблайди.

– Албатта, шундай. Аммо Уилл яна қандай вариантлар борлигини билиши керак.

– У ақлли йигит, олдида қандай вариантлар, йўллар борлигини яхши билади.

– Йўқ, – кичкина хонада менинг овозим жаранглаб кетди. – Сен ноҳақсан. Сен ҳаммаси олдингидек қолган, мен унинг қарашларини сира ўзгартира олмаганман, деб ҳисобларкансан-да?

– Лу, мен унинг кўнглида нималар борлигини билмайман.

– Унинг қарашларини ўзгартира олганимни биласан-ку.

– У сени хурсанд қилиш учун буларга кўнган бўлиши мумкин.

– Фақат шу учун, деб ўйлайсанми? – Натандан ва бу ердигиларнинг баридан жаҳлим чиқаётганди. – Унақада нимага бу саёҳатда ҳамроҳлик қилишга розилик бердинг? Шу баҳонада маза қилиб дам олмақчимидинг?

– Йўқ. Мен ҳам унинг яшашини истайман.

– Аммо...

– Агар унинг ўзи яшашга рози бўлсагина, у яшашини истайман. Агар буни хоҳламаса, бизлар уни қанчалар севмайлик, бунга мажбур қилолмаймиз. Аксинча, биз унинг

танловига тўғоноқ бўладиган навбатдаги аблахлар бўлиб қолаверамиз. – Натаннинг сўзлари сукутни мавжлантирди.

Мен яноғимдаги кўз ёшимни артдим ва ўйноқлаётган юрагимни босиб олишга ҳаракат қилдим. Натан кўз ёшларимдан хижолатга тушди ва менга қоғоз сочиқчани узатди.

– Натан, мен қўл қовуштириб туролмайман. – (У жим қолди) – Бундай қилолмайман.

Мен ошхона столида ётган паспортимга қарадим. У энди бошқа бир одамга тегишлидек туюларди. Умуман бошқача ҳаёт тарзига эга бегона кишига тегишлидек. Мен яна мулоҳазаларга берилдим.

– Натан?

– Лаббай?

– Агар мен докторлар маъқуллайдиган бошқа саёҳатни ўйлаб топсам, бирга борасанми? Менга ёрдам берасанми?

– Албатта, ёрдам бераман. – Натан ўрнидан туриб, кружкасини чайиб қўйди ва рюкзagini елкасига илди. – Аммо Лу, бунақаси ҳатто сенинг ҳам қўлингдан келишига шубҳам бор.

Ўн кундан кейин Уиллнинг отаси бизларни Гэтвик аэропортига олиб бориб ташлади. Натан барча жомадонларни аравачага тушириб олди, мен эса Уиллдан то аччиғи чиқмагунича унга қулайми ёки ноқулайлигини суриштириб турардим.

– Ўзларингизни асранг. Кўнгилдагидек дам олинглар. – Мистер Трейнор Уиллнинг кифтига қўлларини қўйди. – Кўпам шўхлик қилманглар. – Шуларни айтаркан, у менга қараб кўзларини қисди.

Миссис Трейнор ишга бориши шартлигидан бизларни кузатиб қўйишга келмади. Менимча, у эри билан машинада икки соат бирга бўлишни хоҳламаган бўлса керак.

Уилл бош ирғади, аммо ҳеч нарса демади. Йўл бўйи у Натан иккимизнинг йўлдаги тикинлару бошқа икир-чикирлар ҳақидаги суҳбатларимизни эшитмагандай, чурқ этмасдан келганди.

Аэропорт залидан кетаётган пайтимизда ҳам менинг ҳалиям тўғри иш қилаётганлигимизга ишончим тўлиқ эмасди. Миссис Трейнор ўғлининг бу саёҳатга боришини сира хоҳламаганди. Аммо Уилл менинг қайтадан тузиб чиқилган режамни маъқулаганидан кейин, у қаршилик кўрсата олмади. Охирги ҳафтада миссис Трейнор бизлар билан гаплашишдан кўрқиб қолганди. Уиллнинг ёнида жимгина ўтирар, фақат тиббиёт ходимлари билан гаплашарди. Ё бўлмаса, боғда буталарга ишлов берганча куймаланиб юрарди.

– Бизни авиакомпания ходимлари кутиб олишлари лозим. Улар кутиб олгани чиқишлари лозим, – дея такрорлардим регистрация пештахтаси олдига боргунча, қўлимдаги қоғозларни титкилаб кўриб чиқаркан.

– Тинчлан. Улар кутиб оладиган ходимини ташқарига чиқариб қўйишмаса керак, – деди Натан.

– Аммо «аравачамизнинг оёғини ерга теккизмасдан» самолётга элтишларини ваъда қилишган. Мен буни телефондан уч марта қайта-қайта текшириб олганман. Бундан ташқари,

салонга олиб чиқилган аравачамиздан ҳеч ким норозилик билдирмаслиги айтилган.

Квадриплегиқлар форумида мени маълумотлар, огоҳлантиришлар, қонуний ҳуқуқлар ва назорат рўйхатлари билан кўмиб ташлашди. Мен авиакомпаниядан уч марта бизларга эгиладиган ўринлар берилишини, Уиллнинг аравачаси энг биринчи бўлиб салонга олиб чиқилишини талаб қилгандим. Авиакомпания бундай йўловчиларга биринчи маротаба хизмат кўрсатмаётганлигини айтиб, кўнглимга хотиржамлик бағишлаганди.

Уиллга ҳар гал назар ташлаганимда, бу ишни тўғри қилаётганлигимга шубҳаланиб қолардим. Терапевт бу саёҳатга кеча кечасигина розилик берди. Уилл кам овқатланар, куннинг узоқ қисмида ухларди. У нафақат хасталиқдан, шу билан бирга бизларнинг аралашувларимиз, суҳбатлашишга бўлган уринишларимиз, тагига похол тўшашларимиз билан тўла ҳаётдан чарчаганлиги кўриниб турарди. Уни ўз ҳолига қўйишларини хоҳлашини сезиб турган бўлсам-да, у менга рўйихушлик берарди. Уни ўз ҳолига ташлаб қўя олмаслигимни у билмасди.

– Мана авиакомпания ходимаси, – дедим мен биз томонга қўлтиғига папкасини қистириб олган ва оғзи қулоғига етганча, табассум билан келаётган униформали қиз яқинлашаётганлигига кўзим тушгач.

– Аравачамизни салонга чиқаришда фойдаси тегишига ишонмайман, – тўнғиллади Натан. – У ҳатто музқаймоқни ҳам кўтара олмаса керак.

– Биз эплаймиз, – тасдиқладим мен. – Сен билан буни эплай оламиз.

Натан билан флигелда гаплашиб олганимиздан кейин, мени уларнинг адашаётганларини кўрсатиб қўйиш иштиёқи тўлдирганди. Агар биз хоҳлаган жойимизга бора олмасак, бу Уиллнинг ҳеч нарсага ярамайди, дегани эмас.

Мен форумга кириб, ўз саволларим билан ҳаммага мурожаат қилиб чиқардим. Обдон ночорлашган Уилл соғлигини қаерда тиклай олиши мумкин? Биз қаёққа боришимиз кераклигини бирорта одам билладими? Мени энг муҳими, об-ҳаво қизиқтирарди. Инглиз иқлими жуда ўзгарувчан эди. Ёмғир пайтида инглизларнинг денгиз курортларидай жонга тегадигани бўлмаса керак. Июль охирида эса, Европанинг катта қисмида жазирама ҳукм сурганлиги учун Италия, Греция,

Франция жануби ва бошқа соҳил бўйи худудларини четга суришга тўғри келди. Мен Уиллни денгиз бўйида дам олаётганлигини тушимда кўргандим. Уни рўёбга чиқариш учун икки кунни сарфласам-да, амалга ошира олмадим.

Мен пневмония ҳақида кўплаб ҳамдардликлар ва ҳикояларни олдим. Гўё унинг арвоҳи форумдагилар орасида изғиб юрарди. Бир қанча жойларни таклиф қилиб кўришди, аммо уларнинг ҳеч қайсиси мени илҳомлантормади. Тўғрироғи, уларнинг ҳеч қайсиси Уиллга тўғри келмасди. Менга Уилл ўзига ўхшаганлар билан тўла жойларни ёқтирмаслиги аён эди. Мен нимани хоҳлаётганимни яхши билмасдим, шунинг учун рўйхатни қайтадан кўриб чиқа бошладим.

Охир-оқибатда менга ўша, форумда кириб-чиқиб юрадиган кадрдон Ричи ёрдамга келди. Уиллни шифохонадан чиқарган кунимиз, Ричи қуйидагиларни ёзди:

Менга ўз электрон почтангни юбор. Холаваччам саёҳатлар бюросида ишлайди.

Мен унга сен ҳақингда айтганман.

Мен Ричи берган рақамлар орқали ўрта ёшлардаги эркак билан гаплашдим. У ўз ғоялари ҳақида айтганида, мен излаётган нарса айнан мана шу эканига амин бўлдим. Икки соатлардан кейин биз келишиб олдик. Мен миннатдорлигимни қандай ифодалашни билмасдим.

– Кўпам хижолат бўлма, қизгина, – деди у. – Дўстингиз яхши ҳордиқ чиқаришига ҳаракат қилсангиз бўлди.

Жўнаш олдидан мен Уиллдан кам чарчамагандим. Кун бўйи бундай саёҳатнинг барча нозик жиҳатларини ҳисобини олиб юрардим ва тонгда жўнаш айёмига қадар Уиллнинг соғлиги саёҳат учун етарлича бўлишига шубҳаланиб турардим. Энди эса сумкалар билан сершовқин аэропортда ўтирарканман, тўғри йўл тутганимга шубҳа билан қарардим. Бирдан мени ваҳима босди. У яна хасталаниб қолса-чи? Худди пойгаларда юз берганидек, ҳар лаҳзада мени ёмон кўра бошласа-чи? Мен нотўғри англаган бўлсам-у, Уиллга дабдабали ўн кунлик саёҳатдан кўра, уйдаги каравотда ётиш кўпроқ зарур бўлган бўлса-чи?

Аммо бизда ортиқча ўн кун йўқ эди. Биз танлаб бўлгандик. Бу менинг сўнгги, ягона имкониятим.

– Бизнинг рейсни эълон қилишди, – деди дўкончадан қайтиб келган Натан. У қошини чимирганча, менга қаради, мен эса нафасимни ростладим.

– Ажойиб, – дедим тайёрлигимни билдириш учун. – Жўнадик бўлмаса.

Самолётда ўтган ўн икки соатлик парвоз мен ваҳима қилганчалик жиддий синов бўлиб чиқмади. Натан ёпинчиқ остида Уиллнинг трубкаларини чаққонлик билан алмаштириб турди. Авиакомпания ходимлари хушмуомалалик ва ғамхўрлик билан мажруҳлар аравачасига эҳтиёткорона ёндашишди. Худди келишилгандек, Уиллни биринчи бўлиб салонга олиб чиқишди, бизларга ажратилган ўриндиқларга жойлаштиришди.

Бир соатлик парвоздан кейин тушундим: булутлардан юксакда, икки томонида бизлар қўллаб турган Уилл ҳамма қатори йўловчи эди. Экран қаршисида, ердан ўн минг метр баландликда ўтирган Уилл бошқалар каби фильм кўрди, овқатланди ва асосан ухлади.

Биз Натан билан тез-тез кўз уриштириб олар, ўзимизни ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойидадек тутардик. Мен ойнадан ташқарига қарадим. Худди пастдаги булутлар каби менинг фикрларим ғужғон ўйнардди. Шу пайтгача самолётда учмагандим. Узоқларга ҳам бормаган эдим. Бу пайтда фақат Уиллни кўриб турардим. Мен ўзимни худди синглим Томасни туққанидан кейин, ўзини қандай хис қилган бўлса, шундай хис қилардим. «Мен чақалоққа қараганимда, – деганди у. – худди торгина тирқишдан дунёга тикилаётгандек бўламан. Дунёда фақат иккимиз қолгандек эдик».

Аэропортда мен ундан эсэмэс олдим.

Бу қўлингдан келади. Сендан фахрланаман. Ўпаман.

Мен уни ҳозир очиб ўқидим ва танланган сўзлардан хиссиётларим ўйнаб кетди. Балки чарчоқ, балки бизларни бундай узоқларга учишга нима мажбур қилганига ишонмаганим сабаб бўлгандир. Бундай чақирилмаган ўйларни ҳайдаш учун жимитдек телевизор экранини ёқдим ва атрофга қоронғулик тушмагунча, қандайдир американча комедия сериалини томоша қилдим.

Кейин мен уйғониб кетдим ва тепамда нонушта олиб келган стюардессани кўрдим. Уилл Натан билан кўрган фильмлари ҳақида гаплашиб ўтиришарди. Бир соатларда биз Маврикийга қўнишимизни эшитиб, оғзим очилиб қолай деди. Наҳотки шунчалар тез?!

Самолёт қўниш йўлаги бўйлаб тезлигини пасайтирганидан сўнггина буларга амин бўлдим. Самолётда қотиб қолган



оёқ-қўлларимизни ишқалаган ва тебранган кўйи биз аэропорт залидан чиқдик ва туроператор томонидан мажруҳлар учун жўнатилган махсус таксига кўзим тушгач, хурсандчилигимдан йиғлаб юборай дедим. Ўша биринчи тонгда, хайдовчи бизни меҳмонхона томонга олиб кетаётганида оролларга кўзим тушмади. Бу ерда ранглар Англиядагидан кўра ёрқин, осмон тиниқ мовий тусда эди. Орол шакарқамиш плантациялари орасидаги яшиллик билан тўла, денгиз эса вулқон тепаликлари орасидан худди симобдек кўзга ташланарди. Ҳаво жуда ёқимли ифорга тўла, қуёш эса нақ тепага келганча, мўлкўл нур сочарди. Мен ўзимни худди ялтироқ журналлардаги суратларга кўчиб ўтгандек ҳис қилардим.

Шунча ноодатий ҳиссиётлар оқими билан курашиш асносида ҳам мен дам-бадам Уиллга, унинг қони қочган юзига, кифтига осилиб қолган бошига қараб-қараб қўярдим. Кейин эса пальмалар қуршовидаги бир қаватли бинога олиб борувчи йўлак олдида тўхтадик. Хайдовчи машинадан чиқиб, юкларни ерга тушира бошлади.

Биз музли чой ва меҳмонхона бўйлаб сайрдан воз кечдик. Уиллнинг хонасини топдик, сумкаларни жойлаштирдик ва Уиллни каравотга ётқиздик. Пардаларни суриб бўлмасимиздан у яна ухлаб қолди. Шундай қилиб, биз етиб келдик. Мен буни уддаладим. Натан дерезадан денгиздаги коралл рифларини томоша қилаётган пайти мен енгил нафас ола бошладим. Саёҳат сабаблими ёки бундай гўзал жойларга илк бор келганимгами, кўзларим бирдан ёшга тўлди.

Натан буни дарров илғади.

– Ҳаммаси жойида. – Сираям кутилмаганда у ёнимга келиб, мени маҳкам қучоқлаб олди. – Ўзингни бўш қўй, Лу. Ҳаммаси яхши бўлади. Чини билан. Сен аъло даражада эпландинг.

Унинг гапларига ишонишим учун уч кун керак бўлди. Уилл икки кунни ухлаш билан ўтказди. Учунчи куни у соғая бошладди. Териси аввалги тусига қайтди, кўзлари гирдидаги кўкиш доғлар йўқолди ва иштаҳаси очилди. У аравачасида турли егуликлар турган швед столи ёнидан ўтаркан, кўнгли тусаган егуликка имо қилар, ўзи тановул қилибгина қолмай, мени ҳам ейишга мажбурларди. Умримда кўрмаган ва мен ўзимча уларни танламайдиган ҳамда номини ҳам билмайдиган бу жануб денгизи маҳсулотларидан тайёрланган егуликларнинг мазаси, бошқа бир оламга саёҳатнинг бир қисмидек эди.

Тезда у меҳмонхонада ва атрофда бемалол бир ўзи айланиб юрадиган бўлди. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Ахир у умрининг охириги йилларини қалъанинг соясидаги флигелдек тор жойда ўтказганлигини ҳисобга олмаса, доимо Ер шарининг хоҳлаган бурчагида ҳаёт кечирган, ҳаракатда бўлган.

Меҳмонхона, ваъда қилинганидек, энли ғилдиракларга эга махсус кресло тақдим қилди ва биз Натан билан ҳар тонгда Уиллни унга ўтқазиб, пляжга борардик. Мен кун тиккага келган пайтлари Уиллга соя бўлиши учун соябонни кўтариб олардим. Аммо у бизга деярли керак бўлмади. Оролнинг жанубий қисмида доимо салқин денгиз шабадаси эсиб турар, ҳарорат камдан-кам пайтлар йигирма даражадан юқорига кўтариларди. Биз меҳмонхонамиздан кўзга ташланмайдиган яланғоч қоялар пойидаги кичкина пляжга етиб борардик. Мен тўқима ўриндикни пальма соясидаги Уиллнинг ёнига ўрнатиб қўйдим. Натанни денгиз чанғиси ёки виндсерфинг билан шуғулланишини кузатар эканмиз, Уилл иккимиз уни бақирган кўйи ё қўллаб-қувватлардик ёки устидан кулардик.

Бошида меҳмонхона ходимлари Уиллнинг атрофида парвона бўлганча, аравачасини итаришиб, салқин ичимликлар таклиф этиб юришди. Аммо мен уларга бизни тинч қўйишларини айтганимдан кейингина олисроқ юрадиган бўлишди. Бироқ бари бир уларнинг менинг яқин атрофда йўқлигимдан фойдаланганча, Уилл билан гаплашиш учун яқин келишлари, яна қаерларни бориб кўришга арзишини айтишлари одамга хуш ёқарди. Надил исмли дарозгина йигит Натан яқин-атрофда бўлмаган пайтлари Уиллга ўз ёрданини аямасди. Бир куни мен меҳмонхонадан чиққан пайтим, бизнинг пальмамиз соясида Надил бир дўсти билан Уиллни аравачадан ёстиклар тўшалган шезлонгга кўтариб ўтқизишаётганларини кўриб қолдим.

– Мана бу зўр бўлди, – деди Надил бошмалдоғини кўтариб.  
– Мистер Уилл ўз аравачасига ўтмоқчи бўлган пайти мени чақирсангиз бўлди.

Мен Уиллни аравачасидан бекорга шезлонгга ўтказганларини айтиб, уларга дакки бермоқчи бўлдим. Аммо Уилл кўзларини юмганча, ўзини маза қилаётганлигини кўрсатганидан кейин, тилимни тишлаб қолдим.

Уиллнинг соғлигига доир хавотирларим пасая бошлагач, ўзимни жаннатда юргандек ҳис қила бошладим. Мен бундай жойларга келиб қолишимни етти ухлаб тушимда ҳам

кўрмаганман. Тонг пайтлари денгиз мавжлари ва дарахтлардаги нотаниш қушлар сайроғи остида уйғонардим. Қуёш нурларида чайқалаётган баргларнинг шифтдаги сояларига тикилиб ётардим. Қўшни хонадан аллақачон уйғонган Уилл ва Натаннинг суҳбати эшитилиб турарди. Мен енгилгина соронги кийиб юрар, очиқ қолган елкаларимга сепкил тошиб чиққан, улар енгил шабада ва қуёшдан лаззатланишарди. Оддийгина пляж бўйлаб сайрлар, нотаниш егуликлар тоти, қоп-қора балиқларга қўшни ҳолда илиқ сувда чўмилишлар олам-олам роҳат бахш этарди. Сўнгги ойлардаги бўлиб ўтган воқеалар унутила бошлаганди. Патрикни эса деярли эсламасдим ҳам.

Биз маълум бир кун тартибини белгилаб олгандик: Бассейн атрофидаги соя-салқинда учовлон нонушта қилардик. Уилл асосан мен қўлда едирадиган мевали салатларни, иштаҳаси карнай пайти эса бананли оладяларни тановул қиларди. Кейин биз пляжга бориб, дам олардик. Мен китоб ўқирдим, Уилл мусиқа тинглар, Натан эса сув спортини ўрганишга банд бўларди. Уилл мени ҳам Натан каби бирор сув спорти билан шуғулланишга ундарди. Мен нуқул рад қилардим. Менга Уилл билан бирга бўлиш кўпроқ ёқарди. Уилл ўз гапида туриб олгани учун бир марта виндсерфинг билан шуғулландим, аммо бари бир Уиллнинг ёнида ўтириш ёқимли эди.

Баъзан меҳмонхонада одам деярли бўлмаган пайтлар, Надил Натан билан Уиллни илиққина денгиз суви тўлдирилган кичкина бассейнга туширишарди. Натан унинг бошидан ушлаганча, сузиб юришига имконият яратарди. Уилл унут бўлиб кетган туйғуларини эслаганча, юзлари ёришиб кетарди. Унинг захил танаси тилла рангга кирди. Чандиқлар ҳам тусини йўқотиб, охири кўзга ташланмайдиган тарзда йўқ бўлиб кетди. Энди у кўйлаксиз ўзини ноқулай сезмайдиган бўлди.

Тушликка биз меҳмонхонанинг уч ресторанидан бирига борардик. Барча мажмуа юзаси плитка билан қопланган, баланд бўлмаган зиналар ва пандуслар кам учрар, бу эса Уиллга бемалол аравачасида кезиб юришига имконият яратарди. Оддийгина сув ичгиси келганида ҳам Уилл буни бизга айтиб ўтирмасди. Бу шунчаки майда-чуйдадек, аммо Уиллни бошқаларга боғлиқ бўлиб қолиш туйғусидан халос этарди. Биз қаерда бўлмайлик, ходимлар жилмайганча, бизга ичига атиргул солиб қўйилган салқин ичимликлар таклиф этишарди. Хатто пляжда ётганимизда ҳам кичкина баггиларни итарган

официантлар табассум билан бизга сув, мева шарбатлари ёки ўткир ичимликлардан таклиф этганча, келиб қолишарди.

Кунинг энг иссиқ иккинчи қисмида, Уилл хонасига қайтиб, икки соатлар ухлаб оларди. Мен бассейнда сузар, китоб мутолаа қилар, кечқурун яна учрашиб, соҳил бўйидаги ресторанга тамадди қилиш учун борардик. Надил Уиллнинг креслосидаги найчали стаканча нима учунлигини билиб олгач, Натан иккимизга деяри иш қолмади. Қуюқлашаётган оқшомда болалик хотираларимизни, ўсмирлик ўйинқароқликларини, ишимиз, оилаларимиз, бошқа саёхатлар ҳақида гаплашардик ва Уилл ҳам бундай гурунг гулханига ўз ўтинларидан ташлаб туруп, тобора бизларнинг оламимизга қўшилиб борарди.

Бугунги Уилл аввалгиси эмасди. Орол унга биз танишган пайтимиздан бери кузатилмаган сокинлик ҳадя этганди.

– Уиллда ўзгаришлар катта, – деди Натан у билан швед столи ёнида учрашганимизда.

– Ҳа, ёмонмас.

– Биласанми... – деди Натан у ҳақида гаплашаётганлигимизни Уилл кўрмаслиги учун менга эгилганча. – Анови боролмаган ранчомиздан кўра, бу ер яхшироқ таъсир қилдимиз, дейман.

Мен бу ерда ҳар кунни санаб ўтказаётгандим. Ҳар бир кун Уиллда ўзгаришлар ясаши керак эди. Мен ҳеч нарсани ўйламай, лаззатланишим, мени кўриб Уиллда ҳам шу туйғулар уйғонишига ишонардим.

– Хўш, бу ёғига нима қиламиз? – дедим ўзимга қовун тилигини олиб. – Караокега борамизми? Ёки кечагидан кейин қулоқларинг ҳалиям шанғиллаб турибдими?

Тўртинчи кечада Натан ҳеч қандай хижолат тортмасдан бу кеча унинг учрашуви борлигини айтди. Карен ҳам Янги Зеландиялик бўлиб, қўшни меҳмонхонада яшар ва у билан шаҳарга тушиб келишга розилик берганди.

– У шаҳарга тушмоқчи... Мен унинг бир ўзини боришини хоҳламадим.

– Албатта, – деди Уилл маънодор бош ирғаганча. – Сен ҳақиқий рицарсан, Нат.

– Ҳа, бу олийжанобликнинг ўзи, – дедим мен ҳам маъқуллаганча.

– Натан ажойиб жинс вакилларига нисбатан доимо беғаразлиги билан донг чиқарган.

– Икковларинг ҳам жим бўлларинг, – деди Натан ва ғойиб бўлди.

Карен тезда унинг доимий ҳамроҳига айланиб қолди. Натан у билан ҳар кеча ғойиб бўлар, Уиллни уйқуга тайёрлаш пайтида эса яна пайдо бўлиб қоларди.

Натаннинг ғойиб бўлиб қолишларидан яширинча хурсанд бўлардим. Уилл билан ёлғиз қолганимизда суҳбатларимиз янада қизғин тус оларди. Бир куни кечки пайт туйқусдан момақалди роқ гумбурлашидан чўчиб тушдим. Чироқлар липиллади, кўчада бақир-чақирлар эшитилди.

Мен деразага яқинлашиб, пардаларни сурган пайтим салқин ҳаво хонага оқиб кирди. Денгиз тўлқинлана бошлади ва чақмоқлар чақди. Кейин томларга ёмғир томчилари шиддат билан урила бошлади. Мен пардани ёпиб қўймоқчи бўлганимда, Уилл эътироз билдирди.

– Керак эмас, – деди Уилл. – Эшикларни очиб қўйинг. Мен ёмғир ёғишини кўрмоқчиман.

Мен террасага олиб чиқадиган ойнаванд эшикларни очиб қўйдим. Ёмғир сувлари томлардан оқиб тушиб, террасалардан дарёдек оққанча, денгиз томонга интиларди. Мен юзимга урилаётган ёмғир томчиларини ҳис қилиб турардим.

– Кўряпсизми? – сўради хона ичида турган Уилл.

– Нақ қиёматнинг ўзи.

Биз ёмғир қўшиғини тинглаганча, анча ўтирдик. Тезда ёмғирда ивиган Натан ҳам етиб келди.

Охирги куни иккита воқеа содир бўлди. Биринчиси, Уиллнинг тазйиқларидан сўнг мен аквагант билан сув тубига шўнғишга рози бўлдим. У бир неча кун менга дунёнинг нариги тарафидан етиб келиб, сув остини кўрмай кетиш мумкин эмас, деб қайта-қайта айтди. Виндсерфингни эплай олмадим. Сув чанғисида учиш эса асосан юзим билан сув сатҳини ёриб юриш билан тугади. Кеча эса туш пайти Уилл мени сувга шўнғувчилар рўйхатига киритиб қўйганлигини айтди.

Уилл ва Натан бассейн четида ўтиришар, инструктор эса менга сув остида қандай нафас олишни ўргатарди. Уларнинг қараб туришидан ўзимни йўқотиб қўярдим. Албатта, мен аҳмоқ эмасман, елкамдаги кислород баллонлари нафас олишимга ёрдам беришини, чўкиб кетмаслигимни билиб турсам-да, сув остига шўнғиган заҳоти яна бошимни чиқариб олаверардим.

– Бундан бир нарса чиқиши қийин. – дедим еттинчи бор сув тагидан бошимни чиқариб.

Сув остида сузиш бўйича инструктор Жеймс орқамда турган Уилл ва Натанга қаради.

– Мен буни эплолмайман, – ғашим келганча, қўшиб қўйдим. – Бу менга тўғри келмайди.

Жеймс денгиз томонга ўтирилди ва менинг кифтимга қоққанча, очиқ сувларга ишора қилди.

– Балки, ўша ерда уддасидан чиқса керак, – деди у.

– Денгиздами?

– Баъзан сузишни ўрганиши учун одамни сув тубига ташлаб юбориш керак бўлади. Кетдик. Қайиққа ўтирамыз.

Қирқ беш дақиқадан кейин мен кўзлардан яширин сув остининг ёрқин дунёсини томоша қилардим. Елкамдаги кислород баллонлари тушиб кетса, тубсизлик қаърига чўкиб кетишим мумкинлиги ҳақидаги хавотирларимни ҳам унутиб юборгандим. Янги дунё сирлари мени сеҳрлаб қўйганди. Фақат менинг нафас олишларимгина бузиб турган сукунат аро камалакдек товланаётган майда балиқчаларни, оқ-қора йўл-йўлга эга каттароқ балиқларнинг менга ҳайронлик билан тикилишларини, актиниялар эса ичга ютган сувларни орқасидан чиқарганча, сузишларини кузатардим. Сув остидаги ёрлар қоп-қора оғзини очиб турарди. Мени тепага кўтарилгим келмасди. Мен бундай сокинлик ин қурган оламда мангуга қолиб кетишга тайёр эдим. Фақатгина яқинимда сузиб юрган Жеймс бармоғи билан кислород баллонидаги шкалани кўрсатганидан сўнггина тепага кўтарилишга мажбур бўлдим.

Мен пляжда Уилл ва Натанга қараб борарканман, айтдиган гапларимни тополмасдим. Бошимда кўрган ажойиботларим ғужғон ўйнар, оёқларим эса худди сув остида олиб юришда давом этаётгандек эди.

– Қалай, ёқдими? – сўради Натан.

– Нимага буни олдинроқ айтмадингиз? – дедим Уиллга жаҳл билан ласталарни унинг оёғи остига ирғитганча. – Нимага олдинроқ мажбурламадингиз? Шунча нарса бурнимнинг тагида турган экан!

Уилл сокингина қараб турарди. У секин ва оғзи тўлиб жилмайди:

– Билмайман, Кларк. Бир хил одамларга гапириш бефойда.

Сўнги кечани дискотекада ўтказмоқчи бўлдик. Уилл ўзини жуда яхши ҳис қилаётганди. Мен оппоқ чит кўйлагимни кийдим. Танам қуёшда яхши корайгани учун оқ кўйлак жуда мос тушганди. Надил менга чиройли гул узатиб, сочларимга қадаб олишимни айтди.

– Луизамас бу – нақ хурлиқо! – деди Уилл мен Натан ва Карен учовлари турган барга яқинлашганимда. – Либослариям жуда кетворган.

Мен уни масхара қиляптими, деган ўйда чақиб бермоқчи ҳам бўлдим, бундай эмаслигини сезгач, жилмайиб қўйдим.

– Раҳмат, – дедим жавобан. – Сизлар ҳам очилиб кетиб-сизлар.

Карен билан Натан рақс тушаётганларга қўшилиб, охири кўздан ғойиб бўлишганидан сўнг, Уилл билан тунги пляжга жўнадик. Кулоқларимизда мусиқа янграрди.

Тунги пляж янада ажойиб эди! Эркаловчи шабада, қайдадир пиширилаётган барбекю, шўртак денгиз ҳиди арашиб димоқни қитиқларди. Биз Уилл билан ўз пальмамиз тагига бордик. Кимдир бу ерда таом пишириш учун гулхан ёққан шекилли, ундан сўнаётган чўғлар қолганди.

– Бу ердан ҳеч кетгим келмаяпти, – дедим денгиз устидаги зулматга тикилганча.

– Бу ердан кетиш осонмас.

– Бундай жойлар фақат киноларда бўлади, деб ўйлардим. – Мен Уиллга ўгирилдим. – Демак, бошқа жойлар ҳақида гапириб берганларингиз ҳам тўқиб чиқарилмаган экан-да.

Уилл жилмайди. Унинг юзидан бахт балқиб турар, кўзлари атрофидаги ажинлар нурдек тараларди. Унга боқарканман, ич-ичимни исканжага олган барча хавотирларим ғойиб бўлганди.

– Келганингизга хурсандмисиз? – ботинмайгина сўрадим ундан.

– Албатта, – деди у бош ирғаганча.

– Зўр! – дея ҳавони муштлаб қўйдим.

Бар томондан яна мусиқани қўйишди. Мен туфлимни ечиб ташлаганча, рақс туша бошладим. Албатта, буни эртаси куни эслаб хижолатга тушишим ҳам мумкин. Аммо бу ерда, тун қўйнида, сокин денгиз соҳилида, жилмайган Уиллнинг олдида хурсандлигимдан рақсга тушмасдан иложим йўқ эди. Олти ойлик ишдан кейин чарчоқларимни чиқариб ташлаётган эдим.

Муסיқа тугаганидан кейин, мен чарчаб қолган ҳолда ара-  
вачанинг пойига йиқилдим.

– Сизга нима бўлди?

– Ҳеч нарса, – деганча ўрнимдан туриб, тиззалаб олдим. –  
Сенинг яшашингни истайман, Уилл.

Уилл қўлига теккан кафтларимга тикилиб қолди.

– Мен сенга бир нарсани айтмоқчиман.

– Биладан, – шивирладим мен. – Ҳаммасини биладан.  
Швейцария ҳақида ҳам. Мени нега фақат... олти ойга ёллаш-  
ганиниям биладан.

У бошини осмонга кўтарди.

– Уилл, мен ҳаммасини биладан. Беш ойлар бўлиб қолди.  
Уилл, илтимос, мени тингла... – Мен унинг ўнг қўлига каф-  
тимни қўйдим. – Сен – соғайиб кетасан. Сен – бахтли бўлишга  
лойиқсан. Мен – сени бахтли қила оламан. Сен мени бошқа  
одамга айлангирдинг. Сен билан эса бахтни ҳис қилдим. Ал-  
батта, сенинг тенгинг эмасман. Аммо мен бошқа иш топаман.  
Коллежга ариза топшириб қўйдим. Мен интернетда бошқа  
квадриплегиклар, уларнинг оилалари билан суҳбатлашдим.  
Бунинг иложи бор. Ҳаммасини ўргандим, ўйлаб кўрдим. Мана,  
қанақага айландим. Бу сенинг айбинг. Мени ўзгартирдинг.

У кўзларини юмиб олди.

– Нима дейсан, Уилл? – шивирладим мен.

– Йўқ, Кларк. – У шу қадар секин жавоб бердики, ҳатто  
эшитдимми, дея ўйладим.

– Нима?

– Йўқ, булар етарли эмас.

– Тушунмадим. – Мен унинг қўлини қўйиб юбордим.

У бирданига жавоб бермади, биринчи марта айтиш учун  
мос сўзларни ахтара бошлади.

– Менга булар етарли эмас. Бу дунё... гарчи унда сен мав-  
жуд бўлсанг ҳам, менга етарли эмас. Ишон, Кларк, сен пай-  
до бўлишинг билан ҳаётим яхши томонга ўзгарди. Аммо бу  
менга етарли эмас. Бундай ҳаётни хоҳламайман. – (Энди мен  
ўзимни орқага олдим). – Ҳа, бу бошқача, яхши ҳаёт бўлиши  
мумкин. Сен билан янада яхши бўлиши мумкин. Лекин бу ме-  
нинг ҳаётим бўлмайди. Мен сен гаплашган одамлардан бири  
эмасман. Бу менга зарур бўлган ҳаёт эмас. – Уиллнинг овози  
синик, юз ифодаси эса мени кўрқитарди.

Мен бош тебратдим.

– Сен... Эсингдами, лабиринтдаги ўша тун ҳаётимни бел-



гилаб бермаслиги кераклигини айтгандинг. Мен ўз ҳаётимни ўзим танлашим кераклигини уқтирдиг. Шундай экан, мана бу ўриндигинг сенинг ҳаётингни белгилаб беришига йўл қўйма.

– Аммо у менинг ҳаётимни белгилаб қўйган, Кларк. Сен мени чинакамига, яъни буларнинг бари бошланмасидан олдин қандайлигимни билмагансан. Менга ўз ҳаётим ёқарди, Кларк. Жуда ҳам ёқарди. Ўз ҳаётимни, саёхатлар ва машғулотларимни жуда-жуда ардоқлардим. Ўз танамни чиниқтириб боришни севардим. Мотоциклда учиш, томлардан сакрашлар севимли машғулотларим эди. Бизнес бўйича рақобатчиларимнинг бурнини ишқалаб қўйишни истардим. Мен тўлақонли ҳаёт кечирдим. – Унинг овози баландлай бошлади. – Бу ўриндикда михланиб қолиш менга мос эмас, аммо у шуни белгилаб берган.

– Сен имкон бермаяпсан, – дедим шивирлаганча. – Сен имкон бер.

– Гап сенга имкон беришда эмас. Бу олти ой ичида мен сенинг ўзгара боришингни кузатдим. Сен ўз имкониятларингни пайқай оладиган одамга айлана бординг. Булар менга қанчалар бахт ато этганлигини тасаввур ҳам қилолмайсан. Аммо мен сени менга михланиб қолишингни истамайман. Мени ортимдан шифохоналарга қатнашингни, менинг чекланишларимга ўралашиб қолмшингни хоҳламайман. Бошқа одам бера оладиган нарсаларни қўлдан чиқаришингни истамайман. Бир куни бориб, менга қараганча, афсус чекишингни...

– Мен ҳеч қачон афсусланмайман!

– Буни қаёқдан биласан, Кларк? Тақдиринг қандай тус олишини туш кўрибсанми? Олти ойдан кейин нималар бўлишини тасаввур қилолмайсан. Мен эса сенга термилган ҳолда умр ўтказишга чидолмайман. Буни хоҳламайман ҳам. Мен бунақа эмасман. Мен бировга мутеликни ёмон кўраман.

– Уилл бунақа гапирма, илтимос, – йиғлаб юбордим мен. – Шунчаки менга имкон бер.

– Жим бўл, Кларк, йиғлама. Бугунги оқшом жуда ажойиб бўлди. Мени бу ерга келтириш учун қўлингдан келганича ҳаракат қилганингга қойил қоламан. Мендаин эшакни нимасини ёқтириб қолдинг? Тамом. Бу ўриндикларга, бу оғриқлар ва хорғинликларга нуқта қўядиган пайт келди. Эрта тонгда уйғониб, булар ҳали тугамаганлигини англаш қанчалар оғир.

Қайтиб борганимиздан кейин мен бари бир Швейцарияга бораман. Агар сен мени чинакамига яхши кўрсанг, менга ҳамроҳлик қил.

– Нима? – мен кескин бошимни кўтардим.

– Энди бари бир яхши бўлмайман. Менинг соғлигим ёмонлашса ёмонлашади-ки, яхшиланмайди. Чекловларим тобора кўпаяверади. Мени қанча хасталиклар кутиб турибди. Мен барини тушунаман. Оғриқларни ҳис қилишни ва мана бу ўриндиққа қадалиб қолишни, ўзгаларга боғланиб, муте бўлиб яшашни бошқа истамайман. Агар сенинг айтганларинг рост бўлса, сўнгги дақиқаларда ёнимда бўл.

Мен унга даҳшат ичра термилиб қолгандим ва қулоғим шанғиллай бошлаб, уни базўр тушунаётгандим.

– Буни сўрашга қандай журъат этаяпсан, Уилл?

– Буни сен учун қанчалар...

– Мен сени севаман, сен билан бирга умумий келажагимизни барпо қилмоқчиман. Сен эса мендан қандай жон таслим қилишингни кузатиб туришимни сўраяпсан!

– Узр. Бу қанчалар қўпол эшитилса-да, аммо менда ошиқча фурсат йўқ.

– Шунақа дегин. Чипталарни буюртма қилиб ҳам қўйгандирсан? Белгиланган қабул вақтини ўтказиб юборишдан қўрқасанми?

Биздан анча олисдан ўтаётганлар биз томонга қараб қўяётганларидан бизнинг овозларимиз уларга ҳам эшитилаётганлиги билиниб турар, аммо энди мени ҳеч нарса тўхтата олмасди.

– Ҳа, – бироз жимликдан сўнг жавоб берди Уилл. – Ўтказиб юборишдан қўрқаман. Мен улар билан маслаҳатлашиб кўрдим. Менинг аҳволим уларнинг критерияларига тўғри келишини клиникадагилар тасдиқлашди. Ота-онам ўн учинчи августга рози бўлишди. Биз яқин орада ўша ёққа учамиз.

Бошим айлана бошлади. Бир ҳафтадан камроқ муддат қолганди.

– Ишона олмайман.

– Луиза...

– Сени бу қарорингдан қайтара олдим, деб ўйлагандим...

Уилл бошини ёнга эгди ва менга тикилди. Унинг овози майин, қарашлари эркаловчи эди.

– Луиза, мени ҳеч нарса қароримдан қайтишга мажбурлай олмайди. Мен ота-онамга олти ойга ваъда бергандим, шун-

дай ҳам бўлди. Сенинг шарофатинг билан бу муддат мен учун жуда қадрли ҳисобланади. Мени аҳдимда тура олишим учун синовдек бўлди бу олти ой.

– Керакмас. Жим бўл! – бўғзимга сўзларим тиқилиб қола бошлади. – Сен шунақа худбинсан, Уилл. Шунақа аҳмоқ. Мен сен билан ўша Швейцарияннга бора олган тақдиримда ҳам... сен учун шунча ишни қилганимдан кейин ҳам, менга бундан бошқа айтадиган гапинг йўқмиди? Мен сенга кўнглимни очдим! Сен эса фақатгина: «Йўқ, менга бу етарли эмас. Энди сен мен билан бирга бориб, даҳшатли томошада иштирок этишингни хоҳлайман», – дейишдан бошқасига ярамадинг. Ахир бу ҳақда билганимдан бери бунга қарши бўлиб келганман-ку! Нимани сўраётганингни тасаввур қилаяпсанми ўзи? – Мен ғазабдан ўзимни қўйишга жой тополмаётгандим. Унинг юзига тикилганча, тинмай бақирардим. – Даф бўл, Уилл Трейнор! Даф бўл! Аслида бундай аҳмоқона ишга бошидан рози бўлмаслигим керак эди. Сени сира кўрмаслигим керак эди. – Мен кўз ёшларимни тута олмай, ундан олис бўлиш учун соҳил бўйлаб чопганча, ўз хонамга кириб кетдим.

Унинг номимни айтганча, чорлаётган овози эшикни беркитиб олганимдан кейин ҳам, анча пайтгача қулоқларим остида жаранглаб турди.

Ўткинчиларни аравачада ўтирган эркак ўзига қаровчи аёлдан узр сўраб ёлворишидек, ҳеч нарса ўзига жалб қилмаса керак. Ёрдамга муҳтож мажруҳнинг илтижоларини беэътибор қолдириш кимни ҳам ажаблантирма-син?..

– Илтимос, Кларк. Илтимос, ёнимга келсанг-чи. Илтимос.

Мен эса бундай қилолмасдим. Уни кўргим келмасди. Натан унинг нарсаларини йиғиштирди. Биз фойеда учрашдик. Натаннинг кечаги кайфи ҳали унчалар тарқалмаганди. Мен энди Уилл билан гаплашишни ҳам, ёнида туришни ҳам истамасдим. Мен аламзада ва қаҳрга тўлгандим. Ичимдаги овоз уйга қайтиш ва бошқа унга қарамасликни талаб қиларди.

– Тинчликми? – сўради Натан нима бўлаётганлигини тушунмай.

Аэропортга етиб келганимиздан кейин, уларни қолдирганча, регистрация пештахтаси олдига етиб бордим.

– Бошинг оғрияптими? – сўради Натан.

– Йўқ.

Орага жимлик чўқди.

– Сени тўғри тушундим, деб ўйлайман, – деди Натан қовоғини солганча.

Мен гапира олмаганим учун бош ирғанимдан кейин, Натан бир лаҳзага бақрайиб қолди. Аммо у бари бир ўз туйғуларини жиловлай оладиган даражада кучли эди. Бир дақиқадан кейин у Уиллнинг ёнига қайтиб, қўлидаги журналдан бир нарсалар кўрсатганча, гапга тушиб кетди.

Аэропортда ўтган кутиш соатларида Уиллга қарамаслик учун ўзимни чалғитадиган турли машғулотлар топдим: юкларимиз ёрликларини текшириб чиқдим, қаҳва сотиб олдим, газеталарни кўздан кечирдим, яқинимиздаги дўкончага қўйилган нарсаларни томоша қилдим. Вақти-вақти билан Натан ҳам бир жойларга кетиб қолар, биз ёнма-ён ҳолда ёлғиз қолган пайт орамиздаги қисқа масофа – айбни бир-бирмизга ағдариш билан тўларди.

– Кларк... – дерди Уилл.

– Керакмас, – кесиб ташлардим мен. – Сен билан гаплаш-моқчимасман.

Мен ўзимни бунчалар совуқ ва тўнг бўла олишим мумкинлигини сира кутмагандим. Ҳатто стюардессаларни ҳам хайратга солганча, бутун парвоз давомида орамиздаги Уиллдан юзимни ўгирган кўйи, қулоқларимга қулоқчин тақиб, ойнага бурилиб олдим.

Уилл эса ҳаётида илк бор ғазабланмади. Мана шуниси кўрқинчли эди. Унинг аччиғи чиқмас ва чақиб олмас, борган сари ювош тортганча, охири тамомила жим бўлиб қолди. Бечора Натан уни гапга солиш учун нималар қилмади, дейсиз.

Бу ҳозир шунчаки болаларча ўжарлик бўлиб кўриниши мумкин, аммо гап фақат ғурурдагина эмасди. Мен бунга ўша пайт тоқат қилолмасдим. Уни йўқотаётганим ҳақидаги, у шунчалар ўжарлиги ва яхши кунларга ишончи йўқлиги, ўз қароридан воз кечмаслиги ҳақидаги фикрларга сабрим чидамасди. Менинг калламда бунга минглаб эътирозлар ғужгон ўйнардди: «Нега сенга мен етарли эмасман? Нега менга ишонмайсан? Агар вақтимиз кўпроқ бўлганида, бари бошқача бўлармиди?»

Бир неча соатлик мажбурий яқинликни унга қиё ҳам боқмасдан ўтказдим.

Эркаклар аста-секин мудраб кетишди ва бу менга анча енгиллик бахш этди. Телевизор экранига тикилиб ўтирарканман, масофалар камайгани сари юрагим оғирлашиб, хавотирларим кўпайиб борарди. Бу мағлубият нафақат менга тегишли, бундан Уиллнинг ота-оналари ҳам чуқур қайғуга тушишлари турган гап. Албатта, улар мени айблашади. Уиллнинг синглиси мени судга бериши ҳам мумкин. Мен Уиллнинг олдида ҳам айбдорман. Мен уни қароридан қайтара олмадим, ахир.

Балки, менинг ўрнимда бошқа, масалан, синглим Катринадек ақллироғи бўлганида яхшироқ усулни топган бўлармиди... Энди умримни охиригача мана шу айбдорлик ҳисси билан яшаб ўтаман, шекилли.

– Кларк, сув ичасанми? – Уиллнинг овози хаёлимни бўлди.

– Йўқ. Раҳмат.

– Сени қисиб қўймадимми?

– Йўқ. Ҳаммаси жойида.

Фақат охириги бир неча соатда, қоронғилиқдан фойдаланиб унга қараб олдим. Телевизор экранидан кўз узганча,

секин Уилл томонга кўз қиримни ташладим. Унинг қуёшда қорайган юзлари, уйқуга юмилган қовоқларига қарарканман, ёноғимдан ягона ёш томчиси сирғалиб тушди. Уилл қимирлаб қўйса-да, уйғонмади. Мен Натан ва стюардессаларга билдирмай, астагина Уилл совқотмаслиги учун ёпинчиқни бўйнигача тортиб қўйдим.

\* \* \*

Улар бизни кутиб туришган экан. Шундай бўлишини кўнглим сезганди. Паспорт текшируви пайти менинг кўнглим айний бошлади. Қандайдир ходим ғамхўрлик билан бизларни айланма йўл орқали бенавбат ўтказиб юборганида, додлаворай дедим. Менга қолса бу ерда соатлаб, ҳатто кунлаб навбатда қолиб кетишни хоҳлардим. Аммо аксинча, биз кенг хонани тезда кесиб ўтдик. Мен жомадонларимиз солинган аравани, Натан эса Уилл ўтирган ўриндикни итариб борарди. Ойнабанд эшиклар очилганда, улар камдан-кам ҳолда учрайдиган ҳамжиҳат оила сифатида ёнма-ён кутиб туришарди. Миссис Трейнор Уиллни кўрган захоти юзлари ёришиб кетди. Мен хижолатпазлимизни беркитиш учун кўзимга қора кўзойнагимни тақиб олдим.

– Ақлдан озиш мумкин, Уилл! – хитоб қилди миссис Трейнор. – Кўринишинг аъло даражада! Кўз тегмасин.

Уиллнинг дадаси эгилиб ўғлининг кифтига қоқиб қўйганча, табассумини аямади.

– Натан бизга кўнғироқ қилиб, сен ҳар куни пляжда товланишинг, сувда сузишларингни айтганда қулоғимизга ишонмагандик. Сувлари қанақа, илиққинами? Бу ерда ёмғир кетидан ёмғир. Ўзимизнинг август.

– У ерлар жуда зўр экан, – деди Натан. У ҳам кечадан бери камгап бўлиб қолган бўлса-да, сир бой бермаслик учун жилмайишга уринарди.

Мен паспортимни чангаллаганча, бир томонларга жўнаб қолишга шай турардим.

– Биз қайтиб келганингиз шарафига кичкина базм беришни ният қилдик, – деди Уиллнинг отаси. – «Интерконтинентал»да ажойиб ресторан бор. Нима дейсан, Уилл?

– Албатта, – жавоб берди Уилл.

Уилл онасига жилмайиб қаради, онаси эса унга бу лаҳза абадиятга чўзилишини истагандек термилди. «Қандай журъат қиляпсан, Уилл? – бақиргим келарди менинг. – Унга умр-

бод айрилиқни тақдим қилаётиб ҳам, бунга қандай журъат қилаяпсан?»

– Унақада кетдик. Мен машинани автомобиль қўйиш майдончасида қолдиргандим. Шу яқинимизда. Самолётдан уйкуга тўймай тушасизларми, деб ўйлагандим. Натан, бирор сумкани кўтаришворайми?

– Менга жавоб берсангиз, – дедим ўз сумкамни аравачадан оларкан. – Таклифингиз учун раҳмат.

Мен ўзимни худди сумкам билан оворадек тутаркан, ҳатто аэропортнинг бундай шовқини аро уларнинг ажабланиш тўла овозини эшитдим.

– Нималар деяпсиз, Луиза, – деди мистер Трейнор. – Қайтишларингни ювамиз. Саргузаштларингиз ҳақида эшитиш иштиёқидамиз. Мен ўша орол ҳақида кўпроқ нарса билмоқчиман. Ҳаммасини айтмасанглар ҳам майли, – деди у энгилгина ҳиринглаганча.

– Ҳа, – деди кескин тарзда миссис Трейнор. – Луиза, юринг.

– Йўқ, – дедим жилмайишга уриниб. Кўзойнагим менга қалқонлик қиларди. – Раҳмат. Мен яхшиси ўзимникига кетаман.

– Қаёққа? – сўради Уилл.

Мен уни нима ҳақда сўраётганлигини англаб турардим. Мен ҳеч қаёққа кетолмасдим.

– Ота-онамникига. Ҳаммаси яхши бўлади.

– Биз билан юра қол, – деди у майинлик билан. – Луиза, илтимос, биз билан қол.

Менинг йиғлагим келарди. У билан ёнма-ён қололмаслигимга кўзим етарди.

– Йўқ, раҳмат. Ёқимли иштаҳа тилайман. – Мен сумкамни елкамга осганча, то улар гапга оғиз очгунларича терминалдаги оломон орасига сингишиб кетдим.

Мен автобус бекатига етиб борай деганимда Камилла Трейнорнинг овозини эшитиб қолдим. У пошналари билан тарақ-туруқ қилганча ярим югуриш билан орқамдан етиб келди.

– Луиза, тўхтанг. Илтимос, Луиза.

Мен унга ўгирилдим. У автобусдан тушаётган йўловчилар орасини ёриб ўтганча, менга қараб келарди. Аэропорт чироқларининг нури унинг сочларини мис тусига киритганди. Унинг кўриниши бундан ўн йиллар олдин жуда кўҳлик бўлганидан далолат бериб турарди.

– Илтимос, тўхтанг.

Мен йўл томонга қараб, автобус тезроқ келиши ва бу ердан жўнаб қолишни истардим.

– Луиза?

– У яхши дам олди, – дедим кескин тарзда, овозим эса худди уникадек қуруқ чиқди.

– Уиллнинг кўриниши жуда ажойиб. – Миссис Трейнор тўхтаганча, менга разм солди.

Бизлар жим қолдик.

Кейин мен дедим:

– Миссис Трейнор, мен ишдан бўшамоқчиман. Қолган охирги кунларда ишлай олмасам керак. Менга маош тўла-масангиз ҳам майли. Бу ой учун ҳеч нарса бермасангиз ҳам розиман. Ҳеч нарсани хоҳламайман. Мен...

Миссис Трейнорнинг ранги оқариб кетди. Унинг тонгги куёш нурлари остида довдираб кетганлигини кўрдим. Ундан орқа тарафда мистер Трейнорнинг қўлига шляпасини олганча, етиб келаётганлигига кўзим тушди. У одамлар оломонини турта-сурта бир неча қадам нарида котиб қолган хотини ва мени кўзлаганча, келмоқда эди.

– Сиз... сиз уни бахтли бўлганлигини таъкидлагандингиз. Сиз бу саёҳат унинг ўз қарорини ўзгартиришини айтгандингиз. – Хонимнинг овозида менинг жавобим бошқача бўлишига умид бор эди.

Мен гапира олмасдим. Унга бироз тикилиб турдим-да, кейин бош чайқадим.

– Кечиринг, – мен шу қадар паст овозда шивирладим-ки, у мени эшитмаган бўлса ҳам керак.

У йиқилаётганида мистер Трейнор деярли унинг ёнида эди. Миссис Трейнорнинг оёқлари чалкашиб, ёнга қулаётганида эри етиб келганча, унинг биқинидан тутиб қолди, шляпаси эса ерга тушиб кетди. У ҳайрон бўлганча, менга тикилиб қолди.

Мен унинг кўзларига қарай олмадим. Худди ҳушим ўзимда эмасдек, шартта ўгирилдим-да, бошим оққан тарафга қараб жўнадим.



*Катрина*

**Л**уиза таътилдан қайтиб келгач, деярли ўттиз олти соат хонасидан чиқмади. У аэропортдан якшанба куни тун оққан пайти етиб келди. Қуёшда қорайганига қарамай, юзлари арвоҳникидек қонсиз эди. Биз буни дарров пайқаганимиз йўқ, албатта. У кела солиб, эртага эрталаб гаплашамиз деди. «Мен ҳозир ухлаб олишим керак» – деди-да, у ва хонасига қамалиб олганча, уйқуга кетди. Бу бизга ғалати туюлса ҳам, унинг бунақа хурмача қилиқларига болалигидан бери ўрганиб қолгандик.

Эрталаб ойим унга чой олиб чиқди, аммо Лу ўликдек ухлашда давом этарди. Кечки овқатга уйғотиш учун ойим уни силкиб кўрганди. Ойим балиқли пирог тайёрлагани сабаб Лунинг ҳам оғзи тегишини истаганди. Аммо Лу таомни ҳам, сўзлашни ҳам, пастга тушишни ҳам рад этди. «Мен хонамда бўлмоқчиман, ойи», – деди у ёстикдан бошини узмай. Охири уни ўз ҳолига қўйишди.

– У ўзига ўхшамайди, – деди ойим. – Бу Патрик билан айрилганидан эмасмикан?

– У Патрика тупуриб қўйган, – эътироз билдирди дадам. – Мен унга Патрик ўша «Викинг»ида бир юзи эллик еттинчи ўринни олгани ҳақида, мақтаниб кўнғироқ қилганлигини айтганимда, парво ҳам қилмаганди. Мен уни айбламайман. Бир юз эллик еттинчи ўрин мақтанадиган кўрсаткич эмас.

– Балки, у хасталаниб қолгандир? Қуёшда қорайганига қарамай, қони қочиб қолган. Яна шунча ухлаши-чи. Ўзига ўхшамайди. Ўша ёқларда учрайдиган касалликдан орттириб олган бўлмасин.

– Шунчаки соат минтақалари алмашгани учун уйқуси адашган, – дедим мен.

– Уйқуси адашган? Мана узоқларга саёҳат қилишнинг оқибати. Менга шу ерлар ҳам тузук. Нима дединг, Жози?

– Билмадим... таътилдан кейин ҳам одам шунақа хастаҳол кўринади, деб ким айтади? – деди ойим бошини тебратганча.

Кечки таомдан кейин мен тепага кўтарилдим. Эшигини тақиллатиб ётмадим. Тўғриси айтганда, бу хона менга тегишли эди. Хона дим бўлиб кетгани учун жалюзларни кўтариб, деразани очиб юбордим. Лу учиб кирган чанг ҳамда чироқ ёруғидан кўзларини тўсди ва чаппа ўтирилганча, кўрпага ўраниб олди.

– Нима бўлганлигини айтиб берарсан? – мен чойли кружкани столча устига қўйдим.

У менга қараганча, кўзларини пирпиратди.

– Ойим сени безгакка чалинган, деб ўйлаяпти.

Опам жавоб бермади.

– Лу?

– Мен ишдан бўшадим, – деди у секингина.

– Нимага?

– Ўзинг нималарни деб ўйлаяпсан? – у ўзини ўрnidан туришга мажбур қилди ва қўлини кружкага узатиб, чойдан хўплади.

Лу Маврикийда икки ҳафтани ўтказган одамга ўхшамасди, кўзлари қизарган, терисини эса доғлар қоплаганди. Сочлари тўзгиган. У худди бир неча йил ухламаган одамга ўхшарди. Энг муҳими – у жуда ҳам ғамгин эди.

– Демак, у ўз қароридан қайтмабди-да? – (У бош ирғади ва қийинчилик билан югинди.) – Вой, аблаҳ-эй. Лу, сенга ачинаман.

Мен унинг кифтига секингина уриб қўйганча, ёнига чиқиб ётдим. Лу елкамга бош қўйди.

– Катрина, энди нима қиламан?

Унинг овози Томасникидек ингичка эди. Қўшнининг кўппаги мушукларни қувганча, томорқа четида югуриб юрарди.

– Бирор нарса қила олишингга кўзим етмайди. Э, худо... Сен қанчалар уриндинг... Эсиз меҳнат...

– Мен уни севишимни айтдим, – шивирлади у. – У эса бу етарли эмаслигини айтди. Энди қандай яшайман?

Бизнинг оилада мени билимдон дейишади. Чунки бошқалардан кўра кўп ўқийман. Университетда таҳсил оламан. Мен ҳар қандай саволга жавоб топишим шарт.

Аммо мен опамга қарадим ва бош тебратдим:

– Тасаввур ҳам қилолмайман.

Ниҳоят, кейинги куни Лу хонасидан чиқиб, ювиниб-тараниб олди. Мен ойим ва дадамга ҳеч нарса ҳақида суриштирмасликларини тайинладим.

Лу қотирилган ноннигина еб, тушлик таомни рад қилиб, бошига соябонлари катта шляпасини кийди ва биз ўрдакларга хўрак сочиш учун Томасни ҳам олганча, қалъа томонга сайр қилиб кетдик. Синглим уйда қолиш ниятида эди, аммо ойим бизларга тоза ҳаво фойдали эканлигини тайинлаганча, уйдан чиқариб юборди. Бундан шуни англаш керак-ки, ойим тезроқ тепага кўтарилиб, деразаларни очганча, хонани шамоллатиш ва чойшабларни алмаштириш иштиёқида эди. Томас қўлидаги хўрак солинган пакетни силкилаганча, сакрай-сакрай анча олдинга ўтиб кетган, биз опа-сингиллар эса бир неча йиллик шуғулланишлар ортидан орттирган моҳирлигимизни ишга солдик-да, йўлимизда учровчи сайёҳларни айланиб, рюкзакларга чап бериб, фотографларга қараб турган жуфтликларни икки ёнидан ўтиб кетиб, яна қўшилиб олган кўйи борардик. Қалъа ёз қуёшидан жизғанаги чиқиб, ерлар ёрилиб, ўт-ўланлар эса кал одамнинг бошидаги сўнгги туклар каби сийраклашиб кетганди. Гултуваклардаги гуллар кузга ҳозирлик кўраётгандек сўлгинлик касб этганди.

Лу билан деярли гаплашмасдик. Ниманиям гаплашардик?

Сайёҳларнинг автомобиль қўйиш майдончаси ёнидан ўтаётганимизда Лу шляпаси остидан Трейнерларнинг уйи тарафга кўз қирини ташлаб қўйди. Қизил ғишдан кўтарилган ҳашамдор уйнинг юксак ва ёт кўзлардан пана қилувчи деразалари ўз ортларида юзага келаётган фожеани яшириб турарди.

– Хоҳласанг, уларникига кириб, гаплашиб чиқ, – дедим мен. – Мен кутиб тура қоламан.

Лу ерга қараганча, қўлларини қўлтиғига урди ва биз йўлимизда давом этдик.

– Маъно йўқ, – изоҳ берди у.

Мен ўзимча бу сўзнинг давомини тугалладим: «У бу ерда бўлмаса ҳам керак».

Биз қалъани аста-секин айланиб ўтдик, Томас тепаликнинг қия жойларидан сирпаниб кетганча, ўрдакларга хўрак ташларди. Ўрдаклар ёз бўйи сайёҳлар томонидан кўп сийланганликлари туфайли оддий хўракка қарагилари ҳам келмасди. Йўл бўйи опамнинг қуёшда қорайган елкаларини кузатиб келар эканман, унинг ўзига билинмаган ҳолда анча ўзгарганлиги равшан кўриниб турарди. Уилл Трейнор билан нимаики содир бўлишидан қатъиназар, у энди бу ерларда қололмайди. Опамнинг олдида янги уфқлар очилаётганди.

– Айтгандай, – дарвозалар томонга қайта йўл олган пайтимиз эслаб қолдим. – сенга хат келганди. Коллеждан. Сен саёҳатдалик пайтинг. Кечирасан... хатни очиб қўйибман. Менга келган, деб ўйлабман.

– Хатни очдингми?

– Ҳа. Менга грантни оширишгандир, деб ўйлабман. Сени суҳбатга чақиришган экан.

Лу худди эскириб кетган янгиликни эшитгандай кўзларини пирпиратди.

– Суҳбат эртанги кунга тайинланган, – қўшиб қўйдим мен. – Кечқурун буни муҳокама қилиб оламиз.

– Мен суҳбатга бора олмайман, – деди у бошини чайкаганча.

– Худди сенинг бошқа ишларинг тиқилиб ётгандай, рад қилишингни қара.

– Катрина, мен боролмайман, – ғамгин ҳолда такрорлади у. – Шундай пайтда яна бошқа нарса ҳақида ўйлаш мумкинми?

– Қулоқ сол, Лу. Тентаклик қилма. Суҳбатга бундай енгил қараб бўлмайди. Бу жуда муҳим имконият. Улар сенинг ёшинг ўтганлиги ва кечкида ўқишга ариза топширганингни ҳисобга олган ҳолда чақиришяпти. Бунинг қадрига ет.

– Менга бари бир. Мен бу ҳақда ўйлай олмайман.

– Ахир сен...

– Мени ўз ҳолимга қўй, Катрина. Майлими? Иложим йўқ.

– Эй! – Мен унинг йўлини тўсдим. Томас анча олдинда каптар билан гаплашмоқчи бўларди. – Ҳозир бу ҳақда ўйлашнинг айна пайти. Сенга ёқадими ёки йўқми, умрингни охиригача нима билан шуғулланишингни ҳал қиладиган пайт етиб келди.

Биз йўлни тўсиб қўйгандик. Энди сайёҳлар бизни айлашиб ўтиш учун айрилишларига тўғри келганлигидан, баҳслашаётган опа-сингилга қизиқиш билан қараганча, ўтиб боришарди.

– Иложим йўқ.

– Жуда яхши! Айтгандай, эсингдан чиқмадими? Ахир энди сенинг ишинг ҳам йўқ. Бурнингни артиб қўядиган Патрик ҳам йўқ. Агар суҳбатни ўтказиб юборсанг, икки кундан кейин меҳнат биржасига боришингга тўғри келади. У ердагилар эса тирикчилик қилишинг учун сени товукларни сўйгани ёки бировнинг кетини артгани жўнатишади. Ўттизда ўтин бўлишга ҳеч қанча қолмади, булардан яхшироқ ишни сенга илиниш-

майди. Олти ой ичида ўрганганларинг бир чақага ҳам арзи-май қолади. Тамом.

Лу менинг ҳақлигимни билган ва бунга қарши эътироз билдиролмайдиган найтлардагидек тишларини ғичирлатганча, қараб турарди. Томас ёнимизга келди ва қўлимдан тортқилади.

Эртаси куни ойим Томасга қараб туришга рози бўлди ва мен кутубхонага кетдим. Луни автобуста чиқариб юборгач, уни шу билан кечқурун кўришимни эсладим. Бу суҳбатга унчалар умид қилмаётганим учун, опам жўнаб кетиши билан бу ҳақда унутдим.

Бу бир қадар худбинона эшитилмасин, менга ўқишимдан ортда қолиш ёкмайди ва Лунинг фожеасида юз берган танаф-фусдан анча енгил тортдим. Азоб чекаётган одамнинг ёни-да бўлиш кишини анча толиқтиради. Унга ачиниш мумкин, аммо у ҳам ўзини қўлга олиши керак-ку. Мен оиламиз, опам ва унинг шахсий ҳаётидаги бетартибликларни ўйламаслик учун, ўзим оқсаётган фанга оид адабиётга шўнғиб кетдим.

Уйга кечки соат беш яримларда қайтиб, ўз папкаларимни пойгақда қолдирдим. Уйдагиларнинг бари жам бўлган, ойим эса дастурхонга кечки таом тортаётган экан.

Дадам ойимнинг бошқа иш билан бандлигидан фойдаланиб, идишдан картошкани олганча, оғзига тикди. Дадам иккимиз дарслигим бўйича пича гаплашиб олдик. Кейин отамнинг ишига кўчдик. Сайёҳлар кўп нарсаларни бузиб, синдириб қўйишяпти экан. Уларга кўз-қулоқ бўлиш керак! Ҳатто автомобиль қўйиш майдончасидаги ёғоч устунчаларни уч-тўрт ҳафтада янгилашга тўғри келаркан. Калтафаҳм ҳайдовчилар уч ярим метр ораликқа ҳам машинасини эплаб киритишолмас экан. Шахсан мен харажатларни қоплаш учун нархни кўтарган бўлардим. Аммо буни мендан ким ҳам сўрарди.

Ойим егуликларни дастурхонга қўйиб бўлгач, ниҳоят ўзи ҳам ўтирди. Томас қўллари билан ер, бобом эса шифтга қараганча, кавшанарди. Мен Луга қарадим. У ликопадаги қовурилган товуққа тикилган кўйи ўтирарди. «Ишлар чатоққа ўхшайди», – ўйладим мен.

– Қорнинг очмадими, қизим? – менинг қараб турганимни илғаган ойим Лудан сўради.

– Унчалар эмас, – жавоб берди синглим.

– Товуқ ейиш учун ҳозир кунлар иссиқлик қилади, – деди ойим. – Сенга сал мадор бўлсин, дедим-да.

– Ундай бўлса... – Дадам вилкасини оғзига етказмай деди. – Суҳбат қандай ўтганлигини гапириб бер.

– Суҳбатми... – Лу жуда паришонхотир кўринарди.

– Ҳа, суҳбат.

– Яхши. – У вилкага жичча товуқ гўштидан илиб олди.

Дадам менга қаради. Мен билинтирмай елка қисдим.

– Фақат яхшими? Сен қандай таассурот қолдирганингни айтишмадими?

– Айтишди.

– Хўш?

Опам ликопига қарашда давом этди. Мен чайнашдан тўхтадим.

– Улар айнан шундай талабани излашганликларини айтишди. Мен бир йиллик базавий курсни ўтарканман. Кейин уни ўқишимга қўшиб қўйишаркан.

– Мана буни хушxabар деса бўлади! – Дадам ўзини стул суянчиғига ташлади.

– Жуда яхши, қизим, – ойим кўли билан опамнинг елкасини силаб қўйди. – Гап йўқ.

– Унчалармас. Мен тўрт йиллик ўқишга чидолмасам керак.

– Олдиндан чанг чиқарма. Хотиржам бўл. Катринага қара, бемалол эпляпти, – дадам Лунинг биқинига туртиб қўйди. – Биз бирор нарса ўйлаб топармиз. Тўғрими? – Дадам биз – қизларига жилмайиб қаради. – Омадимиз келгани шу. Оиламизни бахтли келажак кутмоқда.

Шу пайт Луиза бирданга уввос солганча, йиғлаб юборди. У худди Томасдек кўз ёшларини шашқатор окизиб, увиллаб йиғларди.

Томас унга оғзини очганча, қараб қолганини кўриб, уни ҳам қўшилиб йиғлашдан чалғитиш учун тиззамга олдим. Мен Томасни чалғитиб ўтирган пайтда, Лу барчасини ота-онамга айтиб берди.

Уларга ҳаммасини: Уилл ҳақида, олти ойлик контракт ҳақида, Маврикийда нималар бўлганлигини ҳикоя қилди. Ойим қўллари билан оғзини ёпди. Бобом тундлашди. Товуқ совиб, қайласи тўғнаб қолди.

Дадам эшитганларига ишона олмасдан бош чайқарди. Опам Ҳинд океани соҳилларидан бу ергача қандай учиб келганлиги ва миссис Трейнорнинг охириги сўзларини шивир-

лаганча, айтганида дадам стулни сура солиб, ўрнидан турди. Кейин секин столи айланиб ўтиб, Луни худди қизалоқлик пайтдагидек бағрига босганча, кучоқлаб олди.

– Ай, худо-я! Ай, бечора йигит! Сен ҳам менинг бечорагинам!

– Мен отамни бунчалар тўлқинланган холда кўрмаган эдим.

– Қандай даҳшат.

– Сен буларга қандай чидадинг? Бизга бир оғиз айтмайсанми? Сув остида сузганинг ҳақида расм жўнатдинг, бўлди, холосми? – ойимнинг овозида шубҳаланиш бор эди. – Биз бу сенинг ҳаётингда энг яхши дам олиш, деб ўйлагандик.

– Мен бир ўзим эмасдим. Катрина ҳам биларди. – Лу менга қаради. – У менга кўп ёрдам берди.

– Мен ҳеч нарса қилганим йўқ, – дедим мен Томасни кучоқлаганча. Ойим олдимизга конфетли идишни қўйганидан сўнг, Томаснинг бўлаётган гапларга қизиқиши қолмади. – Сенинг гапларингни тинглаб турдим, холос. Барини ўзинг қилдинг. Барини ўзинг ўйлаб топдинг.

– Нима фойда чиқди? – Лу дадамга суянди, унинг овозида алам қоришиқ эди.

– Дадам унинг иягини кўтариб, кўзларига қаради.

– Сен қўлингдан келган барча ишни қилдинг.

– Мен ютқаздим.

– Ким сенга ютқаздинг, деб айтди? – Дадам меҳр билан тикилганча, унинг юзларидаги сочларини бир ёнга суриб қўйди. – Мен Уилл Трейнорга ўхшаган одамлар ҳақида жуда яхши биламан. Бундай одамлар бир ишга жазм қилсалар, уларни қароридан қайтариш ўта мушкул. Худонинг ўзи бас келмаса, бандаси тенг келолмайди.

– Аммо унинг ота-оналари-чи? Улар қандай қилиб бунга йўл қўйиб беришади? – гапга қўшилди ойим. – Улар қанақа одамлар ўзи?

– Оддийгина одамлар, ойи. Миссис Трейнор ҳозирча нима қилишни билмай турибди.

– Аввало, уни ўша клиникага олиб бормаслик шарт! – ойимнинг жаҳли чиқди, муштида қизил доғлар пайдо бўлди. – Мен сизларнинг иккинчис ва Томас учун сўнгги нафасимгача курашган бўлардим.

– Унинг ўзи шунга қарор қилгандан сўнг ҳамми? – сўрадим мен.

– Катрина, у хаста, у тушкунликка тушиб қолган. Бундай

ожиз одамларни ўз ҳолига ташлаш... – Жаҳлдан ойим тутилиб қолди ва салфетка билан кўз ёшларини артди. – Бу аёлда юрак йўқ экан. Ҳа, юраги йўқ! Улар Луизани ҳам бу ишга аралаштириб олишганларини қара! Судда ишлармиш! Судда ишлайдиганлар яхшилик ва ёмонликнинг фарқига боришлари керак. Мен уларникига бориб, бечора йигитни бу ерга олиб келгим келяпти.

– Булар сен ўйлаганчалик оддий эмас, ойи.

– Йўқ. Яна йўқ. У ёрдамга муҳтож. Онаси эса бу ҳақда умуман ўйламаслиги керак. Мен ҳайратдаман! Бечора йигит, бечорагина йигит. – Ойим ўрнидан туриб, товукдан қолганларини йиғиб олди-да, катта-катта қадам ташлаганча, ошхонадан чиқиб кетди.

Луиза унинг ортида ҳайронлик билан қараб қолди. Ойим унча-мунчага жаҳли чиқадиган аёл эмасди.

Дадам бошқа нарса ҳақида фикрлаганча, бошини тебратарди:

– Мен бир нарсага ҳайрон эдим. Мистер Трейнор ишда кўринмай қолганди. Бирор ёққа дам олгани кетворганми, деб ўйлабман.

– Улар... бирор ёққа кетишганми?

– Икки кун бўлди, уни кўрганим йўқ.

Лу стулга ёпишиб қолгандай бўлди.

– Мана керак бўлса, – дедим мен ва Томаснинг қулоғини қўлларим билан беркитдим.

– Бу эртага бўлади.

Лу менга қаради, мен эса девордаги календарга қарадим.

– Ўн учинчи август. Ҳа, эртага.

Лу ўша охирги кунда ҳеч нарса қилмади. У эрталаб мендан кўра барвақт турди ва ошхона деразасидан ташқарига тикилиб ўтирди. Ёмғир ёғаётганди, кейинроқ тинди ва пича ўтгач яна ёғишда давом этди. Кейин у бобом иккиси ойим дамлаган чойдан ичишди ва ҳар ярим соатда тош токчада турган соатга кўз ташлаб кўярди. Мен Томасни олганча, чўмилишга кетаётиб, уни бирга боришга қистаб кўрдим. Кейин эса онам Томасга қараб туришга рози бўлгач, опамга бирга дўконлар айланиш ва қаҳвахонага киришни таклиф қилдим. Бироқ Лу буларнинг барчасини рад этди.

– Катрина, агар мен хатога йўл қўйган бўлсам-чи? – у шунчалик секин сўради-ки, буни мендан бошқа ҳеч ким эшитмади.



Мен бобомга қарадим, лекин у кўзларини телевизордан узмасди.

– Қайси маънода?

– Мен у билан бирга боришим керакмиди?

– Ўзинг бундай қилолмаслигингни айтгандинг-ку.

Осмон кулранг тусда эди. Луиза тип-тиник ойналар орқали ғамгин табиат манзараларига термиларди.

– Ҳа, шундай деганман. Аммо у ерда нималар юз бераётгани ҳамда у нималарни ҳис қилаётганлигини билмаслигимга тоқат қилолмаяпман! – Унинг юзи бужмайиб кетди. У билан видолаша олмаётганим алам қилаяпти.

– Унақада учиб бор! Сен керакли рейсга улгурасан.

– Энди жуда кеч. – У кўзларини юмиб олди. – Мен улгурмайман. Процедураларни тугатишларига... икки соатча вақт қолди. Мен интернетдан текшириб кўрдим. Улар буни... кечки соат олти яримдан кейин қилишмайди. – Лу ажабланганча, бош тебратди. – Швейцариялик мутасаддилар бунда иштирок этишади... Иш соатларидагина...

Мен кулгимни баъзўр босдим. Унга нима дейишни ҳам билмасдим. Қайдадир олисда юз бераётганларни билиш ва кутиш қанақа эканлигини тасаввур ҳам қилолмасдим. Луиза Уиллни севганчалик мен ҳеч қайси йигитни севмаганман. Албатта, йигитлар менга ҳам ёқади, аммо менда уларни деб ўлиб-тирилиш туйғуси йўқ. Томас туғилганидан кейин ҳаётимдаги ягона йигит мана шу – ўғлим бўлиб қолганди.

Мен диванга, опамнинг ёнига ўтириб, экранга тикилдим.

Бир пайт эшик қўнғироғи жириглаб қолди.

Луиза жойидан ўқдай учиб пойгакга боргани ва шитоб билан эшикни очганини кўриб, юрагим қинидан чиққудек бўлди.

Остонада, албатта, Уилл йўқ эди. Рўпарада ёрқин ва камқўстсиз бўянган, сочлари юзу иягини ўраб турган ёшгина аёл турарди. У зонтини йиғиштириб, жилмайганча, елкасига илиб олган катта сумкасига тикди. Мен аввалига уни Уилл Трейнорнинг синглиси бўлса керак, деб ўйладим.

– Луиза Кларк?

– Ҳа?

– Мен «Глоуб»данман. Сиз билан суҳбатлашсам бўладими?

– «Глоуб»?

Лунинг овозида довдираш сезилиб турарди.

– Сиз газетаданмисиз? – дедим дивандан турганча, улар-

нинг ёнига борган пайтим, аёлнинг қўлидаги блокнотга кўзим тушди.

– Кирсам майлими? Уилл Трейнор ҳақида бир-икки савол бермоқчи эдим. Сиз Уилл Трейнорга қаровчи, яъни энагасиз-ку?

– Ҳеч қанақа изох берилмайди, – дедим мен, жувон яна гапга оғиз жуфтлагунча эшикни шундоққина юзига ёпиб.

Опам пойгакда тахтадай қотиб қолганди. Эшик қўнғироғи қайта жиринглаганида у титраб кетди.

– Жавоб берма, – шивирладим унга.

– Аммо у...

Мен опамни зинадан тепага қараб итариб чиқа бошладим. У худди туш кўраётгандек, оёқларини баъзўр босарди.

– Бобо, эшикни очма! – қичқирдим мен. – Буни яна кимга айтгандинг? – дедим мен уни тепага олиб чиққач. – Кимдир буни уларга айтган. Яна ким биларди?

– Мисс Кларк, – аёлнинг овози хатлар учун очилган тирқишдан эшитилди. – Менга ўн дақиқа кифоя... Биламиз, бу жуда нозик савол. Биз сизгагина боғлиқ гапларни билиб олмоқчи эдик...

– Бундан чиқди, у ўлибди-да? – Лунинг кўзларидан ёш отилиб кетди.

– Йўқ, қандайдир аблаҳ бу воқеалардан шунчаки фойдаланиб қолмоқчи. – Мен бир дақиқа ўйланиб қолдим.

– Қизлар, кимдир келдимиз? – ойим пастдан туриб баланд овозда сўради.

– Ҳеч ким, ойи. Эшикни очмасанг бўлди.

Мен зина суянчиғидан пастга эгилдим. Ойим ошхона сочиғини қўлида тутганча, бир тепага, бир кириш эшиги тарафга аланглаб қарарди.

– Эшикни очмаслигим керакми?

– Лу... – Мен опамнинг тирсагидан тутдим. – Сен Патрика бирор нарса айтганмидинг?

У бирор нарса демаган бўлса-да, катта-катта очилиб кетган кўзлари ҳаммасини айтиб турарди.

– Майли. Ваҳимага тушма. Шунчаки эшикка яқинлашма. Телефонни кўтарма. Ҳеч нарса айтма, бўптими?

Ойимга осон бўлмади. Айниқса, телефон жиринглашга тушганидан кейин. Бешинчи қўнғироқдан кейин биз автожавоб қайтаргични ишга тушириб қўйган бўлсак-да, эши-

тишга мажбур эдик. Бизнинг кичкина пойгакимизга кириш эшиги ортидан турли овозлар бостириб кирарди. Улар тўртта ёки бешта бўлиб, ҳаммаси бир нарсани такрорларди. Уларнинг бари Лудан у билан боғлиқ тафсилотларни айтиб беришни сўрашарди. Худди Уилл Трейнор маҳсулотга айлангану, уни қўлга киритиш учун ўзаро рақобатлашишарди. Телефон жиринглар, эшик қўнғироғи ишга тушарди. Биз дарпардаларни тортган кўйи ўтираркан, эшик ортидаги журналистларнинг оёқ товуши ва қўл телефонларида вайсаганларини эшитардик.

Бизни гўё қамалга олишганди. Ойим қўлларини ишқалаганча, хат узатиш тирқишидан журналистларга бу ердан даф бўлишларини талаб қилиб бақирарди. Тўрт-беш қўшнимиз эса бизникида нима бўлаётганини сўраб телефон қилишди. Дадам машинасини олисроқда тўхтатиб, боғимиз тарафдан уйга кириб олди ва биз улардан қандай қутилиш йўлларини муҳокама қила бошладик.

Мен бироз мулоҳаза қилиб олганимдан кейин, Патрика қўнғироқ қилдим ва бу хабар учун қанча пул ишлаганлигини сўрадим. Бу гапни инкор қилишдан олдин у довдираб қолганидан тахминим тўғри эканлигига шубҳам қолмади.

– Вой, сен аблаҳ-эй! – қичқирдим мен. – Сендақа марафончининг оёқларини синдириб ташлайман.

Лу ошхонада ўтирар ва жимгина йиғларди. Мен уни қандай овутишни билмасдим.

Журналистларнинг биттасидан бошқалари соат саккиз яримгача жўнаб кетишди. Мен Луизани ошхонадан чиқариб юбориш учун, менинг ўрнимга ваннахонада Томасни чўмилтириб қўйишини сўрадим. Ўзим эса ёлғиз қолганча, телефонимизда қолдирилган овозли илтимосларни эшита бошладим. Йигирма олтита илтимосларнинг айримлари эса пул ҳам таклиф қилишганди. Мен уларни, яъни пул таклиф қилганларни ҳам, гарчи бу таклиф миқдори қанчалигига қизиқишим ортса-да, ўчириб ташладим. Ваннахонадан Лу ва Томаснинг овози келиб турарди. Нихоят охирги қўнғироққа навбат етди:

– Луиза? Бу Камилла Трейнордан экан. У телефон қилишини илтимос қиляпти. Фақат шошилишч экан.

Мен авто жавоб қайтаргичга тикилиб қолдим. Уни қайта эшитиб кўрдим. Кейин югуриб тепага чиқдим ва ваннадан

Томасни юлқиб олиб, сочиққа ўрадим. Мен итариб чиқарган Лу эса зинанинг ярмида довдираганча, тўхтаб қолди.

– У мендан нафратланаётган бўлса-чи?

– Овозидан унақа эмасдек туюлди.

– Уларниям журналистлар қасдма-қасдига олган бўлишса-чи? Бунда мени айблаётган бўлишлари ҳам мумкин-ку? – Унинг кўзлари катта-катта бўлиб кетган ва хавотирга тўла эди. – Улар ҳаммаси тугаганлигини айтмоқчи бўлишгандир?

– Худо хайрингни берсин, Лу! Бир марта ўзингни қўлга ол! Қўнғироқ қилмасанг, буларни қаердан биласан? Қўнғироқ қил. Бошқа иложинг ҳам йўқ-ку!

Мен ваннахонага қайтиб кирдим ва Томасга пижамасини кийдириб қўйгач, ошхонада бувинг сенга ширинкулча пишириб қўйибди, дея жўнатиб юбордим. Кейин зинадан эгилганча, пойгакда телефонлашаётган Луга қарадим.

У менга чаппа қараган кўйи турар, энсасидаги сочларини сийпаларди. Кейин эса йиқилиб тушмаслик учун қўли билан эшикка таянди.

– Ҳа, – деди у. – Тушунарли. Яхши. – Бироз танаффусдан кейин яна деди. – Ҳаракат қиламан.

Лу ярим дақиқа оёқлари остига қараб турганидан кейингина гўшакни жойига қўйди.

– Хўш? – сўрадим мен.

У мени ҳозиргина кўриб тургандай қаради ва бошини чайқади:

– Миссис Трейнор... – Опам зўрға тилга кирди. – У мендан... Швейцарияга етиб келишимни илтимос қиляпти. Кечки охирги рейсга чипта буюртма қилиб қўйган экан.

## Луиза

**Б**ошқа шароитларда мен, Луиза Кларк, йигирма йил мобайнида она шахридан беш-ўн чақирим узоққа чиқмаган қизнинг бир ҳафта ичида, учинчи мамлакатга учиши ғалати кўринган бўларди. Мен стюардессаларга хос чаққонлик билан энг керакли нарсаларимни жомадонга жойлаганча, йўлга шайландим. Катрина атрофимда жимгина ўралашганча, унинг назарида менга керак бўладиган нарсаларни узатиб турди, кейин биз пастга тушдик. Пастда бизни ойим ва дадам важоҳат билан қарши олишди.

– Нималар бўлаяпти? – Ойим менинг жомадончамга кўзини тикди.

Катрина мени тўсди.

– Лу Швейцарияга учаяпти, – деди у. – У етиб бориши керак. Охирги рейсга.

Биз қадам ташлашимиз билан ойим йўлимизни тўсди.

– Йўқ! – Унинг лаблари қимтинган, қўлларини эса кўкси узра чалиштириб олган эди. – Мен жиддий айтаяпман. Сени бу қотилликда иштирок этишингни истамайман.

– Аммо... – Катрина менга ўтирилди.

– Йўқ, – такрорлади ойим кескин тарзда. – Ҳеч қандай «аммо»сиз. Мен ҳаммасини ўйлаб кўрдим. Бу нотўғри. Бу ахлоқсизлик. Бунга аралашиб қолсанг, олдинда қанча кўнгилсизликлар кутиб турибди, деявер.

– Ойинг тўғри айтаяпти, – таъкидлади дадам.

– Сени янгиликларда кўрсатишади. Бу сенинг бутун ҳаётингни ўзгартириб юбориши мумкин. Коллеждаги суҳбатингга ҳам таъсири бор. Бундай ишга аралашиб қолганинг билан на коллежга, на бирор яхши ишга ўрнашолмайсан...

– Уиллнинг ўзи сўраяпти. Лу эса рад қилолмади, – эътироз билдирди Катрина.

– Йўқ, рад этади. У олти ой ҳаётини шу оилага бағишлади. Эвазига у ва биз нима олдик. Эшигимизни журналистлар синдириб юборай дейишди. Қўшниларибиз эса бизни ишсиз-

лик нафақаси бўйича товламачиликда гумон қилишмоқда. Ниҳоят Луда ўз ҳаёти ҳақида қайғуриш имконияти пайдо бўлди, улар эса уни лаънати Швейцарияларига, худо билади, яна нималарда иштирок этиш учун чақиришмоқда. Йўқ дедимми, йўқ, Луиза.

– Аммо у бориши керак, – гапида туриб олди Катрина.

– Йўқ, керакмас. У қўлидан келганини қилди. Буни ўзи кеча кечкурун айтганди, – ойим бош чайқади. – Трейнорлар бу ишга... қўл уриб ўз ҳаётларини расво қилсалар – қилаверишсин, аммо бунга Луиза иштирок этишини хоҳламайман. У ўз ҳаётини расво қилишига қаршиман.

– Буни ўзим ҳал қилишга қодирман, – дедим мен.

– Бунга ишонмайман. Луиза у сенинг дўстинг. Ҳали ёш, бутун келажаги олдинда. Сен бунга қандай иштирок этишингни тасаввур ҳам қилолмайман. – Ойимнинг овози ўзиникига ўхшамаган тарзда қатъий эди. – Мен сени бошқаларни ҳаётига нуқта қўйиш учун катта қилдимми! Сен бобонгга ўз жонига қасд қилишига ёрдам берган бўлармидинг? Балки, биз уни «Дигнитас»га жўнатармиз?

– Бобом – бошқа масала.

– Йўқ, бошқамас. У ҳам илгари қилолган ишларни ҳозир қилолмайди. Аммо унинг ҳаёти бебаҳо. Худди Уиллники каби.

– Буни мен эмас. Уилл ҳал қилади. Ҳамма гап уни қўллашда.

– Уиллни қўллашда? Ҳаётда бунақа бемаъниликни эшитмаган эканман. Луиза, ёш бола бўлма. Сен ҳеч нарсани кўрмагансан, ҳеч нарсани билмайсан. Булар сенга қандай таъсир этишини тасаввур ҳам қилолмайсан. Бундан кейин қандай ухлай оласан? Сен одамга ўлишида ёрдам бермоқчисан. Бунинг нималигини биласанми ўзи? Сен Уиллга, шундай ёш ва ақлли инсонга бу ёруғ оламни тарк этишига ёрдам кўрсатмоқчимисан?

– Уилл ўзи учун нима тўғрилигини яхши билганлигидан бунга мажбурман. – Мен ота-онамга тушунтириш учун кўзларига қарадим. – Мен ёш бола эмасман. Уни яхши кўраман ва бир ўзини қолдиролмайман. У ерда нималар бўлаётганлигини билмасдан, бу ерда қўл қовуштириб ўтиролмайман. – Мен юти-ниб қўйдим. – Менинг жавобим – ҳа. Мен бораман. Сизлар буни хоҳлайсизларми ёки йўқми, бари бир Швейцарияга учаман.

Торгина пойгакка сукунат чўкди. Ойим менга бегонага қарагандек қаради. Мен ойим сари қадам қўйдим. У ўзини орқага олди.

– Ойи, мен Уиллнинг олдида қарздорман. Мен боришим керак. Мени коллежга ариза беришимга ким мажбур қилди? Ким мени ўқишга, саёҳатларга, ўқиб-ўрганишга қизиқтирди? Менинг оламга, ҳатто ўз-ўзимга бўлган муносабатимни ким ўзгартирди? Уилл. Охирги олти ойда мен қолган йигирма олти йилдагидан кўпроқ иш қилдим ва яшадим. Шундай экан, у мени Швейцарияга боришимни истаяптими, мен бораман. Бунинг оқибатлари мени қизиқтирмайди.

Орага узоқ жимлик чўкди.

– У Лили холанинг ўзи, – шивирлади дадам.

Биз бир-биримизга қараганча, жим қолдик. Дадам ва Катрина бир-бирларига ким бу жимликни биринчи бўлиб бузаркин, дегандек қараб қўйишди.

– Агар борадиган бўлсанг, Луиза, – жимликни бузди ойим, – бу ёққа қайтиб кела кўрма.

Ойимнинг сўзлари оғзидан худди тош каби ерга тушди. Мен ҳайрат билан онамга боқдим. У кўзларини олиб қочмасдан, сўзлари менга қандай таъсир қилаётганини кузатишда давом этди. Орамизда кўзга кўринмас девор пайдо бўлди.

– Ойи...

– Мен жиддий айтаяпман. Бу қотилликдан бошқа нарса эмас.

– Жози...

– Ҳа, Бернард. Мен бунда иштирок этолмайман.

Эсимда, ҳеч қачон Катринани бундай ишончсиз ҳолда кўрмагандим. Мен дадамнинг қўли ойимнинг қўлига ё қўллаш ёки аксинча, маънода текканини пайқадим. Бошимда ҳеч вақо йўқ эди. Нималар қилаётганимни ўзим ҳам тушунмаган ҳолда, жомадонимни кўтарганча, ота-онам ёнидан ўтиб, чиқиш эшигини очдим. Бир лаҳзадан кейин синглим орқамдан эргашди.

Дадамнинг қўллари ойимнинг кафтига қўнди. У ойимнинг кўзларига разм солди ва бизга эргашди.

Дадам отган машина калитини Катрина ҳаводан илиб олди.

– Орқа эшикдан чиқинглар, – деди у. – Миссис Доггертининг боғидан кўчага ўтсанглар, у ерда фургоним турибди. Фургонда сизларни пайқамай қолишади. Ҳозироқ жўнасанглар, тикинлар кўп бўлмаса агар, улгуришларинг мумкин.

Катта йўлга чиқиб олганимиздан кейин, Катрина менга кўз қирини ташлади:

– У ердагилар нимага қарор қилишганидан хабардормисан?

– Йўқ.

Мен унинг кўзларига узоқ қарай олмасдим – ниманидир унутиб қолдирмадимми, дегандек сумкамни ковлаштирдим. Калламда миссис Трейнорнинг овози жарангларди. «Луиза? Етиб келолмайсизми? Биладан, ораларингда маълум келишмовчилик мавжуд, аммо... Илтимос, зудлик билан етиб келинг, бу жуда муҳим».

– Ойимни ҳеч бундай аҳволда кўрмагандим, – давом этди Катрина.

«Паспорт, ҳамён, калитлар». Айтгандай, калитларнинг нима кераги бор? Ахир энди уйим бўлмаса...

Катрина яна менга кўз қирини ташлади:

– Ойимнинг жуда аччиғи чиқди. У эрта-индин ўзига келиб қолади. Мен ҳомиладор бўлиб қолганимдаям у мен билан бошқа гаплашмаса керак, деб ўйлагандим. Унга жахлидан тушиши учун бор-йўғи икки кун керак бўлди.

Мен унинг гапларини қулоғимнинг бир учи билан тингланча, эътибор бермасдим. Олдиндаги Уилл билан учрашув онларини тасаввур қилардим, холос. Фақат тезроқ ҳаракат қилиш керак.

– Катрина?

– Ҳа?

– Мен рейсга кеч қолмаслигим керак, – дедим буйруқ оҳангида.

Менинг синглим – тез қарор чиқаришда тенгсиз. Биз тикинларни йўл четидан айланиб ўтдик, равон йўлда ўқдек учдик ва ниҳоят аэропортга етиб келдик. Мен аэропортга чопиб кетаётганимда унинг овозини эшитдим:

– Эй! Лу!

– Узр, – мен ўгирилдим ва унинг олдида чопиб бордим.

У мени маҳкам бағрига босди.

– Сен тўғри қилаялсан, – деди Катрина. У йиғлаб юборишга ҳам тайёр эди. – Энди эса югур. Мабодо рейсга кечикадиган бўлсанг, сен билан умрбод гаплашмайман.

Мен ўгирилмадим. То «Свисс эйр» пештахтасигача югуриб бордим-да, учинчи уринишдан сўнггина ўз номимни айтиб, чиптамни қўлга олдим.

Мен Цюрихга ярим тунда етиб келдим. Тун пайтини



хисобга олган миссис Трейнор менга меҳмонхонадан жой банд қилиб қўйган, тонгги тўққизда эса мени машина келиб олиб кетар экан. Мен ухлолмасам керак, деб ўйлагандим, ammo айқаш-уйқаш тушлар кўриб ухладим ва уйғонганимда соат етти бўлиб қолганди. Ўзимни ва қаердалигимни билолмай анча довдирадим.

Мен атрофимга уйқусираган ҳолда разм солиб чиқдим. Нотаниш хона, қуёш нурларини ўтказмайдиган оғир ва тўқ қизил пардалар, катта телевизор, мен очишга ҳам улгурмаган жомадоним. Соатга қарасам, маҳаллий вақт билан еттидан сал ўтибди. Қаердалигимни англаганимдан кейингина ҳаракатга тушиб қолдим.

Оппоқ чинни кошинлар қопланган ваннахонада яна ойимнинг гаплари ёдимга тушди. Юрагимга ваҳима оралади. Мен бунга тайёр эмасман ва яна енгилишни истамайман. Уиллнинг жон таслим қилишига жимгина қараб туролмайман. Кўнглим айний бошлаганди.

Нонушта қилолмадим. Бир финжон қаҳвани аранг ичдим. Ювиниб, кийиниб олганимда соат саккиз бўлганди. Ҳозир биз томонларда соат етти. Катринага телефон қилсаммикин? У ҳозир Томасни кийинтираётган бўлса керак. Ойим билан бари бир гаплаша олмайман.

Айтгандай, бу маросимга ҳамма қора кийимда келишса керак. Мен кийиб олган оч яшил кўйлагим мос тушмасачи? Балки, Уилл ёқтирадиган қизил кўйлагимни кийсамми? Мен дераза рафига ўтириб, ташқарига қарадим. Вақт ўтиши кийинлашарди.

Ҳаётда ҳеч қачон ўзимни бу қадар ёлғиз ҳис этмагандим.

Бу хонада қолишга ортиқ тоқатим етмаганидан кейин, нарсаларимни сумкамга тикдим ва чиқиб кетдим. Газета сотиб оламан-да, холлда кутиб тура қоламан. Бу ерда қолишдан кўра шуниси маъқулроқ. Меҳмонхона маъмури ёнидан ўтаётиб, бурчакда турган компьютерга кўзим тушди. Унга: «Меҳмонлар учун. Маъмурга мурожаат қилинг», – деган ёзув осиб кўйилганди.

– Фойдалансам майлими? – дея маъмурдан сўрадим.

Маъмур аёл бош ирғади ва мен бир соатлик жетон сотиб олдим. Ҳозир айнан ким билан гаплашиб олишим кераклиги менга равшан бўлди. Унинг бундай барвақт пайтда тармоқда бўлишига ишонардим. Мен чатга кирдим ва хабарни ёздим:

Ричи! Сен шу ердამисан?

Хайрли тонг, Асаларича. Жуда барвақт кўшилибсан.

Бироз кутгач, ёздим:

Мени ҳаётимдаги энг ғалати кун кутмоқда.

Мен Швейцариядаман.

Ричи бунинг нималигини биларди. Форумдаги ҳамма бунинг нималигини билишарди. Клиника ҳақида жуда кўп баҳслар бўлиб турарди. Мен ёздим:

Мен жуда кўрқаяпман.

Унақада бу ерга нега келдинг?

Бошқача йўл тутолмасдим. Унинг ўзи шуни сўради. Мен меҳмонхонадаман. Тезда унинг олдига бораман.

Бироз ўтиб, кўшиб кўйдим:

Кун қандай тугашини тасаввур қилолмайман.

Бечора Асаларича!

Унга нима десам бўлади? Қандай қилиб қарорини ўзгартира оламан?

Ричи дарров жавоб бермади. Экрандаги сўзлар жуда секинлик билан пайдо бўлар, уларни танлаш осон кечмаётганлиги кўриниб турарди.

Агар у Швейцарияда экан, қарорини ўзгартирмаслиги аниқ.

Томоғимга бир нарса тиқилиб қолгандек бўлди, мен ютишиб олдим. Ричи ёзишда давом этди:

Бу менинг танловим эмас. Форумнинг асосий аъзоларининг ҳам танлови бунақамас. Менинг ҳаётим, гарчи бошқачасини хоҳласам-да, ўзимга ёқади. Дўстингнинг тоқати тоқ бўлганини тушуниб турибман. Агар у шунга қарор қилган бўлса, келажакнинг фақат қора бўёқларда кўраётган бўлса, энг яхшиси – сен унинг ёнида бўлишинг. Сен унинг қарорини қўллашинг шартмас – ёнида бўлсанг бас.

Менинг нафасим буғила бошлади.

Сенга омад тилайман, Асаларича. Бари тугаганидан кейин менга хабар қил. Сени турли муаммолар кутаётган бўлиши мумкин. Нима бўлганидаям, сендай дўстим борлигидан хурсандман.

Менинг бармоқларим клавиатура устида муаллақ қолди. Мен ёздим:

Хабардор қиламан.

Кейин маъмур менга машина келганлигини айтди.

Мен нималарни кўришни кутганлигимни аниқ айтолмайман. Балки, кўл бўйидаги ёки қорли чўққилар пойидаги оппоқ бинони, балки, мрамор деворига зарҳал ёзувли таблич-

ка маҳкамланган шифохонани тасаввур қилгандирман. Аммо хеч ҳам саноат ҳудудидаги фабрикалар ва футбол стадиони куршовида жойлашган оддийгина бинони эмас. Мен ерга ташлаб қўйилган тахта йўлак бўйлаб, тилла балиқчалар сузиб юрган ҳовуз ёнидан ўтдим ва бино ичига кирдим.

Эшикни очган аёл кимни қидириб келганлигимни дарров фаҳмлади:

– У шу ерда. Бошлаб борайми?

Мен жойимда қотдим. Уилларнинг флигелидаги эшикка ўхшайдиган ёпиқ эшикка тикилганча, нафасимни ростладим ва бош ирғадим.

Уни кўришдан олдин каравотга кўзим тушди. Қизил ёғочдан ишланган жиҳозлар хонани тўлдириб турар, эски урфдаги кўрпа ва ёстиқлар кўзимга ғалати кўринарди. Каравотнинг икки четида эр-хотин Трейнорлар савлат тўкиб ўтиришарди.

Худди арвоҳга ўхшаб, юзидан қони қочган миссис Трейнор менга кўзи тушгач, ўрнидан турди:

– Луиза.

Жоржина бурчакдаги креслода эгилганча, худди ибодат қилаётгандек қўлларини жуфтлаб ўтирарди. Мен кирганимда у бошини кўтариб, менга тикилди. Унинг кўзлари қайғудан қизарган, остида тўқ доғлар пайдо бўлганди ва менинг унга нисбатан юрагим ачишиб кетди.

Агар Катрина ҳам мана шундай қарорга келганида мен ўзимни яна қандай тутган бўлардим?

Хона жуда кенг ва муҳташам эди. Кошин қопланган полда қимматбаҳо гиламлар тўшалган, узоқ тўрдаги диван ортидаги ердан-шифтгача бўлган ойнаванд деразалардан кичкина боғ кўриниб турарди.

Мен каравот томонга ўтирилдим.

– Кўриниб турибди, – дедим сумкамни кифтимдан туширмасдан. – Бу ердаги хизмат кўрсатиш унчалар юксак эмас экан.

Уилл иккимизнинг нигоҳларимиз тўқнаш келди ва менинг барча хавотирларим йўққа чиқиб, ўрнини шодлик эгаллади. Йўқ, шодликмас, қандайдир ёқимли енгиллик. Худди оғриётган жойим кесиб ташланган ва отиб юборилгандек.

Шунда у жилмайди. Унинг табассуми ҳам таниш, ҳам жозибали эди.

Ҳайратланарлиси, мен ҳам унга жавобан чиройли жилмайиб қўйдим.

– Хона жуда кўркам экан, – дедим ва шу заҳоти бу эътирофимнинг қанчалар аҳмоқона эканлигини англадим ҳам.

Жоржина Трейнор кўзларини юмди ва қизариб кетди.

– Мен Лу билан гаплашиб олмоқчиман. – Уилл онасига қаради. – Сиз қаршимасмисиз?

Миссис Трейнор жилмайишга ҳаракат қилди. Унинг нигоҳида бир вақтнинг ўзида бир қанча туйғулар – енгил тортиш, миннатдорлик, уларни бир неча дақиқага чиқиб туришлари ҳақидаги талабдан енгилгина норозилик, менинг пайдо бўлишимдан ўғлининг тақдири яна одатдаги изга тушиб кетишига бўлган ожизгина умид аралаш-қуралаш эди.

– Албатта.

Миссис Трейнор менинг ёнимдан ўтаркан, унинг узатилган қўли елкамга тегиб ўтди. Кўзларимиз учрашганида унинг нигоҳи юмшаб, бир лаҳзага бошқа одамга айланди ва кейин кизи томонга ўгирилди.

– Жоржина, юрақол, – деди у ҳамон тошдек қотиб ўтирган кизига.

Жоржина индамасдан секин жойидан турди ва бор кўришидан норозилигини намойиш этганча, шошмасдан онасига эргашди. Мистер Трейнор бизларга бош ирғаганча, уларнинг ортидан чиқиб кетди.

Биз иккимизгина қолдик.

Уилл ёстиққа суянган кўйи ярим ўтириш ҳолатида бўлганлигидан чап томонидаги ойнадан кичкина боёдаги фавворача отаётган шаффоф сувга тикилиб ўтирарди. Деворда георгина гулларининг сурати чорчўпга солиб қўйилганди.

– Шундай қилиб...

– Сен...

– Мен сени қарорингдан қайтаришга ҳаракат қилмайман.

– Сен бу ерда экансан, демак менинг қароримни қабул қилгансан. Бахтсиз ҳодисадан кейин илк бор мен жараённи бошқариб турибман.

– Биладан.

Шу холос. У буни биларди, мен ҳам билардим. Менга бу ерда бошқа қиладиган иш ҳам йўқ.

Ҳеч нарсани гапирмаслик қанчалар қийин. Мен аэропортдан бу ерга келганча, бир оғиз гапирмасдан, жим ўтирдим, дея машқ қилиб келгандим. Шунда ҳам бу жуда қийин эди. Мен ниҳоят тилга кирганимда, менинг овозим жуда сипиқ чиқди.

– Сени жуда соғиндим.

Уилл қандайдир енгил тортди.

– Ёнимга кел. – Мен жойимда қолдим ва у давом этди. – Илтимос, ёнимга кел. Каравотга ўтир. Ёнимга.

Мен унинг юзидаги енгиллашиш аломатларини найқадим. У хурсандлигини сўз билан ифодалай олмаётган эди. Унинг айтганларини қилишимнинг ўзи унга етарли бўлишини англадим.

Мен унинг ёнига ўтириб, бошини бағримга босдим ва кифтлари сезилар-сезилмас титрай бошлаганини сездим.

– Кларк, менга бирор нарса айтиб бер.

Мен деразадан оч мовий осмонга тикилганча, икки кишининг тарихини ҳикоя қила бошладим. Улар иккиси ҳам аслида учрашмасликлари керак эди-ю, тақдир йўллари уларни тўқнаштирди. Улар бошида бир-бирларига ёқмади, аммо вақт ўтиб улар дунёдаги бир-бирини яхши тушунадиган энг яқин кишилар эканлигини англаб етишди.

Вақт секинлашди ва тўхтаб қолди. Асосан мен гапирар, Уилл ора-сира гап қўшиб қўярди.

– Бу менинг ҳаётимдаги энг яхши олти ой бўлди, – дедим мен.

Орага яна узоқ жимлик чўкди.

– Ишонмаслигинг мумкин, Кларк, аммо менинг ҳаётимда ҳам.

Шунда менинг юрагим ўртаниб кетди. Уиллни маҳкамрок бағримга босдим. Бу сўнгги онларимиз эди. Кўзларимдан шашқатор ёш оқа бошлади.

– Кларк, керакмас, – шивирлади у. – Илтимос, Кларк, йиғлама. Кўзларимга қара.

Мен бош чайқаганча, кўзларимни юмиб олдим.

– Менга қара, илтимос.

Мен унга қаролмасдим.

– Биладан, аччиғинг чиқаяпти. Сенга шунчалар азоб бераётганим учун мени кечир.

– Йўқ... – дедим яна бош чайқаганча. – Гап бунда эмас.

Биз яна сукут ичра қолдик. Ташқаридагиларнинг у ёқдан-бу ёққа бориб-келишлари элас-элас қулоғимизга чалиниб турарди.

У менга айбдорларча жилмайди.

– Кларк, – деди у астагина. – Ташқаридагиларни чақириб келасанми?

**СУД ТАЪҚИБИ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
ҚИРОЛЛИК ХИЗМАТИ**  
Уильям Жон Трейнорга тегишли  
иш бўйича Бош прокурор диққатига  
4 сентябрь 2009 йил

Юқоридаги иш бўйича терговчилар бу ишга алоқадор барча иштирокчиларни сўроққа тутди ва мен барча мувофиқ келувчи ҳужжатлар солинган жилдни илова қилдим.

Тергов предмети сифатида Лондон-Ситида жойлашган «Мэддингги-Льюинс» фирмасининг собиқ ҳамкори, 35 ёшли мистер Уильям Трейнор ҳисобланади. Мистер Трейнор 2007 йилда йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида умуртқа шикастланишига учраган ва унга квадриплегия ташхиси қўйилган бўлиб, бир қўли қисман ишлаган, ўзи эса доимий қаровга муҳтож бўлган. Унинг тиббий картаси илова қилинмоқда.

Маълумотлардан кўришиб турибдики, мистер Трейнор Швейцарияга отланишидан олдинроқ ўз ишларини тартибга келтиришга ҳаракат қилган. Унинг адвокати, мистер Майкл Лоулер миждозининг мақсадлари битилган ва имзоланган аризаси, шунингдек, клиниканинг бошланғич консултацияларига оид барча ҳужжатларнинг нусхаларини бизга жўнатган.

Трейнорнинг оиласи ва дўстлари унинг ўз жонига қасд қилиш истагидан яқдиллик билан даҳшатга тушишган, аммо унинг касаллик тарихи ва бир неча бор ўз жонига қасд қилишларига бўлган уринишларидан (бу ҳолат шифохона томонидан берилган касаллик варақаларида батафсил қайд этилган ва улар ҳам илова қилинган) сўнг, унинг руҳан соғломлиги ва иродали эканлиги назарда тутилган ҳолда, ушбу мақсадда махсус тузилган шартномага кўра, олти ойлик муддат мобайнида уни ўз қароридан қайтариш иложи бўлмаган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мистер Трейнорнинг меросидан манфаатдорлардан бири – унинг қаровчи энагаси Луиза Кларкдир. Мистер Трейнорнинг мисс Кларк билан

муносабатларининг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг Луиза Кларкка нисбатан бу қадар сахийлигига доир бир қатор саволлар очиқ қолган, аммо бошқа ворислар мистер Трейнорнинг имзоси билан тасдиқланган истакларига қарши бориш ва эътироз билдириш ниятлари йўқ. Мисс Луиза Кларк полиция томонидан батафсил сўроққа тутилган ва полиция унинг мистер Трейнорни қароридан қайтаришга кўлидан келганча, ҳаракат қилганлигини инобатга олган (Мисс Кларк исбот сифатида «Саргузаштлар календари»ни тақдим қилган).

Яна шуни таъкидлаш лозимки, мистер Трейнорнинг онаси, кўп йиллардан бери яраштириш судида судьялик лавозимида ишлаган миссис Камилла Трейнор мазкур иш атрофида пайдо бўлган оммавий муҳокамалар оқибаотида ўз лавозимидан истеъфога чиққан. Эр-хотин Трейнорлар бу ишдан кейин ажрашиб кетишганларига изоҳ талаб қилинмаса керак.

Гарчи Суд таъқиби ишлари бўйича Қироллик хизмати хорижий клиникаларда эвтаназия қилинишини кўллаб-қувватламаса-да, тўпланган далилга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, мистер Трейнорнинг оиласи ва энагалари хатти-ҳаракатлари эвтаназия бўйича ва мархумнинг яқинларини суд таъқибига олиниши бўйича қонунчилик четарасидан ташқарига чиқмаган.

1. Мистер Трейнор мустақил яшашга лаёқатсиз, деб топилган ва бундай қарорга «ўз ихтиёри, яхши хабардорлиги, мулоҳазакорлиги» оқибаотида келган.

2. Руҳий хасталик ёки бошқа биров томонидан шунга мажбур этилганлик аломатлари мавжуд эмас.

3. Мистер Трейнор ўз жонига қасд қилиши ҳақида бир неча бор очиқ огоҳлантирган.

4. Мистер Трейнорнинг хасталиги оғир ва давосиз эди.

5. Мистер Трейнорга ҳамроҳлик қилганлар унга жуда сезиларсиз миқдорда ҳамкорлик қилишган ёки таъсир этишган.

6. Мистер Трейнорга ҳамроҳлик қилганларнинг хатти-ҳаракатларини миждознинг талабига кўра мажбурий ҳамкорлик, деб таснифлаш мумкин.

7. Иштирок этган барча томонлар полицияга тергов жараёнида зарур кўмагини кўрсатган.

Юқорида келтирилган фактлар, томонларга берилган яхши репутациялар ва тақдим этилган далилларни ҳисобга олган ҳолда ушбу вазиятда суд таъқиби жамоатчилик манфаатларига хизмат қилмайди, деб ҳисоблайман.

Мазкур иш бўйича боғлиқ барча оммавий чиқишларга нисбатан Бош прокурорга Трейнон иши ҳеч қандай прецедент пайдо қилмаслиги ва бундан буён Суд таъқиби ишлари бўйича Қироллик хизмати ҳар бир алоҳида ишни унга хос бўлган хусусиятлар ва шарт-шароитларга кўра кўриб чиқилишини билдириб ўтаман.

Энг яхши тилаклар ила,

Шейла Маккиннон,  
Суд таъқиби ишлари бўйича  
Қироллик хизмати



## Эпилог

**М**ен шунчаки қўлланмага кўра ҳаракат қилдим. Мен қаҳвахонанинг тўқ зангори айвони остида ўтирганча, Рю де Фран-Буржуани томоша қилар, Париж кузининг илиққина қуёши ёноқларимга ҳарорат бағишларди. Официант бу ердагиларга хос чаққонлик билан олдимга ликопдаги крауссанлар ва қаҳвани қўйиб кетди. Сал наридаги светофор остида икки велосипедчи тўхташди ва суҳбатлаша бошлашди. Улардан бирининг орқасидаги кўк рюкзакдан иккита узун батон нон учи чиқиб турарди. Ҳаракатсиз ва рутубатли ҳавода қаҳва, ширишликлар ва аччиқ сигарет ҳиди омухта эди.

Мен Катринанинг хатини ўқиб чиқдим. Унинг ёзишича, телефон қилиши ҳам мумкин экану, аммо бу жуда кўп пулни еб қўяркан. Катрина бухгалтерлик ҳисоби иккинчи курсини ҳаммадан яхши тугаллабди ва Сандип исмлиқ йигит билан танишибди. У отасининг Хитроудаги импорт-экспорт ишини давом эттиришга иккиланиб турган экан. Муסיқий диди эса синглимникидан ҳам баттар эмиш. Томас кейинги синфга ўтганидан боши осмонда экан. Дадам ишини қойиллатиб эплаётгани мени қувонтирди ва менга ҳам салом айтипти. Синглимнинг фикрича, ойим ҳа демай мени кечириб юбораркан. «Ойим сенинг хатингни олганлиги аниқ, – деб ёзарди у. – Сенинг хатингни ўқиганлигини биламан. Унга пича вақт бер».

Мен қаҳва хўплаганча, икки ойдан бери ўзим билан олиб юрган бошқа бир мактубни олдим.

Унинг жилдида катта-катта ҳарфлар билан шундай битиклар ёзилган эди:

БУНИ РЮ ДЕ ФРАН-БУРЖУАДАГИ  
«МАРКИЗ» ҚАҲВАХОНАСИДА,  
КРАУССАНЛАР ВА ҚАЙМОҚЛИ  
ҚАҲВА БИЛАН БИРГА ЎҚИ

Буларни конверт юзида биринчи бор ўқиганимдаёқ кулиб юборгандим – Уиллнинг ўзи! Охирги марта бўлсаям буйруқ беряпти.

Официант – олдига чўнтагидан ҳисоб қоғозлари чиқиб турган пешбанд тақиб олган баланд бўйли йигит – мен томонга ўгирилди ва нигоҳимни тутди. Унинг кўтарилган қоши саволга тутди: «Ҳаммаси жойидами?»

Мен бош ирғаб қўйдим.

Хат компьютерда терилганди. Мен бир пайтлар Уилл жўнатган откриткадаги шрифтни танидим. Мен стулга суянганча, хатни ўқишга тутиндим.

*Кларк,*

*бу хатни ўқиётганингда орадан бир неча ҳафта ўтган бўлади. Сенинг янги орттирган ташкилотчилик қобилиятингни ҳисобга олган ҳолда, ҳам сен Парижга сентябрь бошланишидан олдин етиб борганингга шубҳам бор. Умид қиламанки, қаҳва ширин ва қуюқ, крауссанлар янги, ҳаво ҳам ташқаридаги ўриндиқларда ўтириш учун мос тарзда қуёшли. «Маркиз» ёмон жоймас. Бу ерда тушлик қилишни хоҳласанг стейк ҳам жуда мазали. Чап томонга қарасанг, атторлик дўкони бор. У ерда сенга ёқадиган фаранг атирлари мўл.*

*Бўлди, шу ерда қўлланмаларимга нуқта қўяман. Яна бир неча нарсалар ҳақида сенга шахсан айтмоқчи бўлганларим ҳам бору, аммо сен менга навбат бермай гапирганинг гапирган эди. Ҳа, тинмай бидирлардинг.*

*Демак: Майкл Лоулердан олган конвертингдан чиққан чек – бу сенга қолдирилган маблағнинг бир қисми бўлиб, ишсиз қолган ҳафталарингда кун кўришинг ва Парижга етиб олишинг учун етарли бўлади.*

*Англияга қайтиб борганингдан кейин, бу хатни Майклнинг Лондондаги офисига олиб бор. Майкл ўзи томонидан мен учун сенинг номингга очилган ҳисобдан фойдалана олишингга зарур бўладиган ҳужжатларни тақдим қилади. Бу ҳисобда сен ўзингга уй сотиб олишинг, коллежга кундузги ўқишингга тўлов учун етарлича маблағ бор.*

*Ота-онам бундан хабардор қилинадилар. Майкл сенда юз берадиган барча муаммоларда ёрдамини аямайди.*

*Кларк, нафас олишинг тезлашаётганлигини эшитиб тўрибман. Ваҳимага тушма ва пулни қайтаришга уринма – улар*

сенинг уйда умрингни охиригача диванда чўзилиб ётишингга етадиган даражада кўп эмас. Аммо улар сенга бу диққинафас шаҳарчадан кетиб, озодлик сотиб олишингга бемалол етади.

Мен сенга бу пулларни – мени соғинишинг, мендан қарздорлик туйғусини ҳис қилишинг ёки мени хотирамни ҳурмат қилишинг учун қолдираётганим йўқ.

Мен уларни – ҳаётимдан яхши нарсалар кам қолганлиги учун берайман. У ҳам бўлса – сенсан.

Мен билан учрашиш сенга қайғу ва оғриқ келтирганлигини яхши англайман ва бир ажойиб кунда, ғазаб ва афсусларинг пасайганида сен менинг бошқача йўл тута олмаслигимни тушуниб етасан. Айнан шу сенга биз учрашмаганимиздан кўра яхшироқ, чинакам ҳаёт кечирингга ёрдам беради.

Аввалига бу ўзгариб турувчи оламда сенга кўнглингдагидек бўлмаслиги мумкин. Ўрганиб қолган уйингни тарк этиш ҳамма вақт осонмас. Аммо сен бундан ўзинг учун ўзгача иштиёқ топасан, деб умид қиламан. Сув остида сузишдан қайтган пайтингда юзингдаги ифода шундан далолат бериб турганди. Сенда иштиёқ, қўрқмаслик бор. Аммо кўпчилик кишилар сингари сен уларни кўмиб юборгансан.

Сен ҳам баланд бинолардан сакрашинг, китлар билан бирга сузишинг ва ҳоказоларни қилишинг керак, демоқчимасман. Тўғриси, сени бу машғулотлар билан тасаввур қилиш менга ёқади. Шунчаки ёрқин ҳаёт кечир. Ўзингни хилалаб тур. Эришганларингда тўхтаб қолма. Ола-була чулкиларингни ғурур билан кийиб юр. Агар бирортаси билан умр йўлингни боғламоқчи бўлсанг, пулларингни бир қисмини яшириб қўй. Ўз танловинг борлигини билишинг – бу сенинг ютуғинг. Буни сенга тақдим қила олганимни билишим – менга юпанчдир.

Мана, барини айтиб бўлдим. Кларк, сен менинг юрагимга нақшлангансан. Сен менинг ҳаётимга ўша бачкана кийимларинг, ноўрин ҳазилларинг ва кўнглингдагиларни яшира билмасликларинг билан кириб келган ондан бошлаб, кўнглимни забт эта олгандинг. Бу пуллар сенинг ҳаётингни ўзгартира олишидан кўра, кўпроқ сен менинг ҳаётимни ўзгартириб юбора олдинг.

Мен ҳақимда кўп ўйлаб юборма. Сени ғамгин туйғулар исқанжасида тасаввур қилиш менга ёқмайди. Шунчаки яхши яша.

Шунчаки яша.

Сени севиб қолувчи,

Уилл

Кўз ёшим столча устига томди. Мен кафтим билан ёноғимни артдим ва хатни букладим. Кўзларим равшан тортиши учун бир неча дақиқа керак бўлди.

– Яна қаҳва келтирайми? – деди ёнимга қайтган официант.

Мен унга қараб киприкларимни қоқдим. У мен ўйлагандан ҳам кўра ёшроқ эди ва ундан хушмуомилалик уфуриб турарди. Париж официантлари қаҳвахонада кўз ёши тўкаётган аёлларнинг кўнглини олишни ўрганиб кетган бўлсалар керак.

– Балки... коньяк? – У хат томонга кўз қирини ташлади ва маънодор жилмайди.

– Йўқ, – жавобан жилмайдим мен. – Раҳмат. Менинг... менинг ишларим бор эди.

Ҳисоб-китоб қилгач, хатни авайлаб жилдига жойладим ва чўнтагимга солиб қўйдим.

Жойимдан тургач эса кифтимдаги сумкамни тўғрилаб, кўча бўйлаб атторлик дўконига ва бутун Париж сари отландим.

(Тамом)

**Аннотация:**

Луиза Кларк бекатдан ўз уйигача неча қадамлигини билади. У яна қаҳвахонадаги иши ўзига ёқиши ва анча йиллардан бери дўстлашиб юрган йигити Патрик ўзига унчалар ёқмаслигини ҳам билади. Аммо у тез орада севимли ишидан айрилишини ва йўлида учрайдиган кўплаб муаммоларни енгиш учун қанча куч-қувват кераклигини ҳали билмайди.

Уилл Трейнор ўзига келиб урилган мотоциклчи унинг яшашга бўлган иштиёқини парчалаб ташлаганлигини билади. Буларнинг барига нуқта қўйиш учун нима қилиш кераклигини ҳам билади. Бироқ у ҳаётига тез орада Луиза Кларк бир олам ранг-баранглик олиб киришини ҳали билмайди. Уларнинг иккаласи ҳам бир-бирларининг ҳаётида катта ўзгариш ясашларини ҳали замон билишмас эди.

**Ушбу ўзбек тилида нашр этилган китобни  
тўлиқ ёки қисман босиш, электрон шаклини эълон қилиш  
ва муаллифлик ҳуқуқини бузиб, бошқа мақсадларда  
фойдаланиш қонунга мувофиқ таъқиб қилинади.**

*Адабий-бадиий нашр*

Лойиҳа муаллифи: Элзод Султонов

**ЖОЖО МОЙЕС**  
**ТО СЕНИ**  
**ТОПГУНИМЧА**

«Sharq-ziyo zakovat» нашриёти  
Тошкент — 2020

*Инглиз тилидан  
Винерова Муштари Шуҳрат қизи таржимаси.*

Муҳаррир: *Мейлижон Садиров*  
Бадий муҳаррир: *Шаҳноза Султонова*  
Техник муҳаррир: *Нурзоид Султонов*

**Нашр лицензияси: АІ № 286,  
2016 йил 04 ноябрь санасида берилган.**

Оригинал макет «SHARQ-ZIYO ZAKOVAT» нашриёт-матбаа  
уйи таҳририятида тайёрланди, «Sharq-ziyo zakovat»  
МЧЖнинг матбаа бўлимида офсет усулида чоп этилди ва  
«OLAM NASHRIYOTI» МЧЖ матбаа бўлимида муқоваланди.

Босишга рухсат этилди 18.09.2020. Бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
«PT Serif» гарнитураси. Шартли босма табағи 19,00. Нашриёт-ҳисоб  
табағи 18,75. Адади: 1000 лусха. 02-сонли буюртма.  
Баҳоси келишилган нарҳди.

44347

84(458p)  
M68



**Жожи Мойес Лондонда таваллуд топган. Лондон университетини битирган. «Индепент» рўзномасида ўн йил ишлагач, илк романи билан дунёга танилди. 2002 йилдан бошлаб ўзини бутунлай ёзувчиликка бағишлайди. Адиба «Романтик адиблар» ассоциациясининг камдан-кам ижодкорларга насиб қиладиган «Йилнинг романтик романи» мукофоти билан икки марта тақдирланган.**

**Кичкина бир ҳаётда улугвор орзуларнинг ғамгин тарихи тараннуми ўқувчини беихтиёр йиғлатади.**

*Daily Mail*

**Фавқулудда асир этиб, ҳайратга соладиган романтик асар.**

*Daily Telegraph*

**Юрагингизни товонингизга тушириб юборадиган даражада жони-жаҳонингизни ишғол этадиган роман.**

*Heat*

**«ТО СЕНИ ТОПГУНИМЧА»  
китоби жаҳондаги 39 тилга  
таржима қилинган.**

ISBN 978-9943-5566-9-0



9 789943 556690